Among the students who answered this questionnaire, gender parity was reached. Furthermore, the majority of students also came from Tashkent city (40%), while around 25% and 20% of them came respectively from Tashkent and Samarkand regions.

The study organized by the French Agency for Ecological Transition (2014), focused on four countries, China, Germany, France, and the United States[3]. For each country, 1,000 individuals from 15 to 30 ears were interrogated. The present research project will mainly focus on answers provided by French youth. For Canada, data was mainly collected from a 2016 census of 25% of the population of each of the 10 provinces of the country (territories excluded). This data focused on the population of 15 ears old and over[4] .

Since one of the research objectives of this study focused on discovering how environmental values formed among youth in different countries, one

[3] The French Agency for Ecological Transition https://www.ademe.fr/en/ademe-

[4] Arriagada P. et Pinault L. 2022. Portrait des jeunes au Canada: rapport statistique. Chapitre 5, Les jeunes et l'environnement. https://publications.gc.ca/

question from this survey involved the household size of the respondents. According to survey results, household size for the overwhelming majority of interrogated students (96%) was between 3 to 10 people. These demographics are quite different from Canadian and French results. Indeed, in these two countries, average family size is 2.5 (Statstics Canada, 2018) and 2.19 (Insee, 2022), respectively.

**Results Analysis**

***The definition of the environment in the eyes of youth***

Survey results from Canada, France, and Uzbekistan have shown that there is a dichotomy in the perception of the environment among youth from different countries. Clearly, for Uzbek youth, the environment is synonym of the natural world, its fauna, and flora. Indeed, the main narrative around the environment in Uzbekistan revolves around ecology, which can be defined as the relationship between the air, land, water, animals, plants, etc. For example, school curriculum about nature in Uzbek schools is called “ekologik ta’limni”, which can be translated into “ecological education”. In addition, the concept of ecology is also particularly present in the realm of politics and policy making in Uzbekistan. Indeed, the main political party for the promotion of the environment in the country was founded in 2008 under the name Ecological Party of Uzbekistan. Finally, the government body in charge of environmental protection in the country is entitled State Committee of the Republic of Uzbekistan for Ecology and Environment Protection.

In contrast, Canadian and French youth with environment is heavily connected to sustainable development, which has been an important component of national narratives on the environment since the 1970s. Indeed, the publication, in 1972, of the book *Silent Spring* by biologist Rachel Carson, has launched a series of high-level transnational meetings about the state of the environment. This movement started with the Earth Summit, held in 1992 in Rio de Janeiro, and resulted in the creation of the Sustainable Development Goals in 2015. So, all in all, the minds of Canadian and French youth have been shaped by this change of paradigm on the international scene.

***The place of the environment and climate change in the minds of youth***

The fact that Uzbek and Canadian youth place the priority of climate change higher than that of the environment or higher than French youth might be explained by the contexts. Indeed, Uzbekistan and Canada are known for their continental (Canada) to extreme continental (Uzbekistan) climate. This type of climate can be characterized by extreme weather, both in winter and summer, with an abundance of snow and sunny days, but sparse rain. Recently, both countries have seen a reduction in snow falls and an increase in rain, even fewer extreme temperature in the winter for Canada. Concurrently, Arriagada and Pinault (2022) confirm that climate change is particularly

perceptible in the northern parts of the country. On the other hand, climate change might be less obvious in France, with its temperate climate.

What transpires from the above-mentioned results is the clear responsibility that youth in both Canada and France feel with regards to climate change. This situation might indicate that youth from these countries are somewhat aware of the impact of their country at the global level. For example, a 2021 report from the Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO) shows North America contributes to 11% of global land degradation. These issues are often brought to the attention of the media, notably when they are related to problem with indigenous communities in the country, or when they create issues outside of Canada[5]. The most recent of these events being the collapse of the dam in the Canadian Aurizona mine situated in the State of Maranhão, Brazil. For this reason, Canadian youth might feel a particular responsibility towards climate change. The same situation happens in France, where the oil company Total has recently been brought to court by French and Ugandan non-governmental organizations because of the firm's project to drill 400 oil wells in a natural reserve in Uganda.

***Environmentally-friendly habits among the youth***

According to results in different studies, youth is particularly mindful of energy consumption. Energy consumption is seen by youth in different countries in a variety of manners. For example, in Canada, where life is heavily dependent on cars due to travel distances, energy savings are about the use of alternative modes of transport, such as walking, bicycles, and carpooling[6]. For French youth, saving energy is about optimizing the use of electric devices and turning off lights when not using a room[7].

The second most important environmentally friendly activity for Uzbek youth is saving water, while French youth is less likely to perform this activity on a regular basis. This might be due to the fact that access to water varies from country to country. Indeed, water stress level are quite low in Europe (8.3%), but reach 20% in North America, and even exceed 70% Central Asia (FAO, 2021). Water scarcity might hence be a factor driving the emphasis on saving water among Uzbek and Canadian youth.

By contrast, recycling does not rank high either for French or Uzbek youth, while Canadian youth is much more involved in such activities. This can be explained by the fact that the Canadian recycling system is much more developed than in the two former countries. Indeed, this system not only involves paper and plastic recycling; Canadians also have access to a

[5] FAO, 2021. https://www.fao.org/3/cb4476en/cb4476en.pdf
[6] Arriagada P. et Pinault L. 2022. Portrait des jeunes au Canada: rapport statistique. Chapitre 5, Les jeunes et l'environnement. https://publications.gc.ca/
[7] Ademe, A.S. and Alemayehu, M. (2014) Source and Determinants of Water Pollution in Ethiopia: Distributed Lag Modelling Approach. Intellectual Property Rights, 2, 1-6

consignment system for cans and glass. On the other hand, the French recycling system differs from city to city and communication or education about good practices is minimal. The same appears to be true for Uzbekistan.

Canadian and French studies about youth also show that environmental protection for this age category also involves charitable activities. In the province of Québec, Canada, this might be due to the fact that the high school system organizes mandatory volunteering hours are part of the curriculum. Some students hence have to allocate around 15 hours per school ear to such activities. In France, volunteering is more autonomous, with youth individually taking action through the signing of petitions, providing help to people in need, and donation to humanitarian aid[8].

A similar trend seems to be present among university students in Uzbekistan, who usually have access to charity organizations through their educational institutions. For example, students from Westminster International University in Tashkent founded the non-profit organization, Warm Heart Foundation, in 2011. Through this foundation, students have the opportunity to raise funds for a charitable cause or provide English and Mathematics classes to children in orphanages. Kimyo International University in Tashkent also encourages "eco volunteers" to organize activities for the protection of the environment and the improvement of society's well-being.

***Factors influencing the formation of environmental values among youth***

Survey results show that university students in Uzbekistan only talk about environmental topics occasionally with their social circle. This finding might be explained by the fact that that 72% of survey sample was above the legal age at the time of this survey. Indeed, the study implemented by the ADEME in 2014 shows that individuals in the younger spectrum of youth (15-17 ears old) are more likely to consider their family as a main source of influence regarding environmental values (58%). Later on, however, this tendency seems to diminish.

This trend might be explained by the fact that as teens age and reach maturity, they also stabilize their values and are less likely to be influenced by their social circle. As individuals become independent, their environmental values can also become more personal.

A contradictory finding however, is the fact that environmental subjects also emerge rarely in conversations with classmates or colleagues. This is true especially if we consider the fact that, in Uzbek universities, environmental issues are often raised. For example, public higher education institutions, especially those offering technical programmes, provide ecological education.

---

[8] Ademe, A.S. and Alemayehu, M. (2014) Source and Determinants of Water Pollution in Ethiopia: Distributed Lag Modelling Approach. Intellectual Property Rights, 2, 1-6.

Similarly, private universities, such as Kimyo International University in Tashkent, offer modules entitled “Green Economy and Ecology” and “Business ethics” to Business, Economics, and Marketing students. Moreover, even in public universities, with WIUT proposing an optional class on the topic of Sustainable Development.

Finally, media exposure and the environment are also of explored in this study, showing that social media only plays a minor role in the conversation about environmental issues for most students (Uzbekistan, France, etc.). In Uzbekistan, the scenario is similar when it comes to conventional media.

However, in France and Canada, television programmes and the radio are much more likely to play a role in the dissemination of information regarding the environment. All major television channels have a section dedicated to environmental news: CBC Climate (Canada) and TF1 Environment/Ecology (France). The same is true for the radio: Radio Canada Environment, France Inter’s programme “The Environment’s Chronicle” or France Culture’s “Environment” programme. Only the press does not have dedicated Once again, this trend might have been influenced by increasing international concerns for the environment since the last few decades.

## CONCLUSION

In conclusion, through this study, we can observe that the main difference in environmental values among youth from Canada, Uzbekistan, and France is the choice of vocabulary. In the first two countries, youth seems to understand the environment in terms of sustainable development, while Uzbek youth associates it with ecology. As a result, we can consider that environmental values among the latter are more about relationships and systems, while for the former, they are more economic.

Secondly, overall, youth from all three countries are involved in very similar activities for environmental protection. At the individual level, these activities focus more on sobriety and trying to use resources. On the other hand, youth from Canada, France, and Uzbekistan does not hesitate to participate to fund raising or charitable activities to protect the environment and people in need. For this reason, we can say that, regardless of the country of origin, environmental values also include solidarity with people in need.

Finally, according to survey results in the three countries, exposure to the environment often happens in an academic setting. However, Canadian and French youth appear to be more exposed to environmental issues through conventional and social media than Uzbek youth.

In order to continue the reflection on this research topic, further research projects could include going into more details into environmentally friendly actions among Uzbek youth. It is also proposed here to study more in

depth what motivates Uzbek youth to get involved in such actions, as well as the barriers to environmental involvement among youth.

## REFERENCES

1. Ademe, A.S. and Alemayehu, M. (2014) Source and Determinants of Water Pollution in Ethiopia: Distributed Lag Modelling Approach. Intellectual Property Rights, 2, 1-6.

2. Arriagada P. et Pinault L. 2022. Portrait des jeunes au Canada: rapport statistique. Chapitre 5, Les jeunes et l'environnement. https://publications.gc.ca/

3. Crane and D. Matten, "Business ethics – A European perspective," Oxford University Press, Oxford, 2004.

4. Statstics Canada/ https://www150.statcan.gc.ca/n1/pub/12-581-x/12-581-x2018000-eng.htm

5. Tadaki, M., J. Sinner, and K. M. A. Chan. 2017. Making sense of environmental values: a typology of concepts. Ecology and Society 22(1): https://doi.org/10.5751/ES-08999-220107

6. The French Agency for Ecological Transition https://www.ademe.fr/en/ademe-

7. https://doi.org/10.4172/2375-4516.1000110

8. FAO, 2021. https://www.fao.org/3/cb4476en/cb4476en.pdf

**Азим ХОЛМАХМАТОВ**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти доценти в.б., (PhD)*

# ТУРЛИ ЁШ ГУРУҲЛАРИДА ҚАДРИЯТ МЎЛЖАЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, муайян ижтимоий гуруҳнинг социал қиёфасини яратиш шу ижтимоий гуруҳнинг социал статуси роллари билан бирга қадриятий мўлжаллари, мотивларини аниқлашни ҳам талаб қилади. Шу маънода социал қиёфанинг кўп қирралилиги турли қадриятлар, анъаналар, стереотипларни қамраб олиши билан изоҳланади. Ушбу жиҳатлар шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилаб, унинг хулқ-атворини муайян қолипга солиб туради. Т.Парсонснинг таъбири билан айтганда: “ҳар бир шахс ўзининг мотив ва эҳтиёжларига максимал даражада мос келувчи ролларни бажаришга ҳаракат қилади”.[1] Ушбу мотив ва эҳтиёжларнинг асосини шахснинг қадриятий мўлжаллари тизими ташкил қилади.

Қадрият тушунчаси инсон социал ҳаётининг асосий омилларидан бири бўлиб, уни бошқа тушунчалар орқали таърифлаш адекват мазмун ифода этмаганлиги туфайли, инсон учун қадр-қийматга эга маънолари билан изоҳлаш мумкин. Рус социологи В.П.Тугаринов қадрият тушунчасининг мазмунини эҳтиёж, манфаат, қиймат категориялари билан алоқадорликда очиб беради”[2]. Ёшларнинг социал қиёфасини яратишда уларнинг қадриятий мўлжалларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Инсон фаолияти давомида унинг мотивлари бир эмас, балки кўплаб қадриятлар мажмуасига асосланган бўлади. Шу маънода, қадриятий мўлжалларнинг инсон хулқ-атворини назорат қилишдаги аҳамиятини В.А.Ядов бошчилигида ўтказилган социологик тадқиқотларда ҳам таҳлил этилганлиги бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда”.[3]

Ф.Знанецкийга кўра, қадрият тушунчаси нарса феномен тушунчасидан фарқланади. Қадрият суъбектив бўлиб, у инсон учун

---

[1] Цит. по: Антонович.И.И. Толкотт Парсонс - основатель функционализма, создатель теории социальной системы // Современная американская социология-М., 2014. С.73.

[2] Цит. по: Антонович.И.И. Толкотт Парсонс - основатель функционализма, создатель теории социальной системы // Современная американская социология-М., 1994. С.73.

[3] Харчева В. Основы социологии-М., 1997. С. 127.

бирор аҳамият касб этади.[4] Т.Парсонснинг таърифига кўра, қадрият норматив стандарт бўлиб, у индивиднинг хусусий ҳолатларини қамраб олган ҳолда, социал муҳит билан шартланган хулқ-атвор тизими сифатида намоён бўлади. Ўз навбатида меъёр индивид ва жамоа учун белгиланган хулқ-атвор модели ҳисобланади".[5] Қадриятлар тизими шахснинг нисбатан барқарор жиҳати саналиб, улар инсон ҳаёти давомида интиладиган идеаллар ва эталонлар билан боғлиқ бўлади. Қадриятлар инсон фаолиятини режалаштиришга, узоқ муддат бир қолипда ушлаб туришга сабаб бўлади. Қадриятлар инсон хулқ-атворининг асосий жиҳатини, унинг алоҳида хатти-ҳаракатларини белгилайди. Бу маънода қадриятлар шахс мотивацияларини детерминлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади.[6] Қадриятлар инсоннинг тасаввурлари, дунёқараши, унинг ижтимоийлашув меъёрларини белгилайди.

Қадриятлар тизими асосан мотив ва эҳтиёжлар соҳаси билан боғлиқ. Зеро, айнан қадриятлар ёшларнинг қандай мотивлар билан боғлиқлигини тушунишга имкон беради. Қадриятлар, мотивлар, эҳтиёжлар ҳар қандай фаолиятда, шунингдек, шахснинг турмуш тарзи, бўш вақтни ўтказиш, социал кайфият, оилавий ҳаёт сингари турли жиҳатлари билан муносабатида намоён бўлади. Ёшларнинг турли гуруҳлардаги фаолияти уларнинг қадрият тизимини белгилайди. Ёшларнинг қадриятий мўлжалларининг ўзига хослиги шундаки, улар ўзлари мансуб бўлган ахлоқий ва бошқа социал меъёрларни ёқлаш билан бирга уларга нисбатан норозилик кайфиятини ҳам намоён этадилар. Чунки, қониқмаслик ҳолати ёшларнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Бироқ шунга қарамай, ёшлар турли ижодий уюшма ва гуруҳларнинг аъзоси сифатида жамиятдаги мавжуд қадриятлар тизимининг таъсирига тушишга мойил бўладилар. Бу ҳол уларнинг эмоционал таъсирчанликлари билан изоҳланади. Бундан ташқари ёшлар фаолиятини намуна сифатида кўрсатиш, уларни турли мукофот ва грантларга жалб қилиш жамиятдаги доминант қадриятлар билан муроса қилишга ундайди. Лентон мазкур ҳолатни "ҳаётий мақсад"нинг компонентларидан бири деб атайди. Ушбу социал мақсад қайсидир маънода биологик импулслар билан ҳам боғлиқ. Бироқ бу маънода биологик импулслар муҳим аҳамият касб этмайди"[7].

---

[4] См.: Г. Фотев. Флориан Знанецкий: гуманистическая социология // Современная американская социология. М., 1994. С. 51-52.
[5] Парсонс Т. Функциональная теория изменения // Американская со- циологичекая мысль-М., 1994. С.467.
[6] См.: Дробницкий О.Г. Мир оживших предметов-М., 1967. С.303-311.
[7] Мертон Р.К. Социальная теория и социальная структура // Социологические исследования. 1992. №2. С. 119.

Ёшларнинг жамиятдаги статуси турли спектордаги қадриятлар тизимини тақозо этади. У нафақат муайян қадриятлар тизимига эга бўлади, балки ўз фаолияти давомида мазкур тизимнинг ташувчиси бўлиб ҳам хизмат қилади. Хоҳлайдими йўқми, унинг шахсий қадриятлари биринчи навбатда унига ҳаётий мўлжалларига таъсир қилади.

Бундан ташқари қадриятлар индивид хулқ-атворини ва интилишларини бевосита бошқаришга қаратилган ижтимоий идеаллар билан ҳам боғлиқ тарзда намоён бўлади.

Шунингдек, қадриятлар ўзаро алоқадорлик касб этади. Бу алоқадорлик икки хил кўринишда намоён бўлади: биринчидан, қадриятлар аҳамиятлилик даражасига кўра тақсимланиб, улар иерархик тузилма ҳосил қилади. Иккинчидан, ушбу қадриятлар ўзаро уйғун, бир-бирини тўлдириш билан бирга, мўтадил, ҳатто ўзаро зид, қарама-қарши кўринишда ҳам намоён бўлади.

Ҳар бир иерархик тузилмада бўлгани каби ижодкорларнинг қадриятлар тизимини қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин:

1. Ғоят даражада маъқул кўриладиган, лекин доим ҳам амал қилинмайдиган қадриятлар;
2. Нормал деб ҳисобланадиган ҳамда кўп ҳолларда амал қиладиган қадриятлар;
3. Меъёрий бўлмаган, қораланадиган шунингдек, ахлоқсизлик, жиноят сифатида баҳоланадиган қадриятлар.

Баъзи қадриятлар мажбурий бўлиб, стандарт сифатида қабул қилинади ҳамда уларнинг воситасида муайян мақсад амалга оширилади. Айрим қадриятлар эса нормадан ташқари, прагматик қадриятлар сифатида кўрилади.

Ёшларнинг жамиятда фаол бўлиши улар шахсиятлари идентиклигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Ёшларнинг фаоллиги ўз навбатида у шуғулланадиган соҳанинг нуфузи билан боғлиқ тарзда баҳоланади.

Р.Мертонинг фикрига кўра, индивид фаолиятида касбий, яъни машғул бўлган фаолият тури орқали муваффақиятга интилиш белгиланган ролни аъло даражада бажаришга имкон яратади.[8] Мертон ўзининг мазкур ёндашувида илмий ижод билан машғул ёшларни назарда тутади. Бироқ, бизнингча ушбу фикр барчага тааллуқли саналади.

Ёшларнинг китобхон ва ўқувчиларга намуна, эталон бўлиши учун ўзидаги авторитет уйғотувчи хусусиятларини аниқ билиши ва уларни такомиллаштириб бориши лозим.

[8] См.: Сторер Н. Социология науки // Американская социология-М., 1972. С.254.

Америкалик психолог Д.Ж.Брунернинг фикрича, ёшларнинг нуфузи, уларга тақлид қилаётган, интилаётган кишиларнинг миқдори билан белгиланади. Социологияга оид инглиз луғатида: “Агар ҳокимият индивид ёки гуруҳнинг хоҳишига қарши ўз иродасини амалга ошириш бўлса, у ҳолда авторитет кишиларни бўйсундиришга қаратилган ҳокимият тури саналади. Инсонлар ушбу ҳокимиятни легитим ҳисоблаганлари учун унинг буйруқларига бўйсунадилар”-деб таъкидланган.

Шу маънода Вейбернинг умумсоциологик назарияси ёшларнинг авторитетга интилишларини таҳлил қилишга имкон беради. Легал рационал ҳамда анъанавий фаолиятни белгиловчи статус ва роллар жамланмасини амалга оширишда намоён бўлади. Харизматик авторитет эса ноодатий, ўзига хос шахс эканлигини ифодалайди. Бундай авторитетга эга бўлган ёшларнинг хатти-ҳаракати кўпинча одатий хулқ-атворлари стандартларга мос келмайди.

Ўз-ўзини идентификациялашни ҳам ёшлар статусининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Агар ёшлар ундан кутилган хулқ-атвор моделига мос келмаса, ўзини ноқулай ҳис қилади ва ўз имкониятларидан тўла фойдалана олмайди. “Табиийки, бу ҳол ўз-ўзини идентификация қилиш жараёнига таъсир кўрсатади. Ўзини идентификация қилиш билим ва малакасини оширишга, истеъдодни ўсишига, ўз устида узлуксиз ишлашга туртки беради.

Ёшларнинг индивидуал ҳолатига боғлиқ тарзда ўз билими ва иқтидорини ошириш жараёнини уч хил кўринишда таҳлил қилиш мумкин”:

1. Ўзликни англаш жараёнида аниқланган шахсий камчиликларни бартараф этиш;
2. Ўзидаги истеъдодни қайси соҳага йўналганлигини аниқлаш;
3. Статусга мос келадиган шахсий сифатларини янада такомиллаштириш[9].

Фан технологиялари тараққий этган замонавий жамиятда ҳар қандай ёш ўз билим ва истеъдодини узлуксиз, режали бир мақсадга йўналтирган тарзда ривожлантириб бориши талаб этилади. “Бундан ташқари ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда ўз-ўзини баҳолаш ҳар қандай ёшни билим ва истеъдодини оширишга, маданий, интеллектуал, маънавий, ахлоқий жиҳатдан юксалишга имкон беради”[10].

Жамиятда ёшлар статусининг нуфузи шуғулланишга мотив уйғотади. Шунингдек ёшлар фаолияти истиқболи, унинг ижобий баҳоланиши уларнинг хулқ-атворини муайян даражада стандартлашишига имкон яратади. Бу маънода ёшларнинг социал

[9] https://elibrary.ru/item.asp?id=29437631
[10] https://elibrary.ru/item.asp?id=15287085

қиёфасини яратишда уларнинг мотивларини таҳлил этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, касбий ёки ижодий фаолиятга қизиқиш асосий мотивация берувчи омиллардан бири саналади. Бу ўринда муайян касб ёки ижодий фаолиятнинг жамиятдаги аҳамияти, нуфузи, истиқболи, иқтисодий имкониятлари ва бошқа кўрсаткичлар мотивацияга сабаб бўлади. Бу ўринда мотивацион соҳа муайян фаолиятга йўналтириш, шу фаолиятга оид хулқ-атвор моделларини шакллантириш функциясини бажаради. Мотивацион соҳа муайян фаолият вужудга келишидан олдин унинг хулқ-атвор стандартларини шакллантирувчи, шунингдек, шу фаолиятдан кейин ҳам, фаолиятга оид хулқ-атвор моделларини сақлаб қолувчи омил сифатида мавжуд бўла олади.

Бу мутаносиблик аксарият ҳолларда моддий ёки маънавий рағбат кўринишида бўлади. Фаолият ёки хулқ-атворга таъсир кўрсатиш стимули онгли тарзда ёхуд, шахс томонидан ўзлаштирилган бўлиши лозим. Бу ўринда социал мотивларни эмоция, мақсад, установка каби психологик ҳолатлардан ажратиб бўлмайди. Куч ва қатъият социал мотивларнинг асосий сифатлари саналади.

Ёшларнинг мотивацион соҳасини ўрганиш улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон беради. Ёшларнинг социал қиёфасини яратишда уларнинг меҳнат фаолиятига, мотивларига ўзлари томонидан берилган баҳо асосий хусусиятлардан бири сифатида қабул қилинади. Россияда чоп этиладиган “Социология ва ижтимоий антропология” журналининг “Касбим тақдирим” номли рукнида турли соҳа вакиллари билан бир қаторда ёшлар билан ҳам интервьюлар бериб борилади.[11] Ёзувчи ва олим проффессор И.А.Голосенканинг “Социолгия ва ижтимоий антропология” журнали мухбири В.В.Козловскийга берган интервьюсида: “Мени илм ва ижод билан шуғулланишга асосан икки мотив ундаган. Улардан бири, билим олишга интилиш, иккинчиси эса туғилиб яшаган еримдаги носоғлом муҳитдан қочиш. Шу икки мотив мени илм ва ижод соҳасида кўплаб ютуқларга эришишимга туртки берди”,[12] -деб таъкидлаб ўтади.

Мотивация жараёни индивиднинг хатти-ҳаракати ва фаолияти давомида амалга ошади. Бу маънода мотивация кўплаб фанларнинг объекти ҳисобланади. Социологияда турли ижтимоий гуруҳларнинг эмпирик ўлчовлар билан қайд этилган типологик хатти-ҳаракати ва мотивлари, шунингдек, уларнинг объектив қонуниятлари ҳамда хулқ-атворни бошқариш механизмлари предмет сифатида ўрганилади.

[11] См.: Здравомыслов А.Г. Вехи научной биографии // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №3. С.5-21; Интервью с профессором И.А. Голосенко // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №2. С.5-19; Интервью с профессором В.Я. Ельмеевым // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №4. С.5-17.

[12] Интервью с профессором А.О. Бороноевым // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том. 1. №1. С. 11.

“Мотив”, “эҳтиёж”, “манфаат”, “установка” тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги ижтимоий феномен сифатида етарлича тадқиқ этилмаган. Аксарият тадқиқотчи олимлар мотивларнинг шаклланиш сабаблари ҳамда мазмун-моҳиятини ўрганарканлар, уларнинг таркибига эҳтиёж, ташқи таъсир каби тушунчаларни ҳам киритадилар.

Шу маънода ёшларнинг ўз фаолиятларига нисбатан муносабатларини касбий, меҳнат мотивлари орқали ҳам таҳлил қилиш мумкин. Социологияда меҳнат мотивларини ўрганиш қуйидаги мезонларни назарда тутади:

1. Қарор қабул қилиш жараёнида субъектив ҳолатларни аниқлаштириш ҳамда шарт-шароитни танлаш ҳаракатини амалга ошириш;
2. Шахсий ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган установкаларнинг амалга ошишига қаратилган мотивацион хатти-ҳаракатларни батафсил таҳлил қилиш;
3. Мотивацион жараёнларнинг предметли томонлари, яъни инсон хулқ-атворининг йўналганлиги ҳамда мантиқий изчилликни тақозо этувчи субъектив англанган стимулларни тизимлаштириш;
4. Касбий гуруҳларнинг турмуш тарзи шароитида доминантлашган мотивацион структураларни таҳлил қилиш;
5. Ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида шаклланган барқарор стереотиплар ва мотивларни ўрганиш;
6. Шахслараро муносабатларда ажралиб турувчи доминант мотивларни белгилаб олиш;
7. Позитив ориентацияларни шакллантириш мақсадида, индивиднинг шахсий деспозициялари таъсирида хулқ-атвор мотивларини бошқариш методларини ишлаб чиқиш[13].

Эҳтиёжлар инсон ички дунёсини турли ҳиссиётлар ва фикр-мулоҳазалар билан бойитади, шакллантиради. Замонавий тадқиқотчиларнинг ишларида эҳтиёжларнинг шаклланишига оид турли, айни пайтда бир-бирига қарама-қарши мулоҳазаларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Г.Дилигенский, Л.Жилиной, Д.Кикнадзе, А.Маргулисларнинг тадқиқотларида[14] эҳтиёж тушунчасига нисбатан турли ёндашувлар баён этилади. Эҳтиёжларнинг социал моҳияти рус социологи А.Г.Здравомысловнинг ишларида етарлича тадқиқ этилади. У бир томондан эҳтиёжларнинг зиддиятли моҳиятини ўрганаркан, уларни эҳтиёж сифатида намоён бўлувчи турли стимуллар ҳамда субъектнинг структураси билан боғлиқлигини таъкидлайди.

---

[13] См.: Социология труда-М., 1993. С.168.

[14] Дилигенский Г. Социально-политическая психология-М., 1996; Жилина Ж. Потребности, культура, потребление и ценностные ориентации личности-М., 1988; Кикнадзе Д.А. Потребности. Поведение. Воспитание-М., 1968; Маргулис А.В. Проблема потребностей в историческом материализме-Белгород. 1971.

Ижтимоий фанлар соҳасида инсон эҳтиёжларининг кўплаб таснифлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар орасида А.Мослов эҳтиёжларнинг кенг тарқалган турларини келтиради[15].

А.Мослов биологик, руҳий-маънавий, физиологик, жинсий, экзистенциал, хавфсизликка бўлган эҳтиёж каби эҳтиёжларнинг кўплаб турларини таснифлайди.

Х.Меррю эса эҳтиёжларнинг йигирмадан ортиқ турларини таснифлайди. Х.Меррюнинг мазкур таснифида ижтимоий психологик эҳтиёжларга кўпроқ урғу берилади. Ёшларнинг жамиятда самарали фаолият юритишида ушбу эҳтиёжларнинг қуйидаги турлари кўп кузатилади:

- ҳурматга лойиқ бўлиш ва машҳурликка бўлган эҳтиёж;
- муваффақиятга эришиш, бошқалардан ажралиб туришга интилиш ва юксак марраларни эгаллашга бўлган эҳтиёж;
- мақсадга интилиш, талабчанлик ҳамда ўз ютуқларини намоён қилиш эҳтиёжи;
- диққат марказида бўлиш эҳтиёжи;
- алтуристик йўналганлик, олийжаноблик, қатъиятлилик, ўз иродасини бошқаларга ўтказиш эҳтиёжи;
- ўз-ўзини ҳимоялашга бўлган эҳтиёж;
- бошқаларга ёрдам кўрсатишга бўлган эҳтиёж;
- қатъий тартиб интизомга риоя қилмаслик ва маъсулиятдан қочиш эҳтиёжи;
- ўз хатоларини муҳокама қилишдан қочиш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- мағлубият ва омадсизликларни енгиш эҳтиёжи;
- мустақиллик ва эркинликка бўлган эҳтиёж;
- гўзаллик ва мушоҳадага бўлган эҳтиёж;
- олам тартиботи ҳақида умумий саволлар бериш ҳамда шу саволларга жавоб бериш эҳтиёжи.[16]

Шунингдек, ижтимоий установка ва шахсий диспозиция ҳам индивидни муайян хатти-ҳаракатни амалга оширишига таъсир қилади.

Социал қиёфани яратишда қуйидаги ижтимоий установкалар ҳам ғоят аҳамиятли. Ушбу установкалар шахснинг фаолиятида намоён бўлувчи муносабатларни, яъни индивиднинг ўзи учун бирор маъно касб этган объектларга нисбатан муносабатларини белгилайди. Бундай установкалар қаторига муайян мақсадга интилиш, қарор қабул қилиш вақтида олдинги тажрибаларга таянган ҳолда қабул қилинадиган қарор натижаларини башорат қилиш кабиларни киритиш мумкин.

---

[15] См.: Велик А.А. Культурология. Антропологические теории культур-М., 1998. С.197-199.
[16] См.: Словарь практического психолога. Минск, 1998. С.423-424.

Рус социологик адабиётларида шахсий диспозицияга оид В.А.Ядов таклиф қилган қуйидаги гипотеза кенг тарқалган. Социологик-ижтимоий установкалар тизими иерархик тузилмага эга эканлигини таъкидлайди. У ижтимоий установкаларни шартли равишда тўртта даражага ажратади:

1. Элементар установкалар. Мазкур установкалар элементар эҳтиёжлар тўқнашганда пайдо бўлади. Улар типик стандарт вазиятлар орқали қондирилади. Ушбу установкалар индивиддан қатъий реакцияга асосланган хулқ-атвор шаклини талаб қилади;
2. Ижтимоий қайд этилган установкалар. Улар инсон ҳаётининг хусусий ҳолатларида намоён бўлади. Индивидни бирламчи гуруҳларга кириши натижасида пайдо бўлган социал эҳтиёжлар мазкур установкаларни вужудга келтирувчи омил сифатида қабул қилинади;
3. Базавий ижтимоий установкалар. Ушбу установкалар индивиднинг умумий мақсадлари аниқ соҳага йўналганда намоён бўлади. Улар маълум даражада индивид фаолиятининг у ёки бу соҳага идентиклигини белгилайди;
4. Қадриятий мўлжаллар. Улар индивиднинг муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ мақсадига нисбатан муносабатини ифодалаб, уларни амалга оширишнинг усул, воситаларини белгилайди.

Шу маънода қадриятий тизимлар диспозицияси, В.А.Ядовнинг фикрига кўра, ижтимоий чегаравий вазиятларда шахснинг хулқ-атворини назорат қилади.[17]

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, қадриятий, касбий меъёрларнинг аҳамиятлилик даражаси ёшларнинг турли қатламларида турлича намоён бўлади. Бунда эса ёшларнинг қадриятий мўлжаллари субъектив мазмун касб этиши билан ҳам ифодаланади.

Ёшларнинг бугунги кунга мос социал қиёфасини яратишда, улар қайси қадриятларни бирламчи ёки иккиламчи қадриятлар сифатида қабул қилишларини аниқлаш ғоят муҳим. Қадриятий тизим мотивацион соҳа ва эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, уларни таҳлил қилиш ёшларнинг социал қиёфасини аниқ ифодалашда муҳим ўрин тутади. Ёшларнинг нимани маъқул кўришларини билиш, уларнинг мақсадларига қандай интилишларини, эҳтиёжларини, уларни қондириш йўлларини, турмуш тарзини, социал установкаларининг қандай йўналганлигини тушунишга имкон беради. Ўз навбатида ушбу билимлар ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг ўз имкониятларидан тўла фойдалана олишларига шароит яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларнинг социал қиёфасини ўрганиш натижасида

[17] Подробнее см.: Ядов В.А. О диспозиционной регуляции социального поведения личности // Методические проблемы социальной психологии-М., 1975. С.89-108.

юртимизда ёшларнинг қадриятларга нисбатан муносабатини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шу маънода ёшлар жамиятдаги статус ва роллар, қадриятий мотивацион тавсифга эга бўлган ижтимоий гуруҳ бўлиб, уларни ўрганиш махсус социологик тадқиқотларни олиб бориш, хусусан социал қиёфасини яратишни тақозо қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Антонович И.И. Толкотт Парсонс - основатель функционализма, создатель теории социальной системы // Современная американская социология-М., 2014. С.73.
2. Харчева В. Основы социологии-М., 1997. С. 127.
3. Фотев Г. Флориан Знанецкий: гуманистическая социология // Современная американская социология-М., 1994. С. 51-52.
4. Парсонс Т. Функциональная теория изменения // Американская со- циологичекая мысль-М., 1994. С.467.
5. Дробницкий О.Г. Мир оживших предметов-М., 1967.С.303-311.
6. Мертон Р.К. Социальная теория и социальная структура // Социологические исследования. 1992. №2. С. 119.
7. Сторер Н. Социология науки // Американская социология-М., 1972. С.254.
8. Здравомыслов А.Г. Вехи научной биографии // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №3. С.5-21; Интервью с профессором Голосенко И.А. // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №2. С.5-19; Интервью с профессором Ельмеевым В.Я. // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том 1. №4. С.5-17.
9. Интервью с профессором Бороноевым А.О. // Журнал социологии и социальной антропологии. 1998. Том. 1. №1. С. 11.
10. Социология труда-М., 1993. С.168.
11. Дилигенский Г. Социально-политическая психология-М., 1996; Жилина Ж. Потребности, культура, потребление и ценностные ориентации личности-М., 1988; Кикнадзе Д.А. Потребности. Поведение. Воспитание-М., 1968; Маргулис А.В. Проблема потребностей в историческом материализме. Белгород-1971.
12. Велик А.А. Культурология. Антропологические теории культур-М., 1998. С.197-199.
13. Словарь практического психолога. Минск, 1998. С.423-424.
14. Ядов В.А. О диспозиционной регуляции социального поведения личности // Методические проблемы социальной психологии-М., 1975. С.89-108.

**Камолиддин ҚОДИРОВ**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти “Бошқарув кўникмалари ва етакчилик маҳоратини ривожлантириш” кафедраси профессори психология фанлари доктори*

# ЁШ РАҲБАР ВА ХОДИМЛАРДАГИ ШАХСИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УСЛУБИГА ТАЪСИРИ

***Аннотация.*** *Раҳбар ва ходимларнинг шахсий қадриятлари кўп жиҳатдан уларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларини белгилаб беради. Ушбу мақолада жами бўлиб 927 нафар раҳбар ва ходимларда “Қадрият йўналишлари” саволномаси (ҚаЙС) ҳамда Бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларини аниқлаш методикаларини ўтказиш натижалари таҳлил этилган. Амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида раҳбар ва ходимларда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнига таъсир этувчи қадриятлар ва шахс хусусиятларини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *ёш раҳбарлар, ёш ходимлар, шахсий қадриятлар, бошқарув қарорларини қабул қилиш услублари*

Ҳар қандай ташкилотда фаолият юритувчи раҳбар ва ходимларнинг қадриятлари тизими нафақат ташкилотдаги ходимларнинг профессионаллик даражасини, балки бошқарув фаолиятининг мақсадлари, мотивлари ва мазмунини белгиловчи омилдир[1]. Раҳбар ташкилотни бошқариш тизимининг муҳим субъекти бўлиб, унинг вазифаларига мақсадларни белгилаш, режалаштириш, бевосита қарор қабул қилиш, амалга ошириш ва ташкил этиш, назорат қилиш, ахборот бериш, самарали мулоқот олиб бориш кабилар киради[2]. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлардаги бошқарув тизимларида, одатда, ижтимоий қадриятлар эътиборга олинмайди ёки шунчаки бошқарувда фойдаланилмайди. Сабаби, бундай рақобатчилик муҳитида кўп ҳолларда қадриятлар тизимининг эгоцентрик йўналишлари, ташкилотнинг моддий манфаатлари умуминсоний ва ижтимоий

---

[1] Кабалина В.И., Решетникова К.В. Ценности российских менеджеров и корпоративные ценности // Российский журнал менеджмента. 37 Том 12, № 2, 2014. С.37–66

[2] Балдин К.В. Управленческие решения. -М.: Дашков и К, 2014.-496 с.

аҳамиятга эга бўлган маънавий қадриятлардан кўра кўпроқ устунлик қилади[3].

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон шароитида ўз хатти-ҳаракатлари билан таъсир кўрсатишга қодир бўлган энг истиқболли гуруҳ ҳисобланувчи ёш раҳбар ва ходимларнинг қадрият йўналишларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Ёш раҳбар ва ходимларда ташаббускорлик ва фаол ҳаётий позициянинг шаклланиши ташкилотни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш учун шароит яратишга имкон беради[4].

Бизнинг тадқиқотда сўнгги 5 йил мобайнида Республиканинг турли ташкилот ва идораларида фаолият олиб борган жами бўлиб 927 нафар ёш (30 ёшгача бўлган) раҳбар ва ходимлар иштирок этган бўлиб, уларнинг қадрият йўналишлари ва бошқа шахсий-касбий хусусиятларини баҳолаш мақсадида “Қадрият йўналишлари” саволномаси (ҚаЙС) ҳамда Бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларини аниқлаш методикаларидан фойдаланилди.

**“Қадрият йўналишлари” саволномаси (ҚаЙС).** Албатта, замонавий раҳбар шахсида шаклланган ўзига хос қадриятлар тизими унинг етуклик даражасини ва ўз касбий соҳасидаги муваффақиятларини таъминлаб берувчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусан, замонавий раҳбарлар учун энг муҳим қадриятлар сирасига ҳар бир ишга ижодий ёндашиш, доимий равишда ўз устида ишлаб, ўзини ривожлантиришга ҳаракат қилиш, ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиб, яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган режалар тузиш, ўз касб-коридан маънавий озуқа олиш ва руҳий қониқиш ҳосил қилиш кабилар киради. “Қадрият йўналишлари” саволномаси (ҚаЙС) жами бўлиб 80 банддан иборат бўлиб, 13 хил йўналишдаги қадриятларнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга ёрдам беради. Булар: обрў-эътиборга эришиш, моддий таъминланганлик, креативлик, фаол ижтимоий муносабатлар, ўз устида ишлаш, ютуқларга эришиш, маънавий қониқиш, ўз индивидуаллигини сақлаш, касбий фаолият, таълим олиш, оилавий ҳаёт, ижтимоий ҳаёт ва қизиқишлар (севимли машғулотлар). Тест саволноманинг барча бандлари бўйича танловларни тўлиқ амалга ошириш учун, тахминан, 1 соат вақт талаб этилади[5].

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида ёш раҳбар ва ходимларда шаклланган қадриятлар орасидаги тафовутларни ўрганишга ҳаракат қилинди (1-жадвал).

---

[3] Магомедова Э.Ш. Теоретические основания изучения ценностных ориентаций молодых руководителей бизнес-организаций // Logos et Praxis. 2018. Т. 17. № 1. Pp.80-86

[4] Лихачева Е.А. «Акмеологическая модель развития нравственных ценностей специалистов-управленцев». - Психология развития. - 2009

[5] Қодиров К.Б. Қадриятлар йўналишлари саволномаси (ҚаЙС). Амалиётчи психологлар учун методик қўлланма. Низомий номли ТДПУ. – Т. – 2000. 32 бет.

**1-жадвал**

**Ёш раҳбар ва ходимларда шаклланган қадриятлар орасидаги статистик тафовутлар (Манн-Уитни U-мезони асосида)**

| **Кўрсаткичлар** | **Ўртача ранглар** | | **U** | **p** |
|---|---|---|---|---|
| | **Ёш ходимлар (n=186)** | **Ёш раҳбарлар (n=201)** | | |
| Обрў-эътибор | 193,3 | 194,7 | 18556 | 0,901 |
| Моддий таъминланганлик | 208,9 | 180,2 | 15918 | 0,011* |
| Креативлик | 196,4 | 191,8 | 18252 | 0,688 |
| Фаол ижтимоий муносабатлар | 181,5 | 205,6 | 16360,5 | 0,033* |
| Ўз устида ишлаш | 189,7 | 198,0 | 17893 | 0,465 |
| Ютуқлар | 190,7 | 197,0 | 18087,5 | 0,581 |
| Маънавий қониқиш | 181,7 | 205,4 | 16398 | 0,036* |
| Ўз индивидуаллигини сақлаш | 188,7 | 198,9 | 17699,5 | 0,366 |
| Касбий фаолият | 177,1 | 209,6 | 15557,5 | 0,004** |
| Таълим олиш | 188,7 | 198,9 | 17700 | 0,366 |
| Оилавий ҳаёт | 206,3 | 182,6 | 16406 | 0,037* |
| Ижтимоий ҳаёт | 188,7 | 198,9 | 17699,5 | 0,366 |
| Қизиқишлар | 193,8 | 194,2 | 18655,5 | 0,973 |

Изоҳ: * - $p<0.05$; ** - $p<0.01$.

Жадвалдан кўриниб турганидек, моддий таъминланганлик, фаол ижтимоий муносабатлар, маънавий қониқиш, оилавий ҳаёт қадрият йўналишлари кўрсаткичлари бўйича ёш ходим ва ёш раҳбарлар ўртасида 95 фоизлик ишонч даражасида фарқлар аниқланган бўлса, касбий фаолият қадрияти бўйича 99 фоиз ишонч даражасидаги тафовут мавжудлигини кўриш мумкин.

Мазкур тафовутларни кўргазмали тарзда конкретлаштириш мақсадида диаграмма усулидан фойдаланилди (1-расм). Расмда келтирилган маълумотларга қараганда ёш ходимларда моддий таъминланганлик (ўртача ранг: 208,9) ҳамда оилавий ҳаёт (ўртача ранг: 206,3) шкалалари кўрсаткичлари раҳбар ходимларидаги тегишли кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланган. Эҳтимол, раҳбар ходимларида моддий таъминланганликнинг етарлилиги, хизмат вазифалари ва жавобгарлик даражасининг юқорилиги уларда ўзларининг моддий аҳволини яхшилаш, бўш вақтларини оила даврасида ўтказиш каби қадриятлар ва

мотивларнинг ходимлардагига нисбатан кучсизроқ ифодаланган бўлиши мумкин.




**1-расм. Ёш раҳбар ва ходимлардаги устувор қадриятлар орасидаги тафовутлар (ўртача ранглар)**

Иккинчи томондан, расмдаги маълумотларга кўра ёш раҳбарларда фаол ижтимоий муносабатлар (ўртача ранг: 205,6), маънавий қониқиш (ўртача ранг: 205,4) ҳамда касбий фаолият (ўртача ранг: 209,6) кўрсаткичлари ёш ходимлардагига нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди. Ушбу натижалар раҳбар ходимлар ўз функционал вазифаларига кўра қўл остидаги ходимлар билан кўпроқ шахслараро муносабатларга киришишлари, ўз фаолиятларидан кўпроқ маънавий қониқиш ҳосил қилишлари ва умуман касбий фаолиятларига кўпроқ аҳамият беришлари билан ажралиб туришларидан гувоҳлик бермоқда.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай ташкилот раҳбарининг муҳим функционал вазифаларидан бири бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан захирадаги кадрларини баҳолаш ва саралашда “**Бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларини аниқлаш”** методикаси муҳим ўрин тутади. Сабаби, замонавий раҳбар фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг бошқарув қарорларини қабул қилиш услубига боғлиқ бўлади.

Гап шундаки, айрим раҳбарларнинг қарор қабул қилиш жараёнида ҳукмронлик (буйруқбозлик) мотивлари устунлик қилса, бошқа раҳбарлар қарор қабул қилишга ижодий ёндашиб, муаммонинг самарали ечимини излаб топишга ҳаракат қиладилар. Мазкур икки

хислатнинг у ёки бу даражада шаклланганлигига кўра беш хил қарор қабул қилиш услуби тафовут қилинади: 1) авторитар (бошқарувга оид қарорларни қабул қилишда ходимлар устидан ҳукмронлик ўрната олишига ва шахсан ўзи муаммони энг самарали тарзда ҳал эта олишига тўлиқ ишониши), 2) реализаторлик (бошқарувга оид қарорларни қабул қилишда ходимларга босим ўтказмаган ҳолда муаммонинг самарали ечимини топиб ҳал этиш мумкинлигига алоҳида эътибор бериши), 3) маргинал (бошқарувга оид қарорларни қабул қилишда муаммонинг самаралироқ ечимини излашдан кўра топшириқ "тепадан" қандай берилган бўлса, шундайлигича тезлик билан бажаралишини таъминлаш шарт ва зарур деб ҳисоблаши), 4) либерал (бошқарувга оид қарорларни қабул қилишда ўзибўларчиликка йўл қўйиш, вазиятни қўлга олиб мустақил қарор қабул қилишга қодир эмаслик) ва 5) вазиятли (бошқарувга оид қарорларни қабул қилиш бўйича ўзига хос шахсий услубига эга эмаслик, яъни вазиятга қараб ҳар хил услубларни қўллай олиш).

Шубҳасиз, энг самарали қарор қабул қилиш услуби авторитар услуб бўлса, энг самарасиз қарор қабул қилиш услуби либерал услубдир. Юқори малакали, профессионал жамоа учун реализаторлик услуби яхши самара берса, ихтисослик даражаси ва компетентлиги паст меҳнат жамоалари учун маргинал услубдаги бошқарув кўпроқ мос келади[6].

51 саволдан иборат бўлган "Бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларини аниқлаш методикаси" ёрдамида, авваламбор, барча синалувчилар "Ҳукмронликка йўналганлик" ва "Муаммога йўналганлик" шкалалари бўйича баҳолаб чиқилди. Сўнгра ёш раҳбар ва ходимлар гуруҳларида қадрият йўналишлари ва бошқарув қарорларини қабул қилиш услублари орасидаги корреляцион муносабатлар алоҳида таҳлил қилинди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ёш раҳбар ва ходимларда бошқарув қарорларини қабул қилиш услублари ва устувор қадриятлар орасидаги корреляцион муносабатлар (Спирман мезони асосида)**

| Кўрсаткичлар | Ёш ходимлар (n=186) | | Ёш раҳбарлар (n=201) | |
|---|---|---|---|---|
| | Ҳукмрон-лик | Муам-мо | Ҳукмрон-лик | Муам-мо |
| Обрў-эътибор | 0,138 | -0,157* | -0,007 | -0,081 |
| Моддий таъминланганлик | 0,237** | -0,094 | 0,005 | -0,055 |
| Креативлик | -0,118 | 0,189** | -0,071 | 0,102 |
| Фаол ижтимоий муносабатлар | -0,232** | 0,033 | -0,118 | 0,031 |
| Ўз устида ишлаш | -0,223** | 0,144* | 0,024 | -0,005 |

[6] Қодиров К.Б. Психодиагностика раҳбар кадрларини баҳолаш усули сифатида // Жамият ва бошқарув, №4(90), 2020. 75-81-бетлар.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ютуқлар | 0,198** | -0,078 | 0,028 | 0,134 |
| Маънавий қониқиш | -0,162* | -0,104 | 0,117 | -0,168* |
| Ўз индивидуаллигини сақлаш | -0,118 | 0,031 | 0,024 | -0,005 |
| Касбий фаолият | -0,120 | 0,257** | -0,073 | 0,032 |
| Таълим олиш | 0,009 | -0,075 | 0,142* | -0,023 |
| Оилавий ҳаёт | 0,151* | -0,259** | 0,075 | -0,122 |
| Ижтимоий ҳаёт | -0,156* | 0,198** | -0,06 | 0,113 |
| Қизиқишлар | 0,025 | 0,019 | -0,126 | 0,012 |

Изоҳ: * - $p<0.05$; ** - $p<0.01$.

Жадвалдан кўриниб турганидек, моддий таъминланганлик, ютуқларга эришиш, оилавий ҳаёт қадриятлари устунлик қилувчи ёш ходимларда бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳукмронлик мотивлари кучлироқ намоён бўлган бўлса, креативлик, ўз устида ишлаш, касбий фаолият, ижтимоий ҳаёт қадриятлари муаммони самарали ҳал этишга йўналтирилган қарор қабул қилиш услубининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Иккинчи томондан ёш ходимлардаги фаол ижтимоий муносабатлар, ўз устида ишлаш, маънавий қониқиш, ижтимоий ҳаёт қадриятлари қарор қабул қилишдаги ҳукмронлик мотивларининг пасайишига олиб келса, обрў-эътибор, оилавий ҳаёт каби қадриятларнинг устунлик қилиши муаммони самарали ҳал этишга йўналтирилган қарор қабул қилиш услубининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатар экан [7].

Ёш раҳбарлар гуруҳида ходимлардан фарқли ўлароқ атиги 2та ишонч даражасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган бўлиб, бу маънавий қониқиш ($r=-0,168$; $p<0,05$) ва таълим олиш ($r=0,142$; $p<0,05$) қадриятларидир. Яъни ёш раҳбарларда таълим олиш қадриятининг устунлик қилиши бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳукмронликка йўналганлик хислатининг кучлироқ намоён бўлишига олиб келса, маънавий қониқиш қадриятининг устунлик қилиши, аксинча, муаммони самарали ҳал этишга йўналтирилган қарор қабул қилиш услубининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатар экан. Умуман олганда, бошқарув қарорларини қабул қилиш раҳбарлар ҳаётидаги оддий, кундалик, анъанавий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланганлиги боис уларнинг қадриятлари билан деярли боғлиқликни намоён этмаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Кейинги босқичда “Ҳукмронликка йўналганлик” ва “Муаммога йўналганлик” шкалалари натижалари асосида барча синалувчилар қарор қабул қилиш услубига кўра бешта гуруҳга ажратилди: 1) “авторитарлар” (жамоада қарорларнинг бажарилишини сифатли ва самарали ташкил қилувчилар), 2) “реализаторлар” (қарор ижросини

[7] Строева Е.В., Лаврова Е.В. Разработка управленческих решений. -М.: Инфра-М, 2014. - 128 с.

тўлиқ ўз зиммасига олувчилар), 3) "маргиналлар" (топшириқнинг ходимлар томонидан мажбурий ижросини таъминлашга интилувчилар), 4) "либераллар" (қарор ижросини таъминлашда тўлиқ ўзибўларчиликка йўл қўювчилар) ва 5) "вазиятлилар" (муайян қарор қабул қилиш услуби шаклланмаган, вазиятга қараб ҳар хил услубларни қўлловчилар).

Бошқарув қарорларини қабул қилиш услубининг қадриятларга боғлиқлигини таҳлил этиш мақсадида Крускал-Уоллис мезонидан фойдаланилди (3-жадвал). Жадвалдаги маълумотларга қараганда бошқарув қарорларини қабул қилиш услубига кўра ажратилган синалувчилар гуруҳларида креативлик, ютуқлар, маънавий қониқиш, касбий фаолият, оилавий ҳаёт, ижтимоий ҳаёт қадриятлари кўрсаткичлари бўйича 99 фоизлик ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлиги аниқланган бўлса, фаол ижтимоий муносабатлар, қизиқишлар қадриятлари кўрсаткичлари бўйича 95 фоизлик ишонч даражасида фарқлар мавжуд экан.

**3-жадвал**

**Ёш раҳбар ва ходимлардаги устувор қадриятлар ва бошқарув қарорларини қабул қилиш услублари орасидаги ўзаро боғлиқлик (Крускал-Уоллис Н-мезони асосида)**

| Ўртача | Ўртача ранглар | | | | | H | p |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Авторитар (n=28) | Вазиятли (n=358) | Маргинал (n=86) | Реализатор-лик (n=45) | Либерал (n=17) | | |
| Обрў-эътибор | 528,7 | 459,6 | 510,2 | 372,0 | 497,2 | 11,3 | 0,187 |
| Моддий таъминланганлик | 447,0 | 452,0 | 531,5 | 452,7 | 507,4 | 11,1 | 0,194 |
| Креативлик | 571,4 | 461,4 | 397,0 | 585,8 | 430,4 | 33,3 | 0,000** |
| Фаол ижтимоий муносабатлар | 348,8 | 477,0 | 404,2 | 452,1 | 498,2 | 16,9 | 0,031* |
| Ўз устида ишлаш | 355,4 | 470,8 | 398,2 | 486,7 | 470,1 | 11,7 | 0,167 |
| Ютуқлар | 536,3 | 465,3 | 511,6 | 421,6 | 387,6 | 21,8 | 0,005** |
| Маънавий қониқиш | 363,7 | 477,1 | 412,8 | 400,8 | 408,1 | 22,4 | 0,004** |
| Ўз индивидуаллигини сақлаш | 511,4 | 462,8 | 482,2 | 422,9 | 346,2 | 7,9 | 0,439 |
| Касбий фаолият | 412,8 | 486,6 | 372,5 | 513,8 | 306,9 | 26,9 | 0,001** |
| Таълим олиш | 511,4 | 462,8 | 482,2 | 422,9 | 346,2 | 7,9 | 0,439 |
| Оилавий ҳаёт | 422,5 | 452,3 | 530,3 | 415,5 | 615,8 | 37,5 | 0,000** |
| Ижтимоий ҳаёт | 521,3 | 491,9 | 379,6 | 468,4 | 373,5 | 26,3 | 0,001** |
| Қизиқишлар | 449,9 | 432,0 | 472,4 | 537,7 | 574,5 | 18,1 | 0,021* |

Изоҳ: * - p<0.05; ** - p<0.01.

3-жадвалдаги маълумотларни кўргазмали тарзда изоҳлаш, яъни юқорида санаб ўтилган барча қадрият йўналишларининг бошқарув қарорларини қабул қилиш услубига кўра ажратилган гуруҳларда қай даражада намоён бўлишини аниқлаш мақсадида 2-9-расмларда келтирилган диаграммалар ёрдамида алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз.

2-расмда келтирилган маълумотларга қараганда креативлик қадрияти устунлик қилувчи синалувчиларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг реализаторлик (ўртача ранг: 585,8) ва авторитар услублари (ўртача ранг: 571,4) юқори даражада шаклланган бўлса, маргинал (ўртача ранг: 397,0) ва либерал қарор қабул қилиш услублари (ўртача ранг: 430,4) сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга. Яъни тақдим этилган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, реализаторлик ва авторитар услублари бошқа услубларга нисбатан анча самарали қарор қабул қилиш услублари сифатида раҳбар ходимлардан креативлик хислатларини, ижодий ёндашувни кўпроқ талаб этади. Демак, ишончли, тезкор ва тўғри қарор қабул қилиш қобилиятининг шаклланиши кўп жиҳатдан инсоннинг бунёдкорлик, яратувчилик фаолиятини қадрлашига, ҳар қандай ишга креатив ёндашиш қобилиятига боғлиқ бўлар экан[8].




**2-расм. Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг “Креативлик” қадриятига боғлиқлиги (ўртача ранглар)**

3-расмда келтирилган маълумотларга қараганда фаол ижтимоий муносабатлар қадрияти устунлик қилувчи синалувчиларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг либерал (ўртача ранг: 498,2) ва вазиятли услублари (ўртача ранг: 477,0) юқори даражада шаклланган бўлса,

[8] Тебекин А.В. Методы принятия управленческих решений.- М.: Юрайт, 2014. - 572 с.

авторитар (ўртача ранг: 348,8) ва маргинал қарор қабул қилиш услублари (ўртача ранг: 404,7) сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга. Яъни тақдим этилган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, фаол ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ қадриятларнинг устунлик қилиши бошқарув ходимларининг авторитар ва маргинал қарор қабул қилиш услубларидан қочиб, либерал ёки вазиятли қарор қабул қилиш услубларини танлашларига замин тайёрлар экан.




**3-расм. Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Фаол ижтимоий муносабатлар" қадриятига боғлиқлиги (ўртача ранглар)**

Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Ютуқлар" қадриятига боғлиқлиги 4-расмда келтирилган. Амалга оширилган таҳлилларга қараганда ютуқларга эришиш қадрияти устувор бўлган синалувчиларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг авторитар (ўртача ранг: 536,3) ва маргинал услублари (ўртача ранг: 511,6) юқори даражада шаклланган бўлса, либерал (ўртача ранг: 387,6) ва реализаторлик қарор қабул қилиш услублари (ўртача ранг: 421,6) сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга.

Дарҳақиқат, ютуқларга эришиш билан боғлиқ қадриятларнинг устунлик қилиши, яъни аниқ ва сезиларли натижаларга, муайян ютуқларга эришишдан шахсий манфаатдорлигини ҳис қилиш, ўз ҳаётини обдон режалаштириш, унинг ҳар бир босқичида ўз олдига аниқ мақсадларни қўйиш ва ушбу мақсадларга эришиш йўлида қатъийлик билан ҳаракат қилиш хусусияти бошқарув ходимларининг сифат ва самараси паст бўлган либерал қарор қабул қилиш услубини инкор этиб, ўз мақсадига тезроқ эришишларига имкон берувчи авторитар ва

маргинал қарор қабул қилиш услубларини танлашларига ижобий таъсир кўрсатади [9].




**4-расм. Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Ютуқлар" қадриятига боғлиқлиги (ўртача ранглар)**

5-расмда келтирилган маълумотларга қараганда маънавий қониқиш қадрияти устувор бўлган синалувчиларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг вазиятли (ўртача ранг: 477,1) услуби юқори даражада шаклланган бўлса, авторитар қарор қабул қилиш услуби (ўртача ранг: 363,7) сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга.




**5-расм. Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Маънавий қониқиш" қадриятига боғлиқлиги (ўртача ранглар)**

Бинобарин, маънавий қониқиш, яъни шахсан ўзида руҳий-маънавий қониқиш ҳиссини вужудга келтирадиган фаолият турлари билан машғул бўлишга интилиш билан боғлиқ қадриятларнинг устунлик қилиши бошқарув ходимларининг авторитар қарор қабул қилиш услубидан қочишга, вазиятга қараб турли қарор қабул қилиш услубларни қўллаш имкониятларидан оқилона фойдаланишларига замин ҳозирлайди.

Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Касбий фаолият" қадриятига боғлиқлигини ўрганиш натижалари 6-расмда акс эттирилган. Расмдан кўриниб турганидек, ўз касбий фаолиятини юқори даражада қадрлайдиган, касбий фаолиятни ўз ҳаётининг мазмуни сифатида кўрадиган раҳбар ва ходимларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг реализаторлик (ўртача ранг: 513,8) ҳамда вазиятли (ўртача ранг: 386,6) услублари юқори даражада шаклланган бўлса, либерал қарор қабул қилиш услуби сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга (ўртача ранг: 306,9).




**6-расм. Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Касбий фаолият" қадриятига боғлиқлиги (ўртача ранглар)**

Демак, ўз касбий фаолиятини ардоқлаш билан боғлиқ қадриятларнинг устунлик қилиши раҳбар ва ходимлар ўзибўларчиликни ифода этувчи либерал қарор қилиш услубини ёқтирмайдилар, вазиятга қараб турли қарор қабул қилиш услубларини самарали қўллашга, айниқса, қарор ижросини тўлиқ ўз зиммасига олиш билан боғлиқ бўлган реализаторлик услубидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

7-расмда эса раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Оилавий ҳаёт" қадриятига боғлиқлиги кўргазмали тарзда акс эттирилган. Расмда келтирилган маълумотларга қараганда оилавий ҳаёт қадрияти устувор бўлган синалувчиларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг либерал (ўртача ранг: 615,8)

услуби юқори даражада шаклланган бўлса, реализаторлик (ўртача ранг: 415,5), авторитар (ўртача ранг: 422,5) ва вазиятли қарор қабул қилиш (ўртача ранг: 452,3) услублари сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга.

Демак, ўз касбий фаолиятга нисбатан оилавий ҳаётни устун қўядиган, оила муқаддаслигини қадрлайдиган раҳбар ва ходимлар мос равишда касбий фаолиятда вазиятга қараб турли қарор қабул қилиш услубларни самарали қўллашга ҳаракат қилмайдилар, шунингдек, қарор ижросини тўлиқ ўз зиммасига олиш билан боғлиқ бўлган реализаторлик услубидан, энг самарали ҳисобланувчи авторитар қарор қабул қилиш услубидан оқилона фойдалана олмайдилар. Шу боис бу тоифадаги раҳбар ва ходимларда ўзибўларчиликни ифода этувчи либерал қарор қилиш услуби яққол ифодаланган бўлади.




**7-расм. Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг “Оилавий ҳаёт” қадриятига боғлиқлиги (ўртача ранглар)**

Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг “Ижтимоий ҳаёт” қадриятига боғлиқлиги 8-расмда кўргазмали тарзда акс эттирилган. Расмда келтирилган маълумотларга қараганда, ижтимоий ҳаёт қадрияти устувор бўлган синалувчиларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг авторитар (ўртача ранг: 521,3) ва вазиятли (ўртача ранг: 491,9) услублари юқори даражада шаклланган бўлса, либерал (ўртача ранг: 373,5) ва маргинал қарор қабул қилиш (ўртача ранг: 379,6) услублари сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга.




**8-расм. Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Ижтимоий ҳаёт" қадриятига боғлиқлиги (ўртача ранглар)**

Бошқача айтилса, жамият ҳаётига доир муаммоларга катта аҳамият берадиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётга тезда киришиб кетадиган, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини инсоният учун муҳим деб ҳисоблайдиган раҳбар ва ходимлар авторитар ҳамда вазиятли қарор қабул қилиш услубидан самарали фойдалана оладилар, яъни вазиятга қараб турли қарор қабул қилиш услубларни самарали қўллашга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга жамият ҳаётини қадрлайдиган раҳбар ва ходимлар ўзибўларчиликни ифода этувчи либерал қарор қилиш услубидан имкон қадар қочишга интиладилар. Улар бошқарувга оид қарорларни қабул қилишда муаммонинг самаралироқ ечимини излашдан кўра топшириқ "тепадан" қандай берилган бўлса, шундайлигича тезлик билан бажарилишини таъминлаш шарт ва зарур деган пассив позицияни мутлақо нотўғри деб ҳисоблайдилар.

Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг "Қизиқишлар/севимли машғулотлар" қадриятига боғлиқлиги 9-расмда акс эттирилган.




**9-расм. Раҳбар ва ходимлардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш услубларининг “Қизиқишлар” қадриятига боғлиқлиги (ўртача ранглар)**

Расмда келтирилган маълумотларга қараганда ўз шахсий қизиқишларига катта аҳамият берадиган, бўш вақтларини севимли машғулотлари билан ўтказишни ёқтирадиган кишиларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг либерал (ўртача ранг: 574,5) услуби юқори даражада шаклланган бўлса, вазиятли (ўртача ранг: 432,0) ва авторитар қарор қабул қилиш (ўртача ранг: 449,9) услублари сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга.

Бошқача айтилса, ўзининг ҳаваскорларга хос шахсий қизиқишлари йўқ, бўш вақтларини севимли машғулотлари билан мароқли ўтказишга иштиёқманд бўлмаган раҳбар ва ходимлар авторитар ҳамда вазиятли қарор қабул қилиш услубидан самарали фойдалана оладилар, яъни вазиятга қараб турли қарор қабул қилиш услубларни самарали қўллашга ҳаракат қиладилар. Ҳаётда ўз шахсий қизиқишлари муҳим ўрин берадиган, бўш вақтларини тўлалигича муайян қизиқиш соҳалари учун сарфлайдиган, севимли машғулотларини қадрлайдиган раҳбар ва ходимлар ўзибўларчилик кайфиятидаги либерал қарор қилиш услубини танлашга кўпроқ мойил бўладилар.

## Хулоса ва тавсиялар

Муваффақиятли раҳбар яхши бошқарувчи бўлиши, бўйсунувчиларнинг фаолиятини имкон қадар самарали тарзда ташкил қила олиши керак. Раҳбар одамларни ўзига ром эта оладиган ва уларни эргаштира оладиган лидер бўлиши керак. Шунинг учун ҳам у обрўга,

юқори даражадаги касбий маҳоратга, фаол ижобий ҳаётий позицияга эга бўлиши керак.

Раҳбар бўйсунувчиларнинг қобилиятлари, ижобий шахсий фазилатларини аниқлай оладиган ва ривожлантирадиган педагог бўлиши керак. Агар у одамларга қандай таъсир қила олмаса ва уларга ўзларини чиройли тақдим этишга ёрдам бера олмаса, у ҳеч қачон ўз жамоасини ғалаба сари етаклай олмайди.

Раҳбар кучли дипломат бўлиши керак. У ўз ходимлари билан, шунингдек, юқори турувчи ҳокимият вакиллари ва ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишга қодир шахс бўлмоғи зарур.

Раҳбар ва ходимлар инноватор - ҳақиқатда ақл бовар қилмайдиган кўриниши мумкин бўлган креатив режаларни амалга оширишга қодир инсон бўлишлари керак. Бу, биринчи навбатда, ташкилотнинг янги фаолият соҳасини танлаш ёки янги маҳсулотни, йўналишни татбиқ этиш билан боғлиқ. Агар раҳбар етарлича малакали ва профессионал бўлмаса, бу ролини амалга ошириб бўлмайди.

Раҳбарнинг ишни бошқа одамлар билан ҳамкорлик алоқаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иш жараёнида ходимлар билан ҳам, мижозлар билан ҳам мулоқот амалга оширилади. Шунинг учун самарали мулоқот қилиш қобилияти, юқори даражадаги мулоқот маданияти ва одамларга таъсир ўтказиш қобилиятига эга бўлиш керак.

Муваффақиятли раҳбар ўз қадриятлари тизими билан бошқаларга, айниқса ходимларга намуна бўлмоғи керак. Раҳбарнинг фаолияти кўпчилик одамларнинг кузатуви остида, яъни унинг атрофидаги ходимлар, бўйсунувчилар, мижозлар, ҳамкорлар кўзи олдида амалга оширилади. Шунинг учун яхши бошқарувчи уни танқид қилиш учун асос бўла оладиган салбий хислатлар ва қадриятларга эга бўлмаслиги керак. Раҳбар қанчалик кўп ижобий қадриятларни ўзида мужассам этган бўлса, унинг одамларни ўзига жалб қилиши ва юксак натижаларга эришиши шунчалик осон бўлади.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни кўп қиррали кўникма ва қобилиятларни талаб қилиши сабабли раҳбар ва ходимлардан юқори даражадаги касбий маҳорат ва қадриятларни шакллантиришлари талаб этилади.

Шундай қилиб, раҳбарнинг шахсий қадриятлари бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишда ўта муҳим ўрин тутади. Ҳар бир бошқарув қарори ташаббускорнинг ўзига хослигини ва унинг қадриятлари тизимини акс эттиради, шунинг учун ташкилот қанчалик муваффақиятли ва самарали ишлаши, биринчи навбатда, раҳбар ва ходимларнинг қадриятлари тизимининг шаклланганлигига боғлиқ бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Балдин К.В. Управленческие решения.-М.: Дашков и К, 2014.-496с.
2. Кабалина В.И., Решетникова К.В. Ценности российских менеджеров и корпоративные ценности // Российский журнал менеджмента. 37 Том 12, № 2, 2014. С.37–66.
3. Қодиров К.Б. Қадриятлар йўналишлари саволномаси (ҚаЙС). Амалиётчи психологлар учун методик қўлланма. – Т. Низомий номли ТДПУ.– 2000. 32 бет.
4. Қодиров К.Б. Психодиагностика раҳбар кадрларини баҳолаш усули сифатида // Жамият ва бошқарув, №4(90), 2020. 75-81-бетлар
5. Лихачева Е.А. Акмеологическая модель развития нравственных ценностей специалистов-управленцев. // Психология развития. - 2009.
6. Магомедова Э.Ш. Теоретические основания изучения ценностных ориентаций молодых руководителей бизнес-организаций // Logos et Praxis. 2018. Т. 17. № 1. Pp.80-86
7. Строева Е.В., Лаврова Е.В. Разработка управленческих решений. - М.: Инфра-М, 2014. - 128 с.
8. Тебекин А.В. Методы принятия управленческих решений- М.: Юрайт, 2014. - 572 с.
9. Яхонтова Е.С. Управление ценностями как элемент управления человеческими ресурсами компании. // Менеджмент в России и за рубежом №4 / 2003.

**Наргиза НОРКУЛОВА**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти "Бошқарув кўникмалари ва етакчилик маҳоратини ривожлантириш" кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

# ЁШЛАР ОРАСИДА СУИЦИДАЛ ХУЛҚ АТВОРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АФФИЛИАЦИЯ МОТИВАЦИЯСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

***Аннотация.*** *Мақолада бугунги куннинг долзарб муаммолари қаторида ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш тенденциясининг пайдо бўлиш сабаблари, оқибатлари ва бартараф этиш чоралари ижтимоий-психологик жиҳатдан талқин этилган. Ушбу феноменнинг жаҳон тажрибасида ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги ҳолати психологик жиҳатдан таҳлил қилиниши натижасида муаммони самарали ҳал этишда аффилиация мотивини шахсда шакллантириш муҳимлиги очиб берилган. Шунингдек, суицидни амалга оширган ўқувчилар билан қандай ишлашнинг психологик усуллари, методикалари ҳамда суицидни олдини олишга хизмат қилувчи тавсиялар пакети батафсил келтириб ўтилган.*

***Калит сўзлар:*** *суицид, суцидал хулқ-атвор, агрессия, аффектив ҳаракат, дезадаптация, депрессия, апатия, антипатия, стресс.*

Бугунги куннинг глобал муаммолари қаторида ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш (суицид) ҳолатларини кундан-кунга кўпайиб бориши жаҳон олимларини, жумладан ватанимиз психологларини ҳам чуқур ўйга солмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Чунки бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада иш ёки ўқиш билан банд бўлмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй ҳаракатлар

қабул қилинган "**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**"ги қонун асосида қатъий давом эттирилмоқда[1].

Ушбу муаммони бизнинг ҳудудимизда чуқур ўрганиб келаётган ва ҳозирги кунда кўпгина ёшларимизга ўз психологик билимлари билан ёрдам қўлини чўзган олимамиз Ширин Мустафаева: "... суицид тобора оммалашиб ва ҳатто "ёшариб" бориши ва энг муҳими ўз жонига қасд қилиш ҳолатларида оид статистик маълумотлар кенг оммага одатда эълон қилинмаслиги"[2] ҳақида фикр юритади. Муаммони "ёшариб" боришига сабаб, дунё тажрибасида сўнгги 15-20 йил давомида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ўсмирлар орасида ва ҳатто ундан ҳам ёш болаларда учрашидир. Ушбу муаммоларнинг пайдо бўлишига психологлар қуйидаги асосий сабаблар билан боғлашади:

Аввало, ёшлардаги ҳаётий позицияларнинг сусайиши, яъни дезадаптация (нотўғри мослашиш), турли стресслар (асабий зўриқишлар), оилавий низоларнинг кескинлашуви, кекса авлоднинг ёш авлодни тушунмаслиги, уларни доим танқид остига олиш ҳолатларининг кўпайиши ва ҳоказо. Булар, албатта, умумий сабаблар ҳисобланиб, улар орасида алоҳида психологик сабаблар ҳам мавжуд. Бунга агрессив хулқ-атворнинг инсон "ички дунёсига" йўналганлигини киритиш мумкин. Кейинги ўринда маънавий-диний сабаблар бўлиб, хулқ-атвор мотивациясининг маънавий томонлари ўзгаргани кузатилмоқда. Буни инсон умрининг қадрсизланиши, қадриятлар тизимида маънавий дунёнинг ўрнини моддий дунё эгаллаганини гувоҳи бўлиб турибмиз. Ушбу ҳолатларда биз тараққиётнинг ўзига хос оқибати деб қарашимиз ҳам мумкин. Барча фикрларни умумлаштирган ҳолда, суицид содир этилишининг қуйидаги асосий сабабларини олимлар санаб ўтишмоқда[3]:

1) **Ўлим тўғрисидаги тушунчаларни шаклланмаганлиги.** Ушбу тушунчани жиддий ёндашган ҳолда оилада ота-она томонидан болага тўғри талқин этилиши ўта муҳим. Уни англаш эса одатда 18 ёшдан кейин бошланади.

2) **Психологик сабаблар.** Ижтимоий муҳит маълум бир ҳаётий омадлар стандартини оммавий ахборот воситалари орқали

---

[1] Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маърузаси // 2016 йил 7 декабрь.

[2] Мустафаева Ш. Ўсмир психологияси:биз билмаган жиҳатлар.- Фарғона: "Фарғона"нашриёти, 2015. – Б. 3–10.

[3] Ўша манба; Амбрумова А.Г. Психология самоубийства // Социальная и клиническая психиатрия. - 1994. - №4.; Амбрумова А.Г. Семейная диагностика в суицидологической практике. - М., 1983.; Амбрумова А.Г., Старшенбаум Г.В. О состоянии суицидологической службы в России // XII съезд психиатров России. - М.,1995.; Горская М.В. Диагностика суицидального поведения у подростков. // Вестник психосоциальной работы. - 1994. - №1.

сингдирилмоқда, бу стандартга мос келмаслик эса ўзига хос қониқмаслик, тушкунлик, аламзадалик ҳиссини вужудга келтирмоқда.

3) **Жинсий ҳаётнинг эрта бошланиши, ишқий муаммолар** (буларга севишганларнинг орасидаги бевафолик, исталмаган ҳомиладорлик ва ҳоказо). Бу нотўғри мақсад қўйиш билан боғлиқ.

4) **Оиладаги носоғлом муҳит, оилавий муаммолар.** Оилавий низолар, бунда кекса авлоднинг қарашларига қаршилик кўрсатиш, уларнинг қарашлари асосида яшашни истамаслик.

5) **Ичкилик ва гиёҳвандлик.**

6) **Ички ва шахслараро низолар.** Психологик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўсмирларнинг 70% суицидга сабаб бўлган омил сифатида мактабдаги кичик тўқнашувларни келтиришган бўлса-да, лекин аслини олганда бунга оиладаги носоғлом муҳит, яъни ота-она ва бола муносабатлари бузилганлиги, мактабда бола кўпроқ вақтини ўтказганлиги сабабли, мактабдаги тўқнашув – “сабр косасидаги охирги томчи” ролини ўйнайди.

7) **Тушкунлик ва депрессив ҳолатлар.** Суицидал хусусиятларнинг аксарияти тушкунлик сифатида, ҳаётдан баҳраманд бўлиш истагининг йўқолиши, лаззатлана олмаслик, келажакка нисбатан ишончсизликда намоён бўлади. Кайфият ва хатти ҳаракатларнинг маъносизлиги, руҳиятнинг “синиши”, айбдорлик, ўз-ўзидан қониқмаслик, сабабсиз асабийлик намоён бўлишни бошлайди. Ҳаракат фаоллиги сусайиши ёки аксинча, нутқнинг тезлашуви, муаммолари ҳақида кўп гапириш кузатилиши мумкин. Кўп ҳолларда уйқунинг бузилиши, шунингдек соматик бузилишлар, яъни доимий толиқиш, бош, биқин, белнинг сабабсиз оғриқларида намоён бўлади. Тушкунликка чалинган одамлар ўзининг кераксизлигини ҳис эта бошлайди, ўзини гуноҳкор деб билиб, суицидга қўл уради.

Депрессия, тушкунликнинг асосий психологик сабабларига яқин инсондан айрилиш, ишдан ёки ўқишдан ҳайдалиш, илмий иш муаммолари, ажримлар ва ҳоказолар киради.

Ундан ташқари коронавирус оқибатлари сифатида карантин вақтидаги вазият - инсонлар моддий маблағ топишидаги, ишни йўқотиш каби муаммолари ҳам инсонларда суицидал хулқ-атворни кўпайиб кетишига сабаб бўлди.

Мазкур муаммонинг ёшариб боришида қуйидаги бир нечта сабабларни жаҳон олимлари эътироф этишади[4]:

[4] Хендин Г. Психотерапия и самоубийство // Журнал практической психологии и психоанализа. - 2003. - №1.; Шир Е. Суицидальное поведение у подростков // Журнал невропатологии и психиатрии. - 1984. - №10.; Шнейдман Э. Десять общих черт самоубийств и их значение для психотерапии // Хрестоматия по суицидологи / Сост. А.Н. Моховиков. - Киев, 1996.; Шустов Д.И. Аутоагрессия, суицид и алкоголизм. - М.: Когито-Центр, 2005. - 214 с.

1. Ўсмирларда асосий ҳаётий позиция сусайиши, психологик ва психоаналитик (З. Фрейд назариялари);
2. Ижтимоий сабаблар (Э. Дюркгейм, Ф. Бекон таълимоти);
3. Наслий сабаблар (М.Фабер, Ч. Павезе) назарияларида ўрганилган.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 15-24 ёш ўртасидаги ўсмирларнинг суиқасд ҳолатлари 15 йилда 2 баробарга кўпайган. Францияда сўнгги 10 йил мобайнида ўсмирларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари 3 баробарга ортган[5].

Даставвал, суицид ўзи нима эканлигини аниқлаб олсак. Суицид (лот. "suicaedere", "sui"- мен; "caedere"- ўзимни ўлдираман)- "ўз жонига қасд қилиш" деган маънони англатади. Суицидал хулқ-атвор ва суицид орасида маълум тафовутлар мавжуд бўлиб, суицидал хулқ-атвор кенгроқ маънога эга бўлиб, ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари, кўринишларини ўзи билан намоён этади. Хўш, суицидал хулқ-атвор қандай ички ва ташқи жиҳатдан намоён бўлар экан? Ички кўриниш шакли жиҳатидан: антивиртуал кўникмаларнинг шаклланиши, яъни ҳаётнинг мазмуни йўқлиги ҳақидаги фикрларнинг пайдо бўлиши; пассив суицидал фикрлар (ҳали ўз жонига қасд қилмаган, лекин бу ҳақидаги ўй-фикрларнинг каллага тез-тез келиши. Мисол, "жонимдан тўйдим"); Суицидал ниятларнинг пайдо бўлиши (суицид режасини пайдо бўлиши); Суицидал ҳаракатларни пайдо бўлиши (ушбу ўй-ҳаёлларнинг кучайиб бориши). Суицидал хулқ-атворнинг ташқи кўриниш шакли сифатида эса, суицидал фикрларни яқин кишилар орасида изҳор қилиш; суицидал ҳаракатлар (суицидни амалга ошириш, ўлмай қолиш); суицидни бажариш (ўзини ўлдириш) каби омиллар асосида бўлиши мумкин.

Олимлар суицидни содир этилишининг энг фаол даври сифатида:

- Баҳор ва куз фаслларини, яъни асосан январь, февраль, март ва сентябрь-ноябрь ойларини;
- Май, асосан битирув кечалари арафасини;
- Эрта тонг, оқшом ва тун пайтларини;
- Ой тўлган ва янги чиққан даврларини;
- 14-24 ва 40-50 ёш оралиғидаги даврларни;
- Жамоа ва оиладаги чуқур маънавий-руҳий зўриқиш ҳолатларини таъкидлаб ўтишади.

Фикримизча, ушбу суицидал ҳолатларни олдини олиш мақсадида ўқувчи-талаба ёшларда аффилиация мотивацияни шакллантириш жиддий муаммоларни олдини олиш чоралари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Зеро, аффилиация мотивацияси – мулоқотга интилиш, билишга

[5] Мустафаева Ш. Ўсмир психологияси:биз билмаган жиҳатлар.- Фарғона: "Фарғона"нашриёти, 2015. – Б.4–5.

интилиш, ўзини таъкидлаш, манфаатли ҳамкорликка интилиш каби мақсадлар, эҳтиёжлар, мотивлар мажмуидан иборат бўлгани боис, у ўқувчи-талаба ёшларни ўқув фаолияти давомида ақлий, англанилган мулоқот жараёнига ўтишга ундайди, шахслараро муносабатларни яхшилаб, гуруҳий жипсликни таъминлайди. Сабаби, суицидал хулқ-атворни олдини олиш чоралари сифатида ўқувчилар орасида уюшқоқлик, жипсликни таъминлаш, шерикчилик муносабатларини шакллантириш; келажакка ишончини шакллантириш; ҳамдардлик ва хайрихоҳликка ўргатишни йўлга қўйилишида муҳимдир. Инсон ҳаётида моддий ва маънавий омиллар қанчалик зарур ва шарт бўлгани каби, жамиятда одамлар даврасида бўлиш, бирлашиш, ўз ўрнини топиш мотиви ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки суицид кўпинча бефарқлик, лоқайдлик, одам қадри яхши англанилмаган муҳитда содир этилар экан. Ушбу муаммо юзасидан ижтимоий файласуф Э.Бабамуратов ўзининг докторлик диссертациясида маънавий янгиланиш ҳамда ёшлар психологиясидаги ўзгаришлар диалектикасини чуқурроқ ўрганиб, «... ёшларга ўз тенгдошлари билан доимий мулоқотда бўлишга нисбатан эҳтиёж сезишлари айниқса кучлидир. Бу нафақат яқин дўстларга эга бўлишга интилишда, балки янада кенгроқ мулоқот доирасига эга бўлиш истагида, яъни «ўз компанияси» - гуруҳига эга бўлиш истагида намоён бўлади. Ушбу гуруҳ ҳақида баланд овоз билан «бизлар» деб айтиш мумкин бўлади. Шу эҳтиёж туфайли охирги пайтларда турли хил гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Улардан кўпи умумий фаолият ва жиддий қизиқишлар натижасида бирлашмоқда. Лекин, кўпинча, мақсадсиз вақт ўтказишлар, ҳатто жамият уставларига қарши, зид қизиқишлар билан ҳам тўлиб бораётган гуруҳлар сони йўқ эмас» - деган қимматли фикрларни билдирган. Олим ўз тадқиқотининг хулосаларида бозор муносабатлари шаклланиши шароитида жамият маънавий янгиланиши ҳамда ёшлар психологиясидаги ўзгаришларни моҳирона очиб берган[6].

Яна бир олим, ижтимоий файласуф М.Эшматов қишлоқ ёшлари жисмоний ва маънавий қиёфасига экологик вазиятнинг таъсирини ўз диссертациясида ўрганган бўлиб, унинг ёзишича: «Бугунги қишлоқ ёшларининг маънавий қашшоқлиги: тайёрга-айёрликда, кўзбўямачиликда, алдамчилик, меҳнатдан қочиш, ялқовликда, енгил-елпи яшашда, ишламай пул топишга интилишда, камроқ меҳнат қилиб яхшироқ яшаш, чиройлироқ кийиниш учун бошқалардан, жамиятдан кўпроқ юлишга уринишга, эл-юртнинг моддий ва маънавий бойликларига лоқайдлик билан қарашга, хўжасизлик каби

[6] Бабамуратов Э.Х. Духовное обновление общества и изменение общественной психологии молодёжи Узбекистана: Дис. ... док.философ.наук.- Т.: 1997. – 253 с.

кайфиятларда намоён бўлаётир»[7]. Олим маънавий қашшоқликнинг замини эътиқодсизлик эканлиги; эътиқодсизликнинг асосида билимсизлик ётиши; билими саёз кишида эса мустақил фикр мулоҳаза бўлмаслигини тушунтирган.

Фикримизча, муаллиф ёшларимизга ҳаддан зиёд салбий томондан ёндашган, лекин соғлом жамият тараққиётининг гарови бўлмиш шахс маънавий қиёфаси, дунёсининг тўғри шакллантирилиши суицид каби салбий иллатларни олдини олишнинг муҳим чоралари бўлиши аниқ. Айтиш жоизки, давлатимиз йигит ва қизлари машаққатли миллий уйғониш, янги Ўзбекистонни яратиш сари дадил қадам қўйган пайтда, турмуш тарзининг барча жабҳалари: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ёшларнинг маънавий қиёфасининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Биз ўз илмий тадқиқот ишимизда ҳозирги кун ёшларида аффилиация мотивациясини[8] (инг: *"to affiliate" – "бирлаштирмоқ", "бирлашмоқ", "инсоннинг бошқа одамлар даврасида бўлишга интилиши")* тадқиқ қилиш, улар ижтимоий хулқини мувофиқлаштириш орқали маънавий қиёфани шакллантиришга таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни ўргандик. Тадқиқот объекти сифатида талаба-ёшлар танлаб олинди. Назаримизда, ҳозирги кун ёшларининг маънавий қиёфасидаги чизгиларни ўрганиш ва шакллантириш орқали суицидал хулқ-атворни олдини олиш чораси сифатида кўриш мумкин. Илмий тадқиқотда ёшлардаги аффилиация мотивини ўрганиш мақсадида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), А. Меграбян ва М. Магомед-Эминовлар томонидан ишлаб чиқилиб, кўплаб ёшлар гуруҳларида синовдан ўтказилган "Аффилиация мотивацияси" методикаси аффилиация мотивациясининг таркибий қисмига кирувчи барқарор иккита мотиваторлар, қабул қилинишга интилиш (ҚИ) ва рад этилишдан қўрқиш (РҚ) мотивларини аниқлашга ёрдам берди. Ушбу методикада аффилиацияни ижобий ҳодиса сифатида таҳлил этсак, у - «одамларга интилиш», салбий кўринишда эса «одамлардан қўрқиш» ёки «(одамлар томонидан) рад этилишдан қўрқиш» мотиви сифатида намоён бўлди. Шунингдек, ёшлардаги ижтимоий қадриятларини диагностика қилиш методикасидан ҳам фойдаланилди[9].

---

[7] Эшматов М.Э. Қишлоқ ёшлари жисмоний ва маънавий қиёфасига экологик вазиятнинг таъсири: Фал. фан. ном. ... дис. - Т.: ТДПУ, 1994.-154 б.

[8]Шапарь В.Б. Новейший психологический словарь\В.Б. Шапарь, В.Е.Россоха, О.В. Шапарь; под общ.ред.В.Б. Шапаря.- Изд.3-е- Ростов н\Д.:- Феникс, 2007.- С.43-44.

[9]Норкулова Н.Т. Ёшлар маънавиятида аффилиация мотивацияси психологияси. Монография. – Тошкент: Fan va Texnologiya, 2015. – 152 б.; Норкулова Н.Т. Шахс ижтимоий-хулқ диагностикаси.-Т.: ТВХТХҚТМОИ, 2016. – 68 б.

Ушбу эмпирик тадқиқотда аффилиация мотиви тўғридан-тўғри гуруҳ аъзоларининг ўртасидаги ўзаро ижобий муносабатлар доираси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ИПСдаги саволларга берилган жавобларни ижтимоий қадриятларга алоқадорлигини статистик жиҳатдан қиёслаган ҳолда, қуйидаги маълумотлар олинди (1-жадвал ).

**1-жадвал**

**«Бўш вақтингизни асосан кимлар билан ўтказасиз?» саволига берилган жавоблар билан ижтимоий қадриятларни ўрганиш методикаси кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг статистик таҳлили (Крускал Уоллис мезони)**

| Кўрсат-кичлар | Ранглар ўртачаси | | | | | $\chi^2$ мезони | P |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | курсдошларим билан (N=18) | синфдош, маҳалладош-ларим билан (N=22) | Севги-лим билан (N=4) | оилам билан (N=52) | б.қ билан (N=14) | | |
| **Касбий** | 61,81 | 45,48 | 72,13 | 56,01 | 56,50 | 4,04 | 0,401 |
| **Молиявий** | 60,89 | 60,45 | 67,13 | 51,54 | 52,18 | 2,60 | 0,628 |
| **Оилавий** | 59,56 | 48,34 | 48,25 | 55,78 | 62,57 | 3,15 | 0,533 |
| **Ижтимоий** | 63,11 | 47,50 | 54,13 | 53,12 | 67,54 | 4,75 | 0,313 |
| **Жамоавий** | 65,69 | 44,86 | 32,38 | 56,71 | 61,21 | 6,96 | 0,138 |
| **Маънавий** | 56,69 | 46,93 | 30,00 | 62,06 | 50,36 | 6,76 | 0,149 |
| **Жисмоний** | 67,67 | 58,75 | 62,50 | 50,78 | 50,29 | 4,57 | 0,334 |
| **Ақлий** | 59,36 | 37,43 | 46,00 | 61,72 | 58,54 | 9,90 | 0,042 |

Маълумотлардан кўриниб турибдики, ақлий қадрият яъни, ўз устида ишлаб, билимдон, қобилиятли бўлишга интилиш талабаларнинг бўш вақтларини, аввало, оиласи, кейин курсдошлари, сўнг янги танишлар, севгилиси ва охири синфдош, маҳалладошлари билан ўтказишлари таъминланишини кўрсатган. Энг муҳими – оиласи даврасини ўзи учун қадрли деб билган талабалар ақлан, интеллектуал жиҳатдан тенгдошларидан устун бўлишлари, муайян хулосалар чиқаришга имкон берди. Бундай талабалар кўпроқ уйда дарс қилишни, китоб мутолаа қилишни, ўз устида ишлашни афзалроқ деб билишар

экан. Фикримизча, бундай ёшларда келажак мақсадлари, орзу истаклари яхши шаклланган бўлади.

Аффилиация мотивининг шахс ижтимоий хулқи йўналишига ва ундаги хавотирланиш даражасига боғлиқлиги ўрганилди. Бунда реактив ва шахсий хавотирланиш даражасини баҳоловчи шкала (Ч.Спилбергер, Ю.Ханин) методикасидан фойдаланилди. Шахс хавотирланиш даражасини аниқловчи методика натижаларига кўра, рад этилишдан қўрқиш мотивини юқори кўрсаткичини намоён этган талабаларда хавотирланиш даражаси ҳам юқори бўлиб чиқди. Хавотирланиш даражасини юқорилиги талабаларни биргаликдаги фаолиятга кириша олмасликларига сабаб бўлади. Хавотирланишнинг яна бир сабаби эса талабани ўз «Мен»и, ўзини ҳурмат қилиш ҳиссининг пастлигида бўлиб, дўст орттиришга халақит бериши, табиий. Бундай талабалар ижтимоий тунд бўлиб, атрофдагиларга кўпинча турли «ниқоб», «ёлғон қиёфаларда» кўринишади, бу ўз навбатида инсонда ички зўриқиш, безовталанишни ўсишига олиб келади. Албатта, бу ҳолат талабадаги маънавий қиёфанинг адекват шаклланишига тўсиқ бўлади. Ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳиссининг пастлиги эса аффилиациянинг бўлмаслигига, бу эса ёлғизлик ҳиссининг пайдо бўлиш эҳтимолини кучайтиради. Ёлғизлик ҳисси эса ўспирин ёки ўсмирда суицидал ҳаракатларни амалга оширилишига туртки бўлиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, жамоавийликка ёки индивидуалликка йўналганлик ҳам муҳим бўлиб, реактив хавотирланиш даражасини кучайтирувчи омиллардан бири ҳам аффилиация мотивациясининг кучсизлигидир. Жамоавийликка йўналганлик эса реактив хавотирланиш даражасини камайтиради ($r=-0,286$; $-p<0,01$), яъни бунда талаба гуруҳи суянчиқ, тиргак вазифасини ўтайди. Ушбу йўналишларнинг гуруҳий перцепция билан алоқасини ўрганиш ҳам муайян муҳим хулосалар чиқаришга имкон берди. Қуйидаги жадвалда айнан шу икки ижтимоий-психологик омил ўртасидаги корреляцион боғлиқлик акс эттирилган (2-жадвал).

**2- жадвал**

**Реактив ва шахсий хавотирланиш даражасини ҳамда гуруҳни идрок этиш хусусиятларини ўрганиш методикаларининг кўрсаткичлари орасидаги корреляция коэффициентлари (Спирман мезони)**

| Кўрсаткичлар | Индивидуалликка йўналганлик | Жамоавийликка йўналганлик | Прагматик йўналганлик |
|---|---|---|---|
| **Реактив хавотирланиш** | **0,260**** | **-0,286**** | **0,059** |
| **Шахсий хавотирланиш** | **0,083** | **-0,09** | **0,022** |

Изоҳ: ** - p<0,01.

Мэри Эдварс бўйича аффилиация мотивациясининг юқорилиги шахсий хавотирланиш даражасини ҳамда реактив ҳавотирланиш даражасининг пастлиги билан келяпти (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Мэри Эдварс ҳамда реактив ва шахсий хавотирланиш даражасини ўрганиш методикаларининг кўрсаткичлари орасидаги корреляция коэффициентлари (Спирман мезони)**

| Кўрсаткичлар | Реактив хавотирланиш | Шахсий хавотирланиш |
|---|---|---|
| **Аффилиация даражаси** | -0,287** | -0,235** |

Изоҳ: ** - p<0,01.

Яъни одамлар томонидан ижобий қабул қилинишига ишонган ва шунга интилган респондентларда, табиий равишда хавотирланиш даражаси паст бўлади. Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлишича, инсоният учун доимо эмоционал ва дўстона муносабатлар доирасида стабиллик, турғунлик муҳим экан. Инсон учун ўзаро ишонч асосида қурилган муносабатларга, руҳий комфорт ҳолатига эҳтиёж сезади. Уни ўраб турган яқин инсонлар, у фаолият юритувчи гуруҳ айнан шу комфортни яратишга ёрдам бериши, хавотирланишни йўқотишга қодир, яъни шахс фаоллигини кучайтириб, унинг ижтимоийлашувига, ундаги маънавий қадриятлар тизимини шаклланишига ижтимоий жиҳатдан ёрдам бериши мумкин.

Шундай экан, суиқасдни олдини олиш чоралари сифатида ота-оналарга ва ўқув муассасасидаги маъмуриятга қуйидаги психологик тавсияларни бериб ўтамиз:

- Мактабда ижобий шахслараро муносабатларни ўрнатиш ва такомиллаштириш;
- Ёшлар билан мулоқот жараёнида фаол тингловчига айланиш;
- Ёшлар билан баҳслашмаслик;
- Ёшлар билан савол-жавоб қилиб туриш;
- Келажак билан яшашга, мақсадлар қўйишга ундаш;
- Суицидни содир этиш нияти бор, суицидга тайёр инсонни ёлғиз қолдирмаслик;
- Мутахассисга мурожаат этиш;
- Ғамхўрлик ва мадад кўрсатиш узлуксизлигини таъминлаш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аффилиация мотивини ёшларда шакллантириш суиқасд каби салбий илларларни олдини олишда катта куч бўлиб хизмат қилиши аниқ. Зарурат туғилганда ёшларни қуйидаги ижтимоий-психологик тренингларга жалб қилиш

даркор. Шу мақсадда ушбу мотивацияни ўқувчи-талаба-ёшларда шакллантириш борасида қуйидаги психотренингларни қўллаш ўринли деган фикрдамиз.

***1. “Эзгулик” машқи***

**Мақсад:** Ушбу машқ гуруҳдаги атмосферани яхшилашга ва гуруҳий ҳамжиҳатликни оширишга хизмат қилади ва шахснинг ҳиссиётларига мурожаат қилинади.

**Ўйиннинг бориши**: «бизнинг ҳар биримизда қандайдир маънода эзгулик ва инсонларга нисбатан яхшилик ҳислари ривожланган. Ҳозир биз инсонлар ҳақида эзгу сўзларни эшитамиз. Сиз ўз яқинларингиз ҳақида қандай яхши фикрларни айта оласиз. Сизга тайёрланиб олишингиз учун 5 дақиқа вақт берилади. Сиз ўзингиз мустақил равишда гуруҳнинг бир аъзоси ҳақида гапириб беришингиз лозим. Сиз қисқа ва аниқ гапиришингиз, шу билан бирга ушбу шахсдаги энг қадрлаган сифатларингизни айтиб ўтишингиз лозим.»

***2. "Фақат биргаликда» машқи***

**Мақсад:** Тренинг иштирокчиларни биргаликдаги фаолиятга, ҳамкорликка, шерикчилик муносабатларига ўргатиш.

**Ўйиннинг бориши**: Бунда иштирокчилар бир-бирига тескари қараб сафланадилар. «Ҳар бирингиз жуфт-жуфт бўлиб ажралинг ва бир-бирингизга тескари қараб туринг. Сиз секин-секин шеригингизнинг елкасидан елкангизни узмаган ҳолда полга ўтира оласизми? Энди эса худди аввалгидек ўрнингиздан тура оласизми? Иккингизга ҳам ҳаракатланиш қулай бўлиши учун қанчалик куч билан ҳаракатланишингиз лозимлигини аниқлаштириб олинг. Энди худди шу машқни бошқалар билан ҳам синаб кўринг.»

Муҳокама: Ким билан ўтириш ва қайта туриш осон бўлди? Ушбу машқда энг қийини нима бўлди?

Машқнинг модификацияси – “Ўзинг ҳақингда ўйла”. Бу машқ ҳам жуфт-жуфт бўлиб бажарилади. Иштирокчилар бир-бирларининг елкаларига суянганларида аввало ўзларининг ва шеригининг тана оғирликларини ҳис этишлари зарур.

***3. «Анабиоз» машқи***

**Мақсад:** Ушбу машқ ўз шеригини ҳис эта билишга, эркинроқ бўлиб, турли комплекслардан ҳоли бўлишга ёрдам беради, шунингдек муомала кўникмаларидан ҳисобланмиш артистизмни ҳам ривожлантиради.

**Машқнинг бориши:** Ҳозир ҳамма жуфтлик бўлиб олади. Жуфтликдан бирингиз «музлаб қолган» ва иккинчингиз «реаниматор»га бўлинасиз. Сигналга кўра «музлаган» қотиб қолади, «реаниматор» эса 1 дақиқа ичида унга қўлини теккизмасдан, ҳеч қандай сўзлар билан мурожаат этмасдан, фақат нигоҳи, мимика, жест ва

пантомимика иштирокида шеригингизни анабиотик ҳолатдан олиб чиқишингиз керак бўлади.

**Суицид профилактикасига йўналтирилган психотренинг машқлари:**

***4. “Мен ҳақиқий инсонман” машқи***

**Мақсад:** шаклланган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш.

**Машқнинг бориши:** Ҳар бир иштирокчи «Мен ҳақиқий инсонман» иборасини уч марта турлича мимика ва оҳангда айтади.

Сарфланадиган вақт: 10 дақиқа

***5. “Ўзига ўзи хат ёзиш” машқи***

**Мақсад:** ўзига адекват муносабатни шакллантириш.

**Машқнинг бориши:** Иштирокчи ўзига ўзи хат ёзади. Унда ўзидаги мавжуд ижобий муносабатлар битилган бўлади. Ҳар бир хат ўқиб эшиттирилади ва муҳокама қилинади.

Сарфланадиган вақт: 40 дақиқа.

***6. “Меҳрибонлик” машқи***

**Мақсад:** атрофдагиларда ижобий муносабатларни шакллантириш.

**Машқнинг бориши:** Иштирокчилар гуруҳ аъзосидан бирининг энг ижобий инсоний фазилатларидан фойдаланиб, мустақил тарзда ҳикоя тузадилар. Сарфланадиган вақт: 35 дақиқа.

***7. “Идеал, замонавий ва ёмон ўсмир” машқи***

**Мақсад:** ўсмирларда маънавий сифатлар ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.

**Машқнинг бориши:** Иштирокчилар уч гуруҳга ажраладилар. Биринчи гуруҳ аъзолари «идеал» ўсмирга хос сифатларни, иккинчи гуруҳ замонавий ва учинчи гуруҳ ёмон сифатларни ёзма қайд этадилар. Синфда барча иштирокчилар уларнинг ҳар бирини муҳокама қиладилар.

Сарфланадиган вақт: 30 дақиқа.

**5. *“Аввал ва кейин” машқи***

**Мақсад:** тренингни якунлаш.

**Машқнинг бориши:** ижобий таъсиротларни мустаҳкамлаш. Иштирокчилар ўзларининг хулқ-атворларидаги ўзгаришларни англашлари, ҳаётга қарашларидаги ижобий сифатлари хусусида ҳамда ўзлари учун янгилик бўлган тренингнинг аҳамияти ҳақидаги тасаввурлари билан ўртоқлашадилар. Бир-бириларига хушомад қиладилар. Тренер «намунали хулқ» декларациясини ўқиб эшиттиради ва уларнинг ҳар бири ўз ҳаётининг намунали эгаси, севиб ва севилиб яшашга ҳақли эканлиги билан ажралиб турувчи бунёдкор шахс эканликларини таъкидлайдилар.

Сарфланадиган вақт: 15дақиқа.

Бу борада биринчи президентимиз, «Энг муҳими, замонавий билим ва тафаккурга, соғлом дунёқарашга эга, ривожланган давлатлардаги

тенгдошлари билан беллашишга тайёр бўлган, кўзи ёниб турадиган навқирон авлодимиз катта ишонч билан ҳаётга дадил кириб келаётгани барчамизни қувонтиради. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлод бизнинг энг катта бойлигимиз» ва «Ўз ҳаёти, ўз тақдирини она Ўзбекистонимиз билан чамбарчас боғлаб, келажак сари катта ишонч билан интилаётган болалар - бу менинг болаларим»[10] – деган фикрлари билан ушбу мақолага якун ясашни жоиз деб топдик.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2015. – 302 б.
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маърузаси // Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: 2016 йил 7 декабрь.
3. Психологик хизмат" тўғрисидаги Низом.–Т., 2010 йил 2-сентябрь.
4. Акопян К.З. Самоубийство: проблема мотивации (размышления в связи с психологическим этюдом Н. А. Бердяева «О самоубийстве») // Психологический журнал. - 1996. - Т.17, №3.
5. Амбрумова А.Г. Личность. Психология одиночества и суицид // Актуальные вопросы суицидологии. - М., 1988.
6. Амбрумова А.Г. Психология самоубийства // Социальная и клиническая психиатрия. - 1994. - №4.
7. Амбрумова А.Г. Семейная диагностика в суицидологической практике. - М., 1983.
8. Амбрумова А.Г., Старшенбаум Г.В. О состоянии суицидологической службы в России // XII съезд психиатров России. - М.,1995.
9. Андреев И.Л. «Заказное» самоубийство: Ритуальный уход из жизни как социально-психологический феномен // Вопросы философии. - 2000. - № 12. - С.14-34.
10. Бачериков Н.Е., Згонников П.Т.Клинические аспекты суицидологии // Клиническая психиатрия. -К.: Здоровья, 1989. - С.456-465.
11. Бек А. Методы работы с суицидальным пациентом // Журнал практической психологии и психоанализа. - 2003. - №1.

[10]Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир / И.А. Каримов; - Тошкент: «Ozbekiston» НМИУ, 2015.-Б.248-253.

12. Волкова А.Н. Психолого-педагогическая поддержка детей суицидентов // Вестник психосоциальной и коррекционно-реабилитационной.

13. Гилинский Я.И. Социологические и психолого-педагогические основы суицидологии. - СПб., 1999.

14. Горская М.В. Диагностика суицидального поведения у подростков. // Вестник психосоциальной работы. - 1994. - №1.

15. Исаев Д.С. Психология суицидального поведения. - Самара. 2000.

16. Мелихов А. Уходят из жизни // Литературная газета. - 1999. - № 16 (21 апр.). - С.6.

17. Мустафаева Ш. Ўсмир психологияси:биз билмаган жиҳатлар.- Фарғона: “Фарғона”нашриёти, 2015. – Б. 3–10.

18. Норкулова Н.Т. Ёшлар маънавиятида аффилиация мотивацияси психологияси. Монография. – Тошкент: Fan va Texnologiya, 2015. – 152 б.

19. Норкулова Н.Т. Шахс ижтимоий-хулқ диагностикаси. Т.: ТВХТХҚТМОИ, 2016. – 68 б.

20. Хендин Г. Психотерапия и самоубийство // Журнал практической психологии и психоанализа. - 2003. - №1.

21. Шир Е. Суицидальное поведение у подростков // Журнал невропатологии и психиатрии. - 1984. - №10.

22. Шнейдман Э. Десять общих черт самоубийств и их значение для психотерапии // Хрестоматия по суицидологи / Сост. А.Н. Моховиков. - Киев, 1996.

23. Шустов Д.И. Аутоагрессия, суицид и алкоголизм. - М.: Когито-Центр, 2005. - 214 с.

24. Бола ва замон журнали. – Тошкент, 2016. №1/4/6.

25. Замонавий таълим журнали. – Тошкент, 2016. №5/7.

26. Мактаб ва ҳаёт журнали. – Тошкент, 2016. №1/3.

27. www.psychology.net.ru

28. www.tashxis.uz

29. www.malaka.uz

**Бахром ТАДЖИБАЕВ**

*Наманган муҳандислик технология институти*
*“Ижтимоий фанлар” кафедраси в.б. доценти*

# ҚАДРИЯТЛАР ВА ДЕВИАНТЛИК

Қадриятларни илмий ўрганиш XIX аср ўрталарида инсон ҳаёт фаолиятининг умумий фалсафий таҳлили контекстида мустақил ижтимоий-фалсафий тармоқ сифатида вужудга келди. Қадриятларга оид таълимотлардан дастлаб намоён бўлганлардан бири неокантчилик ижтимоий-фалсафий йўналишидир. Неокантчилик Баден *(Фрейбург)* мактаби вакиллари (В.Виндельбанд, Г.Риккерт) ва Марбург мактаби намояндалари (П.Наторп, Э.Кассирер ва б.) сиймосида қадриятларни идеал борлиқ сифатида тавсифлаган. Транцендентал субъект мазкур идеалнинг ташувчиси ҳисобланган. Персоналистик онтологизм (М.Шеллер) қадриятларнинг объектив хусусиятини исботлашга ҳаракат қилган. Натуралистик психологизм (А.Мейнонг, Ж.Дьюи ва б.) қадриятларга эмпирик қайд этиш мумкин бўлган воқеликнинг объектив омиллари сифатида ёндашган. Маданий-тарихий релятивизм (*В.Дильтей,* О.Шпенглер, А.Тойнби) кўп сонли тенг ҳуқуқли қадриятлар тизимлари мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилган бўлса, М.Вебер, Ф.Знанецкийнинг “тушунадиган социология”си ҳамда таркибий-функционал таҳлил мактаби (Т.Парсонс, Е.Шилз, К.Клакхон) вакилларининг мазкур муаммони ижтимоий назария доирасида тадқиқ этишни маъқул кўрган.

Қадрият тушунчаси инглиз тилида “value”, француз тилида – “valuer”, немис тилида – “wert” амал қилади ва улар нафақат “қадрият”, балки “қиймат”[1] деган маъноларни англатади. Қадриятлар муаммосини ўрганиш мустақил фан – аксиология (юнон. axios - қадрият ва logos – сўз, тушунча) вужудга келишига олиб келди.

“Қадриятлар ўз-ўзича борлиққа эга эмас, уларда фақат аҳамият мавжуд: улар иродага, ўз олдига қўйилган мақсадга қўйилган талаблардир”[2]. Илмий терминологияда қадриятлар тушунчасига муқобил сифатида анъана тушунчаси ҳам қўлланилади. Анъана – ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган моддий ва маънавий қадрият. Анъаналарни: а) ижтимоий-тарихий ҳодиса; б) жамият ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми; в) кишилар ҳаёти ва

---

[1] Каган М.С. Философская теория ценности. – СП(б): 1997. – С.41.
[2] Современная западная философия. Словарь. – Москва: Одиссей, 1991. – С.11-14.

фаолиятини белгилаш мезони; г) жамият ва одамларни бошқаришнинг маънавий омилларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин[3].

"Қомусий социологик луғат"да қадрият "ижтимоий предметнинг ижтимоий субъект (инсон, одамлар гуруҳи, жамият)нинг муайян эҳтиёжларини қондириш хоссаси, шунингдек, воқелик муайян ҳодисаларининг жамият учун ижтимоий-тарихий аҳамиятини ва инсон учун шахсий мазмунини тавсифлайдиган тушунчадир" деб таърифланади[4]. "Қисқача фалсафий қомус"да мазмун жиҳатидан ашёвий, мантиқий, эстетик ва ахлоқий қадриятлар сифатида қуйидагилар фарқланади: ёқимли, фойдали ва яроқли; ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик[5].

Социологияда қадриятлар фаннинг ўрганиш объекти нуқтаи-назаридан ижтимоий қадрият сифатида талқин этилади. Тадқиқотчиларга кўра ижтимоий қадриятлар шахсдан устун туради, чунки тегишли баҳоларни индивид ўз номидан эмас, балки ўзи мансуб бўлган бирлик номидан беради, лекин мазкур баҳолар индивид ўзи мансуб бўлган бирликнинг манфаатлари ва идеалларини қай даражада идрок этгани билан белгиланади"[6].

Ворисийлик муаммоларни асосий ўрганувчи субъекти сифатида аксиология (қадриятшунослик) жамиятдаги жиддий ўзгаришлар, ислоҳотлар даврида авлодлар алмашуви юз берадиган вазиятда қадриятлардаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Таниқли файласуф Қ.Назаровга кўра "инсоният тараққиётининг бурилиш нуқталарида, бир ижтимоий-сиёсий тузум бошқаси билан алмашинаётган ўтиш даврлари қадриятлар тизимининг алмашинувидан иборат бўлиб қолаверади"[7]. Социологияни руҳшуносликдан асосий фарқи ҳам айнан инсон хулқ-атворини сабабчиси сифати унинг ички дунёсигина эмас балки, инсонга доминант таъсирни ташқи муҳит, қадриятлар (муайян ижтимоий бирлик ёки гуруҳга тегишли қадриятлар, установкалар назарда тутилмоқда) эканлигини таъкидлайди.

Глобал тараққиётни асосий хусусиятларидан бири туб ислоҳотлар, жадал ривожланиш сари ҳаракатлардан иборат экан, мазкур жараёнлар ўз навбатида жиддий социал ўзгаришларга олиб келади ва муайян ўтиш даврини юзага келтиради. Янги даврнинг ижтимоий-иқтисодий талабларига, ижтимоий меъёрларига одамларимизни мослашиши, кўникма ҳосил қилиши давр талаби даражасига кўтарилди. Айнан ўтиш даврида шахс ривожида, менталитетида жиддий ўзгаришлар, муайян бўҳронлар кузатилади. Ана шу даврда "жамиятда кучли ижтимоий-

---

[3] ЎзМЕ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000 йил 570 бет
[4] Энциклопедический социологический словарь. – Москва: 2004. – С. 871
[5] Краткая философская энциклопедия. – Москва: 1994. – С.507.
[6] Каган М.С. Философская теория ценности - СП(б): 2005. –С. 100.
[7] Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Маънавият. 1998. – Б.121.

иқтисодий, сиёсий ва бошқа бўҳронлар инсонлараро муносабатларни тартибга солиб турган эски ижтимоий меъёрлар даврнинг янгича талабларига жавоб бермай қолади”[8]. Ўтиш давридаги ижтимоий инқирозларга қарши ислоҳотлар ҳамиша ҳам самарали натижа бера олмаган. Девиацияга қарши кураш асосан ҳис-туйғулар, фикр, хатти-ҳаракатлар турли-туманлигига қарши курашга ҳам айланиб қолган ва одатда, ҳеч қандай натижа бермаган, яъни девиация янада ёрқинроқ намоён бўлаверган. Масалан, ўтган асрнинг 80-йилларида ёшлар Ғарб моделларига тақлид қилган, жамият бунга қарши ҳеч нарса қила олмаган[9]. Демак, ҳар бир жамият тараққиётида фундаментал ўзгаришлар юз берадиган тарихий ўтиш даври бўлади ва бу ҳолат унинг кейинги тараққиётга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бу жараён – янгича иқтисодий тизимларга ўтишда асосан, давлат назорати остидан ва тақсимотидан, бозор иқтисодиётига ўтиш орқали хусусий тадбиркорликнинг пайдо бўлиши, ижтимоий структураларда чуқур ўзгаришларга олиб келди. Бундай жараёнлар аввалги қадриятлар, хулқ-атвор меъёрлари тизимига кескин ўзгаришлар ясади. Натижада янги ижтимоий-иқтисодий тизимга ўтиш жараёнида жамиятда ижтимоий бошбошдоқчиликларни вужудга келтирди. Оқибатда ижтимоий муаммолар девиант хулқ-атвор омили сифатида кўзга ташлана бошлади.

Америкалик атоқли девиантолог Мертоннинг фикрига кўра, “девиант хулқ-атвор жамиятда эълон қилинган қадриятлар ва расмий хулқ-атвор стандартлари билан аҳоли хулқ-атвор мотивлари ҳамда мавжуд имкониятларининг бир-бирига мос келмай қолиши натижасидир”[10].

Қадриятларни ўрганиш ижтимоий фанлар учун тадқиқотнинг бош предмети сифатида асосий эътиборни ижтимоий мўлжаллар, такрорланувчи одатий ижтимоий, дунёни англаш усулларига, у ёки бу ижтимоий-маданий бирликка оид ижтимоий мезонларни ўзида акс бўлган кишиларнинг тасаввурларига қаратилади. Тадқиқотчилар ҳар хил назариялар, таълимотлар ва мафкуравий конструкциялар тугалланган ва пухта ишлаб чиқилган тизимларга уюшган бир вақтда, менталликлар диффуз, маданият ва оддий онгда тарқоқдир, деган хулосага келдилар. Уларнинг фикрича, дунё ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган кишилар қадриятларни кўп жиҳатдан англамайдилар. Одамлар хулқ-атвори ва гап-сўзларида менталликлар уларнинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар намоён бўлади[11].

---

[8] Мертон Р. Социальная структура и аномия. / Соц.ис., 1992. №2.
[9] Социология. –Т:.-Тошкент Молия Институти, 2004. – Б. 86.
[10] Мертон Р. Социальная структура и аномия. / Соц.ис., 1992. №2.
[11]Гуревич А.Я. Проблема ментальностей в современной историографии// Всеобщая истории дискуссии, новые подходы. – Москва: Наука, 2014 –С. 79-80.

Тадқиқотчи С.В.Лурье қадриятларни инсон менталитетида акс этиш масалаларини ўрганди. Унга кўра, ҳар инсон менталитетида, энг аввало, қадриятлар акс этади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, менталитет сўзи “анъана” тушунчаси билан жуфтлашиб амал қилишга қодир, чунки ҳаракатчанликни, ўтмиш билан ҳам, ҳозирги давр билан ҳам боғлиқликни, ички зиддиятларга тўлаликни назарда тутади. Шу маънода анъана халқ менталитетида акс этади, деб айтиш мумкин. Лўндароқ қилиб айтганда, менталитет анъананинг моддийлашмайдиган актуаллаштирилган элементидир[12]. Яқин ўтмишда менталитет тушунчаси илмий муомалада учрамаган ва у қадриятларни ўзида акс эттирувчи ижтимоий хулқ-атвор белгилари идентификацияланган. Бу ерда инсон фитратида мавжуд бўлган, ташқи муҳит шароитларига қараб ҳар хил кўринишларда амал қилиши мумкин бўлган, лекин бутун ижтимоий бирлик учун умумий бўлган ва унинг ички маданий интегратори сифатида хизмат қиладиган ўзак-ўзлик қадриятли мансублик мулоҳаза қилинади.

Қадриятларни биз индивидларни ўзликни англаш устқурмаси асносида қурилган ижтимоий конструкция сифатида тавсифлаймиз. Қадриятларни шаклланиши “дунёнинг манзараси” ва “ижтимоий хулқ-атвор кодекси” билан белгиланади. Улар кесишадиган майдон “онг парадигмаси” ҳисобланади. Қадриятларнинг мазмунига коинот концепциясининг замирида ётувчи мўлжаллар, ҳақиқат ҳақидаги тасаввурлар, “онг аксиомалари”, онг универсал оппозициялари, уларнинг модификациялари ва кўринишлари тизими, коинот консепцияси ва қадриятлар тизими билан боғлиқ бўлган кечинмалар соҳаси, фикрлаш қоидалари, баҳолаш андозалари ва алгоритмлари ҳам, хулқ-атвор семиотикасини киритиш мумкин.

Қадриятлар жамоавий менталитет сифатида “муайян маданиятга мансуб кишиларнинг хулқ-атворидаги муайянлик” ва “мазкур кишиларнинг ўзини қуршаган дунё ҳақидаги ўзига хос тасаввурини” тавсифлайди.

Франциялик олим Ж.Ле Гофф бутун жамият менталитетини назарда тутган ҳолда, менталитет, айниқса, ноақилона ва нонормал хулқ-атворда аниқ-равшан намоён бўлади, деган фикрни илгари сурган[13]. Т.Парсонснинг “Ижтимоий ҳаракатларнинг тузилиши ҳақида” деб номланган асарида социум маданиятида эталонларга интилишнинг намоён бўлиши асосида жамиятнинг функционал эҳтиёжлари юзага

[12]Лурье С.В. Культурная антропология в России и на Западе: концептуальные различия // Общественные науки и современность. 1997. №2. – С. 152.

[13]Фильд Д. История менталитета в зарубежной исторической литературе// Менталитет и аграрное развитие (XIX-XX вв). Материалы международной конференции. – Москва:, Современные тетради, 2013. - С.18-19.

чиқади[14]. Жамиятдаги функционал эҳтиёжлари қондириши йўлида қадриятлар ўзида жамоавий менталитетни, жамоавий менталитет эса девиантлик ёки конформ хулқ-атворни шакллантиради.

Девиация бўйича машҳур мутахассис Роберт Мертон меъёрий бўлмаган хулқ-атвор шакллари учун типологияни таклиф қилди. Бу типология девиацияни тушунишни осонлаштириш учун ишлаб чиқилди. Р.Мертон девиантлик шаклланишини икки асосий мезонини таклиф қилди: 1) инсон мотивацияси ёки унинг маданий қадриятларга қатъий амал қилиши; 2) ўз мақсадига етиш учун инсонни ишончи. Бу 2 мезон қуйидаги диаграммани намоён этади[15]:




**1.1 –расм. Мертоннинг девиантлик типологияси**

1. “конформ хулқ” жамиятда маъқулланадиган маданий қадриятларни ҳам, институционал воситаларни ҳам қабул қилади;

2. “инноватор” анъанавий қадриятларни қабул қилади, лекин ижтимоий институционал воситаларни инкор этади;

3. “ритуалист” институционал воситаларни қабул қилади ва мутлақлаштиради. Бироқ мазкур воситалар ёрдамида ўзи эришишга ҳаракат қилиши лозим бўлган мақсадларни эътибордан соқит этади;

---

[14] Парсонс Т. О структуре социального действия. – 2-е изд. – М.: Академический проект, 2000. С. 200-203.

[15] en.wikibooks.org/wiki/File:Mertons_social_strain_teory.svg

4. “ретреатист” анъанавий мақсадлардан ҳам, уларга эришиш учун зарур бўлган институционал воситалардан ҳам узоқлашади;

5. “исёнкор” маданий мақсадларни ва уларга эришиш воситаларини танлашда иккиланади; у меъёрлар ва қадриятлар янги тизимини ҳамда уларга эришиш учун янги воситаларни яратиш ниятида мавжуд мақсадлар ва воситаларни рад этади[16].

Илмий-назарий изланишларимиз натижасида жамият аъзоларида девиантликни юзага келишида қадриятларни ўрнини изоҳлаш ва тизимлаштириш учун қуйидаги чизма кўринишидаги расмни таклиф этдик. Унда инсонларни тоифалаштирилган тўртта гуруҳининг девиантлик гуруҳига қўшаётган ҳиссаси акс этган.




**1.2-расм. Мавжуд қадриятларга риоя қилиш коэффициентига кўра девиантлик гуруҳини шаклланиши**

Мазкур расмда кўриниб турибдики, жамиятдаги мавжуд анъанавий мақсадлардан ҳам, уларга эришиш учун зарур бўлган институтционал воситалардан ҳам узоқлашадиганлар гуруҳи жамиятда маъқулланадиган анъанавий қадриятларни ҳам, институтционал

[16] Merton R.K. Social Theory and Social Structure. – N.Y., 1957, p.140.

воситаларни ҳам қабул қиладиганлардан кўра кўпроқ девиантлик гуруҳини шаклланишига ҳисса қўшади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каган М.С. Философская теория ценности. – СП(б): 1997. – С.41.
2. Современная западная философия. Словарь. – Москва: Одиссей, 1991. – С.11-14. ЎзМЕ. Биринчи жилд. -Тошкент, 2000-йил 570 бет
3. Энциклопедический социологический словарь. – Москва: 2004. – С. 871
4. Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент. Маънавият. 1998. – Б.121.
5. Мертон Р. Социальная структура и аномия. / Соц.ис., 1992. №2.
6. Социология. –Т:,-Тошкент Молия Институти, 2004. – Б. 86.
7. Гуревич А.Я. Проблема ментальностей в современной историографии// Всеобщая истории дискуссии, новые подходы. – Москва: Наука, 2014 –С. 79-80.
8. Лурье С.В. Культурная антропология в России и на Западе: концептуальные различия // Общественные науки и современность. 1997. №2. – С. 152.
9. Фильд Д. История менталитета в зарубежной исторической литературе// Менталитет и аграрное развитие (XIX-XX вв). Материалы международной конференции. – Москва:, Современные тетради, 2013. - С.18-19.
10. Парсонс Т. О структуре социального действия. – 2-е изд. – М.: Академический проект, 2000. С. 200-203.
11. Merton R.K.en.wikibooks.org/wiki/File:Mertons_social_strain_teory.svg
12. Merton R.K. Social Theory and Social Structure. – N.Y., 1957,

**Мақсад ИСАБАЕВ**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти "Бошқарув кўникмалари ва етакчилик маҳоратини ривожлантириш" кафедраси доценти в.б., сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Нодирхон АББОСОВ**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти бўлим бошлиғи*

# МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР НИСБАТИ

***Аннотация.*** *Мақолада қадрият тушунчаси, унинг миллий-минтақавий ва умумбашарий турларининг мазмун-моҳияти, шаклланиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда жамиятда маҳаллий ўзига хослик ва ижтимоий узлуксизликни сақлашнинг аҳамияти кўрсатилган. Шунингдек, хорижий давлатларининг анъанавий қадриятлари, уларнинг функтционал хусусиятлари, ички ва ташқи динамикаси, миллий ижтимоий ва маданий аҳамиятга эга қадриятлар, ўзини ўзи англаш билан боғлиқ ҳудудий ва маданий маҳаллий ўзига хосликнинг асосий жиҳатлари илмий ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *қадрият, миллий қадрият, минтақавий қадрият, умуминсоний қадрият, диний қадрият, миллат, элат, ижтимоий гуруҳлар.*

Тирик организм сифатида одам табиат маҳсули саналади. Бироқ, у жамиятда шаклланади ва ривожланади. Жамиятда инсон ўз меҳнати ортидан қадрланади. У ўз яратувчанлиги билан сиёсий, маданий, ижтимоий, иқтисодий тараққиётга таъсир ўтказа олади. Инсоннинг меҳнати, истеъдоди, ижодкорлиги ва ақл-заковати унинг энг олий қадрият эканлигидан далолат беради. Инсонларнинг ўз-ўзига ва жамиятнинг инсонларга бўлган ахлоқий муносабатида инсоннинг олий қадрият эканлиги ойдинлашади. Инсонлар ўз қадрини англаши билан олий қадрият эканлигини яна бир бор исботлайди. Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда эса қадриятлар муҳим рол

ўйнайди. Мустақилликка эришганимиздан кейин бир қанчаислоҳотлар амалга оширилди. Энг асосийси қадриятларимизни тиклаганлиги, маданият ва миллий тарбияни тиклашга бўлган уринишдир.

Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, диний қадриятлар ва умуминсоний маданият бугунги куннинг асосий талабларидандир. "Бугунги кунда бутун дунё, айниқса, ислом жамияти даврнинг таҳликали таҳдидлари билан юзма - юз турибди. Ислом динини сиёсийлаштириш ва мусулмон ёшларини радикаллаштириш борасидаги уринишлар бундай хатарларни ўта жиддий таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга муносиб жавоб беришни тақозо этмоқда. Шундай экан, глобаллашув жараёнлари туфайли инсон фаолиятида учраётган салбий амалларнинг олдини олиш учун уни миллий қадриятлар, диний қадриятлар ва умуминсоний маданият ютуқлари асосида тарбиялаш бугунги кун талабидир."[1]

Қадрият тушунчасидан ҳаётимизда аҳамиятли бўлган барча нарсалар, тинчлик, эркинлик, ҳақиқат, адолат ва шу каби маънавий бойликларни ифодалаш учун қўллаймиз. Инсонларда билим, талаб, эҳтиёж, мақсад мотивлари ҳамиша мавжуд бўлган. Инсон нимагадир баҳо бераётганида ана шу мотивларга асосланади ва, ўзининг манфаатини ҳам унутмайди. Шунинг учун ҳам фикрларни нисбий дейиш адолатдан бўлади. Шу нуқтайи назардан қадриятлар жамият ривожида тарихий заруратга хос равишда ўзгариб туради. Масалан, инсон бемор бўлганида сиҳат-саломатликка нисбатан эҳтиёж кучаяди, уруш даврида тинчликка, тутқунликда озодликка бўлган эҳтиёж ортади. Мустақилликка эришгунимизга қадар қадрият мавзуси ёпиқ мавзу ҳисобланган. Эндиликда эса "қадриятшунослик" фан сифатида шаклланиб, ижтимоий фанлар тизимида ўз ўрнига эга ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, бу йўналишда қатор асарлар яратилиб, кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини белгилаб берувчи, асрлардан-асрларга ўтиб халқ турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган, доим инсонларни меҳр-оқибатга, ўзаро ҳамжиҳатликка чорловчи моддий ва маънавий жараёнлар қадриятлар демакдир. Қадриятлар халқ томонидан қадрланадиган, халқнинг қон-қонига сингиб кетган, инсоният учун муҳим аҳамиятга эгалиги билан аҳамиятлидир. "Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир."[2]

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент:"Ўзбекистон", 2019.–Б. 457.

[2] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017.–Б. 89.

Халқнинг мустақиллиги унинг қадриятларини сақлаш учун дастлабки омил вазифасини ўтайди. Инсонларнинг дунёқараши яшаб турган жамиятининг ривожида катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз мустақилликка эришиши билан халқимиз турмуш тарзи буткул ўзгарди. Чунки, халқимизнинг кундалик ҳаётида катта аҳамиятга эга қадриятларимиз тиклана бошланди. Халқимиз ҳозирги замон цивилизацияси талабларига жавоб бера оладиган умуминсоний демократик қадриятлар билан дунёга юзлана бошлади. Инсоният тарихидаги унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки ҳужжат 1789 йилда қабул қилинган “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси” ҳисобланади. Биз учун аҳамиятлиси эса 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон деклорациясидир”[3]. Сабаби биз ҳам 1992 йил 2 март санасида Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо бўлдик. Шу билан бирга халқимизнинг асосий ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни – Конституцияда[4] мустаҳкамлаб қўйилган.

“Инсонларни қандай тарбиялашни Ислом дини яхши билади. Сўздан - маънога, шаклдан - руҳга, зоҳирдан - ботинга кириб боришни билади. Шу боис Ислом дини шакга ҳам катта эътибор беради. Чунки шакллар алалоқибат амалда гўзал маънавиятни юзага келтиради.”[5] Шундан келиб чиқиб, қадриятлар миллий, минтақавий, диний ва умуминсоний каби турларга бўлинади. Миллий қадриятлар миллатнинг ҳар бир фуқароси томонидан яратилиши мумкин бўлган, инсонийликка хос ва миллий - маданий мерос хазинасига қўшган ҳиссасини ифодаловчи буюк кўрсаткичдир. Унинг таркибини урф - одат, расм - русум, байраму-сайиллар ташкил этади. Аҳамиятлиси, миллий қадриятлар таркибида инсонпарварлик ғоялари ётади. Фарзандлар тарбиясида, уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда қадриятларнинг ўрни алоҳидадир. Хусусан, миллий қадриятлар сифатида ҳамдардлик, дўстоналик, вафодорлик, меҳрибончилик, бир-бирига ишонч, суянчиқ бўлиш, болажонлик, иноқ қўшничилик, катталар ва кичикларга ҳурмат, ота-онага алоҳида эътибор, садоқат каби халқимизга хос бўлган фазилатларни санашимиз мумкин. Миллий қадриятлар негизида умуминсоний қадриятлар шаклланади. Шундай бўлишига қарамай умуминсоний қадриятлар кўлами кенг, мазмунан чуқур жиҳатга эгадир. Инсониятнинг ҳақ-ҳуқуқлари, соғлиги, бой тарихий мероси, ўзаро

[3] БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217 А (III)-резолюцияси билан қабул қилинган ва эълон қилинган.
[4] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
[5] Тохир Малик. Одамийлик мулки (ахлоқ китоби). – Т.: Шарқ нашриёти, 2013. – Б. 25.

ҳамкорлиги, турли хил умумбашарий муаммолари кабилар умуминсоний қадриятларнинг бир кўринишидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, умуминсоний қадриятлар биз истиқомат қиладиган курра-и заминда яшаётган барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шунингдек, инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказишни назарда тутади. Бу умуминсоний қадриятларнинг бош мезонидир.[6]

Амал қилиш доирасига кўра қадриятлар *миллий, минтақавий ва умуминсоний* каби турларга бўлинади. Биз қуйидаги ушбу қадрият турларига тўхталиб ўтамиз.

Маълум бир халқнинг фақатгина ўзига тааллуқли, ўзи томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлари, урф-одат, маросим, байрамлари, халқ амалий санъати, халқ ўйинлари шунингдек бошқа ўзига хос жиҳатлари унинг ***миллий қадриятларини*** ташкил қилади. Миллий қадриятларни шаклланишида оила, маҳалла, халқнинг ҳар бир аъзоси етакчи рол ўйнаши мумкин. Миллий қадриятлар авлоддан авлодга анъанавийлик асосида ўтиб боради ва бевосита онгига таъсир қилмай қолмайди. Кишилар ҳаётида муайян натижалар, бойликлар, ютуқларга эришишида, шунингдек, кишилар эҳтиёжи, мақсади, ижтимоий фаолияти, умумий хатти-ҳаракатлари учун асос вазифасини ҳам ўтайди.

Ўзбек миллий қадриятларининг миллат ҳаётида қуйидагиларда намоён бўлади: миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат; каттага - ҳурмат, кичикка - иззат; меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром; сабр-бардош ва меҳнатсеварлик; халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги; жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги; ота-она, маҳалла-куй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор; ҳалоллик, меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарм-ҳаё, ибо-иффат, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва ҳоказо.

Миллий қадриятларга тарихий мерос ва тарихий хотира; маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар; илм-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари; санъат ва миллий адабиёт асарлари; ахлоқий фазилатлар; диний қадриятлар; урф-одат, анъана ва маросимлар; маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар киради.

Миллий қадриятларга мисол сифатида бахшичиликни келтиришимиз мумкин. Бахшичилик халқимизнинг эзгу ният ва орзу-армонларини ўзида ифодалайди. Шунингдек, анъана ва

[6] Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги // www.hozir.org/milliy-va-umuminsoniy-qadriyatlar-uygunligi.html

қадриятларимизни ўз ичига олади. Афсуски, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган ушбу ноёб санъат кейинги даврларда бирмунча унутилаёзди. Шундай бир шароитда Президент Шавкат Мирзиёев бахшичилик санъатини бебаҳо номоддий маданий мерос сифатида қайта тиклаш, янада ривожлантириш, бойитиш ташаббуси билан чиқди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги қарори асосида Термиз шаҳрида ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали халқ оғзаки ижодининг мазкур йўналишдаги ноёб намуналарни асраб-авайлаш, янада равнақ топтириш, кенг тарғиб қилиб, уни жаҳон узра ёйиш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур фестиваль бетакрор миллий санъатимизни оламга намоён этиш билан бирга, халқимизни дунё халқлари оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд қилиш, жаҳон мусиқа санъатида кечаётган ижодий жараёнларни атрофлича ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу нуфузли фестиваль турли қитъалар халқларига мансуб бадиий жамоаларнинг фольклори, миллий куй-қўшиқлари манзарасида инсониятни тинчлик-тотувлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, маънавий комиллик йўлида бирлаштиради. Бугунги мураккаб замонда халқлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

***Минтақавий қадриятлар*** миллий қадриятлардан фарқли ўлароқ тарихи туташ бўлган халқлар фаолияти билан боғлиқ жараёндир. Марказий Осиё халқларига хос бўлган қатор фазилатлардаги ўхшашлик турмуш шароити, тили, дини, урф-одати ва маданиятини ўхшашлиги билан асосланади. Бунда меҳмондўстлик, ҳурмат қилиш одоби, қўшничиликнинг мустаҳкам ўрнатилганлиги бир-бирига яқин бўлган шароитда яшаган қўшни халқларнинг умумминтақавий қадриятлари сирасига киради.

Этнос, мамлакат ёки минтақанинг идентификация матрицаси маълум турмуш шароитларига тегишли бўлган вакилликлар, урф-одатлар, маросимлар, кундалик элементлар шаклида сақланади. Катта ва кичик шаҳарлар аҳолисининг қиймат йўналишларида глобал даврда содир бўлган ўзгаришларни бирма-бир баҳолаб бўлмайди. Чунки муайян яшаш шароитидаги қадриятлар тизимидаги идентификация матрицалари тўплами минтақанинг геосиёсий ва ижтимоий-маданий ҳолатига қаратилган ва мамлакатнинг маҳаллийлашуви ҳисобланади[7].

Бир томондан, тармоқ коммуникацияларининг жадал ривожланиши, халқаро корпорациялар, товарлар, хизматлар, ахборот маҳсулотлари, бизнесни бошқариш тизимлари таъсир доираларининг кенгайиши ва инглиз тилининг бизнес доирасидаги ўзгаришлари

[7] Культура имеет значение: каким образом ценности способствуют общественному прогрессу / Под ред. Л. Харрисона и С. Хантингтона. – М.: Московская школа политических исследований, 2002. – 315с.

кабилар ғарблашувга ёрдам берди. Нафақат мегаполислар аҳолиси орасида, балки дунёнинг кўпгина геолокацияларида ҳам шаҳарнинг турмуш тарзи ва идрокига муқаррар таъсир кўрсатди. Бошқа томондан, маҳаллий қадриятлар ижтимоий тажрибанинг квинтэссенсияси, ҳаёт тарзида, табиий ва маданий ландшафтда мужассамланган дунёқараш, ҳозирги ва келажак ғояларини идрок этишни белгилайдиган тажрибадир. Бу қабилавий, этник, диний, маънавий, ҳудудий белгилар тизимидаги шахснинг ўзи ҳақидаги асосий ғояси унинг ҳаётининг мазмунини ва авлодлар давомийлигини белгилайди. Шундай қилиб, Европа мамлакатларида иккинчи жаҳон уруши ва Европа Иттифоқи ташкил этилган ижтимоий-маданий инқироз маҳаллий ўзини ўзи англаш учун катализатор бўлиб хизмат қилди. Европаликнинг идентификация асоси Копенгаген мезонлари бўлиб, у демократияни, ҳамма учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар, шу жумладан таълим тизимининг бирлиги ва қонунчилик тамойилларини эълон қилди. Шунга қарамай, 2015 йилги глобал инқирозга киргунга қадар миллий ва маҳаллийга тенг евроидентий шаклланмаган эди[8]. Қолаверса, миграция жараёнлари, айниқса, 2020 йилда бошланган пандемия ноаниқлик ва хавф ортиб бораётган бир шароитда бирлашган Европа концепцияси тобора кўпроқ шубҳа билан қабул қилина бошлаганини кўрсатди. Бу бошқа нарсалар қатори, мақсадли тартибга солиш имкониятларининг чекланганлигини ва ундан ҳам кўпроқ идентификация матрицаларини лойиҳалаш ва шу асосда ижтимоий жараёнларни бошқариш имкониятларини кўрсатади. Америка Қўшма Штатларда ижтимоий ўзига хослик миллатга, сиёсий ҳаракатга, давлатга мансублик билан боғлиқ илмий-ижтимоий муаммо сифатида фақат XX асрнинг 60-йилларидан, ёшларнинг норозилик маданий инқилоблари даврида идентификация қарама-қаршиликларининг кучайиши туфайли долзарб бўлиб қолди.

Идентификация асоси демократик мафкура билан бир қаторда тил, этник ва диний бир хиллик шакли сифатида “эркинлик – тенглик – розилик” миллий ғояси, шунингдек, шахсий эркинлик ва келажакка йўналтирилганликдир. Шимолий-Шарқий Осиё мамлакатларида идентификация белгиларининг бошқа тўплами ишлаб чиқилган. *Япония* учун бу тил, ноёб технологиялар, эстетика ва дизайн, тинчлик, меҳмондўстлик, табиатнинг қадр-қиммати, бутун дунёга маълум бўлган субмаданиятлардир. *Хитой* учун - анъанавий санъат, фалсафа, ноёб ижтимоий тажриба ва минтақадаги энг кучли давлатнинг геосиёсий позициясидир. *Корея* учун Япония ва Хитойдан фарқланиш, махсус Конфуций маданияти, ўзига хос эстетика, илғор технологиялар, жумладан, ижтимоий дизайн муҳим аҳамиятга эга. Ушбу блок, Ғарбнинг

[8] Giddens A. Turbulent and Mighty Continent: What Future for Europe? – Polity press, 2013. – 242 p.

мақсадга мувофиқлик тамойилидан фарқли ўлароқ, ўзига хосликни такрорлашга қурилган “ижтимоий совға ва алмашинув” ғоясини ишлаб чиқади[9].

Жануби-Шарқий Осиёда ўзига хослик лингвистик, диний, этник хилма-хиллик ва ҳудудий жойлашувга асосланади. Бундан ташқари, мамлакатларнинг ҳар бири ўзининг мустамлакачилик тажрибасига ва мустақиллик давридаги бошқарув шаклининг ўзига хос ўзгаришига эга (султонликдан социалистик ёки президентлик республикаларигача). Шунинг учун минтақавий ўзига хослик кўпроқ элитанинг умумий иқтисодий манфаатларига асосланган қобиқ ҳисобланади. Булар XX-XXI асрларда Индивидуализм ва иқтисодий фойданинг “Умумий Европа” қадриятларига муқобил бўлган “Умумий Осиё қадриятлари” деб аталади. Бу жамоатчиликнинг жамиятда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга нисбатан тотувлик, диний ва давлатнинг ижтимоий тузилмаларга интеграциялашуви, коррупциянинг ташкилий тамойил ва оилавий шериклик, тежамкорлик ва меҳнатсеварликдан устунлиги, шунингдек, кўпчилик учун раҳбар ва унинг вакилларига ҳиссий садоқатни билдиради. У фуқаролар учун замонавий шароитда фаровон жамият қуришдан умумий манфаатдорликка айланган ва мафкура мазмуни, эркинликлар даражаси ва хусусиятини белгилаш ваколатини давлатга топширишга айланган бурч ва ижтимоий иерархияга асосланади. Бундай идентификация белгилари, биринчи навбатда, миллий ва минтақавий мустақилликни сақлаш, демократиянинг ўзига хос моделини ишлаб чиқиш ва натижада маҳаллий ўзига хосликни мустаҳкамлашга қаратилган[10].

Бугунги ягона дунёда Ғарб индивидуализми ва Шарқ “умумий манфаати” ўртасидаги зиддиятларни ҳал қиладиган ижтимоий тараққиёт шаклини излаш ғояси файласуфлар ва социологларнинг асарларида бир неча бор таъкидлаб келинади. Ва бу умуман мавҳум тушунча эмас. Чунки исталган ижтимоий тузилма биринчи навбатда жамиятни зарур ҳаётий маънолар билан таъминлайди. Коммуникатив, субъект-ҳудудий, маъмурий ва иқтисодий тузилмалар фаолияти учун қиймат вектори бўлиб хизмат қилади. Чунки бизнинг замонамизда ҳар қандай маҳаллий ҳамжамият, унинг ҳудудий кўлами ва аҳамиятидан қатъи назар, глобал тармоқнинг элементи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам долзарбдир. Натижада у узатадиган таркибни бирлаштиради

[9] Мосс М. Общества. Обмен. Личность [Текст]: труды по социальной антропологии / Сост., пер. с фр., предисл., вступ. ст. и коммент. А.Б. Гофмана. – М.: Книжный дом – Университет (КДУ), 2011. – 413 с.
[10] Мосяков Д.В Юго-восточная Азия: формирующаяся региональная идентичность // Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. – 2017. – Т. 17. – № 3. – С. 575-587.

ва бу интеграция маҳаллий маданиятнинг эрозияси ва деградациясига олиб келмаслиги керак[11].

***Умуминсоний қадриятлар*** нафақат халқнинг биргина аъзоси ёки бир-бирига яқин халқлар, балки бутун инсониятнинг тарихи, тараққиёти, мероси, манфаатлари, истиқболи ва умумий бўлган жиҳатларини қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Тарихда ҳам, тараққиётнинг янги босқичида ҳам инсониятни бошидан ижтимоий, сиёсий, маънавий ва бошқа умуминсоний қадриятлар мавжуд бўлган ва у давом этади, ўзгариб боради. “Умуминсоний қадриятлар барча халқ ва элатларга хос бўлган, уларнинг инсоний фазилатларини ифодалайдиган анъаналар, урф - одатлар, интилишлар, ғоялар, соғлом фикр, юксак дид билан баҳолаш қобилияти, шу асосида қилинадиган ҳаракат ва фаолият ва ҳоказолар бўлиб, ундан унумли фойдаланиш умумбашарий муаммоларни тўғри ҳал қилишга кўп жиҳатдан ижобий таъсир этади.”[12] Мисол учун “инсон ҳуқуқлари” тушунчасини оладиган бўлсак, бу ҳар бир давлатнинг ўз фуқароси шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ-эркинликлари доирасидан келиб чиқади. Умумжаҳон демократик тамойилларнинг қарор топиши ва умумжамиятга бирлашган ҳар бир мамлакат инсон ҳуқуқларини кафолатлаши ва умуммажбуриятларни бажаришни тан олиши унинг умуминсоний қадрият сифатида шаклланишига олиб келди. Бугунга келиб, барча давлатлар ўз қонунчилигида энг аввало, демократик тамойилларни жорий этишида, албатта, ушбу мезонга риоя қилиши шарт бўлиб бормоқда. Демакки, умуминсоний қадриятлар минтақавий қадриятларга таянса, минтақавий қадриятлар ўз навбатида миллий қадриятлар негизида ривож топади.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашиб бораётганлигини, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда вужудга келган – фуқароларни тинч, тотув яшашга, барқарорликка интилишида ҳам яққол кўриш мумкин. Эндиликда тинчлик, миллатлараро тотувлик, барқарорлик Ўзбекистонда яшовчи барча халқларни, миллатларни, элатларнинг буюк ижтимоий-сиёсий Қадриятига айланмоқда. Жаҳон цивилизациясининг талабларига мос тушувчи бундай қадриятларни шаклланишида ва ривожланишида, кишилар турмуш тарзида мустаҳкам ўрнашиб олишида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бир қатор хайрли тадбирлар туртки бермоқда.[13] Халқимизнинг жамоавий яшашни хоҳлаши, хусусан, оила, маҳалла, халқ тушунчаларини муқаддас билиши, маҳалладошлар, қариндош-

[11]Козлова Ю.В. Национально-региональные ценности и локальная идентичность // Вестник экономики, права и социологии, 2021, № 3. С. 102-105.
[12] Назаров Қ. Аксиология - қадриятлар фалсафаси. – Т.: Академия нашриёти, 2011. – Б. 114.
[13]Миллий қадриятлар //www.elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqil-ish-kurs-ishi/item/13866-milliy- qadriyatlar

уруғчиликка эътиборли бўлиш, меҳнатсеварлик, сабр-бардошлилик, аёлни ардоқлаш, она тилига муҳаббат руҳида тарбиялаш, меҳр-оқибатнинг уйғунлиги халқимизнинг бой миллий қадрият эгаси эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилинганлиги, ҳурфикрлиликнинг мавжудлиги, қонун устуворлиги, диний бағрикенглик, турли миллат вакилларига бирдек ҳурматни сақлаш, ўзга халқлар тажрибаларини ўрганиш, дунёвий билимларга қизиқиш каби умуминсоний қадриятларнинг мавжудлиги ривожланиб бораётган замон талабларига жавоб беришда муҳим саналади.

Шундай қилиб, қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматларини, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим. Миллий қадриятлар маълум бир халқнинг ичида, минтақавий қадриятлар бир-бирига яқин халқларни, умуминсоний қадриятлар эса барча халқларни бир-бирига яқинлаштиради, уларнинг ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Бир сўз билан айтганда миллий ва минтақавий қадриятлар умумлашиб, умуминсоний қадриятларни ташкил қилади. Миллатчилик ва шовинизмдан ҳоли бўлиш, халқаро беқарорликни вужудга келтирмаслик, бунёдкорлик, жаҳон халқларининг маънавий бойликларини асраш, демократик ғояларни ва диний бағрикенгликни ўзида мужассам қилиш, жаҳонга хавфли ҳисобланган глобал муаммоларни оммалаштирмаслик, жаҳон халқларининг ҳамжиҳатлигига хизмат қилиш, сиёсий барқарорликка хизмат қилиш каби инсоний тамойилларга таяниш умуминсоний қадриятларнинг асосини ташкил қилади. Бизнингча, ушбу тамойилларнинг узвийлиги ва барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилашда аҳамиятлидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси //www.constitution.uz/uz/clause/index

2. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217 А (III)-резолюцияси билан қабул қилинган ва эълон қилинган.

3. Козлова Ю.В. Национально-региональные ценности и локальная идентичность // Вестник экономики, права и социологии, 2021, № 3. С. 102-105.

4. Культура имеет значение: каким образом ценности способствуют общественному прогрессу / Под ред. Л. Харрисона и С.

Хантингтона. – М.: Московская школа политических исследований, 2002. – 315с.

5. Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги // www.hozir.org/milliy-va-umuminsoniy-qadriyatlar-uygunligi.html

6. Миллий қадриятлар //www.elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqil-ish-kurs-ishi/item/13866-milliy- qadriyatlar

7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. – Тошкент:“Ўзбекистон”, 2017.–Б. 89.

8. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2- жилд. – Тошкент:“Ўзбекистон”, 2019.–Б. 457.

9. Мосс М. Общества. Обмен. Личность [Текст]: труды по социальной антропологии / Сост., пер. с фр., предисл., вступ. ст. и коммент. А.Б. Гофмана. – М.: Книжный дом – Университет (КДУ), 2011. – 413 с.

10. Мосяков Д.В Юго-восточная Азия: формирующаяся региональная идентичность // Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. – 2017. – Т. 17. – № 3. – С. 575-587.

11. Назаров Қ. Аксиология - қадриятлар фалсафаси. – Т.: Академия нашриёти, 2011. – Б. 114.

12. Тохир Малик. Одамийлик мулки (ахлоқ китоби). – Т.: Шарқ нашриёти, 2013. – Б. 25.

13. Giddens A. Turbulent and Mighty Continent: What Future for Europe? – Polity press, 2013. – 242 p.

**Mukhammadkadir MAKHMUDOV**

*Namangan State University Senior lecturer of the Faculty of Law*

**Ibrokhim ATAMIRZAEV**

*2nd ear student of Jurisprudence Namangan State University*

# THE ROLE OF THE FAMILY IN THE LEGAL SOCIALIZATION OF THE INDIVIDUAL IN THE CONDITIONS OF REFORMING UZBEKISTAN

***Annotation.*** *In this scientific article, the factors that improve the legal socialization of the individual in the conditions of the reforming Uzbekistan, especially the role of the family and its specific aspects, the results of the surveys and proposals for legislation are highlighted.*

***Key words:*** *Democratic value, modernization, legal socialization, legal information, innovation, legal nihilism, legality, public control.*

Comprehensive reforms aimed at ensuring the innovative development of the society of Uzbekistan and the processes of modernization of the country have a serious impact on the consciousness, worldview and way of thinking of citizens, enriching them with modern ideas and democratic values.

The main tasks of modernization to bring our country to a new stage of development are described in the Development Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan, in the Annual Addresses of the head of state to the Oliy Majlis, and are presented to the social consciousness of our society.

Among these divine tasks, one of the central tasks was to strengthen the human factor, the activeness of people’s civic position, initiative, to be the executor of reforms, and to increase personal responsibility for the fate of the country.

It was noteworthy that 2021 was announced in the President’s Address as the «Year of Youth Support and Public Health Promotion». As stated in it, «The healthy and well-rounded growth of the young generation, which ensures its future, plays a main role in the development of any society. For this reason, we rely on young people who are mature in every way, who have mastered modern knowledge and craft, and who are determined and enterprising to further increase the scope and effectiveness of our reforms. If we can combine the knowledge and experience of the older generation, the

qualities of foresight with the enthusiasm - courage, courage and selflessness of our youth, we will surely reach the desired goals»[1].

Naturally, the successful and effective fulfillment of these noble tasks requires the political-legal socialization and real activation of society members, each individual. In recent ears, the content of the reforms implemented to modernize the country (society) has an effective effect on the legal socialization of citizens.

The attitude of citizens to the law, the legal system, and the state of legal regulation is changing in a positive direction. In addition, the formation of a person's political and legal activity, the implementation of his legal socialization has a serious functional significance[2], which is directly or indirectly affected by various factors.

When expressing an opinion about the factors affecting the legal socialization of a person, it is appropriate to analyze by dividing them into certain groups. We suggest grouping them as follows:

1. According to the form of existence: objective and subjective;
2. According to social significance: positive and negative;
3. According to the duration of the effect: permanent and fixed-term, etc.

Factors affecting the legal socialization of a person are divided into objective and subjective types according to the state of its origin.

Objective factors are events, phenomena, and processes that influence the individual's, behavior, and legal socialization, regardless of the individual's will. As an example of objective factors affecting the legal socialization of a person, we can show the family and social environment in which a person lives, political and administrative processes and other external legal realities.

In our opinion, objective factors in the legal socialization of a person have a special importance compared to other types of factors that we propose, and should be evaluated as the most common events and incidents in the life of society. Because, in society, there are so many processes that do not depend on the will of the subject, that because of them, the person becomes socialized whether he wants it or not[3].

For example, suppose a child is born into a family of a legally civilized couple and grows up and is educated in a household with a very positive social environment. The level of legal socialization in it is high by itself and takes place in a positive process. On the contrary, it is not difficult to imagine how and to what extent the legal socialization of a child born in a poor family and growing up will be.

---

[1] People's word, December 30, 2020.

[2] Saburov N. Political and legal activity of a person is an important factor in the formation of civil society. – Yu.f.d. ... diss. Autoref. – T., 2011, p. 10.

[3] Anthony Giddens Sociology: a textbook for higher education institutions // Socialization and the life cycle. «Unsocialized» children / Translators: N. Mamatov, J. Begmatov. - T.: East. 2002. -B. 81-98; Lane Harlan. The Wild Boy of Aveyron. Cambridge. 1976. -S. 44.

If we pay attention to the objective factors affecting the legal socialization of a person in the process of legal reforms and modernization, we can witness that they are very numerous.

In particular, various events, situations, realities that occur in social life can be factors (situations) that fundamentally change people's lives. For example, natural disasters (earthquakes, tsunamis, global epidemics, etc.), social upheavals, revolutions, political upheavals, economic crises, etc., which are not dependent on people's will, consciousness, etc., can cause unexpected consequences in the lifestyle of many individuals. Reforms in the life of the state and society are also objective factors affecting people's minds.

The coronavirus pandemic (covid-19), which broke out in early 2020, was also an unexpected disaster for the countries of the world. Since March of the same ear, it has become an unpleasant threat for Uzbekistan, causing unexpected difficulties in the lives of thousands of families and millions of people. In general, objective factors put people in sometimes helpless, sometimes necessary (compulsory) situations.

Subjective factors are a set of events, objects, processes and tools that affect their legal socialization as a result of the will and actions of individuals. They arise depending on the individual's will and as a result of his actions and affect his legal socialization. In this case, it is possible that the person's will is not focused only on socialization.

In the scientific literature, the factors influencing the political-legal activity and socialization of individuals are divided into different groups and analyzed by classification. For example, as a result of her research, I.P. Usimova offers the following classification of factors related to or affecting the legal socialization of a person: 1) social-economic factors; 2) social-political factors; 3) social – legal factors; 4) social – psychological factors; 5) spiritual – cultural factors. Among these factors, the scientist emphasizes the importance and role of the state, society, legal culture and legal consciousness[4]. Also, in the process of legal socialization, attention is paid to the mental characteristics of a person (ability, temperament, character, will, needs, etc.)[5].

Of course, economic, political and legal systems, real reality and living environment are factors that objectively affect socialization. Personal qualities and psychological characteristics of an individual are among the subjective factors. A person's will, inner feelings, emotions, goal-directing (motivational) desire and needs can be recognized as subjective factors that stimulate his legal socialization.

Let's say that a person wants to get an education and steps towards a school. In this case, his main goal (motive) is to gain knowledge, and at the

---

[4] See: Usimova I.P. Pravovaya socialization lichnosti. – Autoref. diss... k.yu.n. - M., 2007, p. 15.

[5] Popandopoulo O.A. Pravovaya sotsializatsiya lichnosti: socio-philosophical analysis. – Autoref. diss... can. philosophy science – Volg. 2015, pp. 17–18.

same time, he goes through the process of joining the community and socialization[6].

Situations where the goal and actions of a person are directly directed to legal socialization are also observed in practice. For example, a person can enroll in law school or attend a law school. In this place, there is action and the pursuit of a specific goal, that is, the motivation for legal socialization is manifested.

As an example of the subjective factors affecting the legal socialization of a person in the process of modernization, we can show the increased interest in law among citizens and the demand for studying law. Today's development processes and the goal of establishing a legal democratic state, which our country is striving for, increase the need for legal personnel. Based on this, the number of people who want to study in higher and secondary specialized educational institutions that train legal personnel is increasing ear by ear. Young people are more willing to become lawyers. In this regard, the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 29, 2020 «On additional measures for the fundamental improvement of legal education and science in the Republic of Uzbekistan» No. PF - 5987[7] was a special impetus. State-level attention to jurisprudence, the importance of possessing legal knowledge, comprehensive measures and privileges and guarantees stipulated in the decree on the development of legal education led to a sharp increase in the desire of our youth to acquire legal knowledge. A person's willingness to seek law and legal knowledge can be evaluated as an important subjective factor of legal socialization.

When thinking about the subjective factors of legal socialization of a person, it is appropriate to pay attention to the following research results. During the questionnaire survey, «Indicate the subject that has the main influence on the legal socialization of the person?» 37% of respondents indicated «Family and parents», 33% indicated «School, academic lyceum and college», 8% indicated «Neighbourhood», 2% indicated «Kindergarten», participation in the survey 20 percent of those who attended registered other institutions. Therefore, the results show that the role of family and educational institutions is high as a factor affecting the legal socialization of a person.

In fact, the family is the primary space that has the greatest impact on the legal socialization of an individual. In the Republic of Uzbekistan, attention is paid to the issue of state support of families and their development at the level of state policy. It is worth noting separately that in the Address of the

---

[6] Nar1ow Narru F. and R.R. Zimmerman. Affectional responses in the infant monkey // Science, 130. 1959: Nar1ow Narru F. and Margeret K. Narlow. Sosia1 derivation in monkeus // Ssietifie Amerisan. 1962: Novak M. A. Sosia1 recovery of monkshood isolated for the first ear of life: II. Long-term nt // Devo1ormenta1 Rsesho1ogu, 2. 1979

[7] People's word, December 30, 2020.

President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis (December 29, 2020), the scope of establishing a system of social assistance to low-income families, providing housing to needy families has been further expanded, and for the payment and crediting of the initial installments of 27 thousand families on mortgage loans - 2,4 trillion soums, 6 trillion soums of preferential loans were set to be allocated to support family entrepreneurship[8].

Undoubtedly, the role and influence of the family is incomparable in the formation and promotion of the unique spirituality of any nation. Because the purest and purest feelings of a person, the first concepts and imaginations of life are first formed in the bosom of the family. It is natural that the foundation of the spiritual standards and views that define the child's character, nature and worldview - the foundation of such sacred concepts as goodness and goodness, nobility and kindness, honor and dignity - is settled in the family environment.

Many ears of scientific observation and research show that a person receives 70% of all the information he receives during his life before the age of 5. If we take into account that the mind of a child is mainly formed at the age of 5-7, it is during this period that the first buds of spirituality, knowledge and level begin to appear in his heart under the influence of the family environment. Many examples of life experience confirm that most of the skills and knowledge of a person are inextricably linked to the education he receives in the family. It is during this period that the child begins to understand and understand all the good and bad things, his innocent mind absorbs all the events in the family and around him, the impressions of their core like a printed paper[9].

Legal upbringing, legal awareness and legal culture formed in the family also occupy a special place in the legal socialization of the individual. Based on this, it is very important to pay attention to the issue of further improvement of the legal system that regulates family relations and serves as a legal guarantee for the maturity of a person. After all, it should be noted that the laws, rules and norms adopted in our country on the development and improvement of the family institution are extremely important.

Based on the need for continuous improvement of legal norms that directly affect the legal socialization of a person, we consider it appropriate to amend Article 65 of the Family Code of the Republic of Uzbekistan. This norm defines the norms of «The right of a child to live and be brought up in a family», according to which every child has the right to live and be brought up in a family, to know his parents, to use their care, to live with them. However, although this norm specifies the child's living and upbringing, the law maker did not pay attention to his socialization. Based on this, it is necessary to

[8] Karimov I.A. High spirituality is an inexhaustible power. - T.: 2008, «Spirituality» - pp. 52-53.
[9] Davletov R.Q. Important effects of legal reforms. – New Uzbekistan, December 17, 2020.

include the socialization of each child in the family along with the living and upbringing of each child in this article. In particular, Article 65 of the Family Code of the Republic of Uzbekistan, which is in force in our country, should be stated as follows: «Every child has the right to live in a family, to be educated and socialized, to know his parents, to use their care, to live with them, and situations that are contrary to the interests of the child.» is an exception. A child has the right to be brought up by his parents, to have his interests secured, to be fully developed, and to have his human values respected.

In the absence of the child's parents or when they are deprived of parental rights, and in other cases when the child is deprived of parental care, his right to be brought up in the family is ensured by the body of guardianship and patronage. We believe that the introduction of such an addition to the Family Code will serve as an important factor in the legal socialization of the child and will further increase the responsibility of parents.

Factors affecting legal socialization can be divided into positive and negative types according to their social importance.

What should be understood by positive factors? Of course, tools that have a beneficial effect on the legal maturity of a person are evaluated as a positive factor. Education, upbringing and other similar factors can be cited as the main example.

It is noteworthy that in the process of modernization, activities aimed at raising the legal consciousness and culture of the population to the positive factors affecting the legal socialization of the individual are regularly organized. Implementation of the «Concept of Improving Legal Culture in Society» approved by the decree of the President of the Republic of Uzbekistan on January 9, 2019, in which the Ministry of Justice will make citizens legally literate, legal socialize them, and fulfill the tasks set to improve the legal culture of all levels of the population, including the youth. it is necessary to recognize the positive effect of the activities carried out in all regions for the purpose of activation, including the legal promotion work on the legal socialization of a person. The Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan, R.K. Davletov, in his speech on the press pages, noted the following: «In recent ears, about 520,000 legal promotion events have been held by judicial authorities to explain the content of newly adopted legal documents... To increase the legal literacy and culture of the population on the Internet Five legal portals have been developed. At the same time, a system of providing mobile legal advice to citizens was launched. A total of 3799 representatives of individuals and legal entities were received during more than 40 mobile receptions»[10].

Ministry of Internal Affairs regarding legal promotion among citizens; Prosecutor's office; The scope of work carried out by the Customs Committee

[10] Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, No. 16 of 2020, Article 330.

and other state bodies can be seen in the following figures. In 2020, the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan and its bodies conducted 114,351 promotional events to convey the essence of laws directly to the law enforcers and the general public, including 7,636 TV shows and 6,437 radio broadcasts, and 7,428 articles were published in the press.

In the «Regulation on the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan» approved by the decision of the President of the country on April 13, 2018 PQ-3666, attention is focused on the wide use of mass media and the Internet by judicial bodies in explaining the content and essence of legal documents and in providing legal information to the population[11].

If we pay attention to the results of 2020 alone, during this period, judicial bodies have organized more than 519,000 promotional events for the purpose of raising the legal consciousness and culture of the population, promoting legislation, which has increased by 3 times compared to last ear. Targeted propaganda programs on a wide range of topics were developed and operated with the help of mass media, that is, in cooperation with them[12]. «Legal information» channel of the Ministry of Justice in Uzbek and English has been opened on the Internet. It has more than 130 thousand subscribers. 2421 materials are provided on this channel, 1583 materials are provided through other sites

In cooperation with the Ministry of Justice and the National Television and Radio Campaign of Uzbekistan, a television studio «Legal Information» was established on the television and radio channel «Madaniyat va Marifat». TV programs «Legal news», «My right», «Znay svoi prava», «The law is equal for all» are being organized there. Journalist club «Meeting with Justice» was established in order to strengthen cooperation between justice authorities and mass media. The «Communication with Justice» page with more than 10,000 participants is active on Facebook[13].

In this direction, the internal affairs, justice and prosecution bodies of the Republic of Uzbekistan have accumulated certain experience. For example, in 2019, 214,351 events were held by prosecutor's office in the field of legal promotion. 23,567 performances were organized through mass media, 7,636 of which were directly on television, and 6,437 on radio. 94,470 of the promotional activities were organized directly in the places of residence, study and work of citizens[14]. In 2020, a total of 221,894 promotional events were held. 27,792 times in the media, including 8,832 in the press and 6,006

---

[11] info@minjust.gov.uz.; «Man and Law», December 25, 2020.
[12] Man and Law, December 25, 2019
[15] https://psyjournals.ru/sociosphera/2010/n1/35153_full.shtml.
[16]Эрих Фромм. Мужчина и женщина. ISBN: 5-237-00060-6. АКТ. 1998.
[17] Юнг К.Г. Душа и земля / К.Г. Юнг // Проблемы души нашего времени. — М., 1993.

захоронение девочек заживо. В Индии был обычай сати, когда женщину, потерявшую мужа, сжигали заживо в погребальном костре.

Римский правовед **Папиниан** писал следующее о положении женщин в обществе: «**Согласно общим нормам нашего законодательства, положение женщин хуже, чем положение мужчин**» (Дигесты). Несмотря на то, что женщина была свободной, она все же не имела гражданских «свобод». Например, она не может служить в армии, голосовать на собраниях, не может быть избранной на государственную должность, быть судьей или прокурором и не имеет права проводить судебный процесс в качестве адвоката любой третьей стороны.[18]

**Алексис де Токвиль**, французский гуманист и философ XIX века, автор труда «Демократия в Америке», в этом отношении рассуждает так: «*Некоторые подчеркивают не только равенство мужчины и женщины, но и их целостность. Они не только предоставляют мужчинам и женщинам одинаковые права, но и налагают на них одинаковые обязанности. Они хотят, чтобы мужчины и женщины думали и работали одинаково. Это не ведет к хорошему, это приведет к кризису мужчины и женщины в качестве пола, это приведет к появлению слабых мужчин и сильных женщин*».[19]

О высоком положении женщины в обществе тюркских народов арабский историк **Ибн Баттута** сообщает: «*Турецкие каганы подписывают указы «по велению султана и хатун»*». В своих взглядах **Аль-Беруни** особо подчеркивал, что мир в семье находится непосредственно в руках мудрых, умных, сообразительных, воспитанных женщин. В своей работе «**Минералогия**» он утверждает, что мир и лад, счастье в семье в большей степени зависит от женщин. Заслуживают внимания и взгляды великого ученого **Абу Али ибн Сины** касательно вопросов семейных отношений. В его книге «**Тадбири манозил**» («О домоводстве») говорится о том, что женщины должны обладать знаниями, хорошими манерами и поведением, думать о рождении и воспитании ребенка; не пятнать свое доброе имя. Великий полководец **Амир Темур** уделял такое же серьезное внимание вопросам создания семьи, как государственным вопросам. В частности, в своих «**Уложениях**» он высказал следующие взгляды на выбор невесты: *«В заботах женить своих сыновей, внуков и близких, я сосредоточился на поисках невесты. Я считал эту работу равной государственным делам. Я наводил справки о родословной невесты до седьмого колена. Узнавал через близких людей о состоянии ее здоровья и физической зрелости.*

[18] Гуревич Д., Рапсат-Шарлье М.-Т. Повседневная жизнь женщин в Древнем Риме. — М., 2006. 239-240 стр.
[19] Алексис де Токвиль. Демократия в Америке: Пер. с франц. // М.: Весь мир, 2000.

*Только при условии, что будущая невеста была свободна от всех недостатков в своем происхождении, воспитанности, поведении и здоровье, устраивал народу большое празднество и женил их».*

В исламском шариате мусульмане - мужчины и женщины должны стремиться к получению знаний. В священном хадисе сказано: *«Стремиться к знаниям обязательно для каждого мусульманина».* Ислам причисляет мужчин, которые хорошо относятся к своим женщинам, в ряд самых лучших людей. Об этом в хадисе говорится так: *«Лучший из вас - тот, кто хорошо относится к своей жене»* (Предание от ат-Термизи).

С конца XIX века во всем мире активизировался процесс предоставления женщинам права голоса наравне с мужчинами. В 1893 году Новая Зеландия, а затем Австралия первыми признали женщин гражданами и предоставили им право голоса. Подсчитано, что в обществе информации и знаний, в развитых странах во всех сферах общественной жизни «критическая масса» женщин достигла уровня, необходимого для устойчивого развития общества.[20]

18 декабря 1979 года **Генеральная Ассамблея ООН** приняла Конвенцию «**О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин»** (**CEDAW**). Эта Конвенция является ключевым документом, который четко определяет проблемы, связанные с достижением практического равенства между женщинами и мужчинами, то есть обеспечением гендерного равенства, осуществлением женщинами своих прав на практике. На саммите, прошедшем 8 сентября 2000 года, **достижение гендерного равенства** была включена в ряд из **8 целей** развития **Декларации тысячелетия ООН** (Резолюция № A/RES/52/2), принятой Генеральной Ассамблеей ООН.[21] Всемирный банк выпустил отчет под названием «***Женщины, бизнес и закон - 2019: десятилетие реформ***». В нем дается анализ изменений, внесенных в законодательство 187 стран за последнее десятилетие.[22]

Эксперты дали оценку тому, как изменились правовые системы этих стран за последнее десятилетие и как это повлияло на права женщин. Основными критериями оценки были следующие:

- *заработная плата;*
- *обеспечение работой;*
- *ведение бизнеса;*
- *управление финансовыми ресурсами и активами;*
- *пенсионное обеспечение;*

[20] Колодина А. Преемственность культуры в обществе риска: философский анализ. Москва, ТРП, 2016, 247 с.
[21] Декларация тысячелетия. ООН. Нью-Йорк. 2000.
[22] Women, business and the law 2019: a decade of reform// https: // openknowledge.worldbank.org / bitstream / handle/10986/31327/WBL. 2019.

*- право свободного передвижения по стране;*

*- брак, деторождение и воспитание детей.*

В 2018 году **Всемирный экономический форум** также опубликовал доклад о глобальном гендерном разрыве (Global Gender Gap).[23] Он охватывает участие женщин в политике и экономике в 149 странах, их положение на рынке труда, различия в заработной плате мужчин и женщин, вопросы карьеры, образования и ожидаемой продолжительности жизни.

23 сентября 2020 года Президент Узбекистана **Шавкат Мирзиёев** выступая на 75-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН, представил вниманию международного сообщества свою позицию по актуальным вопросам, имеющим глобальное значение: «*Политика гендерного равенства стала для нас приоритетным вопросом. Возрастает роль женщин в государственном управлении*».

Гендерное равенство может быть достигнуто с помощью гендерной стратегии, определенной ООН как «...*процесс оценки результатов воздействия на мужчин и женщин законодательства, политики или программ на всех уровнях*».[24] Эта стратегия должна стать неотъемлемой частью реализации программ развития во всех сферах жизни. Человечество должно пройти долгий исторический путь, чтобы обеспечить полное равенство мужчин и женщин с точки зрения их прав и возможностей, повысить уровень **гендерной чувствительности** (gender sensitivity) обществ и культур.

Исследования в области государственного менеджмента[25] показывают, что своевременное устранение гендерных проблем зависит от передовых методов работы и компетенций в сфере менеджмента. В частности, одной из важнейших задач в сфере менеджмента является организация профессиональной и информационно-образовательной среды XXI века на основе целей устойчивого развития. Решение проблемы заключается в постоянном развитии профессиональных навыков и компетенций на основе парадигмы «**Lifelong learning**». Есть потребность в пересмотре всех существующих образовательных программ на основе этих концептуальных идей и принципов[26].

В качестве решения проблемы предлагается проводить гендерный анализ на всех этапах общественного управления, осуществлять мониторинг количественных и качественных показателей, включать принцип гендерного паритета в стратегические планы и программы

---

[23]The World Economic Forum. The Global Gender Gap Report 2018// ttps://www.weforum.org/reports/the-global-gender-gap-report-2018.

[24]http://www.un.org/womenwatch/osagi/pdf/factsheet1.pdf.

[25] UN Research Institute on Social Development (www.unrisd.org).

[26] Мохира Халикова и др. Гендерное равенство: от идеи к закону. Ташкент. «Akademnashr», 2021. -203 с. ISBN 978-9943-7576-2-2.

корпоративного развития, учитывать потребности, взгляды, ожидания женщин, оказывать всестороннюю поддержку деятельности женских общественных советов, проводить в СМИ актуальные мероприятия по проблеме, поддерживать инициативы ННО и международных организаций.

Учет гендерной проблематики подразумевает включение элементов гендерного равенства в деятельность национальных государственных и частных учреждений, в политику на общегосударственном и местном уровне, а также в процессы предоставления услуг и реализации программ в конкретных сферах. В долгосрочной перспективе этот подход направлен на трансформацию социальных институтов и практики, основанных на дискриминации, с пониманием того, что дискриминация может присутствовать – явно или завуалированно – в самых разных законах, культурных нормах и местных обычаях, которые, например, ограничивают доступ женщин к правам собственности или к общественному пространству.

Несмотря на положительный опыт других стран, его невозможно использовать напрямую при внедрении гендерного подхода в Узбекистане. В этой ситуации важно учитывать историческое развитие, социальные, культурные и экономические особенности страны.

Важно разрабатывать стратегии и программы по решению гендерных проблем, важно, чтобы руководители и специалисты, лица, принимающие решения в государственных и негосударственных организациях, в своей деятельности знали подходы, основанные на гендерной чувствительности, и применяли их на практике.

Исследования **ООН** в сфере менеджмента[27] показали низкий уровень осведомленности мужчин, работающих в исполнительном и законодательном секторах, о зависимости экономических потребностей в семейно-бытовой сфере с местным, региональным и национальным социально-экономическим развитием. Применение таких измерений при принятии решений обеспечивает эффективность политики.

**Основными направлениями развития профессиональных компетенций специалистов в области гендерного равенства могут быть выдвинуты следующие:**

- *формирование гендерной культуры как элемента общей культуры личности.*
- *развитие навыков практического применения технологий выявления, устранения проявлений гендерной дискриминации;*
- *использование гендерной чувствительности для реализации управленческих решений.*

[27] UN Research Institute on Social Development (www.unrisd.org).

Также даст желаемый результат проведение гендерного аудита в конкретной организации, который помогает эффективно применять гендерный подход, определяет эффективность принятых в организации правил корпоративной культуры для внедрения комплексного гендерного подхода; отслеживает и оценивает динамику обеспечения гендерного равенства; накапливает положительный опыт в достижении гендерного равенства.[28]

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Конституция Республики Узбекистан // URL: http://www.lex.uz
2. Закон «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» // URL: https://lex.uz/docs/4494849
3. Алексис де Токвиль. Демократия в Америке: Пер. с франц. // М.: Весь мир, 2000.
4. Бурдье П. Мужское господство // Бурдье П. Социальное пространство: поля и практики / – М.: Институт экспериментальной социологии; СПб.: Алтея, 2005. – С. 286– 365. 185-187 стр.
5. Гуревич Д., Рапсат-Шарлье М.-Т. Повседневная жизнь женщин в Древнем Риме. – М., 2006. 239-240 стр.
6. Т.М. Мельник. Гендер как наука. Пособие. Киев. 2004. с. 10 – 29.
7. Калабихина И. Е. Краткий понятийный словарь по гендерным исследованиям // Социальный пол: экономическое и демографическое поведение. Учебно-методические материалы по курсу. М., 1998.
8. Колодина А. Преемственность культуры в обществе риска: философский анализ. Москва, ТРП, 2016, 247 с.
9. Олимпия де Гуж. Предисловие для дам или Портрет женщины. URL: http://www.olvmpedegouges.eu/preface pour les dames.php.
10. Мохира Халикова и др. Гендерное равенство: от идеи к закону. Ташкент. «Akademnashr», 2021. -203 с. ISBN 978-9943-7576-2-2.
11. Эрих Фромм. Мужчина и женщина. ISBN: 5-237-00060-6. АКТ. 1998.
12. Юнг К.Г. Душа и земля / К.Г. Юнг // Проблемы души нашего времени. – М., 1993.
13. Platon. Dialogues. Translation from ancient Greek. Khar’kov, Folio Publ., 1999. 383 p.
14. Margaret Mead. Sex and temperament in three primi¬tive societies. New York. 1935.
15. The World Economic Forum. The Global Gender Gap Report 2018// ttps://www.weforum.org/reports/the-global-gender-gap-report-2018

[28]https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/europe/ro-geneva/-sro-moscow/documents/publication/312703.pdf

16. Women, business and the law 2019: a decade of reform// https: // openknowledge.worldbank.org / bitstream / handle/10986/31327/WBL. 2019.
17. http://www.un.org/womenwatch/osagi/pdf/factsheet1.pdf.
18. https://psyjournals.ru/sociosphera/2010/n1/35153_full.shtml.
19. https://www.50x50movement.org. Индекс Глобальной инициативы по женскому лидерству.

**Madina XUDOYOROVA**

*O'zbekiston Respublikasi Oila va xotin qizlar davlat qo'mitasi huzuridagi "Oila va xotin-qizlar" ilmiy tadqiqot instituti doktoranti*

## GENDER TENGLIK VA ZAMONAVIY QADRIYATNING SHAXS BAXTLILIK DARAJASIGA TA'SIRI

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada gender tenglik va zamonaviy qadriyatlarning jamiyat hayotiga, uning rivojlanishiga va insonlar baxtlilik darajasiga, subyektiv farovonligiga ta'sir ko'rsatishi aks ettirilgan. Gender tenglik mavjud jamiyat va gender tenglik mavjud bo'lmagan jamiyat o'rtasidagi baxt indeksi solishtirilgan. Gender tenglik mavjud bo'lgan oilalar va ulardagi farzandlar dunyoqarashidagi differensiallar yoritib berilgan. Bundan tashqari gender tenglik va zamonaviy qadriyatning o'zaro bog'liq tomonlari atroflicha taqqoslangan.*

***Kalit so'zlar:*** *Gender tenglik, gender xususiyatlar, baxtlilik darajasi, subyektiv farovonlik, jamiyat, oila, zamonaviy qadriyat, qadriyat turlari.*

Bugun biz rivojlanayotgan va axborotlar bazasi juda katta bosimga ega bo'lgan bir zamonda yashamoqdamiz. Shunga qaramay insoniyat va olam yanada rivojlanish va yuksalish uchun harakat qilmoqda. Har bir davlat, har bir jamiyat, har bir insoniyat bugungidan ko'ra yaxshiroq, kuchliroq va mukammalroq bo'lishga intilmoqda. Har qaysi jamiyat boshqasidan ko'ra oldinroq qadam tashlashga tashna shubhasiz. Xo'sh, qanday jamiyat boshqalarga nisbatan oldinroqda boradi? Bizning javobimiz esa quyidagicha: hammamizga ma'lumki davlat, jamiyat, oila 2 toifa individlardan tashkil topgan: erkak va ayol. Shunday ekan, har ikkisi bir xil rivojlangan ta'limga ega tafakkur va iqtidorda bir-biridan o'zadigan va bir-birini to'ldiradigan jamiyat albatta bir tomonlama ya'ni faqat bittasi (ayol yoki erkak rivojlangan) jamiyatdan har taraflama ustunroq va mukammalroq bo'ladi. Gender tengligi va jinsiy tenglik: erkaklar va ayollar o'rtasidagi tenglik – bu oilada erkaklar va ayollar o'rtasida teng huquqlarga erishishni nazarda tutadigan tushuncha va boshqa qonuniy munosabatlar hisoblanadi. Ba'zi tadqiqotchilarning fikriga ko'ra[29], gender tenglik – bu patriarxal tizimdan keyingi ijtimoiy-jinsiy munosabatlarning keyingi bosqichi[30].

---

[29] Kalabixina Irina Yevgenevna kandidat ekonomicheskix nauk, dotsent kafedri narodonaseleniya ekonomicheskogo fakulteta MGU.

[30] Kalabixina I. Ye. Kratkiy ponyatiyniy slovar po gendernim issledovaniyam // Sotsialniy pol: ekonomicheskoe i demograficheskoe povedenie Uchebno-metodicheskie materiali po kursu. M., 1998.

Gender tenglik tamoyili insonning shaxs sifatida paydo boʻlishiga toʻsqinlik qiladigan barcha ijtimoiy toʻsiqlarni oʻrganish va yoʻq qilish, shuningdek, hayotning barcha sohalarida erkaklar va ayollar shaxsiyatini anglash uchun teng ijtimoiy imkoniyatlarni yaratishdan iborat. Oʻzbekiston gender tenglik koʻrsatkichi roʻyxatida 2019-yildan boshlab qatnashishni boshladi. 2019-yil holati boʻyicha Oʻzbekiston gender tenglik koʻrsatkichi roʻyxatidagi 189 mamlakat ichida 62-oʻrinni egalladi. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Aholishunoslik jamgʻarmasi (UNFPA) ekspertlarining fikriga koʻra, Oʻzbekistondagi har 100 000 ayoldan 29tasi gender tengsizlik tufayli vafot etishi va 15-19 yoshdagi har ming oʻspirin qiz uchun tugʻish koʻrsatkichi 23,8 foizni tashkil qiladi[31]. Gender tenglik koʻrsatkichi roʻyxati boʻyicha 62-oʻrinda Oʻzbekiston bilan bir qatorda Kosta-Rika va Urugvay ham 0,288 koʻrsatkichi bilan qayd etilgan. Oʻrta Osiyo davlatlari oʻrtasida Qozogʻiston 44-chi, Qirgʻiziston 82-chi, Tojikiston 70-chi oʻrinlarni egallagan. Turkmanistonda esa, bu roʻyxatda hech qanday maʼlumot koʻrsatilmagan[32]. Oʻzbekistonda 2019-yil 2-sentabrda 562-sonli Oʻzbekiston Respublikasi “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari toʻgʻrisida”gi Qonun qabul qilingan[33]. Oʻzbekistonda Gender tenglik boʻyicha Komissiya 2019-yildan boshlab ish yuritib keladi. Oliy Majlis Senati Raisi Tanzila Narbayeva Oʻzbekiston Respublikasi Gender tenglikni taʼminlash masalalari boʻyicha komissiyasining raisi hisoblanadi[34]. Ushbu kontseptsiyani tanqid qiluvchilar asosiy postulatlarni keltirib, tenglik tushunchasi hamma uchun teng imkoniyatlar berishdir, deb taʼkidlaydi.

Gender tenglik kontseptsiyasini tanqid qiluvchilar buni deyarli imkonsiz deb bilishadi, chunki “erkak va ayol nafaqat fiziologik, balki ruhiy jihatdan ham bir-biridan farq qiladi”[35] va shuning uchun “tenglik” haqida gap borganda “hech qanday savol boʻlishi mumkin emas”, chunki jamiyat erkaklarni ayollar sevadigan ishlariga majbur qilsa (doʻkonlarga borish, kiyim-kechak sotib olish, yuzlarini kosmetika bilan bezash, bolalarga gʻamxoʻrlik qilish, uyni shinam qilish) ular baxtli boʻlolmaydi. Ayol, oʻz navbatida, jamiyat uni faqat erkaklar ishini bajarishga majbur qilsa, baxtli boʻlmaydi: oʻtin kesish, mashinalarni taʼmirlash, buldozer haydash. Biroq, gender tenglik nazariyasining tarafdorlari, bu fikr koʻp avlodlar davomida patriarxal taʼlim va insonlarning ilmga qarshi nazariyalar, stereotiplar va jamoatchilik fikrlarini idrok etishiga katta taʼsirini taʼkidlaydilar. Baʼzi sotsiologlarning fikriga koʻra, zamonaviy jamiyatda psixika, xulq-atvor motivlari va fikrlash uslubi jinsga bogʻliq degan fikr hukmronlik qilmoqda.

[31] Gender tenglik boʻyicha butunjahon statistikasi
[32] Gender tengligi koʻrsatkichi roʻyxati (PDF).
[33] https://lex.uz/docs/-4494849 Xotin-qizlar teng huquq kafolatlari toʻgʻrisidagi OʻRQ-562 02.09.2019
[34] Gender tenglik komissiyasi haqidagi rasmiy saytining „Komissiya haqida“ sahifasi, archived from the original on 2021-04-14, qaraldi: 2021-04-14Gender tengligi.
[35] Савелев С. В. Интервю: от веса мозга зависит вес в обществе

Tenglik tushunchasini tanqid qiluvchilar, umuman tushunchaning mohiyatini tan olsalar-da, unga yana bir ta'rif berishadi: Gender tenglik – bu ayolning ayol sifatida, erkak esa erkak sifatida rivojlanish imkoniyatidir[36]. 2015-yilda Pokiston Birlashgan Millatlar Tashkilotining Gender tenglik va ayollarning huquqlarini kengaytirish boʻyicha boʻlimi tomonidan hisobot tayyorlandi[37]. Bu hisobot "BMT-ayollar" deb tanilgan.

Hisobotning markaziy masalalaridan biri ayollarni ish bilan ta'minlash masalasi edi. Hisobot mualliflarining fikriga koʻra, oliy ma'lumotli ayollar soni tarixiy maksimal darajaga yetganiga qaramay, ularning ish bilan ta'minlanish holati achinarli koʻrinishga ega. Universitetlarni imtiyozli diplom bilan tugatgan yosh qizlar, ayniqsa, tibbiyot va matematika kabi fanlardan yosh yigitlarni tobora ortda qoldirishlariga qaramay, ish topa olmaydilar. Hatto ish topishga muvaffaq boʻlganlar har doim ham ijtimoiy ishonchsizlik tufayli oʻzlarini ishonchli his qila olmaydi. Ushbu masala ayniqsa rivojlanayotgan mamlakatlarda dolzarb boʻlib, ularda 75% ish oʻrinlarida ayollarning qonuniy majburiyatlari ish beruvchi tomonidan himoyalanmaganini.

Hisobotda ta'kidlanganidek, rivojlangan mamlakatlarda gender tengligi holati ham ideal darajadan uzoq emas. Masalan, Shvetsiya va Fransiyada ayollar erkaklarnikiga nisbatan maoshlaridagi farq 31% ga kam, Germaniyada 49%ga kamroq, Turkiyada esa 75%ga teng. Hisobot mualliflarining fikriga koʻra, gender tengsizligiga qarshi kurashning asosiy choralari butun dunyo boʻylab ayollarni yaxshi ish joylari bilan ta'minlash huquqi kerak. BMT ma'lumotlariga koʻra, erkaklar va ayollar ish haqidagi farq oʻrtacha 37,8% ni tashkil etadi (bu koʻrsatkich mamlakatlar boʻyicha juda katta farq qiladi – Buyuk Britaniyada 18,1%, Angolada 59,6% ni tashkil qiladi[38]).

Jarayonda koʻplab davlat va jamiyatlarda erkaklar faol boʻlib ayollar jamiyatning "qonun qoidalarga" binoan "passivlashtirilgan". Bu ayollarimiz baxtlilik darajasi, farzandlar unib oʻsishi va onadan qabul qiladigan energiya hamda bilimlarga ham oʻz ta'sirini koʻrsatmoqda. Ba'zi gender tenglik munosabatlariga boshqa tomondan qaraydigan yondashuvchilar fikriga koʻra "Agar ayollar erkaklar bilan teng koʻrilib, ular qiladigan ishlarga jalb qilinsa ular oʻzlarini baxtli his eta olishmaydi". Bunga sabab, ular oʻzlari yaxshi koʻradigan yumishlar: doʻkon aylanish, bolani parvarish qilish, tozalik va taom tayyorlash kabi mashgʻulotlarga vaqtlari qolmaydi. Buni qarangki, inson psixologiyasi va xarakter xususiyatlari shunchalik murakkabki, bir shaxs bilan ikkinchi shaxsning qarashlari va qiziqishlari mutlaqo farq qiladi. Endi yana bir savol tugʻiladi. Bu jamiyatda hisob-kitob, binolar va koʻchalar tasvirini tushirish, bir-biridan farqlanadigan texnikalarni haydash orqali oʻzini baxtli va

---

[36] Aleftina Posternak Ravenstvo mujchin i jenщin. Yeщyo odna utopiya? Arxivlandi 2011-10-18 Wayback Machine saytida. // Internet-gazeta „Yediniy mir", 08.03.2010

[37] Tsentr novostey OON – OON o pravax jenщin: do polnogo gendernogo ravenstva eщyo ochen daleko

[38] https://uzhurriyat.uz/2019/05/08/zamonaviy-o-zbek-oilasi-qanday-bo-lishi-kerak/

farovon his qiladigan ayollar yoʻqmikan?! Agar bor boʻlsa ularning jamiyatdagi, oiladagi baxtiga kim javob berar ekan? Aytmoqchimizki, gender tenglik mavjud boʻlgan jamiyatda ayol ham erkak ham psixologik xususiyatlari, qiziqishlari hamda dunyoqarashidan kelib chiqib kasb tanlaydi, oila quradi hamda rivojlanadi. Tabiiyki, qiziqishlariga mos kasb va ish bilan shugʻullangan jamiyatdagi insonlarda baxtlilik darajasi yuqori boʻladi. Afsuski, XXI asrda ham bir marta qiziqqan kasbi bilan bir kun shug'ullanishi uchun judayam koʻplab moddiy va ma'naviy boyligini sarflaydigan ayol qizlarimiz kam emas!"

Baxtlilik darajasi turli davlatlarda tadqiqot sifatida oʻrganilgan boʻlib, ulardan ba'zilarini keltirib oʻtamiz. Bu yil Oʻzbekiston baxtiyorlik reytingida 53-oʻrinni egalladi. Hammasi boʻlib, unda 146 mamlakat roʻyxati keltirilgan. Finlyandiyada ketma-ket beshinchi yil birinchi oʻrinni egallab turibdi. Oxirgisi Afg'oniston, Qozog'iston-40, Turkmaniston-78, Qirg'iziston-64, Tojikiston-83 oʻrinni egalladi. Reyting tuzishda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot hajmi, umr koʻrish davomiyligi korrupsiya va erkinlik haqidagi tasavvurlar, saxovatpeshalik, ijtimoiy qoʻllab-quvvatlash darajasi hisobga olinadi. Bunday tadqiqotlar natijasida yana koʻrish mumkinki mamlakatda ayollar baxt indeksi juda past darajani qayd qiladi Oʻzbekiston Respublikasida ham Gender tenglik masalasi davlat siyosati darajasiga koʻtarilib, Oʻzbekistonda bu koʻrsatkichlar ham ortib bormoqda. Misol tariqasida gender tenglik masalasi davlat siyosati darajasiga koʻtarilib, sohaga oid 25ta qonunchilik hujjati qabul qilindi. Oʻzbekiston Respublikasining Gender tenglikni ta'minlash masalalari boʻyicha komissiyasi, Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatida Xotin-qizlar va gender tenglik masalalari qoʻmitasi tashkil etildi. Oʻzbekiston tarixida ilk marotaba parlamentda xotin-qizlar soni BMT tomonidan belgilangan tavsiyalarga mos darajaga etib, parlamentdagi xotin-qizlar soni qariyb 32 foizga etdi va dunyodagi 190ta parlament orasida 37-oʻringa koʻtarildi. Bu albatta quvonarli holat. Boshqaruv lavozimidagi xotin-qizlar ulushi 27foizga, partiyalarda 44 foizga, oliy ta'limda 40 foizga, tadbirkorlikda 35 foizga etdi.

Xotin-qizlarni ijtimoiy-iqtisodiy qoʻllab-quvvatlash, ular bilan mazmunli ishlash maqsadida "Ayollar daftari" tizimi joriy etilib, Davlat byudjetidan har yili 300 mlrd soʻm mablag' ajratib borish yoʻlga qoʻyildi. Ota-onasi yoki ularning biridan ayrilgan muhtoj qizlar, boquvchisi yoʻq yolg'iz ayollarning oʻqish toʻlovlarini qoplab berish tizimi joriy etilib, oliy oʻquv yurtlariga qabul qilishda ehtiyojmand oilalar qizlari uchun grantlar soni ikki baravarga ortdi. Ayollar tadbirkorligini rivojlantirish maqsadida 224 mingdan ortiq xotin-qizga jami 6,9 trln soʻm miqdorida imtiyozli kredit ajratildi. Sohada olib borilayotgan islohotlar xalqaro reytinglardagi mamlakatimiz darajasiga ijobiy ta'sir koʻrsatmoqda. Jahon bankining Ayollar, biznes va qonun indeksida Oʻzbekiston 2020-yilda xotin-qizlar huquqlari va gender tenglik boʻyicha

ahamiyatga molik islohotlarni amalga oshirgan 27ta davlat qatoriga kiritildi va 5 pog'onaga yuqorilab, 190ta davlat orasida 134-o'rinni egalladi.

Tengsizlik, ayollar o'rtasida ruhiy tushkunlik va ishonchsizlik holatlariga olib kelishi kuzatilgan. Bularning barchasi bir-biriga chambarchas bog'liq deb hisoblayman. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki tengsizlikni keltirib chiqarayotgan omillar, ya'ni ayollarni ishga qabul qilish sonining kamligi va erkaklarga nisbatan kam maosh olishlari asosiy muammo va buni hal qilish uchun gender dasturlarni qo'llash ishonchli usuldir. Bu muammolarni hal qilish jamiyatda oliy ma'lumotli qatlamni oshirishga olib keladi. Shuni ham aytib o'tish joizki qachonki onalar bilimli va saviyali bo'lishsa farzand ham ya'ni yurtning kelajaklari ham saviyali bilimli bo'lishadi. Bu esa jamiyat rivojiga sezilarli ta'sir o'tkazadi. Insoniy qadriyatlar inson yoki odam uchun muhim deb hisoblanadigan qadriyatlar deb nomlanadi. Agar inson ushbu qadriyatlarning birortasiga ega bo'lsa, ular "juda insoniy" deb aytiladi.

Adabiyotlarda bunday qadriyatlar erkak va ayollarda bir xil shakllanishi va jamiyat rivojiga ularning psixologik xususiyatlariga birday ta'sir ko'rsatishiga oid judayam ko'p ma'lumotlar berilgan adabiyotlarda. Shunday ekan qadriyatlar ham har ikkala jins vakilida teng taqsimlanishi maqsadga muvofiqdir. Zamonaviy jamiyatdagi inson muhitining asosiy xususiyati - ijtimoiy o'zgarishlardir. Oddiy odam - ijtimoiy bilish subyekti uchun jamiyatning beqarorligi, eng avvalo, mavjud vaziyatning noaniqligi sifatida qabul qilinadi. Shuning uchun kelajak bilan munosabatlarda ikki tomonlama jarayon mavjud. Bir tomondan, aholining badavlat qatlamlarida ham mavjud bo'lgan beqarorlik va kelajakka nisbatan noaniqlik sharoitida, inson kelajakdagi o'zgarishlarda unga bo'lgan ishonch, qo'llab-quvvatlaydigan narsani topishga harakat qiladi. Ba'zilar o'z kelajagini mulk orqali ta'minlashga harakat qilishsa, boshqalari esa yuksak ideallar asosida qurishga harakat qiladilar. Ko'pchilik uchun ta'lim o'zgaruvchan ijtimoiy sharoitlarda xavfsizlikni oshiradigan va kelajakka, ishonchga hissa qo'shadigan o'ziga xos kafolat sifatida qabul qilinadi.

Axloq - bu odamlarning xatti-harakatlarini tartibga solish usuli. Tartibga solishning boshqa usullari odat va qonundir. Axloq - axloqiy tuyg'ular, me'yorlar, amallar, tamoyillar, yaxshilik va yomonlik, or-nomus, qadr-qimmat, adolat, baxt va boshqalar haqidagi g'oyalarni o'z ichiga oladi. Shunga asoslanib, inson o'z maqsadlarini, motivlarini, his-tuyg'ularini, harakatlarini, fikrlarini baholaydi. Atrofdagi dunyodagi hamma narsa axloqiy baholanishi mumkin. Jumladan, dunyoning o'zi, uning tuzilishi, shuningdek jamiyat yoki uning alohida institutlari, boshqa odamlarning harakatlari, fikrlari, his-tuyg'ulari va boshqalar. Demak, axloq bu voqelikni anglash va baholashning shunday usuliki, u hamma narsani baholay oladi hamda tashqi va ichki dunyoning har qanday hodisasi, haqida hukm chiqaradi. Ammo baholash va hukm chiqarish uchun, quyidagi ikkita tushunchani qamrab olishi lozim:

birinchisi, shunday qilish huquqiga ega boʻlish, ikkinchisi, baholash mezonlari, axloqiy va axloqsizlik haqidagi fikrlari boʻlishi kerak.

Zamonaviy rus jamiyatida maʼnaviy noqulaylik, asosan, avlodlarning axloqiy toʻqnashuvi tufayli seziladi. Zamonaviy yoshlar keksalar tomonidan ideallashtirilgan turmush tarzi va tafakkur tarzini qabul qila olmaydi, keksa avlod esa u ilgari yaxshiroq boʻlgan, zamonaviy jamiyat haqida - bu ruhsiz va chirishga mahkum ekanligiga ishonch hosil qiladi. Yuqoridagi maʼlumotlarni umumlashtirgan holda aytishimiz mumkinki, zamonaviy qadriyatlar ham axloq meʼyorlariga mos va axloq doirasida shakllangan boʻlsa bu jamiyat hamda shaxsning baxtlilik darajasiga ijobiy taʼsir qiladi. Zamonaviy qadriyatlar faqatgina salbiy boʻlib shakllanmagan, ular orasida insonlar hayotini yengillashtirgan va tartibga soladigan qadriyatlar ham anchagina. Eʼtiborlisi shundaki zamonaviy qadriyatlarni axloq bilan “sugʼorishimiz” kerak. Shundagina bunday qadriyatlar ijobiy va zamonaviy qadriyatlar qatorida koʻriladi. Hamda shunday qadriyatlarga ega boʻlgan shaxslardan zamonaviy oila shakllanadi**.**

Isteʼmolimizdan “Zamonaviy oila” degan ibora keng oʻrin oldi. Kimdir oʻgʼliga kelin qidirsa yoki qiziga kuyov tanlayotgan boʻlsa, odatda tanlanayotgan taraf haqida: “Zamonaviy oila, ikkilanmay, quda boʻlavering” - deymiz. Aslida oilaning zamonaviyligi nimada? “Eskichasi-chi?” “Zamonaviy” deganda qanday oila tushuniladi? Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi “Oila” ilmiy-amaliy tadqiqot markazi tomonidan ayni savollarga aniq javob topish hamda zamonaviy-namunali oila modelini ishlab chiqish maqsadida joylarda soʻrov oʻtkazildi. Unda sakkiz yuzdan ortiq oila aʼzolari ishtirok etdi. Suhbat-tadqiqotlar natijalaridan oydinlashdiki, zamonaviy–namunali oila, eng avvalo, toʻkis, yaʼni qonuniy nikohdan oʻtgan ota-onasi bilan birgalikda ahil va farovon yashaydigan kamida 3 farzandga ega oila. Ayni paytda bunday oila modelida bobo va buvilar ham bor. Oila aʼzolari jismonan sogʼlom, ota-onalar va farzandlarining barchasi oliy maʼlumotli, oʻz kasb-koriga ega hisoblanadi.

Farzandlari milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalangan. Quda boʻlish uchun bundan zoʻr oilani uchratish qiyin. Toʻgʼrimi? Soʻrov oʻtkazilgan oilalarning 23 foizi bergan javoblarda maʼnaviy-axloqiy qadriyatlarni unutmagan, zamon bilan hamnafas, barchaga ibratli, jamiyatga foydasi tegadigan, ota-onasini qadrlovchi, kechirimli, dunyoqarashi keng, vatanparvarlik tuygʼusi shakllangan, oʻzaro mehr-oqibatli, kiyinishi badastir, sabr-qanoatli, er-xotin, qaynona-kelin, yaqin qarindoshlar, quda-andalar oʻzaro ahilligiga ham alohida eʼtibor qaratilgan. Bu fakt va raqamlarni mutaxassislar shunday sharhlaydi. Zamonaviymi yoki “eskicha” oilami, eng avvalo, er-xotin ahil, maslakdosh boʻlishi kerak–deydi Toshkent davlat yuridik universiteti professori, yuridik fanlari doktori Feruza Muhiddinova. – Ayol roʻzgʼor yumushlari bilan band boʻlsa, ota farzandlarining tarbiyasi bilan shugʼullanishi maqsadga muvofiq.

Masalan, ular bilan shaxmat va shashka, futbol oʻynasa, darslarini birgalikda bajarsa maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunday oila farzandlari ota-onasiga, atrofidagilarga mehrli-oqibatli boʻlib ulg'ayadi va sirini, muammosini yashirmaydi – deb o'ylayman. “Zamonaviy oila” deganda hashamatli hovli-joy, avtomobillar-u, mobil telefonlari, kunora kafe-restoranlarda maishatbozlik qilish, soʻnggi modada kiyinish imkoniyati tushunilmaydi. Bular ikkinchi darajali vositalardir. Ushbu vositalarga istagan odam, masalan, oʻg'rilik, g'arlik, qotillik yoʻli bilan ham erishishi mumkin. Lekin, halollik, poklik va mehnat bilan farovonlikka erishgan oilalarda qut-baraka serob, xotirjamlik boʻlishi azaldan ma'lum.

Zamonaviy oilada uyning toʻrida kitob ya'ni kitob javoni boʻladi. Ilm, bilim, ma'rifat yuksak qadrlanadi. “Falonchi kitob koʻrgan odam”, degan hikmat bejiz asrlar osha yashab kelayotgani yoʻq. Koʻpni koʻrgan keksalar oilaning barakasi – faxridir. Aksariyat yoshlar oʻrtasiga sovuqchilik tushsa, darrov toʻnini teskari kiyib oladi. Kechagina bir-birini koʻrmasa turolmaydigan er-xotin dushmanga aylanadi. Faoliyatim davomida shunday otalarni koʻrdimki, “Mayli qancha aliment desa beraman, shu xotinimdan qutulsam bas” deydi. Ammo oʻrtadagi farzand-chi? Pulni, boshqa xotinni ham topish mumkindir, ammo boy berilgan baxtni yana qanday topadi? Oʻz pushti kamaridan tug'ilgan bolani etim qilib, saodatga erishish, xotirjam yashash mumkinmi?

Oilaning ustuni – sabr-toqat va qanoatdir. Dunyoda oilaviy baxtdan buyukroq saodat yoʻqdir. Psixologlarning fikricha, bugungi oilalarda ota-ona va farzandlar oʻrtasidagi psixologik munosabatlarda ancha oʻzgarishlar roʻy berayotir. Oilashunoslar buning bir uchini zamonaviy texnologiyalar, texnika taraqqiyoti-yu global oʻzgarishlarga olib borib taqashadi. Oilada farzandlarning roli oshmoqda. Ilgari deyarli barcha oʻzbek oila-a'zolari bir hovlida umrguzaronlik qilgan boʻlsa, endi yosh oilalar alohida yashashni ma'qul koʻrmoqda.

Shuning bilan birga, ilgari yosh ota-onalar koʻproq ota-ona, bobo-buvilarining yoʻl-yoʻriqlariga, pand-nasihatlariga amal qilishga oʻzida moyillik sezgan boʻlsa, hozirgi yoshlarning tutumida internet va g'arb madaniyatining ta'siri ustunlik qilayotgani sezilmoqda. Natijada yosh ota-onalar farzand tarbiyasida asrlar osha sayqal topib kelgan milliy an'analardan uzoqlashib, oro-yoʻlda qolib ketayotirki, daraxt bir joyda oʻssagina baquvvat boʻladi, degan hikmat yodga tushadi. Bu, ayniqsa, oilada ayollarning roli, ustunligi, sezilarli darajada oshganida yaqqol koʻrinadi.

Ayni oʻzgarish oilaning ham iqtisodiy, ham ma'naviy hayotida oʻz aksini topmoqda. Shu bilan birga bolaning ham oʻrni, “tashvishlari” oshdi. Ularda aqliy-emotsional oʻzgarishlar jarayoni kuzatilmoqda. Bunday paytda yosh ota-onalar farzandlarining intellektual talablarini oʻz vaqtida toʻg'ri anglab etmog'i darkor. Jumladan, farzandining boʻsh vaqtini mazmunli tashkil etishga alohida

e’tibor berib, ularni qo‘shimcha mashg’ulotlarga jalb etish yo‘llarini qidirmog’i lozim. Shunday ekan, oilalar mustahkam bo‘lishi uchun, avvalo, ota-onalar bir-birini qadrlamog’i, hayot sinovlari va turmush zarbalaridan asrab-avaylamog’i, sabr-qanoatli bo‘lmog’i darkor. Farzandlar tarbiyasida milliy an’analarni zamonaviy bilim bilan boyitib, dono va baxtli farzandlarni voyaga etkazsalar, barcha havas qiladigan zamonaviy oilalar vujudga keladi. Jamiyat ham rivoj topadi. Aslida “Oila” ilmiy-amaliy tadqiqot markazi tomonidan o‘tkazilgan so‘rovda ishtirok etganlarning aksariyati ham shunday fikrda.

So‘nggi o‘n yilliklarda, inson farovonligi muammosi va uning shartli omillari psixologiya fanida yetakchi o‘rinlardan birini egallab kelmoqda. Ijobiy psixologiya doirasida “baxt”, “subyektiv farovonlik”, “psixologik farovonlik” hodisalari faol o‘rganilmoqda. Ushbu hodisalarning mohiyati va o‘zaro bog’liqligi to‘g’risida kelishuv mavjud emas. Biroq, bu hodisalar birgalikda, inson farovonligi sohasini yanada to‘liq tavsiflaydi. Baxt va psixologik farovonlikning aksariyat tadqiqotlari ularning turli xil tashqi (siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, atrof-muhit) va ichki omillar (jinsi, yoshi, oilaviy ahvoli, temperamenti, shaxsiy xususiyatlari, bo‘sh vaqti,) bilan aloqalarini o‘rganishga bag’ishlangan. Ishdan qoniqish, dunyoqarash, e’tiqod, hayotiylik va boshqalar). O‘rganilgan omillarning keng doirasiga qaramay, baxt, psixologik farovonlik va axloq o‘rtasidagi munosabatlarni, shaxsning axloqiy yo‘nalishi bilan tadqiqotlar alohida asarlarda keltirilgan va ularning natijalari bir-biriga ziddir. Bundan tashqari, baxt, psixologik farovonlik va o‘ziga xos axloqiy me’yorlarga rioya qilish o‘rtasidagi munosabatlarni o‘rganish deyarli yo‘q. Axloqiy me’yorlar deganda, birgalikda yashash jarayonida paydo bo‘ladigan odamlar o‘rtasidagi munosabatlarning barcha turlarining yig’indisi hamda hayotning barcha sohalarida inson xulq-atvorini belgilaydigan qoidalar to‘plami tushuniladi. Ushbu me’yorlar ijtimoiy shartnoma shaklida bo‘lib, maslahat xarakteriga ega bo‘lib, ularga rioya qilish yoki rioya qilmaslik insonning tanlovi. Turli xil diniy ta’limotlarda normalar-taqiqlar, qoida tariqasida, illatlar, gunohlar shakldagi normalar-buyruqlar fazilatlar ro’yxati shaklida shakllantiriladi.

Zamonaviy tadqiqotlarga ko‘ra, ushbu umumbashariy me’yorlar-taqiqlarga quyidagilar kiradi: ochko‘zlik, mag’rurlik, g’azab, hasad, shahvat, ochlik, umidsizlik. Nazariy tahlil asosida baxt va psixologik farovonlik o‘rtasidagi bog’liqlik haqidagi farazlarni xususiyatlar misolida axloqiy me’yorlar-taqiqlarga rioya qilish bilan ilgari surish va sinab ko‘rish mumkin. Inson kamchiliklardan xalos bo‘lishni, shaxslararo yoki shaxslararo nizolarni yechishni, juftlikda uyg’un munosabatlarni o‘rnatishni, ko‘proq do‘stona, ijodkorroq, o‘ziga ko‘proq ishonadigan va yana bir maqsad - baxtli bo‘lishni istaydi. Baxt nima va qanday qilib baxtli bo‘lish haqida savollar insonning ongida hayotning turli davrlarida paydo bo‘lgan va paydo bo‘ladi.

Qadim zamonlardan buyon ushbu savollarga cheksiz koʻp javoblar toʻplanib kelgan. Psixologiya taʼriflashicha, baxt bu - bir lahzali hissiyot, va doimiy tuygʼu va eng katta ichki narsaga mos keladigan doimiy holat sifatida yashash sharoitlaridan qoniqish, oʻz-oʻzini anglash hissi bilan birlashtirilgan uning toʻliqligi va mazmunliligi hissi. Baxt - bu ham oʻzini oʻzi taʼminlash hissi, ham inson faoliyatining pirovard maqsadi. Baxtni his qilish hissi va uning namoyon boʻlishi barcha odamlar uchun bir xil boʻlishiga qaramay, u doimo shunday boʻladi subyektiv ravishda. Bu shakl jihatidan bir xil, mazmuni jihatidan farq qiladi: bir kishi uchun baxt - sevimli ish, boshqasi uchun bu sevgi, uchinchi shaxs uchun mustahkam oila eng muhimi, toʻrtinchisi behisob boylik orzulari. Tilshunoslar bir-biriga xilma-xillik bilan qarashadi va turli yoʻllar bilan ochib beradilar “baxt” soʻzi... Koʻpincha bu proto-slavyancha undosh soʻzning hosilasi, aniqrogʼi “yaxshi taqdir” yoki “qoʻshma qism”, “sheriklik” iborasi sifatida tan olinadi.

Darhaqiqat, baxt kamdan-kam hollarda yolgʼizlik hayoti deb tushuniladi, aksariyat hollarda u bir xil fikrlaydigan odamlar, qarindoshlar va yaqinlarning borligini taxmin qiladi. Altruizm (fidokorona yordam, qoʻllab-quvvatlash, boshqa odamlarning farovonligi uchun gʼamxoʻrlik) koʻpincha oʻzlarini baxtsiz his qiladigan odamlarga psixologlar tomonidan tayinlanadi. Baxt uchun retseptlardan biri: baxtni ichkarida his qilish uchun uni tashqi dunyoga yetkazish, boshqasini xursand qilish kerak. Baxtli boʻlish uchun siz xudbinlik bilan mehr-oqibat, gʼamxoʻrlik, eʼtibor, oʻzingizga boʻlgan muhabbatni talab qilishingiz shart emas, boshqalarga befarq boʻlishi kerak. ʻʻBaxtʼʼ bu - siz uni tashqi dunyoda izlashga borishingiz yoki bu baxtni tushunishingiz mumkin. Baxtni qayerdan izlash kerakligi haqidagi savolga javob: u yuqoridan yuborilganmi, ichkaridami yoki oʻz mehnati bilan yaratilganmi - har bir insonning shaxsiy tanlovi va javobgarligi sohasida qoladi.

Biroq, aksariyat psixologlar baxt nima ekanligini anglab etish va uni faqat shu bilan topish mumkin degan fikrga qoʻshilishadi oʻz-oʻzini bilish va oʻzini rivojlantirish. Birovning baxt haqida tushunchasini ishonib topshirish maʼnosizdir. Xabardorlik uning xususiyatlari, ehtiyojlari, istaklari, maqsadlari, rivojlanish sohalari, kasb-hunar, yashash sharoitlari va boshqa narsalar hayotdan toʻliq qoniqish hissi paydo boʻlganida qanday holatni yaqinlashtirish va yaratishni tushunishga yordam beradi. Baxt turli jins, yosh, irq odamlarida mimika va imo-ishoralar orqali namoyon boʻladi. Baxtli odam tabassum qiladi va kuladi, koʻzlari ichkaridan porlab turganday tuyuladi, u oʻzini tutadi, boʻshashadi, harakatlari erkin, baquvvat va yengil boʻladi. Xulosa qilib aytish mumkinki, yuqori darajadagi psixologik farovonlikka ega insonlar odamlarga boʻlgan ishonch, optimizm, ishonch, shaxsiy oʻsishga tayyorligi, yangi tajribaga ochiqligi, oʻzaro munosabatlarga tayyorligi, oʻzini va boshqalarni ijobiy, hurmatli deb qabul qilishi bilan ajralib turadi. Psixologik farovonligi past odamlar boshqa odamlarni salbiy qabul qiladilar, norozilik, gʼazab,

afsuslanishni his qiladilar. Ijtimoiy aloqa zarur boʻlganda, ular undan qochishga harakat qiladilar yoki haddan tashqari faollashadilar. Ular oʻzini-oʻzi qabul qilishning past darajasi, oʻziga ishonch va refleksivlik bilan ajralib turadi.

Xulosa oʻrnida aytishimiz mumkinki, jamiyatning bir boʻgʻini boʻlmish, xotin-qizlarning haq-huqulari jamiyat tomonidan hisobga olinishi kerak. Shundagina barcha bilan teng holda, qiziqishlari bilan bemalol shugʻullana olishlari mumkin. Shuningdek, ayollarning farzand tarbiyasida muhim boʻlgan sogʻlom muhitni yaratib bera olishi, chinakam baxt hisoblanadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI

1. Калабихина Ирина Евгеневна кандидат экономических наук, доцент кафедри народонаселения экономического факултета МГУ.
2. Калабихина И. Е. Краткий понятийний словар по гендерним исследованиям // Сотсиалний пол: экономическое и демографическое поведение Учебно-методические материали по курсу. М., 1998.
3. Gender tenglik boʻyicha butunjahon statistikasi.
4. Gender tengligi koʻrsatkichi roʻyxati (PDF).
5. https://lex.uz/docs/-4494849 Xotin-qizlar teng huquq kafolatlari toʻgʻrisidagi OʻRQ-562 02.09.2019
6. Gender tenglik komissiyasi haqidagi rasmiy saytining „Komissiya haqida“ sahifasi, archived from the original on 2021-04-14, qaraldi: 2021-04-14Gender tengligi.
7. Savelev S. V. Intervyu: ot vesa mozga zavisit ves v obshestve
8. Aleftina Posternak Ravenstvo mujchin i jenshin. Yeshyo odna utopiya? Arxivlandi 2011-10-18 Wayback Machine saytida. // Internet-gazeta „Yediniy mir“, 08.03.2010
9. Центр Новостей ООН – ООН о правах женщин: до полного гендерного равенства еще очень далеко.
10. Perez 2020.
11. UNICEF foundation of gender-transformaative Approaches https://cutt.ly/6hatOke
12. Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining qarori. 28.05.2021 yildagi SQ-297-IV-son
13. Tokhirov A.I. «WRITING CONTROL PROGRAMS FOR COMPUTER NUMERAL CONTROL MACHINES» // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2021. 5(86). URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/ 11810. DOI - 10.32743/UniTech.2021.86.5.11810
14. https://uzhurriyat.uz/2019/05/08/zamonaviy-o-zbek-oilasi-qanday-bo-lishi-kerak/

**Barnoxon RAYIMXO‘JAYEVA**

*NamDU, amaliy psixologiya yo‘nalishi talabasi*

## OILA ZAMONAVIY YOSHLAR QADRIYATLARI TIZIMIDA

***Annotatsiya.*** *Maqolada oiladagi munosabatlar, milliy qadriyatlar, farzand tarbiyasi, ijtimoiy-siyosiy tarafdan yoshlarimizning qadriyatlar haqida fikrlari haqida sòz yuritiladi. Milliy qadriyatlar jamiyatni yangilashda muhim ma’naviy omilligi va ularning qudratli manbai haqida ma’lumotlar berilgan.*

***Kalit so‘zlar****: pragmatizm, tendensiya, individuallik, qadriyat, manqurtlik, vatanparvarlik, oila dunyosi, badnafs.*

O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimov oilaning jamiyat hayotidagi ro‘li haqida to‘xtalib: “Oila haqida gapirar ekanmiz, avvalambor, oila hayotning abadiyligini, avlodlarning davomiyligini ta’minlaydigan, muqaddas urf-odatlarimizni saqlaydigan, shu bilan birga, kelajak nasllar yetishishiga bevosita ta’sir ko‘rsatadigan tarbiya o‘chog’i ekanligini tan olishimiz darkor”, – deb ta’kidlagan edi[1].

Kelajagimizning munosib vorislari-yoshlarimizning barkamol inson qilib tarbiyalashda ajdodlar merosiga tayanish, ayniqsa milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash nihoyatda muhimdir. Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev “Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz” deb nomlangan kitobida “Biz yoshlarimizning milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etishimiz zarur”, deb ta’kidlaydi. Zero, Milliy va umuminsoniy qadriyatlar hayot sinovidan o‘tgan, insoniyat taraqqiyotiga xizmat qiluvchi ijtimoiy hodisadir.

Binobarin, oila va oilada bola tarbiyasi ijtimoiy-siyosiy, ma’rifiy-tarbiyaviy jihatdan g’oyat muhim masalalardan biri bo‘lib, unda milliy qadriyatlardan va ayni chog’da umuminsoniy qadriyatlar tamoyillaridan chuqur va har tomonlama foydalanish bilan bog’liq jihatlarni ilmiy-nazariy tadqiq etish mustaqillik va islohotlar davrining muhim talabidir. Jumladan zamonaviy oila tarbiyasida bolalarni milliy mustaqillik ruhida tarbiyalash, ularda milliy g’urur, milliy ong va o‘z-o‘zini anglash, vatanparvarlik tuyg’ularini shakllantirishni taqozo etadi. Bolaga, vatanga mehr g’oyasini singdirish, millat va xalq o‘tmishiga, uning qadriyatlariga bo‘lgan hurmat-ehtirom hissini tarbiyalashdan kelib chiqadi. “Oila dunyosi” atamasi, o‘ziga xos

[1] Oila pedagogikasi O. Hasanboyeva, D. Xoliqov, Rocc Kemibell, Sh. K. Toshpo‘latova M.Sh. Nurmatova, X. J. Jabborova, N. Jamilova, Sh. Egamnazarova, N. Qayumova, M.M. Pirmuhammedova, M.A. Rasulxo‘jayeva, R. Avezova T.2007y

betakror, individual falsafiy ma’no boshqacha aytganda, har qanday ijtimoiy-iqtisodiy sharoitda ham oila tarbiyasi milliy-ma’naviy qadriyatlarning, milliy tarbiya usullarining oʻzi bilan kifoyalanib qolmaydi.

Yoshlarning qadriyat maydoni quyidagi xususiyatlar bilan tavsiflanadi: yoshlar muhitida qadriyat munosabatlarining shakllanishi murakkab va ziddiyatli jarayondir; hayotiy qadriyatlar orasida eng mashhurlari - moddiy farovonlik, qiziqarli ish, sog’liq, sevgi; kundalik qadriyatlar orasida pragmatizm va individualizmning aniq tendensiyalari ustunlik qiladi.

Koʻpgina oʻsmirlar subektiv ravishda oilani saqlab qolish yoki yaratish uchun shoshilinch ehtiyojni his qilishadi. Biroq, boshqa qadriyatlar qatorida oilaning ancha yuqori reytingi koʻplab oʻspirinlar subektiv ravishda oilani saqlab qolish yoki yaratishga shoshilinch ehtiyojni his qilishlari bilan tasdiqlanadi. Biroq, bugungi kunda oila og’ir inqirozda. Bu ajralishlarning soni koʻpligi bilan namoyon boʻlmoqda.

Yurtboshimiz oʻzlarining nutqlarida yoshlar tarbiyasi, oilada tarbiya masalasiga barchaning diqqatini qaratayotgani bejiz emas, chunki XXI asrda yashab samarali mehnat qilish, Oʻzbekistonning buyuk kelajagini bunyod etish asosan bugungi yosh avlod zimmasiga tushadi. Shuning uchun yoshlarni chuqur bilimli, yuksak madaniyatli, mehnatsevar va tashabbuskor shaxslar etib shakllantirish oilada hayot tajribasiga ega, turmushing achchiq-chuchugini qurgan, qiyinchiliklarda toblangan yoshi ulug’larimiz, faxriylarimiz va ota-onalarning, shu bilan birga, mazkur ishga da’vat etilgan tarbiyachilar va jamoatchilikning asosiy vazifasidir[2].

Hurmat, e’tiqod, nasl-nasab, onalikning muqaddasligi, vafo, muhabbat - bu uzoq toʻliq roʻyxat asosiy oilaviy qadriyatlar. “Oilaviy qadriyatlar” mavzusi koʻproq boʻlishi mumkin chuqur ma’no, bu shundan iboratki, bu erda nikoh erkak va ayolning birgalikdagi hayotining yagona toʻg’ri shakli boʻlib xizmat qiladi. Ular bir-birlariga boʻlgan ishonch va muhabbatni saqlab, bolalarni tarbiyalaydilar va shu bilan oilani uzaytiradilar. Hozirgi vaqtda oilaviy qadriyatlar kabi tushuncha koʻplab xalqlar tomonidan turlicha talqin qilinadi. Bundan tashqari, deyarli butunlay tanlash erkinligi, inson hayotini oʻzgartirish imkoniyati mavjud emas. Masalan, ajralish an’anaviy qonunlarga ziddir. Milliy an’ana va qadriyatlar rivoji shunday bir dialektik prinsipga asoslanganki, kimki oʻz xalqi milliy qadriyatini boshqa millat qadriyatlariga teskari qoʻymagan holda va aksincha, boshqa millat ma’naviyatni chuqur his qilish darajasiga oʻsib chiqsa va oʻz milliy qadriyatini bemalol va beminnat namoyish etish imkoniyatiga ega boʻlsa, milliy munosabatlarda doʻstona iqtisodiy va ma’naviy muloqotdan oʻzga niyat boʻlmasa, ana shunda turli millatlarning ma’naviyatini ifodalovchi umumbashariy qadriyatlar oʻsib boraveradi.

Oilaviy bayramlarni nishonlash, yoshlar tarbiyasida alla, ertak, xalq maqol va matallardan, qoʻshiqlaridan samarali foydalanish, birgalikda

[2] Qadriyatlar falsadfasi Jondor Toʻlanov T.1998y

madaniy hordiq, chiqarishni, milliy sport oʻyinlari va musobaqalarini, tarixiy obidalar va qadamjolarga sayohatlar uyushtirish, boshqa millat maʼnaviyatiga hurmat bilan munosabatda boʻlish, oila kitobxonligini tashkil etish, oilada til, muloqot va kiyinish madaniyatiga alohida eʼtibor berish, farzandlarga kasb-hunar oʻrgatish, oilada boʻsh vaqtni ijtimoiy foydali mehnat vositasida samarali tashkil etish oila maʼnaviyatini shakllantirishning muhim sharti hisoblanadi.

Ota-bobolarimizdan meros qolgan chiroyli va ramziy maʼnoga ega boʻlgan urf-odatlarni bilish, bevosita ularda ishtirok etish va aynan shu urf odatlarning oʻtkazish tartibini bilish yoshlarni maʼnaviy axloqiy shakllanishida muhim tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Bunday malaka va koʻnikmalarni yoshlarda tarkib toptirish vazifasi, avvalo ota-onaga oilaga yuklatiladi. Oilada ota onalar farzandlariga mehmonnavozlik malakalarini oʻrgatish bilan birga, bevosita mehmonda oʻzini qanday tutish, ovqatlanish, soʻzlashuv odoblarini ham oʻrganib boradilar. Ayniqsa, ovqatlanish odobini oʻrgatishlari juda muhimdirki, bu birinchidan, bolaning salomatligini taʼminlasa, ikkinchidan meʼyorga qarab ovqatlanishga oʻrgatadi, uchinchidan badnafslikdan qaytaradi, toʻrtinchidan tejamkorlikka oʻrgatadi. Shu bilan yoshlarni axloqiy jihatdan tarbiyalaydi.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov aytganlaridek:” Xalqimiz qadim-qadimdan oilani muqaddas deb bilgan. Axir oila ahil va totuv boʻlsa jamiyatda tinchlik va hamjihatlikka erishiladi, davlatda osoyishtalik va barqarorlik hukm suradi. Oila farovonligi-milliy farovonlik asosidir”[3] Demak, mamlakatimizda oila farovonligini taʼminlash davlatimizning asl maqsadidir. Oila inson haq-huquqlarining ibtidosidir. Chunki bola koʻz ochib koʻrgan ilk dunyo-oilada ota-ona va aka-ukalar, qoʻni-qoʻshnilar, qarindosh-urugʼlar munosabati mavjud boʻlib, bola ularni kuzatish va oʻrganish davomida kimning qanday mavqega egaligini koʻradi, oʻzi ham shu munosabatlar bagʼriga singib ketadi, uning ishtirokchisiga aylanadi. Oʻzbek oilalarining qon-qoniga singib ketgan odob-axloq, or-nomus, uyat-andisha, mehmonnavozlik qonuniyatlarini oʻzlashtiradi. Oilaning milliy qiyofasini belgilaydigan bu kabi xususiyatlar boshqa xalq va mamlakatlarda boʻlmasligi yoki oʻziga xos boʻlishi ham mumkin. Jumladan, qonun ustuvor boʻlgan mamlakat-AQSHda zamonaviy oilaviy madaniyatning oʻz qiyofasi, oʻz afzalliklari va tabiiyki, oʻz muammolari ham bor. Bu haqda adib va shoir Muhammad Alining “Jahon adabiyoti” jurnalida chop etilgan “Men koʻrgan Amerika” essesi keng maʼlumot bera oluvchi manbalardandir. Yaʼni texnik taraqqiyotda moʻjizalar yarata olgan bu mamlakatda, tabiiyki, turmush, hayot tarzi oʻzgacha. Bola esini taniboq oʻz-oʻzini idora etishni oʻrganadi. Istiqlol qoʻlga kiritilgach, bu borada ham katta oʻzgarishlar sodir boʻldi. Jumladan, oilaning jamiyat tayanchi, maʼnaviy tarbiya oʻchogʼi sifatida roli eʼtirof etildi, uning farovonligi milliy farovonlik asosi ekani asosiy qonun

[3] Shaxs va oila tarbiyasining pedagogikasi. I. Sh. Alqarov, R. Mamatquliva, H.D Norqulov T 2009y

O‘zbekiston Konstitutsiyasida belgilab qo‘yildi. Shu munosabat bilan birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning “O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining besh yilligiga bag’ishlangan majlisda so‘zlagan nutqidagi ushbu jumlalar g’oyat ibratlidir: O‘zbekiston Konstitutsiyasi Oila jamiyatining asosiy bo‘g’inidir hamda jamiyat va davlat muhofazasida bo‘lish huquqiga ega deb yozilgan. Ta’bir joiz bo‘lsa, oila jamiyatimizning asosiy bo‘g’inidir. Oila jamiyatimiz va davlatimiz muhofazasida, himoyasida bo‘lishi shart. Nega deganda bugungi zamon shuni taqozo etyapti, bizning ko‘zimizni ochib hayotga boshqacha qarashni talab qilyapti”. O‘z navbatida Abu Rayhon Beruniy ham yaxshi odob yoki yomon xulq-odatlar, asosan, oila tarbiyasiga uzviy bog’liq ekanligini ko‘p ta’kidlagan. Agar oilada tarbiyaning oliyjanob, ezgu yo‘l yo‘riqlari ko‘proq berilsa, oila fazilatli bo‘ladi, bunda tarbiyada bir xil maqsad talab qilinmog’i g’oyat muhim. Ko‘rinishdagi go‘zallik va tuzilishidagi barkamollik har bir odam uchun sevimli, der ekan, olim turmushdagi tabiiy go‘zallikni axloqda, fe’l-atvorda, oilaviy hayotda ko‘rish istagi borligini nazarda tutadi. Ayni chog’da Beruniy ota-onani, oilani barpo etuvchilar ekani, ular orasidagi kuchli hurmat va muhabbat albatta bolalar fe’l-atvori va tarbiyasiga ta’sir etajagi haqida fikr yuritiladi. Oilada xotin qizlarning tutgan o‘rni esa beqiyosdir. Olimning fikricha, oilada ayol bilimi, jasurligi, sharm hayosi, eriga iltifot-u hurmati, kamtarligi va farosati, shirin muomalasi, pokizaligi, ishbilarmonligi, tejamkorligi bilan namuna bo‘la olishi zarur. U “Minerologiya” asarining kirish qismida otalarning balog’atga yetgan qizlarini turmushga berish chog’ida bergan hayotiy maslahatlarini keltirib, ularni qo‘llab quvvatlaydi.

“Mendan eng katta boylik nima deb so‘rashsa, bilimli, aqlli, odobli, ertangi kunini o‘ylaydigan farzand ota-onaning eng katta boyligi deb aytgan bo‘lar edim, – deydi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov “Oila farovonligi-millat farovonligi” maqolasida. Bunday boylikka ega bo‘lganlarni jamoa boy-badavlat ota-ona, boy badavlat oila deb tan oladi. Bunday oila hech qachon xor bo‘lmaydi[4]. Hech bir oila tabiiyki, bunday yuksak mavqega o‘z-o‘zicha erisha olmaydi. Buning uchun sog’lom oilaviy muhit, ota-onaning ulkan murabbiylik xizmati, ularning ajdodlar o‘giti, pand-nasihati va an’analariga sodiq holda yuritgan, keng qamrovli olib borgan tarbiyasi tufayli bama’ni, ziyoli, madaniyatli, aqli solih farzandlarni tarbiyalab voyaga yetkazish mumkin. Bu farzandlar faqatgina oilaning emas, balki shu oilada istiqomat qilayotgan jamoa, mahalla-ko‘y va nihoyat millatning ham betakror boyligi hisoblanadi. Shuning uchun ham tarixiy manbalarda dunyodagi eng murakkab va ayni chog‘da mas’uliyatli kasb va vazifa nima degan savolga ota ona vazifasi va murabbiylik kasbi deb javob berishi bejiz emas. Oilada yosh avlodni ota-ona namunasi oila an’analari, shajarasi kasb-kori, axloqiy-ma’naviy qadriyatlari asosida tarbiyalash, ular ongida oilaga sadoqat, o‘zaro mehr-muhabbat,

[4] Minikar.ru

hurmat hissini shakllantirish vositasida ularni oilaviy hayotga tayyorlash kutilgan natija beradi. Oʻzbekiston Respublikasining mustaqillikka erishishi jamiyat hayotining barcha sohalarida amalga oshirilayotgan tiklanish, oila, oilaviy munosabatlar, oilada maʼnaviy va jismoniy barkamol avlodni tarbiyalash borasida ham jiddiy oʻzgarishlar qilishni taqozo etadi. Jumladan, oilaning jamiyatdagi oʻrni, oilaviy munosabatlarga bogʼliq milliy anʼanalar, sermazmun milliy qadriyatlarning ildizlari ajdodlarimiz merosini oʻrganish va ommalashtirish, milliy oilaviy tarbiyada umuminsoniy qadriyatlarning oʻrnini yuksaltirish va uning oilada uygʼunlashuvini taʼminlash, oʻzbek oilasiga xos xususiyatlarni yaratish va keng targʼib etish jamiyatning asosiy negizi hisoblanmish oilani istiqlol mafkurasiga mos shaklan va mazmunan shakllantirishning garovidir.

Har bir millatning maʼnaviy boyligi milliy va umuminsoniy qadriyatlarning birligidan tashkil topadi. Maʼnaviy meros oʻtmishning birligidan tashkil topadi. Maʼnaviy meros oʻtmishning yutugʼi. Uni toʻla, odilona egallash va rivojlantirish esa hozirgi avlodning vazifasidir. Oʻz madaniy merosini qadriyatlairni bilmaslik yoki mensimaslik manqurtlikdir. Ularni boyitib, yuksak darajaga koʻtarishga intilmaslik esa millat va uning istiqloli uchun fojiadir. Maʼnaviyati yuksak darajada rivojlangan insongina istiqlol, vatanimizning ulugʼ bir kelajagi uchun mehnat qilishga oʻzida kuch va qudrat topa oladi. Oʻzbek xalqi qadimdan oila maʼnaviyatiga alohida eʼtibor qaratgan. Bugungi kunda maʼnaviy merosidan foydalanib, mustaqil respublikamiz talabiga javob beradigan yoshlarni tarbiyalash har bir oilaning muqaddas burchidir.

“Barchangizga ayon, hozirgi kunda dunyo miqyosida beshafqat raqobat, qarama-qarshilik va ziddiyatlar tobora keskin tus olmoqda. Diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, odam savdosi, noqonuniy migratsiya, “ommaviy madaniyat” kabi xavf-xatarlar kuchayib, odamzod asrlar davomida amal qilib kelgan eʼtiqodlar, oilaviy qadriyatlarga putur yetkazmoqda.” 1998 yil 2 fevralda Respublika xotin qizlar qoʻmitasi huzurida “Oila” ilmiy-amaliy markazining tashkil etilishi oilaga taalluqli milliy anʼanalarni, umumbashariy qadriyatlar bilan uygʼunlashtirish, oila aʼzolarining huquqiy savodxonligini oshirish yoʻlida katta qadam qoʻyildi. Jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida shaxsni ijtimoiylashtirish, uni har tomonlama shakllantirish, kamolga etkazish, rivojlantirish eng muhim vazifa sifatida insonni tarbiyalash, unga taʼlim berish, yuksak qudratli, dunyoqarashi keng qamrovli chuqur, bilimdon hamda sogʼlom yosh avlodni tarbiyalash ayniqsa, dolzarbdir.

Inson-eng oliy qadriyat, shu bois, millatimizga xos boʻlgan qadriyatlardan yana biri-bolajonlik, oilada koʻp farzandlarni dunyoga keltirish va ularni kamolga etkazish muhim ijtimoiy ahamiyat kasb etadi. Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 66- moddasida “Voyaga etgan, mehnatga layoqatli farzandlar oʻz ota-onalari haqida gʼamxoʻrlik qilishga majburdirlar”4-

deyiladi. Shunisi quvonarli-ki, biror-bir xorijiy davlatning Konstitutsiyasida bu kabi modda uchramaydi.

Aytish lozimki, bizning konstitutsiyamiz nafaqat demokratik tamoyillar, balki milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhi bilan sug'orilgan. Oila qanchalik qudratga ega boʻlmasin, u farzand tarbiyasida qoʻni-qoʻshnilardan iborat boʻlgan mahalla va tarbiya maskanlarining koʻmagisiz yuqori natijalarga erisha olishi mushkul. Milliy qadriyatlarimizning asosiy xazinaboni-oila deb oladigan boʻlsak, bu xazinani asl san'at asari darajasiga koʻtaruvchi naqqoshlar mahalla va maktabdir. Muxtasar aytganda, maktab degan ulug' dargohning inson va jamiyat taraqqiyotidagi hissasi beqiyosdir. “Mahalla ham ota, ham ona” degan hikmatli naql haqiqat, bejiz aytilmagan. Chunki, mahalla haqida gapirganda, koʻpchilik ana shunday chuqur ma'noli soʻzlarni eslashi va tilga olishi tabiiy.

Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev ta'kidlaganidek “Bir bolaga yetti mahalla ham ota, ham ona” degan maqolning haqiqiy ma'nosini anglaydigan vaqt keldi. Anglab, shu asosida yashaydigan vaqt keldi. Har qanday millatning ma'naviy boyligi milliy va umuminsoniy qadriyatlar uyg'unlashuvidan tarkib topadi. Shu boiz milliy qadriyatlarga e'tiborni kuchaytirish kerak. Chunki, milliy qadriyatlarga e'tibor kamayar ekan, bu oʻz navbatida umuminsoniy qadriyatlarning boyishiga salbiy ta'sir etadi. Respublikamiz rahbariyati oilani mustahkamlash, uning sharoitini yaxshilash, kishilarning turmush farovonligini oshirishga juda katta ahamiyat bermoqda. Oilaning mustahkamligi bolalarni har tomonlama toʻg'ri tarbiyalashga imkon beradi. Oila, maktabgacha ta'lim muassasasi, maktab, mahalla jamoasi oʻrtasidagi aloqani yaxshilash, ota-onalarning bolalar tarbiyasi uchun javobgarligini oshirish davr talabidir. Axloqiy qadriyatlar kishilarning bir-birlariga, oʻzlari mansub jamoaga, vatanga nisbatan tarixan tarkib topgan munosabatlarini ifodalaydi. Axloq muayyan xulq-atvor, odob, xatti-harakat, norma, qoida va prinsiplar majmuasidir. Axloqiy tushunchalarga yaxshilik va yomonlik, burch, vijdon, or-nomus, baxt, adolat, ideal kabilar kiradi. Insonning oila, jamiyat, xalq manfaatlarini anglab qilayotgan har qanday jamiyat, xalq manfaatlarini anglab qilayotgan har qanday xatti harakati yaxshilik kategoriyasi nuqtai nazaridan baholanadi. Sharq falsafasi va islom ta'limotida axloq-odob, ta'lim-tarbiya masalalariga doimo katta e'tibor berib kelingan.

Inson uchun tabiiy qadriyatlar bilan bir qatorda ijtimoiy siyosiy, madaniy- ma'naviy, axloqiy qadriyatlar ham katta ahamiyat kasb etadi. Bashariyat koʻp ming yillik tarixi davomida erkin, baxtli va goʻzal hayot kechirishi uchun zarur boʻlgan xilma-xil qadriyatlarni yaratdi, inson, uning huquqi va erkinliklarini himoya qiladigan qonunlar, siyosiy tashkilotlarni bunyod etdi. Insonning goʻzal yashashi uchun zarur boʻlgan badiiy-estetik qadriyatlarni rivojlantirdi, kishilarning bir-biriga va jamiyatga boʻlgan munosabatlarini belgilab beradigan axloqiy qoidalar majmuasini joriy etdi.

Mazkur ijtimoiy siyosiy, madaniy ma’naviy axloqiy qadriyatlar jamiyat taraqqiyotida salmoqli oʻrin egallab, kishilarning insoniy fazilatlarini yuksaltirishida katta xizmat qilib kelgan va hozir ham xizmat qilib kelmoqda. Lekin, shu bilan bir qatorda, inson oʻzi yaratgan ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma’naviy, axloqiy qadriyatlarni koʻp hollarda poymol qilib kelayotganligini xam tan olishimiz kerak. Qonunbuzarlik, axloqsizlik, millatimizning urf-odat va an’analariga zid keluvchi xatti-harakatlarning aholi, ayniqsa, yoshlar ichida avj olib ketayotgani bunga misol boʻla oladi. Bularning oldini olish hozirgi kunda jamiyatimiz oldida koʻndalang turgan dolzarb vazifadir.

Kishilarni qadriyatlarga iste’molchi yoki kuzatuvchi sifatida qarash kayfiyatidan xoli etib, aksincha ularni yanada koʻpaytirish, yuksaltirish payida boʻlishlariga erishishga alohida e’tibor berish kerak. Ma’lumki, hayotda hech narsa abadiy emas. Bu qadriyatlarga ham taalluqlidir. Shunday ekan, ularni doimo boyitib, rivojlantirib, koʻpaytirib, yangilab turmog’imiz darkor! Qadriyatlar katta ijtimoiy-siyosiy, falsafiy, tarbiyaviy ahamiyatga ega. Ular oʻtmish bilan hozirgi kun oʻrtasidagi vorisiylikni ifodalaydi, shu tufayli millatning tarixi, uning oʻtmish hayoti, madaniyati gavdalanadi. Shuning uchun ham har bir siyosiy tuzum, har bir davlat qadriyatlardan oʻz maqsadi, manfaati yoʻlida foydalanib kelgan va hozir ham shunday boʻlmoqda. Qadriyatlar oʻz-oʻzidan bevosita insonning ma’naviy qiyofasi, turmush tarzi, umuman jamiyat taraqqiyotini belgilay olmaydi. Qadriyatlarning axvoli, ahamiyati, insonga koʻrsatadigan ta’siri, uning istiqboli u yoki bu jamiyatdagi mavjud ijtimoiy tuzum tomonidan olib borilayotgan siyosat, uning manfaatlari bilan uzviy bog’langandir. Buni biz oʻzbek xalqi milliy qadriyatlarining oʻtmishidagi va xozirgi axvolidan yaqqol koʻrishimiz mumkin.

Oilaning nazorat funksiyasi oila a’zolari oʻrtasidagi oʻzaro munosabatlarni boshqarish tizimini, shuningdek, birlamchi ijtimoiy nazoratni, oilada yetakchilik va obroʻni amalga oshirishni oʻz ichiga oladi. Oilada nazorat tizimi uning mustahkamligini ta’minlovchi muhim omil boʻlib kelgan va shunday boʻlib qoladi. Chunki, oiladagi oʻziga xos nazoratning ishdan chiqishi va oila hayotining ham izdan chiqishiga olib kelishi mumkin. Oila vazifalari va funksiyalarini oʻz vaqtida muvaffaqiyatli bajarishi nafaqat uning ichki holatiga, shu bilan birga jamiyatning ijtimoiy sog’lomligiga ham ta’sir koʻrsatadi. Shunday ekan, jamiyatni sog’lomlashtirish uchun eng avvalo, oilaviy munosabatlarni yoʻlga qoʻyish, oilaning ijtimoiy muammolarini ham hal qilishga e’tibor qaratish zarurdir. Sotsiologiyada sotsial munosabatlar inson faoliyatining eng universal namoyon boʻlishi deb baholanadi.

Bugungi zamonaviy oʻzbek oilasi jahonda sodir boʻlayotgan barcha ijobiy oʻzgarish-u yangiliklardan oʻz vaqtida boxabar boʻlib borayotgan, taraqqiy topgan mamlakatlar oilalari tarbiyasiga aloqador boʻlgan ilg’or tendensiyalar xususida oʻz vaqtida eshitib, anglab tushunib olayotgan oila ekanligini ta’kidlash joiz. Hozirgi zamon aloqa vositalarining oʻta

takomillashuvi, aloqa kommunikatsiyalarining haddan ziyod kengayishi natijasida yuksak rivojlanish yo'liga tushib olgan mamlakatlar oilalarining madaniyati, ichki ma'naviy muhiti, ota-ona va farzandlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar, xorijiy mamlakatlar jamiyatida ayollarning tutgan o'rni va mavqeyiga aloqador muhim fakt, lavha, tadqiqot, kuzatish va safar xotiralari respublikamiz ommaviy axborot vositalarida keng yoritilmoqda, ular haqidagi fikr-mulohazalar ko'pchilik diqqat-e'tiborini tortmoqda. Jahonda yuz berayotgan globallashuv jarayoni jamiyatning barcha qatlamlari, ijtimoiy institutlari qatori oilaviy muhitiga ham o'z ta'sirini o'tkazib, oilaviy tarbiya omillarini isloh qilmoqda, unga yangicha ma'no-mazmun kiritmoqda. Masalan, Yaponiyada milliy urf-odat va qadriyatlar, jumladan, mehnat ko'nikmalarini oila tarbiyasidan boshlab yoshlar ongiga singdirib borishning mukammal tizimi ishlab chiqilgan. Shu bois: kunchiqar mamlakatda ko'plab oilaviy do'kon, badiiy ustaxona, kichik restoran hamda minglab oilaviy korxonalar faoliyat yuritadi. Chunki, oilaviy biznesga uning barcha oila a'zolari yoshligidanoq jalb etiladi hamda bu boradagi an'analar avloddan-avlodga o'tib boradi. Shu sababli yapon oilalari asosan o'z mehnati evaziga topgan pulga o'qiydi, uylanadi, oilaviy turmushda ota-onasiga og'irligi tushmasligiga harakat qiladi. Binobarin, jahondagi taraqqiyparvar mamlakatlarda oila va ayol masalasiga oid muammolar bo'yicha to'plangan tajribalar, shuningdek, milliy istiqlol g'oyasini xalqimiz ongiga singdirishda, azal-azaldan xalqimizning ezgu orzusi bo'lgan hamda ma'naviyatimizning uzviy bir qismi bo'lib kelgan komil inson g'oyasini ro'yobga chiqarishda zamonaviy oila va mahallaning tutgan o'rni hamda qadr-qiymati beqiyosdir. Zero, milliy mafkurada ko'zda tutilgan ulug'vor maqsadlardan biri yuqorida aytilganidek, oila sog'lom muhitni shakllantirishdan iborat bo'lib, ana shu sog'lom muhit, oqibat natijasida jamiyatda har bir oilaning mustahkamligi, faravonligi va nihoyat o'zaro hurmat hamda ahillikdir. Milliy an'analarga asoslangan ahil oilalarning a'zolari sog'lom, bardam bo'lib, hayotning barcha og'ir, yengil damlarida bir biriga tayanch bo'lganlar, bir-birini qo'llab-quvvatlaganlar, ahillik bilan baxt-saodatli yashaganlar. Aka-ukalar, opa-singillar, qarindosh urug'lar o'rtasida mol-u dunyo talashib, nizolar kuchaygan uydan baraka ham, mehr oqibat ham ketadi. Oqibatsizlikka o'zaro yovlashishga olib keladi. Ota-ona tirik vaqtidayoq farzandlar noahil bo'lishi, mol-u dunyo talashib janjallashishi ular uchun katta baxtsizlikdir. Qarindosh-urug'lar o'rtasidagi yaqinlik, mehr-oqibatlilikni, hamkorlik va hamdardlikni saqlash ham farzandlik burchiga kiradi. Shuning uchun ham ota-ona oldidagi burch va mas'uliyat bir daqiqa ham inson xotirasidan ko'tarilmasligi lozim.

Zamonaviy oila bilan uzviy bog'liq ravishda o'z-o'zini boshqarishning milliy modeli bo'lgan mahalla omiliga, inson umrining asosiy qismi o'tadigan, uning tafakkuri, hayotga munosabatini shakllantiradigan o'ziga xos ijtimoiy-ma'naviy muhit bo'lgan mehnat jamoalari omiliga ham alohida ahamiyat

beriladi. Chindan ham zamonaviy oila-mahalla bilan yaxlit bir butunlik kasb etadi. Oʻzbek oilasi hech qachon mahalladan ayri holda yashagan emas. Oilaning oilalik fazilatlari hamisha mahalla hayotida namoyon boʻlgan. Mahalla- xalqimizning azaliy udumlari, urf-odatlari va an'analariga tayangan holda, ulkan vazifani bajargan. "Keksalarning pand nasihati, kattalarning shaxsiy ibrati, jamoaning hamjihatligi misolida kishilar ongiga ezgulik g'oyalarini singdirib boriladi.

Oʻzbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimov oʻzining "Oʻzbekistonning oʻz istiqlol va taraqqiyot yoʻli" asarida qayd qilganidek, "bizning davlatimizni ham katta bir oila deb tushunish muhum va lozim. Bunda oʻzaro hurmat va qattiq tartib boʻlmasa, oilaning barcha a'zolari oʻz burchlarini ado etmasa, bir-biriga nisbatan ezgulik bilan mehr oqibat koʻrsatmasa, yaxshi va munosib tarzda yashash mumkin emas. Oila turmush va vijdon qonunlari asoslariga quriladi, oʻzining koʻp asrlik mustahkam va ma'naviy tayanchlariga ega boʻladi, oilada demokratik negizlarga asos solinadi, odamlarning talab ehtiyojlari va qadriyatlari shakllanadi. Oʻzbeklarning aksariyati oʻzining shaxsiy farovonligi toʻg'risida emas, balki oilasining, qarindosh-urugʻlari va yaqin odamlarining, qoʻshnilarining omon-esonligi toʻgʻrisida g'amxoʻrlik qilishni birinchi oʻringa qoʻyadi. Bu esa eng oliy darajadagi ma'naviy qadriyat, inson qalbining gavharidir". Fransuz yozuvchisi Viktor Gyugoning bu haqidagi quyidagi fikri juda oʻrinli bayon etilgan: "Kimki ayol huquqini himoya qilsa, bola huquqini himoya qilgan boʻladi, boshqacharoq aytganda, u kelajakni himoya qilgan boʻladi".

Tavsiya. Yosh oilalar asosan:

-qadriyatlar mohiyatini anglab etishi;

-oila tarbiyasiga doir muammolarni oʻrganishga qaratiladi;

-oila tarbiyasida milliy qadriyatlardan oʻrinli foydalanish;

-ota onalarning pedagog mutaxassislar bilan hamkorlik oʻrnatish;

-oilada muvaffaqiyatli ish uslublarini oʻrganish;

-yosh avlodni barkamol inson qilib tarbiyalash;

Asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi.

Ibn Sino oʻz tarbiyaviy qarashlarida oila va oilaviy masalalarga keng oʻrin berilgan. Ota oilada oʻz farzandlariga har tomonlama yurish-turushida, nutq odobida, soʻz madaniyatida, oʻzaro muomala jarayonida eng muhimi amaliy ish faoliyatida toʻg'rilik va haqqoniylik, samimiylikka namuna boʻlmog'i kerak. Oilada farzand tarbiyasining toʻg'ri yoʻlga qoʻyishning asosiy vositasi uning ma'naviy olamida e'tiqodni shakllantirish, deb hisoblagan[5]

## Xulosa

Oila deb atalmish aravani tortib borayotgan er va xotinning bir-biriga yelkadosh boʻlishini, oʻzaro odoblarini, bir biriga boʻlgan mehribonliklarini koʻrgan farzandlar ulardan oʻrnak oladilar va ularga oʻxshashga harakat

[5] Cyberleninka.ru

qiladilar, chunki farzand aytgan nasihatingizni esidan chiqarmaydi. Oilada farzand tarbiyasining bu jihatini hech qachon esdan chiqarmaslik kerak.

Yosh oilalarning ilk qadriyatlaridan biri bu nikoh toʻyi hisoblanadi. Sababi oʻzbek xonadonlarida toʻylarimiz koʻpchilik jamoat bilan birgalikda oʻtkaziladi. Toʻy oldidan boʻladigan maslahatlar, qarindoshlarning oʻzaro munosabatlari hattoki yetti yot begona insonlarning oʻzbek toʻylarida qatnashish jarayonlarini ham misol keltirsak boʻladi. Shuningdek, oilada vatanparvarlik tuyg'ulari ham rivojlanib boradi. Toʻydan keyingi urf-odatlar qaynona qaynotaga boʻlgan munosabatlar oilani qanday qilib tinch osoyishta asrab avaylash haqidagi bilimlar yosh oilalarga kichik davridan boshlab oʻrgatib kelinadi. Mana shunday qadriyatlarni bilgan har bir yosh oilalarning hayoti goʻzal boʻladi, shuningdek, ulardan qoladigan yosh avlodlar uchun ham koʻmak ham madad boʻladi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI

1. Oila pedagogikasi O. Hasanboyeva, D. Xoliqov, Rocc Kemibell, Sh. K. Toshpoʻlatova M.Sh. Nurmatova, X. J. Jabborova, N. Jamilova, Sh. Egamnazarova, N. Qayumova, M.M. Pirmuhammedova, M.A. Rasulxoʻjayeva, R. Avezova T.2007y
2. Qadriyatlar falsadfasi Jondor Toʻlanov T.1998y
3. Shaxs va oila tarbiyasining pedagogikasi. I. Sh. Alqarov, R. Mamatquliva, H.D Norqulov T 2009y
4. Minikar.ru
5. Cyberleninka.ru

**Ибодулла ЭРГАШЕВ**

*Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети профессори*

**Бархаётжон АБДУЛЛАЕВ**

*Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети таянч докторанти*

**Азаматжон ХУДАЙНАЗАРОВ**

*Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети мустақил тадқиқотчиси*

**Муаттар БЕРДИЕВА**

*Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети ўқитувчиси*

# ЁШЛАР ВА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

***Аннотация.*** *Мақолада ёшлар ижтимоий гуруҳига хос қадриятлар, уларнинг тизими, ушбу тизимнинг ўзгариб бориши, глобаллашув, жамиятнинг модернизациялашуви жараёнидаги трансформацияси, мазкур трансформацион жараённинг кечиши шакллари, интеграция тушунчалари воситасида таҳлил қилинган. Тадқиқотда мета-таҳлил, тушунчаларни таърифлаш ва аксиологик усуллар қўлланилди. Мавзу юзасидан халқаро даражада олиб борилган тадқиқотлар йиллар кесимида, мамлакатимизда олиб борилган изланишлар билан бирга таҳлил қилинган, тегишли хулосалар чиқарилган.*

***Калит сўзлар:*** *ёшлар, қадрият, қадриятлар тизими, қадриятлар тизими трансформацияси, қадриятлар трансформациясини белгилаб берувчи омиллар, модернизация, интеграция.*

Ёшлар мамлакат тараққиётини, унинг эртанги куни ва келажагини ҳамда дунёдаги ўрнини белгиловчи инновацион ресурсдир. Бугунги глобаллашув жараёни ёшларда ўз она тили, тарихи, миллий урф-одатлари, анъаналарига, қадриятларга бўлган ишонч ва эътиқоди,

миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик ҳиссини янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. 2021 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида ана шу, заруратга урғу берган ҳолда, "Халқимизнинг маънавий қудрати ва боқий қадриятларини асраб-авайлаш ва бутун дунёга тараннум этишга сизлар албатта қодирсиз"[6] деб мамлакатимиз ёшларига бу борада катта ишонч билдирди. Шундай экан, ёшлар нимани ўзларига қадрият деб билади ва бу қадриятлар бутун дунёда кечаётган глобаллашув билан боғлиқ жамиятимизнинг модернизациялашиши жараёнида қандай ўзгаришларни бошдан кечиряпти, деган саволларга жавоб топиш мамлакатимизнинг эртанги кунини, ёшларнинг мақсад ва майлларини, қадриятларга бўлган муносабатидаги ўзгаришларни билишга имкон беради.

Конфуцийнинг шогирдларидан бири Цзы-чжан устозига "Ўн авлоддан кейин нима бўлишини билиш мумкинми?" деб савол берганида, файласуф шундай жавоб берган: "Инь (сулоласи) Ся (сулоласи) қоида(маросим, удум, қадрият)ларини мерос қилиб олди; улар нимани қолдиргани ва нимани қўшгани маълум. Чжоу (сулоласи) Инь қоида(маросим, удум, қадрият)ларини мерос қилиб олди; у нима қолдиргани ва нима қўшгани маълум. Шу сабабли, Чжоу сулоласининг ворислари гарчи юзта авлод бир-бирининг ўрнини босса ҳам нима бўлишини билиш мумкин"[7]. Файласуф шу ўринда қоида, маросим, удум ва қадриятларни мерос қилиб борилса, ҳатто ўн авлоддан кейин нима бўлишини билиш мумкинлигини шогирдларига уқтиради.

Ёшлар устувор деб билган қадриятлар трансформацияси масаласига ёндашганда қадрият тушунчасининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Қадрият тушунчасига турли манбаларда берилган таърифларни кўриб чиқиш орқали бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушуниш, унинг ўзгариш қонуниятларини тушуниш имконини беради. Фалсафага оид луғатларда тушунчага таърифлар акс этган.

Сиёсий фанга оид халқаро энциклопедияда "Ижтимоий фанларда қадриятларнинг бир нечта таърифлари мавжуд. Антрополог Клайд Клакхон учун қадрият - бу ҳаракатнинг мавжуд усуллари ва мақсадларини танлашга таъсир қилувчи орзу қилинган тушунчадир. Бу таърифда марказий ўринни орзу тушунчаси ташкил этади. Хоҳиш - бу

[6] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи / (мурожаат санаси: 04.10.2022)

[7]Конфуций. Лунь Юй (Беседы и Суждения) / http://royallib.ru/book/konfutsiy_/lun_yuy.html (мурожаат санаси: 04.10.2022)

истак ёки афзаллик, қадрият атамаси эса истак ёки истакдан ташқарига чиқади ва ахлоқий мазмунни ҳисобга олади”[8] деб таърифланган.

Рус олимлари томонидан яратилган фалсафий луғатларда “Қадрият - субъектнинг баҳоланаётган объект қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги тасаввурлари ва объект ўртасидаги муносабатда ифодаланади. Агар объект унга қўйиладиган талабларга жавоб берса (у шундай бўлиши керак), у яхши ёки ижобий қадрга эга бўлади; талабларга жавоб бермайдиган объект ёмон ёки салбий қийматли деб таснифланади; яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмаган объектга бефарқ ёки қадриятий жиҳатдан бетараф дейилади”[9].

“Қадрият – бизни ўраб турган олам объектларининг инсон, ижтимоий гуруҳ, умуман жамият учун ижобий ёки салбий аҳамияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билангина эмас, балки инсон ҳаёти, манфаатлари ва эҳтиёжлари соҳасидаги иштироки билан белгиланади; ижтимоий муносабатлар; ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар, идеаллар, муносабатлар, мақсадларда ифодаланган ушбу аҳамиятни баҳолаш мезони ва усулларидир”[10].

“Қадрият - фалсафа ва социологияда маълум нарса ва ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган атама бўлиб, тўғри, мақсадли, семантик асосли, мутлақ дунёга ишора қилади. Қадрият шахс (ҳар қандай бошқа ижтимоий субъект) ижтимоий-маданий фаолиятининг мумкин бўлган чегараларидан бирини белгилаб беради. Улар шахссиз, шахслараро ва баъзи ҳолларда тарихий бўлмаган характерга боғлиқ[11].

Ўзбек олимлари томонидан яратилган фалсафий луғатларда тушунчага қуйидагича таърифлар берилган: “Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ва фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади”[12].

---

[8] International Encyclopedia of Political Science / https://archive.org/details/internationalencyclopediaofpoliticalscience/page/n3793/mode/2up (мурожаат санаси: 04.10.2022)
[9] Философия: Энциклопедический словарь. – М.: Гардарики. Под редакцией А.А. Ивина. 2004. / (мурожаат санаси: 04.10.2022)
[10] Большой Энциклопедический словарь. 2000. / http://niv.ru/doc/dictionary/big-encyclopedic/fc/slovar-214-2.htm#zag-72156 (мурожаат санаси: 04.10.2022)
[11] Новейший философский словарь. – Минск: Книжный Дом. А. А. Грицанов. 1999. / http://philosophy.niv.ru/doc/dictionary/newest-dictionary/articles/542/cennost.htm (мурожаат санаси: 04.10.2022)
[12] Фалсафа: энциклопедик луғат / ЎзРФА, И.Муминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2010. - 326 б.

“Қадрият– инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча; “Қадриятшунослик (аксиология)”нинг энг асосий категорияси. Бу категория ўзида қадрият асосининг нафақат қимматини, балки ижтимоий аҳамияти, фалсафий-аксиологик мазмуни, жамият ва инсон учун қадрини ҳам ифодалайди”[13].

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, қадриятлар ҳар бир миллат ва халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ойнадек кўрсатувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

“Қадриятлар тизими” тушунчасига берилган таърифлар орасида қуйидаги таъриф алоҳида эътиборга молик, “Муайян воқелик, жамият ва унинг ривожланиш босқичига мос келадиган, объект ёки субъект қадри ва аҳамиятининг иникоси бўлган, объектив равишда тасаввур қилинадиган ва билиш жараёнида англаб олинадиган турли қадрият шаклларининг ўзига хос боғланишини ва диалектик ўзаро алоқасини ифодалайдиган аксиологик тизимлар қадриятлар системаси дейилади”[14]. Қадриятлар тизими муайян ижтимоий субъектлар (шахс, миллат, жамият ва бошқ.), бирон бир давр, тарихий босқич ёки соҳа билан боғлиқ бўлган тизимни ташкил этувчи элементлар – маросим, удум, урф-одат, анъана, қадрият шаклларининг ўзаро алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлигини ифодалайдиган тушунчадир.

Қадриятлар тизимининг ўзгаришларини замон билан боғлаб ўрганиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу айниқса ҳозирги даврда жаҳонда ва Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларнинг қадриятлар соҳасидаги намоён бўлиш хусусиятларини билиб олиш, қўлга киритиладиган илмий далилларни тажрибада қўллаш учун ниҳоятда зарур. Шу билан бирга бундай қараш ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг қадриятлар омили ва мезони билан боғлиқ жиҳатларига амалий таъсир кўрсатиш, бу борадаги вазифаларни аниқлаш, зарур чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

Бу борада яна шуни таъкидлаш керакки, муайян жамиятнинг тузилишига мос келадиган умумий қадриятлар тизими ва уни манзарасини турлича ўрганиш мумкин. Аммо, ҳар қандай умумий қадриятлар тизимида, икки таркибий қисм умуминсоний ва шахсий қадрият шакллари, сақланиб қолади, чунки жамиятдаги ҳар қандай

---

[13] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати / ЎзР Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир Хайъати: Х.Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. 707 б.

[14] Назаров Қ. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси. 09.00.11. – Ижтимоий фалсафа. ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 1996. 85 б

ўзгаришларга қарамасдан ҳозиргача одам зоти ва инсоният жамияти мавжуд. Бу икки қадрият шаклининг мавқейи эса аниқ қадриятлар тизими асосланадиган ижтимоий тузилишнинг умумий манзарасига, ундаги турли жараёнларга боғлиқ бўлади. Мазкур тизимларда бу икки қадрият шакли бир-бири билан турли хусусий бўғинлар орқали боғланади, бу бўғинлар ирқий, миллий, этник, маънавий, синфий ёки бошқа хусусий қадрият тизимлари тарзида намоён бўлиши ҳам мумкин. Ўрта аср Уйғониш даври мутафаккирлари сафида ўз сиёсий қарашлари билан алоҳида эътиборга молик бўлган, X асрнинг қомусий алломаси Форобий Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон (870-951) замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Арастуси” деб атаган. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари “Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб”, “Сиёсат ал-мадания” (“Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш”) ва “Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида”, “Илмларнинг таснифи ҳақида” ва бошқа асарлар ҳисобланади. “Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб”да фозил шаҳар аҳолиси “уларнинг диллари эришадиган бахт-саодат нима эканлигини билишлари зарур. Улар яна фазилатсиз шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси ўлганидан сўнг руҳлари охиратда не кечишини, баъзилари бахтсизлик, фалокатга учраб, баъзилари йўқ бўлиб кетишини, фозиллар шаҳри аҳолиси охиратда неларга эришувини, нелардан сақланишини билишлари зарур.

Шуларнинг ҳаммасини икки йўл билан билиб олиш мумкин: Биринчидан, юқоридаги ҳодисалар аслида қандай мавжуд бўлса, инсон қалбига кўнглига ўшандай ўрнашиб қолса, бошқаларнинг кўнглида бу билимлар қиёс ёхуд тақлид асосида вужудга келади”[15]. Айни шу ўринда Форобийнинг фозиллар шаҳри аҳолиси сиёсий қадриятларни ўзлаштиришининг икки йўли кўрсатиб берган. Сиёсий қадриятларнинг қайд этилган икки йўл билан сингдирилиши сиёсий қадриятларнинг икки тизимини, яъни инсон томонидан мустақил англанилган, мушоҳада ва мулоҳаза, хулоса чиқариш, ҳукм қилиш ва қарор чиқариш йўли билан шаклланган қадриятлар, шунингдек, жамиятда қабул қилинган, устувор бўлган сиёсий қадриятларни қиёс ёки тақлид асосида борича қабул қилинган тизимларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Шу ўринда, Форобий идеалидаги фозилар шаҳрида сиёсий қадриятлар тизимидаги ўзгаришларнинг барқарорлигини сақлашда қадриятларни ўзлаштиришнинг бу усуллари катта аҳамиятга эга бўлган.

Одатда қадрият деганда ёшлар ҳаётида ижобий таъсир кўрсатадиган, ёшлар олдига қўйган мақсадларини амалга оширишга

[15] Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Масъул муҳаррир Хайруллаев М. –Т., 1993. 167 б.

кўмак берадиган, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокида фойдали бўлган яхши ёки ёмон нарсалар нуқтаи назаридан ёшлар муносабатда бўлади ва фаолиятларида фойдали бўлса қабул қилади, фойдасиз жиҳатларини қабул қилмайди ёки эътироф этмайди. Бунинг учун ёшлар жамият тараққиётида турли хил урф одатлар ёки қадриятарни тўғри баҳолай билишлари зарур. Жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган ва ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларида, ижтимоий муносабатларга киришишларида ҳамда жамиятдан ташқарида бўлиб қолмасликлари учун зарур бўлган узоқ йиллар давомида аждодлар ва авлодлар томонидан эътироф этилган ва қадрланиб келган ва қадрланаётган турли хил қадриятлар кўринишларини ҳисобга олишлари ва уни зарур деб амал қилишлари ўзлари учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам фойдалидир.

Жамият ривожланишида қадриятлар муайян ўзгаришларни модернизация ва интеграция жараёнларини бошдан кечириши мумкин. Шундай ҳаёт ўзгаришлари уни янгича талаб ва ёндашувлар, меъёрлар ва мезонларга ўтиб бориши қадриятлар тизимида ҳам янгиликларни олиб киради ва ёшларнинг жамиятда амал қилиб келган айрим қадриятларнинг ўрнида янгича қадриятларнинг қарор топишига ва ёшлар фаолиятининг ўзига хос мезонига, яъни қадриятларни белгилайдиган янгича индикаторларини ҳаётга кириб келишига сабаб бўлади. Масалан, мустақиллик туфайли жамият ҳаётида мутлақо янги қадриятлар тизими шаклланди, бунга сабаб жамият ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёт соҳаларининг тубдан ўзгариши ва бозор муносабатларига ўтилиши билан бевосита боғлиқ. Натижада, бозор иқтисодиётига хос бўлган мулкнинг хилма-хиллиги хусусий мулкни эътироф этишни ва уни қадриятга айланишини тақозо этди. Ягона мулк амал қилган даврда эса хусусий мулк эътироф этилмаган ва қадрият сифатида тан олинмаган. Бугунги ёшлар хусусий мулкни қадрият сифатида тан олиб муносабатда бўлаётганлигининг сабаби инсон эркинлиги ва эркин меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятини бериши билан қадрли ва аҳамиятлидир. Бу ёшларни уни қадрлашга ва хусусий мулкка нисбатан ижобий муносабатда бўлишларини қарор топтирмоқда. Демак ижтимоий ҳаёт соҳаларида бўлган ўзгаришлар қадриятлар тизимининг ўзгаришига ва янги унга мос қадриятларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Шунда қадриятларнинг фойдали ёки фойдасиз томонлари, аҳамиятли ва аҳамиятсиз жиҳатлари ёки яхши ёки ёмон томонларини фарқлаш ва баҳолаш имкониятини беради. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида шундай авлод вакиллари шаклланди, улар қадриятларга янгича ёндашмоқда ва баҳоламоқда. Шунда қадриятларни баҳолашда қандай мезон ва манфаатдан келиб чиққан ҳолда ёндашилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунда

қадриятларни миллий маънавий меросимизга мос ёки мос эмаслигини ҳисобга олиш миллий қадриятларга баҳо бериш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Бу мамлакатнинг мустақил тараққиёт йўлини сақлаб қолиш ва унинг халқимизнинг бой миллий маданий қадриятлари билан ифодаланувчи ўзига хос қонуният эканликлари ва миллий қадриятларга ҳамда трансформациясига ёндашишлари стратегик аҳамиятга эга. Қадриятлар тизими трансформацияси тизимни ташкил этувчи маросим, удум, урф-одат, анъана, қадрият шаклларининг сифат ўзгаришлари билан боғлиқ жараёндир.

Бугунги ёшлар, миллий қадриятларни умуммиллий аҳамиятини ва мамлакатимиз истиқболи билан боғлиқлигини тақозо этади. Қандай қадриятлар мамлакатимиз тараққиётида истиқболига эга, қандай қадриятлар эса, мустақиллик ва замон талабларига жавоб бермаётганлигини фарқлаш ва боҳолашларини тақозо этади. Бунда тараққиётга халақит берадиган маълум маънода тўсиқ бўлаётган қадриятларнинг айрим кўринишларидан халос бўлишни тақозо этади. бу тараққиётни янада юқори босқичга кўтаришда ва ёшларни янгича қадриятларни қабул қилишларига ундайди. Ва тараққиёт қонунияти шундайки, миллий қадриятлар ҳам қотиб қолган ўзгармас константадан иборат эмас. Миллий қадриятлар янгиликларни қабул қила олиши керак. Уни қабул қилган қадриятлар янгиланиб бойиб боради ва дунёда эътироф этилган ва этилаётган қадриятлар билан уйғунлашади. Бу тараққиёт учун янги имкониятлар яратади. Шу нуқтаи назардан қадриятларга асосланиш “инсон эркинлигини чеклайди” деган қарашлар унинг бир томонлама эканлигини кўрсатади. Қандай қадриятлар инсон эркинлигини чеклашга, қайси қадриятлар эса инсоннинг тараққиётига хизмат қилишини фарқлаш лозим. Албатта замон талабларига жавоб бермаган ва бермаётган айрим қадриятлардаги турғунлик ҳолатлари тараққиётга ҳам изн бермаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам, янги Ўзбекистон тараққиётида қабул қилинган янги ғоялар хусусан, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, халқ давлат идораларига эмас деган ғоя билан боғлиқ янгича ёндашувлар жамият сиёсий ҳаётида янгича қадриятларнинг қарор топишига ва ёшларни давлат ҳокимияти ва бошқарувига нисбатан ишончини янада ортишига асос беради. “Ёшлар келажак бунёдкори” эканлигини эътироф этиш уларни ана шундай янгича қадриятлар асосида фаоллашишига туртки беради. “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”ларнинг ташкил этилиши ёшларнинг муаммоларини ўрганишга ва уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган амалий аҳамиятга эга бўлган дастурлардир. Бу ёшларни келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, давлатга бўлган

ишончини орттиради. Миллий қадриятларни ҳурмат қилишга ва миллий ўзлигини англашга ёрдам беради.

Турли давлатлардаги халқларнинг қадриятлар тизимига бағишланган, тизимли ва мунтазам ўрганишга қаратилган тадқиқотлар 1980 йиллардан бошлаб олиб борилган. 2021 йил декабрь ойида *World Values Survey* лойиҳаси доирасида ушбу йирик социологик тадқиқотнинг еттинчи тўлқини якунланди. 2024-2026 йилларга тадқиқотнинг саккизинчи тўлқинини ўтказиш режалаштирилган. 1980 йиллардан бошланган ушбу лойиҳага америкалик сиёсатшунос олим, ижтимоий фанлар соҳасида энг кўп иқтибос келтирилган тадқиқотлар муаллифи Рональд Инглхарт 2021 йил 8 майга қадар раҳбарлик қилиб келди. Ҳар беш йилда амалга оширилган тадқиқот дастлаб ўн битта мамлакатда ўтказилган бўлса охирги тадқиқотда саксонта давлат аҳолиси ўртасида устувор бўлган қадриятлар ўрганилди. Сўнгги тадқиқотда Марказий Осиё минтақасидан Қозоғистон, Қирғизистон, ва Тожикистон аҳолисининг устувор қадриятлари ҳам социологик сўровнома асосида ўрганилган. Тадқиқот 14 йўналишда 300га яқин саволларни қамраб олган бўлиб, анъанавий қадриятларни дунёвий-рационал қадриятлар билан қиёслаб, инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган қадриятларни шахснинг ўзини намоён қилиш билан боғлиқ қадриятларга қиёслаб ўрганилиб, олинган натижалар мамлакатнинг дунё қадриятлари харитасидаги ўрнини белгилашга асос бўлади[16].

Сўнгги икки тадқиқот тўлқини натижалари асосида (1-жадвал) тадқиқот ўтказилган мамлакатлар ёшлари оила, дўстлар, бўш вақт, сиёсат ва ишни жуда муҳим деб берган жавобларини қиёслаш мумкин. Шу ўринда лойиҳанинг муҳим хулосаси шундан иборатки, ёшлар ўртасида қадриятларнинг аҳамияти йиллар кесимида ўзгариб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу жараёнда оила ва динни жуда муҳим деб ҳисобловчи ёшларнинг салмоғи камайиб бораётгани, айни вақтда улар учун бўш вақтнинг аҳамияти ортиб бораётгани яққол кўриниб турибди. Ушбу тадқиқотлар хулосалари ёшлар учун нима муҳим ва қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга имконият беради.

| Тадқиқот ўтказилган даврлар | Оила | Дўстлар | Бўш вақт | Сиёсат | Иш | Дин |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2017-2022 | 81,7% | 50,1% | 44,5% | 12,7% | 59,4% | 40,3% |
| 2010-2014 | 91,1% | 51,9% | 39,9% | 14,0% | 65,7% | 52,7% |

1-жадвал[17]

[16] Қаранг: History of the World Values Survey Association. https://www.worldvaluessurvey.org/WVSContents.jsp (мурожаат санаси: 04.10.2022)
[17] World Values Survey Association. https://www.worldvaluessurvey.org/WVSOnline.jsp

Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари ва қизиқишлари мамлакатимиздаги ижтимоий фикрни ўрганиб бораётган илмий-тадқиқот муассасалари, ННТлар, шунингдек алоҳида илмий тадқиқотчилар томонидан мунтазам тадқиқ этиб борилади. Уларнинг сафида “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш Институти, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан амалга оширилган тадқиқотларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Замонавий Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда, уларнинг кўлами модернизациянинг чуқур жараёнларидан далолат беради. Замонавий ёшлар зиддиятли қадриятлар ва йўналишлар доимо тўқнашиб, даъват этадиган ва керакли ечимларни онгли равишда танлашни талаб қиладиган глобал ўзгаришлар жараёнида иштирок этмоқда. Қадриятлар ва меъёрлар қайта баҳоланаётган бир пайтда, ҳаётий истиқболлари, мақсадлари ва ҳаёт мазмуни билан боғлиқ масалаларда ёшларнинг ўз йўлларини топишлари бирмунча мураккаб. Ёшларнинг ҳаётий қадриятлари иерархиясида таълим олиш муҳим ўринни эгаллайди. Айни вақтда таълим мустақил қадриятликдан жамиятда моддий фаровонлик, ижтимоий мақом, турмуш даражаси билан боғлиқ янада юқорироқ ўринларни эгаллаш учун устувор воситага айланди. Сўнгги йилларда ёшларда таълим қадриятининг шахсий фаровонлик ва муваффақиятга бўйсундирилиши билан боғлиқ мақсадли йўналишларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бошқача қилиб айтганда, таълим қай даражада даромад келтириб, мақомни оширса, шу даражада қадрланмоқда.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази “Янги Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий позициялар ва қадрият устуворликлари” мавзусида мунтазам ўтказиб бораётган мажмуавий тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ёшлар, энг аввало, ўз билим даражасини ошириш орқали инсон салоҳиятини амалга ошириш мумкинлигига ишонадилар. Телефон сўрови иштирокчиларининг фикрига кўра, олий маълумот олиш иш ҳақининг юқори даражаси, мартаба ўсиши, моддий фаровонлик ва молиявий барқарорликни кафолатлайди. Ёшлар меҳнат бозорида рақобатбардош, талабгир бўлиш учун яхши маълумотга эга бўлиш кераклигини англайдилар, улар ҳаётда муваффақиятга, касбий фаолиятда ютуқларга эришишга ва жамиятда ўзларини ишончли ҳис этиш ҳамда янги мақсадлар сари ҳаракатнинг янги стратегияларини яратишга имкон берадиган ижтимоий восита - таълим эканлигини англайдилар.

Сўров натижалари шуни тасдиқлайдики, замонавий ёшлар учун ҳаётий йўналишларнинг ижтимоийликдан хусусийликка ўзгариши

хосдир. Бу профессионал мартаба нуқтаи назаридан ёшлар қадриятларига ҳам тегишли. 43,2% ёшларнинг фикрига кўра, улар учун асосий ҳаётий интилишлардан бири бу - мартаба, касбий ўсиш ёки муваффақиятли тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Муваффақиятли мартабага интилиш замонавий жамият ва бозор иқтисодиёти шароитида табиий ҳолдир, шу билан бирга моддий фаровонлик ёшлар томонидан юқори баҳоланади ва респондентлар учун нафақат қизиқарли иш, балки истиқболли ва юқори маошли иш топиш билан ҳам белгиланади.

Сўров натижаларига кўра, 53,3% ёшлар учун оила ва никоҳ муносабатлари, оналик/оталик, оилавий мақомнинг мавжудлиги уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини сафарбар қилувчи қадрият ҳисобланади. Респондентларнинг фикрига кўра, айнан ўз оиласини қуриш, эр-хотин ўртасидаги уйғун муносабатлар, болалар туғилиши ва тарбияси нафақат ҳаётий қадрият ҳисобланади, балки фуқароларнинг шахсий ва мартабавий ўсишига ёрдам беради.

Сўров иштирокчиларининг жавобларидан кўриниб турибдики, таълим, мартаба ва оилавий қадриятларнинг мақсадли устувор йўналишлари билан бир қаторда, ёшлар бахтли, моддий таъминланган ва муваффақиятли инсонлар бўлиш манфаатларини яширмайдилар (54,2%) ва буни замонавий инсоннинг хоҳиш-истаклари билан изоҳлаган ҳолда ўз кўрсатмалари деб ҳисоблайдилар, айни вақтда ёшлар, гарчи шахсий ҳаёт муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш имкони бўлмаса-да, хайрли ишларга тайёр эканликларини таъкидладилар[18].

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш Институти томонидан 2020 йилнинг апрелида telegram ижтимоий тармоғининг фойдаланувчилари орасида – “Айни пайтда Сизни кўпроқ қайси масалалар ташвишга солмоқда?” саволи орқали тадқиқот ўтказилиб, унда беш юзга яқин фуқаро иштирок этган. Тадқиқот натижаларида ёшлар муаммолари доирасида ижтимоий-иқтисодий, бандлик (касбий) ва таълим билан боғлиқ масалалар нафақат ёшларга оид давлат сиёсатининг, балки умумдавлат сиёсатининг устувор йўналишлари эканлиги ўз ифодасини топди. Сўровда иштирок этган респондентларнинг 16% (мутлақ кўрсаткичда 36%) иш топиш ҳамда яна шунчаси 16% (мутлақ кўрсаткичда 36%) уй-жой масалалари долзарб эканлигини билдиришган. Шу билан бирга, ёшларнинг 9% (мутлақ

[18]Ўзбекистонда 30 июнда Ёшлар куни муносабати билан “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази «Янги Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий позициялар ва қадрият устуворликлари» мавзусида мажмуавий тадқиқот натижалари. https://ijtimoiyfikr.uz/tadqiqotlar/zhamiyat/yangi-zbekiston-eshlari-aetij-pozitsiyalar-va-adriyat-ustuvorliklari.htm(мурожаат санаси: 04.10.2022)

кўрсаткичда 20%) учун никоҳга кириш, оила қуриш каби масалалар биринчи ўринда турганлигини эътироф этишган.

Хорижга кетиш ва олий таълим муассасаларига ўқишга кириш масалалари тўғридан-тўғри ёшларнинг бандлик ва таълим (касбий) муаммолари билан боғлиқ. Тадқиқот натижаларига кўра, 7% (мутлақ кўрсаткичда 17%) ёшлар хорижга кетишни, 6% (мутлақ кўрсаткичда 14%) респондентлар олий таълим муассасасига ўқишга киришни устувор деб қайд этган[19].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биринчидан, ёшларнинг ҳаёти ва фаолияти муайян қадриятлар тизими билан узвий боғлиқ бўлади, қадриятлар тизимида шаклланади ва ривожланади. Ёшлар ҳаётида қадриятлар тизими уларнинг ижтимоий ҳаёти жараёнида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўз вақтида ёшлар бу қадриятларни ўзи учун қабул қилиш, зарур ва зарур бўлмаган, фойдали ва фойдасиз томонларини фарқлаган ҳолда қадриятларга ўзларининг фаол муносабатларини билдиришлари муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, қадриятлар тизимининг ўзгариши унинг трансформация жараёни орқали амалга ошади. Ёшлар ҳам ўз ҳаётларида фойдали деб билган қадриятларни эътироф этади ва унга амал қилади. Фойдали қадриятлар эса, жамият тараққий этишига, ёшларнинг юксалишига имконият бериши билан белгиланади. Учинчидан, қадриятлар тизимининг трансформацияси бугунги глобаллашув ва модернизация жараёнлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Турли халқларга хос бўлган қадриятларнинг бир-бирига таъсири ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги умуминсоний қадриятларга хос бўлган жиҳатларни миллий, маънавий қадриятларга қўллашга хизмат қилади. Бу миллий, маънавий қадриятларнинг янада бойишига ва такомиллашишига асос бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи / (мурожаат санаси: 04.10.2022)
2. Конфуций. Лунь Юй (Беседы и Суждения) / http://royallib.ru/book/konfutsiy_/lun_yuy.html (мурожаат санаси: 04.10.2022)
3. International Encyclopedia of Political Science / https://archive.org/details/internationalencyclopediaofpoliticalscience/page/n3793/mode/2up (мурожаат санаси: 04.10.2022)

[19] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш Институти веб сайти. http://yomi.uz/2020-yil/ (мурожаат санаси: 04.10.2022)

4. Философия: Энциклопедический словарь. – М.: Гардарики. Под редакцией А.А. Ивина. 2004. / (мурожаат санаси: 04.10.2022)

5. Большой Энциклопедический словарь. 2000. / http://niv.ru/doc/dictionary/big-encyclopedic/fc/slovar-214-2.htm#zag-72156 (мурожаат санаси: 04.10.2022)

6. Новейший философский словарь. – Минск: Книжный Дом. А. А. Грицанов. 1999. / http://philosophy.niv.ru/doc/dictionary/newest-dictionary/articles/542/cennost.htm (мурожаат санаси: 04.10.2022)

7. Фалсафа: энциклопедик луғат / ЎзРФА, И.Муминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2010. - 326 б.

Ҳуқуқий тарбия –бу ҳар бир инсоннинг ўзи яшаб турган жамиятда, шунингдек айрим сабабларга кўра хорижий давлатларда бирон-бир шахсий ёки хизмат юзасидан зарур бўлган фаолиятини амалга ошириш жараёнида, айни шу фаолият турини амалга ошириш бўйича давлат ичида ёки борган хорижий давлатларда белгиланган қонун ва қоидалар асосида, айрим ҳолларда эса мазкур халқлар томонидан тан олиниб, эътироф этилган ижтимоий нормалар-меъёрлар (ёзилмаган қонун ва қоидалар) асосида амалга ошириш механизмини ўзлаштириб олиш, унга тўлиқ риоя қилиш тушунилади. Ҳуқуқий тарбия тарбияларнинг ичида энг қадимгиси ҳисобланиб, бу тарбия тури ҳам даврлар ўтиши билан, инсонларнинг эҳтиёжлари, фикрлаш ва дунёқарашлар ўзгариши билан янгиланиб, такомиллашиб боради. Ҳар бир инсоннинг у қаерда яшашидан қатъий назар ҳуқуқ ва бурч масаласида унинг ёзилган ва ёзилмаган қирралари фарқланади. Бизнинг мамлакатимизда, хусусан мусулмон давлатларида ҳуқуқий тарбиянинг мустаҳкам пойдевори ота-боболаримиз томонидан мукаммал шакллантирилган. Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи кўп минг йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихига эга. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан кейин ислом оламида янги қонун ва қоидаларни пайдо бўлиш жараёни тўхтади. Ана шу даврдан бошлаб барча ҳуқуқий муаммолар Қуръони Каримда ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатларида кўрсатиб берилган қонун ва қоидалар асосида ҳал этилиб ҳуқуқий тарбия бериладиган бўлган. Буюк ислом олами, фақиқ Бурхониддин ал-Марғиноний Қуръони Карим ва ҳадис илмини мукаммал эгаллаб, фиққ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур ва мукаммал билимга эга бўлган ва ҳуқуқий тарбия соҳасида беқиёс дурдоналар яратган. Ул зот таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Мовароуннаҳрнинг ўша вақтдаги маънавий ва маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб бориб, бутун ислом оламида машҳур “Ал-ҳидоя” асарини ёзган. Қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда кейинчалик бу асар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўнлаб ҳар хил тилларга таржима этилган ва қонунчилик асоси сифатида кенг қўлланилган. Кўриниб турибдики, биз яшаб турган заминда қонунчиликнинг мукаммал тошлари жуда қадим-қадим замонларда қўйилган. Шу боисдан ҳам ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда ўша минг йиллар илгари қонунчилик борасида қўлга киритилган тажрибаларни, анъаналарни ва миллий қадриятларни инобатга олган ҳолда берилсагина кутилганиданда ортиқроқ самарага эришиш мумкин.

## Хулоса

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тарбиянинг кечаги ҳолатидан унинг бугунги ҳолати ўта мураккаб ва жиддий ёндашишни талаб қиладиган жараён бўлиб қолмоқда. Ушбу давр ва ундаги бугунги тарбия жараёни, биз ёшлардан ўта ҳушёрликни, эътиборлиликни ақлий ва ахлоқий салоҳиятни ва изланувчанликни талаб этади. Агар биз ёшлар бугунги давр билан ҳамнафас яшашни ва бир вақтда, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларимизни ўзлаштириб олган ҳолда, тарбия масаласига жамиятнинг барча ижтимоий институтларида жиддий ва рисоладагидек талаб даражасида ёндашсакгина, айнан юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг биз ёшларга алоҳида таъкидлаб, келажакда олдимизга қўйган улкан вазифа, мамлакатимизда учинчи ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини яратишда, ёшларга бугунги берилаётган тарбия элементлари, уларнинг эртанги ҳаётий қарашларини тўлақонли ва тўғри шакллантиришнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 32-бет.
2. Абдуллаев И.К. Тарбия-соғлом ҳаёт тарзининг маънавий асоси, Урганч, 2020.-272б.
3. Хусинова Авира Тарбия орқали мамлакатимизда учинчи уйғониш кўз очади// Халқ сўзи газ., 2020.- № 14.
4. Матибаев Т. Ёш авлод тарбияси-халқ фаровонлиги, бахт-саодати калити// Адолат газ., 2020.- № 18.
5. Абдулахатов Н. Янги Ўзбекистон газ. 2020,

**Абдужаббор ҚАМБАРОВ**

*Наманган давлат педагогика институти “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси*

# ЁШЛАРИМИЗДА МАДАНИЙ МЕРОС ВА АНЪАНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада ёшларнинг тарихий тафаккурини ижтимоий фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш, мамлакатимиз ёшларининг тарихий тафаккури ва тарихий хотирасини ривожлантиришда маданий мерос ва қадриятларни ўрни ва аҳамиятини кўрсатишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.*

***Калит сўзлар:*** *тарихий тафаккур, хотира, жамият, манфаат, маданий мерос, қадриятлар, тарихий тафаккур, мустақиллик, маънавият.*

Ўтмиш маданий меросимизни ўрганиш фақат илмий жиҳатдан катта аҳамият касб этибгина қолмай, айни пайтда, у аждодларимиз яратган буюк маънавий хазинадан баҳраманд бўлишда, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ва инсоннинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда “Ўзбекистон тарихи” фанини таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида маданий меросимизни чуқур ва пухта ўрганишни таъминлаш комил инсонни вояга етказишни ишончли кафолатидир. Тарихий ёдгорликлардан фойдаланиш ўқувчи-ёшларда ижодий фикрлаш тарзини ривожлантиришга, келажакда Ўзбекистон фуқаросининг асосий фаол ҳаётий қарашларига айланган қадриятлар йўналишларини шакллантиришга ёрдам беради. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди”[1]. Албатта ҳар бир халқ ва миллатнинг ижтимоий-маънавий тараққиётини унинг тарихи, анъаналари, ҳаётий

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./ “Халқ сўзи”,2018 йил.29 декабрь,№271-272.(7229-7230).

қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маданий мерос, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. маданий мерос тушунчасига жуда кўплаб таърифлар келтирилган. Жумладан, М.Хайруллаев ва Д.Шорахмедов маданий мерос тушунчасига шундай таърифлайди: "Маданий мерос деб ўтмиш даврларидан инсониятга қолган ва танқидий ёндашилган, ижодий қайта кўриб чиқилиши, замоннинг конкрет тарихий вазифалари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг объектив критерийлари асосида ривожлантирилиши ва фойдаланиши лозим бўлган моддий ва маънавий бойликлар мажмуини тушунмоқ лозим" [2].

**Адабиётлар таҳлили.** М. Хайруллаев, Д. Шорахмедов, "Маданият ва мерос"; Ф. Мусаев Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада эмперик тадқиқот, мантиқийлик, тизимлилик, сўровнома, ўзаро алоқадорлик илмий тадқиқот тамойилларидан келиб чиққан ҳолда қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги бундай жараён "Маънавий-маданий ҳаёт таълим-тарбия, маданий мерос, тарихий тажриба, диний, ахлоқий, маърифий қарашлар, турмуш тарзи, ранг-баранг муносабатлар, илм-фан, халқ байрамлари, сайллари, томошалари ва удумлари, санъат, адабиёт каби соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Халқнинг, миллатнинг ўзига хос этник хусусиятлари, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳам аслида ана шу маънавий – маданий қадриятлар билан ўлчанади."[3] Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Бу муқаддас заминда қадим-қадимдан буюк олиму-фузалолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққан бўлиб, умумбашарий тараққиёт ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса ислом дини кириб келганидан сўнг, турли илмлар хусусан жамиятда тарихан қисқа бир даврда ўзининг юксак чўққисига кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс эканлиги инсонга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу кўҳна заминда, милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрки-тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан

[2] Хайруллаев М. Шорахмедов Д. Маданият ва мерос.-Т.: 1973.-С.17-18.
[3] Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.-Т.: "Ўзбекистон", 2007. -Б.119.

ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритишгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аждодларимиз тафаккури билан яратилган энг қадимги тош ёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақлаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, меъморчилик, адабиёт, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг маънавий-моддий бойликларимиздир. Демак шу боис, мана шундай меросга эга бўлган халқ камдан-кам топилади. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидланганларидек, " Юртимизда саккиз минг икки юздан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим"[4].

Шу боис, ёшларда тарихий тафаккурини шакллантириш учун ва уларда тарихий Ватанига маънавий ва маданий нуқтаи назардан мансублигини ҳис қилган ҳолда жамиятда дахлдорлик ҳиссини ривожлантириш мумкин.

Янгиланаётган жамиятда аҳоли онгида айниқса, ёшларда ўтмишини англаш орқали ижтимоий –маданий меросни сақлаб қолиш балки келажак авлодларга қолдириш, шу орқали тарихий тафаккурни шакллантириб ва тарихий хотирани мустаҳкамлаш мумкин. Тарихий тафаккур ижтимоий –психологик ҳодиса бўлиб, уни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ҳам кўплаб ижтимоий маданий асосларга таянган ҳолда кечади. Тарихий тафаккур ёшларнинг ўзлигини англаш, маънавий қадриятларимизни эъзозлаш, миллий тикланишга хизмат қилади. Дейлик, ўзбек халқининг моддий –маданий меросларидан бўлмиш меъморчилик санъати минг йиллардан бери мавжуд бўлиб, биз учун гўёки тирик тарих ифодасидир. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз"[5].

Бутунлай янги тарихий шароитларда замонавий цивилизациянинг бутунлай янгича тафаккур, ғоятда инсонпарвар ғоялари асосида миллий

[4] Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: "O`zbekiston",2021.- Б.171
[5] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар. –Тошкент, "Тасвир" нашриёт уйи, 2021.-Б.11.

уйғонишнинг, ўзликни англашнинг янги даврида яшамоқдамиз. Айни ана шу ўзликни англаш ҳодисаси мамлакатимизда тараққиётнинг мисли кўрилмаган босқичларини белгилаб бермоқда. Шундан боис, шарқ уйғониш даврини, жумладан, Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Улуғбек каби буюк инсонларнинг тарихдаги ролини омма онгига чуқур сингдирмоқ лозим. Жамиятни ҳар тарафлама мустақил қилмоқ учун сиёсий, иқтисодий мустақиллик билан бир қаторда маданий-маънавий уйғонишни, айниқса, унинг олий нуқтаси бўлмиш ғоявий мустақилликни тиклаш бу ўз-ўзини англашдан, тарихимиз ўтмиш маънавиятининг Тўмарис, Спитамен, Широқ каби буюк кишиларга ифтихор ва ғурур билан қарашни тиклашдан бошланади. Бунда биз токи шу кунгача унутишга улгурган маданий, маънавий, ғоявий қарашларимизни қайтадан тиклашимиз, яъни узилиб, бошқа ўзанга буриб юборилган тараққиётни узлуксиз яхлит жараёнга айлантирмоғимиз лозим. “Бошқа халқларнинг ҳозирги замон маданиятига киришмоқлари учун ўз мозийларидан узоқлашишлари мажбурий бўлса, туркийларнинг ҳозирги замон маданиятига киришмоқлари учун фақат ўзларининг эски мозийларига тушуниб етмоқлари кифоядир”[6] фикрига шуни қўшиш лозимки, ўтмиш меросимизни тушуниш билан бир қаторда уни замон руҳига мос равишда, ёшлар онгига сингдирмоқ лозим.

Шундай қилиб, тарихий маданий обидаларимиз узоқ ўтмишни бизга билдириб, эслатиб турувчи бирон бир иншоот бўлибгина қолмасдан балки инсонларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини ривожлантирувчи, ўтмиш ҳақида холис тарихий маълумот берувчи, тарихий ватанпарварликни ривожлантирувчи, балки, жамият ҳаётида тарихий тафаккурнинг ифодаси бўлиб қолмиш тарих маданиятини шакллантирувчи муҳим восита ҳамдир. Ўтмишдан қолган қадимий ёдгорликларга бўлган қизиқиш халқимиз томонидан шунчаки бир ҳавас эмас, балки ота маконга, она-ватанга бўлган меҳр билан ўлчанади ва изоҳланади. Тарихий обидалар жамият маънавий ҳаётини янада бойитиб, ватанга, халққа, аждодларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини уйғотади. Жумладан, юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий тарихни тиклаш билан бир қаторда, маънавий-маданий қадриятларимизни ривожлантириш, тарихий – маданий обидаларни асраб-авайлаш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Боиси, мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ Ўзбекистон жаҳон афкор оммасига ўзининг бой тарихи, маънавий қадриятлари, маданий меросини намоён қилиши зарур эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳозирги кунда саккиз

[6] Шерали Ашур.Ғарб ва Шарқ.// Мулоқот.1/2.1994.-Б.42.

мингдан ортиқ тарихий-маданий ёдгорликлар сақланиб қолган. Шу жумладан: уч мингдан ортиқ архитектура ёдгорликлари, икки минг етти юздан ортиқ археология ёдгорликлари, мингдан ортиқ санъат ёдгорликлари давлат ҳимоясига олинган. Энг кўп тарихий ёдгорликлар тўпланган Ўзбекистоннинг жуда кўп шаҳарлари эса тарихий шаҳарлардан ҳисобланади. Буларга Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шахризабз, Қарши, Тошкент каби шаҳарларимизда жойлашган тарихий ёдгорликларимиз жамиятимизда айниқса ёшларда тарихий тафаккур ва тарихий хотирани ривожлантириш учун хизмат қилади.

Тарихий маданий обидалар ёш авлоднинг маънавий тарбиясида муҳим ўрин тутади. Инсон ўз тарихини чуқурроқ билса, унинг моҳият-мазмунини англаб етсагина унда ватан туйғуси шаклланади. Ватанга, халққа ҳурмат-эҳтиром туйғусини уйғотишда эса тарихий ёдгорликларнинг аҳамияти беқиёс. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Тошкент ва қадимий шаҳарларимизнинг ёши 2000-2700 йилга тенглигининг эътироф этилиши ҳудудимиз тарихи нақадар узоқ ва бой эканлигидан далолат беради. Шарқона услубда қурилган миллий меъморчилигимиз гўзаллигини намоён этган обидалар чор Россияси босқинига қадар 50 мингдан ортиқ бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Кейинги 135 йиллик мустамлака ва қарамлик даврида кўплаб тарихий обидалар: масжид, мадраса, саройлар вайрон этилди ёки харобага айлантирилди. Тарихий обидаларни ўрганишга бўлган қизиқиш, интилиш, аввало, ёшларда ўз тарихига эҳтиром, ватанга муҳаббат, миллий ғурур туйғусини шаклланишига ёрдам берса, иккинчи томондан ўзига нисбатан талабчанликка чорлайди. Тарихий маданий ёдгорликлар шахс тарихий тафаккурини ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шундай қилиб, кўҳна обидалар инсонга эстетик завқ бериш билан бир қаторда, ахлоқий тарбия учун ҳам муҳим восита ҳисобланади. Тарихий меросни ўрганиш, ёшлар дунёқарашини ривожлантириш миллий анъана ва қадриятларимизни эртанги авлодга етказувчи кўприк вазифасини ўтайди. Тарихий маданий ёдгорликларни халққа, айниқса, ёш авлодга ўргатиш орқали оттирилган билим ва кўникмалар ёшларнинг тарихий тафаккурини ривожлантириб, сайқаллаб боради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 19 декабрдаги "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" қарорида шундай дейилади: "Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланадиган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахризабз шаҳарларинг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига, "Бойсун маданий муҳити", "Шашмақом

мусиқаси", "Наврўз", "Катта ашула", "Аския", "Палов маданияти ва анъаналари" номзодлари инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига, Усмон Қуръони, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар тўплами, Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари дунё миқёсида эътироф этилганига ёрқин мисол бўла олади.

Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизими янада такомиллаштирилди, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди"[7]. Жумладан, мамлакатимиз ҳудуди тарихий обидалар юрти десак муболаға бўлмайди. Улар ўз бағрига олган ҳар бир нақш, ҳар бир ғишт, ҳар бир ёғоч бизни ўз даврига олиб боради. Бундан кўринадики, миллий онг ва унинг асосий элементлари – тарихий тафаккур ва тарихий хотира оддий ҳис-туйғу эмас, балки муайян даражадаги маънавиятга, ахлоқий, ҳуқуқий маданиятга, илмий асосланган ғоялар ва мафкуравий қадриятларга, тарих тажрибасига асосланган эътиқоддир. Айтиш керакки, яқин йилларда тайёрланган ўқув қўлланма ва дарсликлар, гарчи миллий ғоя руҳида тайёрланаётган бўлса-да, аммо тез ривожланиб бораётган ёш авлод онгини забт эта олмаяпти. Сабаби, бугунги кун аксарият ёшларининг биринчи навбатдаги орзуси юқори иш ҳақи кафолатланган иш жойи, иқтисодий фаровонлик, шоҳона ҳаётга етишишга бўлган уринишлари бунга тўсқинлик қилмоқда. Тўғри, бундай фаровон ҳаётни ҳамма орзу қилишини тан олиш керак, лекин, маънавий қашшоқлик эвазига келган фаровонлик инсонда Чингиз Айтматов тили билан айтганда "манқурт"ликни келтириб чиқаради.

Ҳозирнинг ижтимоий-маданий муаммоларига ўтмишдаги тажриба, ишлаб чиқариш шакллари, турмуш тарзи, ахлоқ-одоб нормаларинигина эмас, балки давр имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ёндашмоқ лозим. Сабаби – шу пайтгача амал қилиб келган қоидалар, анъаналар ҳамда уларнинг ғоявий асоси бўлган ахлоқий қадриятлар қайта кўриб чиқилади ва қайта баҳоланади. Кечаги кун маънавий иерархиясида юқори ўринни эгаллаб келган тарихий ҳодиса, ҳолат ва шахсларнинг ўрни (баҳоси) ўзгаради. Тарих эса сиёсий кураш майдонига ва мафкуравий полигонга айланади. Ҳаёт чархпалаги шундай айланади, тарихий тараққиёт қонуниятлари шу зайлда амал қилади.

Эътибор берилса, тарих сиёсий ҳокимият учун курашаётган, ўз тарафига иложи борича кўпроқ оммани жалб қилишга уринаётган кучлар, партия ва гуруҳлар қўлида мафкуравий омил ва қуролга айланиб

[7] https://xs.uz/uzkr/post/moddij-madanij-meros-obektlarini-muhofaza-qilish-sohasidagi-faoliyatni-tubdan-takomillashtirish-chora-tadbirlari-togrisida

бормоқда. Буни биз дунёда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда ҳам кўряпмиз. Корпоратив манфаатларнинг объективлик ва илмийлик принципларига путур етмоқда. Натижада тарихий ҳақиқатни янгитдан хаспўшлаш, сохталаштириш, гиперболизация ва метафора бошланмоқда. Бундай вазиятда ёшларни миллий тарих билан қуроллантириш ҳамда уларнинг тарихий онгини ривожлантириб бориш заруриятини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки, ижтимоий-сиёсий ҳаёт саҳнига чиқиб келаётган кучлар ва гуруҳлар ўз мақсад ва интилишларини оммага етказиш учун энг осон ва тез тушунарли бўлган ўтмишдан, аввал ўтган қаҳрамонлар ва воқеалардан прототип ахтармоқдалар. Бунинг ёрқин мисолини Шарқий Европадаги баъзи давлатлардаги сиёсий жараёнларда, (мисол учун, Украина, Польша, собиқ Югославия мамлакатлари) ёки жаҳон ҳамжамиятининг глобал муаммосига айланган ИШИД террорчилик ташкилотининг ахмоқона тарихий даъволари ҳамда халифаликка қайтиш иддаолари ва ушбу ҳаракат йўлидаги ўтмишга нисбатан муносабатларида кўриш мумкин. Уларнинг Сурия ва Ироқда жойлашган тарихий маданий қадриятларга бўлган муносабатлари бунинг ёрқин далилидир. Шу билан биргаликда Афғонистонда Толибон ҳаракатининг ҳокимият тепасига келиши афғон халқининг айниқса, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланиши, турли миллатларнинг ўз уйини ташлаб, бошқа ҳудудларга кетиши ва минг йиллардан бери қуда-анда бўлиб яшаётган турли миллат ва элатларнинг ўз уйларидан ажралиб қолиши бунга мисол бўла олади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур”[8].

Шунинг учун ҳам ёшлар (айниқса, ўқувчи ёшлар)да тарихий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини амалга оширишда социологик ва педагогик ёндашувларни такомиллаштириб бориш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир. Глобаллашув жараёнлари таъсири остида тарихий онгнинг ўзгариш қонуниятлари ва тенденция (майл)ларини ўрганиш, ушбу таъсирнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги ғоявий-мафкуравий хуружлар авж олаётган бир пайтда тарихий онг инсонда ушбу хуружларга қарши иммунитет ҳосил қилади ҳамда турли тарихий даъволарнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий сабабларини таҳлил қилиш функциясини шакллантиради. Қолаверса, ёшларда тарихий тафаккурни ривожлантирувчи услублардан фойдаланган ҳолда уларда ватан туйғуси, муайян миллатга, халққа мансублик ифтихори, тарихий ватанпарварлик, ўз миллати билан идентикликни ҳис этиш салоҳияти,

[8] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар. Тошкент, “Тасвир нашриёт уйи”,2021.-Б.16.

миллий ғурур, миллий ор-номусни шакллантириш, ривожлантириш вазифасини ҳам бажаради.

Мазкур хусусиятлар шахснинг ватанпарвар бўлиб камолга етишишида таянч ҳисобланиб, шу орқали мамлакат ўзининг барқарор келажагини таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор барпо этади. Шу боис тушунишимиз керакки, ёшларда ўтмиш воқеа ҳодисаларига муносабатни ривожлантириш учун ва уларда тарихий тафаккурни шакллантириш орқали меъморий ёдгорликларнинг тарбиявий жиҳатдан шакллантириш, тарихимизни ўрганиш чоғида тарихий ёдгорликларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиши, уларнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини англаши, атрофдаги кундалик ҳаёт объектлари ҳақидаги тушунчалари ва ғояларини шакллантириш, анъаналар, урф-одатлар, маданий қадриятларга қизиқишларини ошириш, ўтмиш гувоҳлари бўлган тарихий ёдгорликлар тўғрисида ёшларда онгли фикрларини ривожлантириш, динлараро маданиятларни тарғиб этиш орқали мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликлари мисолида уни амалга ошириш мумкин.

XX асрнинг охирларига келиб миллий мустақиллигимиз учун таҳдид соладиган хатар – ўзбек халқининг тарихини сохталаштиришга қаратилган ҳаракатлар пайдо бўлди. Айниқса, хорижда бир қатор мафкурачилар ягона туркий миллат мавжуд, ўзбек, қозоқ, туркман, бошқирд, уйғур деб бўлакларга бўлиниши нотўғри, деган хато ва зарарли ғояни илгари суришгача боришди. Ушбу мафкуравий таҳдид – ўзбек халқининг алоҳида миллат эканлигини, бинобарин, унинг тарихи, ҳозирги куни, демакки, келажагини ҳам шубҳа остига олиш ва туркий қавмлар билан умумийликни мутлақлаштириш, миллий ўзига хосликни инкор этиш билан боғлиқдир. Демак шуни англашимиз керакки, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз ёшларида тарихий хотирани тиклаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихимизда ёшларимиз учун ифтихор ва ватанпарварлик омилидир. Ижтимоий-тарихий ривожланишимизнинг ҳар бир босқичида халқимизнинг мустақиллик,эрк, озодлик учун яратиш ва тараққиёт сари ҳаракат даври эканлигини ҳам англаб етдик. Энг муҳими, ёшларимиз ҳақли равишда ўз тарихи, ота боболаримиз томонидан яратилган моддий-маънавий бойликлардан фахрланиш ҳуқуқига эгадир. Узоқ даврлар давом этган мустамлакачиликларга қарамасдан илм – маърифатли халқимиз яратиш йўлидан асло чекинмади. Маънавий ва диний қадриятларимиз тарихан уйғун ҳолда ривожланиб такомиллашиб борган. Айниқса, маънавий қадриятлар ривожида анъанавий исломнинг ўзига хос ўрни бор. Бу борада, миллатимизнинг маънавий қадриятлари ҳақида гап кетганда узоқ асрлар қаърида юзага

келган, ватанпарварлик, дўстлик, тинчликсеварлик, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик, мурувват, андиша, ор-номус, ҳалоллик, меҳр-оқибат, биродарлик ва аҳил қўшничилик муносабатлари каби эзгу инсоний фазилатларни алоҳида қайд этиш лозим. Минтақамизда ўн асрдан ортиқ мавжуд бўлиб келаётган ислом дини халқимизнинг ана шундай беқиёс маънавий қадриятларида чуқур акс этиб туради.

Юртимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари каби буюк аждодларимизнинг бебаҳо маънавий меросини, хусусан, ҳанафий мазҳаби уламоларининг меросини ҳамда мотуридийлик ақидавий таълимотини ўрганиш ва тарғиб қилиш марказлари фаолиятига бежиз асос солинмади. Таъкидлаш жоизки, меҳмондўстлик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ота-онанинг ҳақларини адо этиш, ижтимоий ҳамкорлик, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар, хусусан, жамиятдаги эҳтиёжманд қатламларга кўмаклашиш халқимизга хос эзгу фазилатига айланган. Жаҳонда кечаётган коронавирус пандемиясининг энг оғир палласида халқимизнинг жипслиги ва аҳиллиги, ўзаро ёрдамлашишга доимо тайёрлигининг жонли гувоҳи бўлдик. Агар биз ғарбдан кириб келаётган индивидуализмга ён бериб, миллатимизга хос бўлган жамоавийлик тамойилларини йўқотиб қўйганимизда натижа қандай бўлар эди?

Демак, бугунги ривожланган жамиятда, хусусан, глобаллашув даврида маънавий қадриятларнинг ўрни беқиёс. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш, тарғиб қилиш бугунги жамиятнинг долзарб ва устувор вазифаларидан эканлиги бежиз эмас. Аммо, кези келганда айтиш керак – бугун ижтимоий ҳаётда мавжуд айрим иллатларни "ўзбекчилик" деб хаспўшланиши мутлақо ўринсиз ҳолатдир. Дабдабавозлик, моддиятпарастлик, ҳар қандай ишда кимўзарга берилиб кетиш, риёкорлик, хўжакўрсинчилик, жиноят ботқоғига ботириб юборувчи таниш-билишчилик ва коррупция каби иллатлар миллатни ва халқни таназзулга етаклайди. "Топяптими қандини урсин" дейиш, "узумини еб, боғини суриштирмаслик" миллатнинг офати бўлиб хизмат қилади. Пул топган, мол топган обрўли бўлавермайди, қаердан қай йўсинда топган, нимага сарфлаяпти, бировнинг ҳаққини еб, ўзини ҳаром-харишга урган кимса каби кишилардаги салбий иллатлар юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши даркор. Хусусан, фуқаролик жамиятининг муҳим асосларидан бири жамоатчилик назоратининг мавжуд бўлишидир. Одамлар бундай ҳолатларга бефарқ ва лоқайд бўлмасликлари, энг асосийси хайрихоҳ бўлиб қолмасликлари шарт.

Кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнида технологик ривожланиш билан бирга маънавий қадриятлар ҳам жамият аъзолари учун сув ва ҳаводек зарур. Зеро, бугунги ривожланган даврда жамият

маънавий қадриятларсиз руҳан ва маънан кемтик ҳолатга тушиб қолади. Ҳар қандай жамиятда ахлоқий меъёрларнинг аҳамияти беқиёс.

Глобаллашув шароитида моддий чегаралар тобора нисбийлашиб, маънавий қадриятлар аста-секин умумийлашиб бориши кузатилади. Бундай даврда миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш, миллий ўзликни англаш ва қадрига етиш тушунчалари устувор мақсадга айланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлайдики, “Бизни муштарак тарих ва маданият, ягона муқаддас дин, ўхшаш менталитет, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар, ҳамда ажралмас дўстлик чамбарчас боғлаб туради. Буларнинг барчаси, халқларимиз фаровонлиги ва равнақи йўлида Марказий Осиё давлатлари салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади”[9]. Юртбошимиз мазкур масала юзасидан сўз юритиб, шундай давом эттиради “ Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейинги мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрки тароватини сақлаб келаётган атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.[10]” Сир эмаски, халқимизнинг миллий маданий мероси ўзининг қадимийлиги, бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Марказий Осиё тарихида ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган алломалар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар ва халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номи, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

## ХУЛОСА

Ана шундай буюк меросни ўрганиш орқали ёшлар маънавий қиёфасини шакллантириш мумкин. Шу маънода, бугун тарихий-маънавий меросимиз тўғрисида ёшларимизда билим ва тасаввурларни

[9] review.uz/oz/post/mirovoy-trendi/shavkat-mirziyoev-biz-oliy-darajadagi-mintaaviy-mulootni-ivojlantirishning-sifat-jiatidan-mutlao-yangi-bosichiga-ktarildik

[10] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар. Тошкент, “Тасвир нашриёт уйи”,2021.-Б.15.

ҳосил қилар эканмиз, шу билан бирга уларнинг қалбида тарихимиз ва ундан ўтиб келаётган маданий меросимизга қанчалик ҳаққоний, оқилона ёндашсак, ҳар биримизда унга нисбатан ва шу меросни яратган инсонларга, шу мерос бунёд бўлган юртга нисбатан фахр ва ғурур туйғуси жўш уради. Ёшларни маънавий турли хил маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун уларнинг қалби ва онги соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятлараро ҳурмат эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш, миллий қадриятларимиз маданий меросимизга илмий асосда тўғри ёндашиб инсонпарварлик, ватанпарварлик, тараққийпарварлик мезонларига кўра, миллийлик, тарихийлик тамойиллари асосида асосида жамиятимиз олдидаги бурч, вазифаларни давр ва замонавий тараққиёт талабларига мос равишда амалга оширишни кучайтириш зарур.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./ “Халқ сўзи”,2018 йил.29 декабрь,№271-272.(7229-7230).
2. Хайруллаев М. Шорахмедов Д. Маданият ва мерос.-Т.: 1973.-С.17-.
3. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2007. -Б.119.
4. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: “O`zbekiston”,2021.- Б.171.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар. –Тошкент, “Тасвир” нашриёт уйи, 2021.
6. Шерали Ашур.Ғарб ва Шарқ.// Мулоқот.1/2.1994.-Б.42.
7. https://xs.uz/uzkr/post/moddij-madanij-meros-obektlarini-muhofaza-qilish-sohasidagi-faoliyatni-tubdan-takomillashtirish-chora-tadbirlari-togrisida.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар. Тошкент, “Тасвир нашриёт уйи”,2021.-Б.16.
9. review.uz/oz/post/mirovoy-trendi/shavkat-mirziyoev-biz-oliy-darajadagi-mintaaviy-mulootni-ivojlantirishning-sifat-jiatidan-mutlao-yangi-bosichiga-ktarildik.

**Шоҳида СОДИҚОВА**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, социология фанлари доктори*

**Лобар ЭРЙИГИТОВА**

*Термиз муҳандислик – технология институти ўқитувчиси*

## ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА ҚАДРИЯТЛАР

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада ҳозирги кунда мамлакатимизда гендер тенглиги ва гендер стратегиясини амалга оширишдаги муҳим фаолият, бу фаолиятнинг ҳуқуқий – норматив асослари ҳамда мазкур фаолиятни олиб борилишидан кўзланган муҳим мақсадлар, миллий қадриятларимизнинг ёшлар дунёқарашини шаклланишидаги бугунги аҳамияти, унинг гендер сиёсати билан боғлиқлик жиҳатлари ҳақида сўз боради.*

***Калит сўзлар:*** *оила мустаҳкамлиги, гендер тенглиги тарихи, оилада эркакнинг ўрни, жамиятдаги муносабатларда жинс тенглиги масаласи, миллий ва этник қадриятлар, ажримлар муаммоси, оила ажримлари профилактикаси, гендер тенглигини таъминлашнинг халқаро тажрибаси.*

Инсоният яралганидан буён идеал жамиятни орзу қилиб келган. Азалдан идеал жамият ҳақидаги тасаввурларда, аввало, жамиятда эркак ва аёлнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларда тенглиги масаласига ҳам асосий мезонлардан бири сифатида қаралган. Классик мутафаккирлардан Суқрот, Арасту, Афлотун каби олимлар энг яхши давлат сифатида тенглик ва адолат ҳукм сурган полисларни назарда тутган эди. Энг яхши қонунлар сифатида ҳам барчанинг тенглиги кафолатланган қонунлар илгари сурилган. Эркак ва аёл тенглиги ғоясини юнон олими Антифант ўз асарида илк бор қўллаган ҳолда: “Табиат барчани: аёлларни ҳам, эркакларни ҳам тенг қилиб яратади. Лекин одам инсонларни тенгсиз ҳолатга солувчи қонунларни ишлаб чиқади.” - деб таъкидлаган эди.

Шарқ қомусий олимларидан Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида тенглик ҳукм сурган давлатнинг фозилликка интилган давлат сифатида қайд этган бўлса, 1791 йилда Олимпиа Де Гуж томонидан тайёрланган фуқаролик ва аёл ҳуқуқлари декларациясида

илк бор аёлларнинг эркин фикрлаши, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги фикрлар билдирилган.[1]

Бугун дунё аҳолисининг ярмини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бу инсоният салоҳиятининг ярмига тенг дегани. Шу сабабдан аёллар ҳуқуқларини кафолатлаш, уларнинг қадр – қимматини тиклаш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун, эркин қарор қабул қилиши, касб эгаллаши учун имкониятлар яратиш нафақат гендер тенглигига эришиш, балки, жамият маънавий - ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда жуда муҳимдир.

Аёлларнинг эркаклар билан тенг салоҳиятлари ҳақида Симон де Бовуар ўзининг “Икки жинс” китобида кенг фалсафий қарашлари орқали мушоҳада қилган. Интеллектуал нуқтаи – назардан Нобель мукофоти лауреати М.Скаладовская Кюри аёлларнинг ақлий салоҳиятини эркаклардан фарқ қилмаслигини аниқлаган. Рус файласуфи Г.Силласте эса аёлларни ишчи кучи ёки фақат тарбиячи сифатида ўрганишдан уларнинг ижтимоий роли ва руҳиятини кўп томонларини ҳам ижтимоий тадқиқот қилишга ўтиш лозимлиги ҳақидаги ғояни илгари сурган эди.[2]

Бугун дунё миқёсида гендер тенглиги масаласи ва бу борадаги муаммоларнинг ечимини излаб топиш масалалари глобаллашган вазифалар қаторида кўрилиши бежизга эмас. Сабаби, 1995 йилда бу борада “Пекин Декларацияси” қабул қилинган бўлиб ҳар қандай жамиятларнинг барқарор ривожланиши йўлида унинг алоҳида ўрни бор эканлигини ҳаёт исботлади. “Пекин Декларацияси“ қабул қилинганига гарчи орадан 27 йил ўтган бўлсада, бу муҳим халқаро ҳужжат ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотган эмас, аксинча, сайёрамиздаги кўплаб давлатлар унинг қарорлари ижросини ўз ривожланиш йўлида зарурият сифатида қабул қилиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам бу борада амалга оширилган ишлар сезиларли. БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрдаги саммитда қабул қилинган 70 – сон резолюцияга мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Шу билан бирга Ўзбекистон Барқарор ривожланиш бешинчи мақсадини амалга оширишга оид Гендер тенглигини таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларни имконият ва ҳуқуқларини кенгайтиришга оид 9 та вазифани ишлаб чиқди. Бу аёллар ҳуқуқларини такомиллаштиришга доир қонун ҳужжатларидан бошлаб аёлларни

---

[1] Қаранг : Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри”- Т.; Маънавият, 2009.
[2] Силасте Г.Г. Гендерная социология и Российская реальность - М., Альфа- М., 2016.

ҳимоя қилиш институтционал асосларини кучайтириш ва қўллаш амалиётида уларга риоя этиш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёр асосида ўқитиш каби вазифаларни қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йилнинг июнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидаги нутқида таъкидлаганидек: "Мени кишиларимиз онгида пайдо бўлган стереотиплар ўйлантиради. Одатда биз аёлларни аввалambор она, оила қўрғони қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу шубҳасиз тўғри, аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлиши керак."[3]

Дарҳақиқат, мамлакатимизда президентимиз ташаббуси билан 2019 йил сентябрда 2та қонун қабул қилинди. Юртимизда ҳам БМТнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида гендер тенглиги таълими учун ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда янгиланишлар сари амалга ошираётган кенг кўламли 2021 йилга қадар ислоҳатларида хотин-қизлар ҳимоясига оид 20та ҳуқуқий – норматив ҳужжатлар, шу жумладан 2та қонун, 1та Президент қарори, 4та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 13та қарори қабул қилинди.

Гендер тенглиги тушунчаси фақат аёллар манфаатларини ифодаламайди, балки, икки жинс вакилларининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, ҳаёти сифатини ошириш учун бир хил имконият бериш кераклигини илгари суради холос. Айнан ривожланган жамият талабларидан бири бу эркак ва аёл ҳуқуқлари тенглигининг таъминланишидадир[11].

Юртимизда охирги тўрт йил ичида хотин – қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларни тенг иштирокини таъминлаш, хотин – қизлар ижтимоий - ҳуқуқий қўллаб – қувватлаш, шунингдек уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Гендер тенглиги масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу йўналишда 25та қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Гендер тенглиги бўйича қўмита ташкил этилди. Парламентдаги хотин – қизлар сони 32% етди, 190та парламент орасида бу 37 ўринга чиқди. Бошқарув лавозимларида хотин – қизлар 27% , сиёсий партияларда 44%, олий таълим соҳасида 40%, тадбиркорликда 35%га етди. Хотин – қизлар

---

[3] Ш.М.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисидаги нутқидан. 2019 йил июнь

билан билан тизимли ишлаш учун “Аёллар дафтари“ жорий қилиниб давлат бюджетидан ҳар йили 300 миллиард сўм маблағ ажратиб бериш йўлга қўйилди. Ота – онасини ёки улардан биридан айрилган муҳтож қизларнинг ўқиши қоплаб бериш эҳтиёжлари 2 бараварга ортди, 224 минг хотин – қизларга жами 6,9 триллион имтиёзли кредит ажратилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 70 – сон резолюцияси бўйича 16 та миллий мақсадга эришиш бўйича 125 мақсадли вазифа ҳамда 206 та индикатор ишлаб чиқилди. Мақсад Гендер тенглигини таъминлаш ва барча хотин – қизлар ва эркакларнинг тенг имкониятларини таъминлашга қаратилган ислоҳотларга ҳамоҳангдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистонда 2023 – 2030 йилларда босқичма – босқич амалга ошириш лозим бўлган комплекс чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Хотин – қизлар ва гендер масалалари бўйича қўмита фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда хотин – қизларга яратиб берилаётган имкониятлар туфайли уларнинг 1300 нафари давлат ва жамият ташкилотларида, вазирлик ва идораларда 45 нафар, Президент админстрацияси ва Вазирлар Маҳкамасида 39та, маҳаллий давлат ҳокимиятида 207 нафар аёллар раҳбарлик ловозимларида фаолият юритмоқда. 2019 йилда парламентга ўтказилган сайловларда 2143500 нафар сайловчиларнинг 50% - 10825641 нафари хотин – қизлар эди[4].

Ҳозирда парламентимизнинг Қонунчилик палатасининг 32%, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгаши депутатларининг 25% аёллар ташкил этади. Бу кўрсаткич сиёсий партиялар доирасида кўриб чиқилганда ХДП сафларида – 49%, “АдолатСДП - 46%, ЛДП ва Экология партияларида – 41 % депутатларни аёллар ташкил этади. Мамлакатимиз сиёсий ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли соҳаларида аёллар эркаклар билан елкама – елка фаолият кўрсатиб келмоқда. Масалан, тадбиркорликда 45000дан ортиқ аёллар банд. Тижорат банклари мижозларининг 30 %ни аёллар ташкил этади. Норасмий секторда банд аёллар шу йўналишда 27%ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида 1,5 миллион аёллар меҳнат қилмоқда. Юртимиздаги фаолият юритаётган турли йўналишларга ихтисослашган фермер хўжаликларнинг 7,3% аёллар раҳбарлик қилиб келмоқда. Аёллар ўрта таълим соҳасида меҳнат қилаётганларнинг 70% ташкил этади. Илмий фаолият билан шуғулланиш борасида аёлларнинг таълимнинг гуманитар ва ижтимоий соҳалардаги аёллар 68% кўрсаткични ташкил этсада, муҳандислик – техник соҳаларда 24% ташкил этади.

Жамиятнинг барча жабҳаларида хотин – қизларнинг тенглиги масаласида ҳали бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

[4] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Мазкур муаммолар мамлакатнинг халқаро майдондаги имижига, халқаро рейтинг ва индексацияларидаги ўрнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Жаҳон Банкининг “Аёллар бизнес ва қонун” индексида 190та мамлакат орасида 139-ўринни, АҚШнинг Жоржтаун институти томонидан юритиладиган “Аёллар тинчлик ва хавфсизлик“ индексида 167та мамлакат ичида 89-ўринни эгаллаган. Бу мустақиллигига эндигина 31 йил тўлган давлат учун албатта яхши кўрсаткичдир, аммо “Глобал гендер тафовути“ ҳисоботида ҳали Ўзбекистоннинг ўрни акс этмаган. Гендер стратегиясининг амалга оширилишидан кўзланган мақсад ҳам хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги тенгсизликни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги имижини ошириш имконни беради. Сенатнинг 2021 йил 28 майда СҚ – 297 – IV – сон қароридан келиб чиқадиган вазифалар мамлакатимизда Гендер стратегияси мақсад ва вазифалари борасида амалга оширилиши назарда тутилган фаолият бир қатор муаммоларга ечим топишига қаратилгандир. Гендер стратегиясининг асосий йўналишларида қуйидагилар белгиланган:

- эркак ва аёлларнинг ерга эгалик имкониятларини кенгайтириш;
- барча соҳаларда тенг имкониятларни таъминлаш сиёсатини юритиш;
- хотин – қизлар сиёсий фаоллигини ошириш, уларни жамиятдаги ўрни билан боғлиқ салбий қарашларни ўзгартириш;
- аёлларни тадбиркорлиги учун имкониятларини ошириш;
- хотин – қизларни умри давомида ўқишини рағбатлантирилиш, ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш таъзйиқ ва зўравонликни олдини олиш, уларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича самарали ташкилий – ҳуқуқий механизмларни яратиш;
- оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, эрта туғруқ ҳамда оилавий ажримлар олдини олиш.

Ушбу қарорнинг 4 бобида мамлакатимизда Гендер стратегиясини амалга оширишнинг асосий стратегик устивор йўналишлари белгиланди. Уларда сайлов ҳуқуқини амалга оширишда, давлат хизмати, тегишли лавозимларда фаолият юритаётган хотин – қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисида маълумот юритиш, таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида, ижтимоий – иқтисодий соҳада хотин – қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлаш, таъзиқ ва зўравонликни олдини олишда, гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш, жамият ҳаётининг турли соҳаларида статистик ҳисоботлар тайёрлаш борасида, гендер

статистикасини юритишни такомиллаштиришда хотин – қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда гендер стратегиясини амалга оширишдан кутилаётган натижалар эса фақат юрт равнақига, мамлакатимизнинг демократик тамойиллар асосида ривожланаётган, инсон қадри - қиммати улуғланаётган мамлакатлар қаторида тан олинишига хизмат қилади. Булар юқори ва қуйи лавозимларда раҳбарликка хотин – қизларни тайинлаш амалиётини кенгайтириш, сиёсий партияларнинг фаолиятини рағбатлантириш орқали хотин – қизларни сайлов жараёнларига кенг жалб қилиш, оила билан ишлаш имкониятларини кенгайтириш, хотин – қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатини олдини олиш, миграцияда бўлган хотин – қизлар билан тизимли ишлаш ва мазкур фаолиятни мониторинг қилиб бориш каби йўналишларни қамраб олади.

Халқимизни асрлар давомида шаклланиб келган ўз миллий ва диний қадриятлари бор. Яқин ўтмишимизда истибдод йилларида мазкур маънавий жиҳатимизни йўқотиш учун кўп ҳаракатлар қилинди, аммо халқимиз ўз қадриятларини, урф – одатларини сақлаб қола олди.

Маълумки, азалдан инсон, инсоният ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайдиган масалалардан бири қадрият ҳисобланади. Бу масала инсоният ўзини таниган даврдан буён мавжуд бўлган бўлсада, XIX аср иккинчи ярмида немис олими Э.Гертман ва француз олими П.Лапи томонидан муомалага киритилди. Истебдод йилларида бунга эътибор қаратилмади. Ўтган асрнинг 80 йиллари охирларидан қадриятшунослик Ўзбекистонда ҳам ривожлана бошлади.

Қадриятларнинг типлари ёки турлари иккига бўлинади: моддий ва маънавий қадриятлар. Характерига қараб қадриятлар оилавий, қабилавий, этник, миллий, ҳудудий, минтақавий, байналмилал, умуминсоний, тарихий ва демократик қадриятларга бўлинади. Қадриятлар шаклларига кўра сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, фалсафий, илмий, диний, демографик, экологик ва иқтисодий қадриятларга бўлинади.

Мустақиллик туфайли халқимиз қуйидаги қадриятлари тикланди: халқимизнинг қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги қадрияти, жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла элу – юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, ота-онага, жамоага юксак ҳурмат ва эътибор. Миллатнинг ўлмас руҳи ҳисобланган она тилига муҳаббат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳр – муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи – аёл зотига эҳтиром, сабр - бардош ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва меҳр оқибатли бўлишга интилиш қадриятлари. Миллий қадриятларимиз ижтимоий ҳаётнинг ва

маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади. Қадриятларимиз мутассил ривожланиб такомиллашиб боради, янгича жиҳатлар билан бойиб боради. Қадриятлар ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиши аҳолини, ёш авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб қолаверади. Янгича қадриятлар узоқ давр мобайнида шаклланган қадриятларга соя солмайди. Хусусан, гендер тенглиги тушунчасини оила қадриятларидаги аёлни ёки эркакни, ота – онани улуғлашдек қадриятларга салбий таъсири йўқ. Бугунги глобаллашган муаммолар қадриятларга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Қадриятларга таяниб фаолият олиб бориш, ёшлар онгига уларни сингдириш жамиятимиз ҳаётида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самарадорлигининг муҳим омилларидан биридир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М Халқимизнинг ҳаёт даражасини ва сифатини янги босқичга кўтариш – энг муҳим вазифамиз. Тошкент., Ўзбекистон , 2020.
2. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисидаги нутқидан. 2019 йил 29 июнь “Халқ сўзи” газетаси .
3. Аристотель. Сочинение. Том–4 М., Наука, 1984.
4. Силасте Г.Г. Гендерная социология и Российская реальность.М., Альфа- М., 2016.
5. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шаҳри” Т.; Маънавият, 2009.
6. Содиқова Ш.М. Маҳалла ва оиланинг маънавий қиёфаси. Т., 2021.
7. Содиқова Ш.М. Оила тарбияси. Т., Маънавият, 2019.
8. Содиқова Ш.М. Ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрни. Янги авлод нашриёти , Т., 2016.
9. Тарасова Е.С. Проблемы развода в современном семьи М., 2012.
10. Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: маънавият ва ижтимоий қадриятлар.Т., 2007.

**Islomiddin ABROROV**

*Doctoral Student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

## VALUES OF YOUTH POLITICAL PARTICIPATION: STATUS AND PROSPECTS

In the development of every country in the world, especially in the development of the countries that have set themselves the goal of building a democratic-legal state and are building it, state power and management in them play an important role. Taking this into account, from the first ears of independence in Uzbekistan, great importance was attached to the issues of state power and management. Much attention has been paid in this direction, as in other areas. The principles of division of state power have been established in our basic law[1]. The division of state power into legislative, executive and judicial powers served to increase the practical role of the parliament.

J.J. Russo stated that “parliament, being an office that reflects the will of the nation and the people, performs the function of control and inspection on behalf of the people”. According to another French researcher, B. Shantebu, “the parliament ensures the legislative function, which is considered its primary function, through the control function”[2]. Experts of the field, L. Dugi and M. Prelo, state that the parliament is a body authorized by the whole nation to act on its behalf, it independently realizes the will of the people and operates within the framework of the constitution. That is, the parliament acts in the interest of the nation without being subordinated to anyone, including citizens[3].

Avvalo, yoshlarning tarbiyasiga birinchi qaratish kerak boʻlgan narsa bu-tarbiyadir. Qachonki, ota-ona va kattalarning tarbiyasi yaxshi va namunali boʻlsa, farzand ham shundan oʻrnak oladi va shu xislat hamda tarbiyani ota-onadan, kattalardan oladi. Bizning yurtimizda ota-bobolarimiz va yoshi katta shaxslar ham e’tibor va ta’sir koʻrsatish boʻyicha birinchi oʻrinda turadi. Payg’ambarimizdan oʻtib kelayotgan qadriyatlar va e’tiqodlar ham to bizga kelguncha oʻz qadrini yoʻqotmagan. Ularning e’tiqodi ham, iymoni ham shu darajada mustahkam ediki, bir misol bilan aytganda hattoki ota-onasiga

ozgina ovozini yuqori chiqarib gapirib qo'yadigan bo'lsa, har soniya pushaymon chekishgan va shu aybini yuvish uchun eng yaxshi amallarni qilgan. E'tiqod qanchalik kuchli bo'lsa, uning qadriyati ham shunchalik mustahkam bo'ladi.

Hayot davom etaveradi va yoshlarimiz qanday e'tiqod bilan rivojlanishi esa bu hayotda qanday yashashga bog'liqdir. Yaxshi ish qilishi uchun hamma ham jonini o'rtaga qo'ya olmaydi. Jonini o'rtaga qo'ygan inson esa o'z vatani uchun qadriyatlar va ularni rivojlantirish orqali ma'naviyatga, xalqning olqishlariga sazovor bo'ladi. Ularning yashash tarzi bir xil, ya'ni bir maromda yaxshigina bo'lmasligi mumkin, lekin dunyolar ko'zga qorong'u ko'ringan bo'lsa ham hayotdan o'z qadriyatlarini yo'qotishga haqqi va huquqi ham yo'q. Biz yashar ekanmiz majbur bo'lsak ham, bo'lmasak ham o'z qadriyatlarimizni shakllantiramiz. Biz ham inson, qiynalganlar ham inson.

Yoshlarimiz o'ziga yoqadigan va o'zi uchun qulay qadriyatlarni olaversa va o'zi uchun harakat qilsa u hech qachon jamiyat uchun va kelajak avlod uchun hech narsa meros qila olmaydi. Bugungi kunda yoshlarimizda bor imkoniyatlar ko'p boshqa davlatlarda yo'q. Misol uchun, ayrim davlatlarda kitob o'qishga sharoitlar ham yo'q. Hattoki, maktablar ham yo'q. Bolalar ko'chalarda uxlaydi va ko'chalarda, yerlarga chizib ilm olishadi. Yurtimizda yashayotgan har bir yosh, qari, balog'atga yetgan, yoki yetmagan kimsa borki, har birining o'ziga mos va xos bo'lgan bir odatlari bo'ladi. Buning asoschisi o'zidir. Kimdir dam olishni, kimdir kimgadir yordam berishni xohlaydi. Har biring hayoti o'zlari yaratayotgan mukammal hayotda mujassam bo'ladi. Zamonaviylikka intilayotgan yoshlar shuni bilishi kerakki, bugun qilayotgan ishini isloh qilmas ekan, xato qilsa to'g'rilamas ekan, erta kun kelib bundanda kattaroq muammoga yo'liqadi. Muammoga muammo qo'shilib kattalashib boraveradi. Buning sababi esa shu insonning qilgan e'tiqodiga, ma'naviyatiga olgan jazo desak ham mubolag'a bo'lmaydi. Hayot qisqa davom etadigan bir yo'ldir. Bu yo'lda kim qanday e'tiqodga intiladi. Kim qanday yashaydi, kim nima kashf qiladi, bularning hammasi o'zigagina ayondir. Bizning diyorimizda ham o'zini o'ylamasa-da, o'zining yurtdoshlarini o'ylaydigan, vatani uchun jonini fido qiladigan yoshlarimiz ham ko'p. Biz bularning hammasini e'tiqodi mustahkam kelajak poydevorlari deb ataymiz. Yoshlarimiz, avvalo, bu hayotga nima uchun kelganini e'tiborga olish kerak. Chunki, kimdir bu hayotda g'aflatda, yana kimdir zulmda. Kimdir tarbiya tufayli oqsoqlaydi, yana kimdir muammosi uchun. Bu ikkisi teng bo'la oladimi? Albatta yo'q. Teng bo'la olmaydi. Buni yer bilan osmoncha farqi bor. Bugungi kunda muammosi yo'q insonning o'zi yo'q. Agarda o'zining muammosiga o'ralashib yuraversa, hech qachon hayotda o'sa olmaydi, yoki yangilik yarata olmaydi. Bu degani, misol uchun yerda ko'pgina zararli va keraksiz o't-o'lanlarni keltirish mumkin. Ularning yonidagi yana bir ochilayotgan gul esa bizmiz, ya'ni siz. Sizning yoningizda esa, yana kimdir gul, yana kimdir o't. Ko'p insonlar aynan shu

o‘tlarga o‘ralashib yurishi bu-ahmoqlikdir. Chunki, uning oyog’idan tortib tursa-yu, u inson ko‘kka ko‘tarila oladimi? Yo‘q, albatta. Hech qachon.

Bizning diyorda unday holat yo‘q. Maktablar, universitetlar, o‘quv kurslari, eng muhimi kim qaysi ilmni olmoqchi bo‘lsa shu ilmni ola oladi. Bulardan chalg’itadigan yagona narsa esa bu-ijtimoiy tarmoqlardir. Qanchalik tarmoqlarga sho‘ng’ib ketilsa, bundan qutilish ham shunchalik qiyin bo‘ladi. Chunki bu insonlar bor vujudi bilan shunga kirib boradi. Ko‘plab ijtimoiy tarmoqlar takror, takror ta’kidlanmoqda. Chunki, bugungi kunda bizning e’tiqodimizga, ma’rifatimizga, ongimizga, hayotimizga eng katta ta’sir qiluvchi omil ham mana shu tarmoqlardir. Ijtimoiy tarmoqlarning quliga aylangan insonlar faqatgina shu doira ichida o‘ylaydi, amal qiladi, shunga taqlid qiladi va shunga intilib nima ko‘rgan, yoki eshitgan bo‘lsa, takrorlashga harakat qiladi. Borgan sari uning e’tiqodi ham, qadr-qimmati ham shu tarmoqlarda ko‘rsatilganidek amalga oshadi. Diyorimizda ulkan muvaffaqiyatga erishayotgan insonlar ham ulkan ma’rifat, ma’naviyat sohiblaridir. Shu darajaga kelgunga qadar qiyinchilik yo‘llarni bosib o‘tadi. Bizning diyorimizda ota-bobolarimiz meros qilib qoldirgan turli xil e’tiqodlar hozirgi kunda ham o‘zining mevasini beradi. Misol uchun, hozirgacha etib kelgan va kelasi avlod uchun ham albatta o‘tadigan ayollarimiz va qizlarimiz kiyadigan do‘ppi, adras, liboslar va qiziqarli o‘yinlarni ko‘rsatishimiz mumkin. Millat mavjud ekan milliy qadriyatlarning ahamiyati aslo kamaymaydi. Ayrim yoshlarning yurish-turishi, ayniqsa, kiyinishini ko‘rib, o‘ylanib qolaman. Nahotki shu qiz yoki yigit bizning farzandimiz, bizning tarbiyamizni olib o‘sgan bo‘lsa? Ba’zi qizlarimiz millatimizga xos bo‘lmagan liboslarni kiyib yurishini men aslo oqlamayman. To‘g’ri, qanday kiyinish har kimning shaxsiy ishi. Biroq kiyinishda madaniyat, xalqimizning qadim qadriyatlariga hurmat bo‘lishi kerak. Bu borada keng jamoatchilik, ayniqsa, oilada ota-onaning nazorati muhimdir.

Bugun aksariyat yoshlarimiz bo‘sh qoldi deguncha darrov qo‘l telefoni bilan mashg’ul bo‘lishi odatiy holga aylanib qoldi. Qandaydir o‘yin o‘ynaydi, qo‘shiq eshitadi, film tomosha qiladi, ijtimoiy tarmoqlardagi turli-tuman ma’lumotlar bilan tanishadi. Buning nimasi yomon, texnika davri, taraqqiyot dersiz? To‘g’ri, buning yomon tomoni yo‘q. Tan olishimiz kerak, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, ayniqsa, internet taraqqiyot darajamizni bir necha pog’onaga ko‘tardi, uzog’imizni yaqin, ishimizni yengil qildi.

Lekin yoshlarimizning uyali telefonga asir bo‘lib qolayotgani, internet va ijtimoiy tarmoqlardan, ulardagi ma’lumotlardan oqilona foydalanishlari borasida jiddiy o‘ylab ko‘rishimiz kerak bo‘lgan jihatlar talaygina.

Millatlarning ma’naviyat jihatidan bir-biriga yaqinlashib borish ham milliy qadriyatlarning rivojlanish va amal qilish imkoniyatlarini kamaytirmaydi, balki kengaytiradi. Umuman olganda, milliy qadriyatlar har

bir millatning mohiyatini, uning muayyan mustaqil ijtimoiy birlik ekanini belgilab beruvchi asosiy mezonlardan biridir.

Qadriyat bilan birga nafaqat tarbiya, balki ma’naviyat, bilim, ko‘nikmalar rivojlanadi. Hammaga, albatta, ota-bobolarimizning birga kulib o‘tirganini va ular bilan suhbat qilayotgan yoshlarni ko‘rib, inson qalbida yaralish va yangilanish hamda hayotga bo‘lgan muhabbat uyg’onadi. Milliy qadriyatlarimizning mohiyatiga zid bo‘lgan bunday salbiy hodisalarning uzoq davom etishiga ortiqcha chidash, sabr-toqat qilish mumkin emas edi. Mustaqilligimiz tufayli bularga chek qo‘yildi. Mustaqilligimiz ta’lim-tarbiya, odob-axloq masalalarida ham tub burilish davrini boshlab berdi. Milliy an’analar, milliy madaniyat, milliy qadriyatlar o‘zining qaddini rostlay boshladi.

Kattalarga izzat-ikrom, kichiklarga mehr-shafqat, ota-onaga e’zoz, farzandlarga mehr-sadoqat - bular insonni inson sifatida ulug’laydigan, axloqiy, ma’naviy jihatdan go‘zal va barkamol qiladigan qadriyatlardan hisoblanadi. Har bir yosh o‘zining e’tiqodidan qat’iy nazar birinchi navbatda o‘zligini yo‘qotmaslik, katta ishni qilayotgan inson bilan barobardir. Mustaqil O‘zbekiston Respublikasining asosiy qonuni-Konstitutsiyasida farzandlarning jamiyat, oila hamda ota-onalari oldidagi insoniy burchlari va mas’uliyatlari nimalardan iboratligi milliy qadriyatlarimizdagi asosiy g’oya va qoidalarga asoslanib belgilab berilgan. Uning 66-moddasida qayd qilinishicha, voyaga yetgan, mehnatga layoqatli farzandlar o‘z ota-onalari haqida g’amxo‘rlik qilishga majburdirlar. Bu ham har bir jamiyatning xalqiga bo‘lgan e’tibori va xulosasidan iboratdir. Hozir butun dunyoda og’ir damlar o‘tishi sir emas. Inqiroz hodisalari hayotning barcha jabhalarida sodir bo‘ladi: iqtisodiy, ijtimoiy, qiymat yo‘nalishlari sohasida.

Keksayib qolgan ajdodlar allaqachon voqealar ta’siri ostida osongina o‘zgarib ketmaydigan qadriyatlarni o‘rnatgan. Va yoshlar - bu hali ham o‘zining qiymat tizimini rivojlantirayotgan jamiyatning bir qismi, va bu tizim asosan atrofdagilarga bog’liq. O‘z navbatida, zamonaviy yoshlarning hayotiy qadriyatlari bir necha yil ichida qandaydir alohida mamlakatlarda va dunyoda nima bo‘lishiga bog’liq. Qadriyatni deb faqatgina millatning o‘z qadriyatini emas, balki oila qadriyatlari, maktab qadriyatlari, turmush qadriyatlari, ko‘chadagi qadriyatlar, qarindoshlikdagi qadriyatlar va xalqning qadriyatlarini tushunishimiz kerak.

Farzand ota-onaning dilbandi, ota-onaga ularsiz hayot rang-barangligining bir daqiqasi ham tatimaydi. Ammo, bugungi kunga kelib ota deyishga ham til bormaydigan ayrim “otachalar” xotinini xiyonatda ayblab, “bu mening farzandim emas”, deb o‘z pushti kamaridan bo‘lgan bolasidan sharmandalarcha voz kechyapti, farzandlarini qon-qaqshatib, oilasini tashlab ketyapti, ro‘zg‘oridagi bor-budini bir shisha aroqqa almashib, guldek farzandlari, xotini hayotini zindon azobiga aylantirmoqda. Har qanday qirg‘in-

barot urushlar, yillab davom etgan ocharchilik, qahatchilik, taqchillik, tanqislik, zulm-istibdod avj olgan davrlarda ham ayollarimiz o‘z onalik sha’ni, ayollik iffati, hayo-ibosini, islomiy iymon-e’tiqodini yo‘qotmagan, sotmagan edi. Endi-chi? Ustida yal-yal yonadigan atlas-u kimxob liboslar, turq-u tarovati binoyidek kelishgan yosh juvonlarning qayerlardadir erkak ovlashi, oilasi, yurtdoshlari obro‘-e’tibori, nomus-u orini yerga bukib, ularning ta’na-dashnomlarini bir chaqaga ham olmasligi qaysi qadriyatga mos keladi?

To‘g’ri, yoshlarimizni har doim tahqirlab, urish yoki yomon so‘zlar bilan haqorat qilish bilan tarbiyalab bo‘lmaydi. Har bir insonning o‘zi yoqtirgan va har doim ochiq ko‘ngil bilan suhbat qila oladigan bir insoni bo‘ladi, albatta shu insonidagi bor qadriyatlar ham unga o‘ta boshlaydi. Undagi bor xususiyatlar va undagi bor ta’sirlar va tarbiya ham shakllanadi hamda unga o‘ta boshlaydi. Jamiyatimizning boshqaruvi avvalo, bugungi kunda qanday harakat qilayotgan va qanday tarbiya bilan rivojlanayotgan yoshlarga bog’liqdir. Chunki ular bugungi bilim bilan ertangi kelajakka yo‘l olishadi va yangi hayotga qadam tashlaydi. Bugun va ertangi kun uchun o‘zida bor energiyani sarflab harakat qilayotgan va har qanday yo‘nalishda bo‘lmasin ilg’or yoshlarimiz ham kam emas. Bu esa bizning kelajak uchun hamma narsamiz tayyor deb yo‘lga otlanamiz. Bilim, ko‘nikma, tajribalar asosida biz qadriyatlarni shakllantiramiz. Milliy urf - odat va an’analarni yoshlar ongiga singdirish har qanday millat uchun o‘z taraqqiyotning maqsad va vazifasi bo‘lib qolgan. Mustaqillik yillarida milliy urf - odat va an’analarni tiklash, zamon ehtiyojlari asosida boyitish va yangilarini shakllantirish borasida katta ishlar amalga oshirildi. Shuning bilan birga ularni yoshlar ongiga singdirish borasida ham sezilarli ishlar amalga oshirildi. Jumladan, to‘y va boshqa marosimlarni o‘tkazish an’analari tiklandi, ota - onalar bilan farzand o‘rtalarida avlod - ajdodlarimizdan meros bo‘lib kelgan munosabatlarni: ota-onaning oiladagi roli, farzandning ular oldidagi burchlarini anglash kabi an’analarga e’tibor oshdi. Ayniqsa, mustaqillik yillarida bir qator bayramlarning tiklanishi va yangilarining shakllanganligi alohida ahamiyatga molik bo‘ldi.

Jumladan, Ro‘za va Qurbon hayitlarini o‘tkazish an’anasining, “Navro‘z” bayramini nishonlash, va mustaqillik bayramini o‘tkazishning an’anaga aylanishi millatimiz tarixida yangi davrni boshlab berdi. Ular bugungi kunda yoshlarimiz ma’naviyatining ajralmas boyligiga aylanadi. Albatta, har bir yosh, eng baxtli va eng quvonchli lahzalarini har doim yaqinlari bilan va eng sevimli mashg’ulotlari ila o‘tkazishni xohlaydi. Ayniqsa talabalarning hayoti esa o‘zgacha. Ular turli-xil o‘quv dargohlariga borishadi va kerakli bo‘lgan o‘quv tajribalar va ko‘nikma, bilimga ega bo‘ladi. Ularning oliy maqsadi va niyati ham shu bilimlarni yaxshi egallab kelajakda yaxshi kadr va mutaxassis bo‘lib etishdir. Har bir yosh o‘sib kamol topar ekan, u avvalo birinchi navbatda tashqi va ichki olamdan e’tiborni kutadi va o‘zida e’tiborga ehtiyoj sezadi. Bu

ehtiyoj borgan sari qiziqishiga sabab bo‘ladi. Natijada esa bizning hayotimiz qiziqish bilan boshlanadi va qiziqishlar asosida qadriyatlarning rivojlanishi, o‘sib borishi, kelajak avlodga etib borishi ham jadallik bilan boradi. Bizning dunyomizda ham yoshlar har doim yuksaklikka, ma’rifatga, ma’naviyatga intilib yashaydi. Ularning e’tiqod va ishonchi ham yanada hayotimizni porloq kelajak sari harakatlanishga turtki bo‘la oladi. Ijtimoiy tarmoq, internet, tashqi olam, ichki olam hamma hammasi yoshlarning ongiga ta’sir qiladi. Qanday ta’sir qilishiga qarab ularning qadriyatlari va ma’naviyatlari ham o‘zgarib boradi.

Oila hayotning abadiyligini, avlodlarning sog’lig’i va davomiyligini ta’minlaydigan, milliy qadriyat va urf-odatlarimizni asrab-avaylab kelgusi avlodlarga qoldiradigan, shu bilan birga, kelajak avlod qanday inson bo‘lib kamol topishiga bevosita ta’sir ko‘rsatadigan tarbiya o‘chog’i hisoblanadi.

Xo‘sh, bugun oilani mustahkamlash, ayniqsa, yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash borasida olib borayotgan ishlarimiz qay darajada samara bermoqda? Kelin-kuyovlar oilaviy hayot haqida yetarli tushunchaga ega bo‘lib turmush qurdimi? Ular ro‘zg’or aravasini tortib keta olyaptimi? Umuman, mustahkam oilalarni shakllantira olyapmizmi? Ochig’i, bugun bu kabi savollarning barchasiga ijobiy javob berishga biroz o‘ylanib qolamiz.

Ayrim oilalarda to‘ydan hech qancha o‘tmay, turli muammolar yuzaga kelmoqda. Kuyovning tayinli biror ishi yo‘qligi, oilaga bosh bo‘lish, oilani moddiy ta’minlash layoqatiga ega emasligi, kelinning esa oila tutumlarini yaxshi bilmasligi ularning oila deb atalmish muqaddas qo‘rg’onga yuzaki qarashlari qator muammolar keltirib chiqarmoqda. Shu bois ham viloyatimizda qayd etilayotgan ajrimlarning aksariyatini yosh oilalar tashkil etayotir.

Chet el fuqarolari va yoshlari nigohida bizning dunyoqarashimizga qaraydigan bo‘lsak, albatta, bizning iymon va e’tiqodimiz kuchli va yaxshiliklarga boy holatda kuzatiladi. Bu esa bizning hayotimizni qanchalik iymon va e’tiqod bilan to‘ldirganimizni bilishimiz mumkin. Yevropa davlatlarida ham shu e’tiqod kamroq kuzatiladi. Ulamolardan biri aytadi: sen bir qadriyatni o‘zinga shunchaki o‘rgatma, nafaqat uqtir, balki uni o‘zingning bir qisming sifatida ko‘ra olgin. Sen yashar ekansan yosh va qari insonlarni ko‘rasan, ulardan oladigan qadrning ham o‘zgacha bir usuli bor. Sen o‘rganmoqchi va yangilanish olish uchun ma’naviyat va ma’rifat ilinjida yurar ekansan, sen uni emas, u seni qidiradi va topadi. Lekin, sening ko‘ngling faqat va faqat yaxshilikda bo‘lsin, chunki yaxshiliklargina senda yaxshilikni uyg’otadi. Texnologiya va zamonaviylik bo‘yicha navbatdagi o‘rinda turishimiz mumkin, lekin iymon, e’tiqod, qadriyatlar bo‘yicha oldingi o‘rinlarda turamiz. Shavkat Mirziyoyev 15-iyun kuni Toshkentda bo‘lib o‘tgan “Ijtimoiy barqarorlikni ta’minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi” mavzuidagi anjumanda so‘zlagan nutqida yosh avlod tarbiyasi haqida alohida

toʻxtalib oʻtdi. "Bizni hamisha oʻylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir soʻz bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bogʼliq. Bugun zamon shiddat bilan oʻzgaryapti. Bu oʻzgarishlarni hammadan ham koʻproq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar oʻz davrining talablari bilan uygʼun boʻlsin. Lekin ayni paytda oʻzligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulugʼ zotlarning avlodimiz, degan daʼvat ularning qalbida doimo aks-sado berib, oʻzligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan", -deya taʼkidladi Prezidentimiz.

Bu vazifalar maktab, oila, mahalla, butun jamoatchilikka katta masʼuliyat yuklaydi. Mamlakatimizda taʼlim-tarbiya sohasining barcha boʻgʻinlari – maktabgacha taʼlim, maktab, oʻrta maxsus va oliy taʼlim tizimini takomillashtirish, yangi muassasalar bunyod etish va mavjudlarini qayta taʼmirlash boʻyicha olib borilayotgan ishlar yoshlar kamolotida oʻz samarasini beradi.

Bizning harakatlarimiz, bizning dinga va dunyoga boʻlgan qadriyatlarimiz ham bizning maʼnaviyat va maʼrifat orqali yaxshi va farovon hayotimizni porloq kelajakka va porloq eʼtiqodga yetkaza oladi. Shuni unutmaslik kerakki, chet eldan, jumladan, Yevropa va Amerika mintaqalaridan kirib kelayotgan ommaviy madaniyat koʻrinishlari yoshlarimizning ongini egallashiga yoʻl qoʻyib bermasligimiz, bunga jiddiy eʼtibor qaratishimiz, hayotimizga, yoshlarimiz va ularning hayotiga yomon illatlar, eʼtiqodlar singib ketishiga yoʻl qoʻymasligimiz kerak, ular bizdan rozi boʻlsin. Aytaylik, yosh goʻdak, taxminan 12-13-yoshda. Uning ota-onasi unga befarq, unga eʼtibor bermaydi, uni har doim kamsitadi, har doim zulm oʻtkazib urib keladi. Keyin bola nima qiladi? Albatta, bu zulmlar unga yoqmaydi, u ham farovon hayotda yashagisi keladi, ota-onadan eʼtibor kutadi, lekin oldin qilingan zulm va paydo boʻlgan nafratlar esa ota-ona tushunchasini notoʻgʻri oʻylashiga va notoʻgʻri fikr yuritishga undaydi hamda hayolida ularni tark etadi, hayotida ham. Axir "Yoshlarning boʻsh vaqti-dushmanning ish vaqti"-deyishadi, albatta shunday. Qaysidir bola mehrga muhtoj va eʼtibor kutmoqda. Birinchi navbatda, yomon inson kelib unga eʼtibor qaratsa hayotini barbod boʻlgan nuqtasi shu boʻladi. Undan qanday gʼarazli niyatlar, odatlar, ehtiyojlar boʻlsa uning tasavvur va tafakkuri ham shunga intiladi, shu qolipga tushadi. Bizning hayotimiz ham shu formulaga tushib qolishdan asranishimiz kerak. Bizning jadal kechayotgan va borgan sari rivojlanayotgan texnika va internet davrida ehtiyotkorona harakat va eʼtiqod qilishimiz kerak. Chunki har qadamda bizni hayotimizni barbod qilish uchun koʻpchilik harakat qiladi, oʻzining gʼarazli niyatini amalga oshirish uchun harakatda. Talaba va oʻquvchilar birgina bilimni oʻzinigina egallab qolmay, balkim diniy, dunyoviy, ruhiy, aqliy, madaniy-maʼrifiy ilmlarni egallaydi. Bunga sabab esa ularning ustozlari va teng boʻlgan doʻstlaridir. Har

bir millat vakili borki, ularning yurish-turishi, eyishi, kiyinishi, oʻquv qoʻllanmalari har-xil. Buning sababi esa boshqa millat boʻlganligi tufaylidir.

Bizning diyorimizda ham turli xil millat va elatlar, boshqa din vakillari ham istiqomat qiladi. Hamma oʻzining yoʻnalishi boʻyicha harakat qiladi, intiladi, taqlid qiladi; bir soʻz bilan aytganda, oʻxshashlikka harakat qiladi. Qadriyat tushunchasi ham koʻplab maʼnolarni qamrab oladi. Misol uchun, bir yosh chaqaloq tug'ildi va xarakter, xususiyat, muomala, odat, qadriyatlarni oʻrgana boshlaydi. Albatta, chaqaloq birinchi koʻrganiga ishonadi va men ham shuni qilishim kerak ekan-da, deb oʻylab qoladi. Aslida bu oʻylar unga yangi hayotni boshlanishi boʻladi. Yangicha eʼtiqod, yangicha xarakter, yangicha uslub, albatta, hammasi uning ongida shakllana boshlaydi. Yomon aqidalar, yomon tushunchalar ham yoʻq emas, albatta. Ularning eng yomoni esa boshqa millatga taqlid qilishdir. Chunki, ularning madaniyati va turmush tarzi ham farq qiladi. Bizning ota-bobolarimiz ham oʻz qadriyatlariga sodiq qolgan holda bizgacha kelishi kerak boʻlgan maʼlumot, tajriba, ilm, qadriyat, muomala, koʻnikma va hayotiy dasturlarni asrab-avaylab kelishgan. Hozirgi kunda ham buning natijasi sezilarli darajada juda yaxshi va yuqori. Yosh-yosh pedagoglar, ilm egalari ulkan muvaffaqiyatga erishmoqda, katta maqsadlarni oldiga qoʻymoqda. Bizning yurtimiz tinch, sokin, osoyishta, bilimlilar yurti, ulkan kelajak poydevori boʻla oladigan yurtdir. Shuni unutmaslik kerakki, ota-bobolarimizdan qolgan anʼanalarga muvofiq ularning qadriyatlarini hurmat qilgan holda asrab-avaylab oʻzimiz va kelajak avlod uchun yanada yaxshilikka toʻldirib qoldirishimiz kerak.

Mustaqillik yillarida oʻzini-oʻzi boshqarish idorasi, haqiqiy demokratiya darsxonasi sifatida mahallaning huquq va vakolatlari kengaytirildi. Davlatchiligimiz tarixida birinchi marta “mahalla” tushunchasi Konstitutsiyamizga kiritilib, uning jamiyat boshqaruvidagi oʻrni va maqomi qatʼiy belgilab qoʻyildi. Mahalla boshqaruviga bu darajadagi eʼtiborning sababi bitta: u ham boʻlsa, insonning qadr-qimmatini joyiga qoʻyish, uni eʼzozlash, kattaga hurmat, kichikka izzat kabi ezgu maqsadlarni oʻziga jamlagan bu maskan tom maʼnoda hayotbaxsh qadriyatlarimiz negizidir.

Har kim mukammallikka intiladi, ayniqsa yoshlar. Buning sababi esa eng yaxshi inson boʻlish va hammaga yordam berishdir. Bolaga yoshligidan qanday emotsiyalar singdirilsa, katta boʻlib voyaga yetguniga qadar va undan keyin ham shu asnoda qadriyat va tushunchalar rivojlanib boraveradi. Ongiga singayotgan tashqi va ichki omillar uning xarakter va temperamentiga taʼsir qiladi. Ayrim yoshlar borki ularning ongi buzilgan va har doim kunining koʻp qismini yomon taʼsirlar bilan oʻtkazadi hamda hammaga yomonlik bilan nazar soladi. Oʻzingiz oʻylab koʻring-chi! Bunday insonlar yaxshigina qadriyatlar yaratish uchun va unga amal qilish uchun mos va xos boʻla oladimi? Yoʻq, albatta. Bunday yoshlarda yomon qadriyatlar rivojlanadi va boshqa millatlarga qarab harakat qiladi, yaʼni taqlid qiladi.

Oldin yashaganlarning ta’kidlashicha, mustaqillikdan oldingi holatda hamma insonlar, hatto davlat xodimlarigacha paxta terimiga otlanishgan va erta-yu kech oʻsha joyda ishlashgan va mehnat qilishgan. Shunday boʻlishiga qaramay ularning shu millatga qoʻshgan hissasi beqiyosidir. Birinchi prezidentimiz Islom Karimov oʻzbek millatini hech qaysi millat va davlatdan ortda qolmaslik uchun hamma harakatni qilgan va bunga erishdi.

Ajrimlarga sabab boʻlayotgan yana bir jihat bu – mol-dunyoga hirs qoʻyayotganimiz. Qizlarimizga hamma narsani muhayyo qilyapmiz, bekam-u koʻst turmushga uzatyapmiz. Lekin, ayrim qizlarimizning uquvsizligi, oilaviy hayotga tayyor emasligi, yangi oilaga, uning muhitiga koʻnika olmayotgani sabab turli nizolar kelib chiqayotgani ham bor gap. Kasallikni oʻzimiz yaratib, soʻng unga davo izlashga majbur boʻlyapmiz.

Butun jamiyat, xalq, katta-yu kichik, ota-onalar bundan xursand boʻldi. Ayrim davlatlarda ularning qadriyatlari sifatida yomon oqimlar, yomonliklar, vahshiyliklar hukm surmoqda. Albatta, bunga kim aybdor? Har bir inson oʻzining qadriyatidan tashqari oqimga qo’shilmasligi kerak. Yoshlarimizni ona vatanga muhabbat, milliy qadriyatlarimizga hurmat ruhida, yuksak ma’naviyatli va salohiyatli qilib tarbiyalash har birimizning ishimiz. Ayniqsa, internet tarmoqlarida tarqatilayotgan diniy aqidaparastlik, terrorizm g’oyalarini yoyish, “ommaviy madaniyat” koʻrinishlarini yoshlar ongiga singdirish, ularning turmush tarziga aylantirishga boʻlayotgan urinishlarga, yoshlarimizning ana shu illatlar ta’siriga tushib qolmasliklari, yuqoridagi kabi aldovlarga koʻr-koʻrona ergashmasliklari uchun, eng avvalo, ularning bilim va tafakkurini boyitish, internet ma’lumotlaridan oʻrinli va oqilona foydalana bilish koʻnikmasini shakllantirishimiz zarur. Yoshlarimizda yot g’oyalarga, illatlarga qarshi ma’naviy immunitet tushunchasi, ularning oʻzlarida “bu yaxshi, bu yomon” degan fikr paydo boʻlmas ekan, axborot xurujlari xavfidan, hayotimizga, mafkuramizga kirib kelayotgan illatlardan aslo qutila olmaymiz. Bugun yoshlarimiz qiziquvchan, harakatchan va har doim sof qalbi ularni yaxshilikka yetaklab turadi va shunga turtki boʻla oladi. “Qozonga yaqin yursang qorasi yuqadi”-deyishadi, albatta bu gap toʻgʻri. Hayotda hamma yuksak ma’naviyatga, yuksak qadriyatga intiladi.

Vatanimiz tarixining hech bir davrida bu xalq oʻzligini yoʻqotmagan, istibdod va mustabidlik, qashshoqlik va qahatchilik zamonlarida ham bolasini odob-axloqqa, mehr-muhabbatga, yaxshilikka oʻrgatgan. Sabr-qanoatdan ulg’ayib metin boʻlgan bu xalq. Oʻziga yomonlik qilganga ham yaxshilikni ravo koʻrgan bu xalq. Shuning uchun ajdodlar qanoati, mehr-muruvvati asrlar osha bizni ildizlari teran qadriyatlarimizga qaytardi.

Qadrni suv va oltinga qiyoslasak boʻladi. Qadri suv boʻlgan insonlarni hech qayerda va hech qachon oʻrni ham boʻlmaydi. Qadrni bir necha vaqtlar davomida yig’iladi, uni tugatish esa bir soniya ham kifoya qiladi. Misol uchun, bir inson juda ham koʻp yaxshiliklar mehr koʻrsatar edi. Uning qadri ham

o‘ziga yarasha katta edi. Lekin u, bir kuni hammani yonida sigareta chekib turganida hamma unga nisbatan fikrini o‘zgartira boshlaydi, ya’ni hamma yig’gan qadri bir pul bo‘ldi. Demak, inson qadri faqatgina so‘z orqali emas, balki qilgan xatti-harakati orqali ham tushib ketishi mumkin ekan. Insonlarda shunday hususiyat ham borki, ular ikkiyuzlamachi bo‘ladi, uni bilganlar ham bu insonga nisbatan o‘z fikrini o‘zgartiradi. Millat uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lgan etnik jihat va hususiyatlar bilan bog’liq qadriyatlar milliy qadriyatlardir.

Dunyoda o‘ziga xos qadriyatlari bo‘lmagan millat yo‘q. Milliy qadriyat millatning tarixi, yashash tarzi, ma’naviyati hamda madaniyati bilan bilan uzviy bog’liq holda namoyon bo‘ladi. Qadr birinchi navbatda mehr ustiga quriladi. Mehr-muhabbat bor joyda insonlarning qadri shakllanadi. Misol uchun, bir yigit o‘zi tanimaydigan insonga yordam berdi, u insonda esa birinchi navbatda muhabbat uyg’onadi, qadrlay boshlaydi. Bu inson bir umr qadrli inson nomini olib qolaveradi. Hammamizga tegishli bo‘lgan bir e’tiqod bor. U ham bo‘lsa ota-onaga yaxshilik qilish va ota-onani birinchi o‘ringa qo‘yish. Birinchi navbatda va har doim tarbiya va e’tiqodni Payg’ambarimizdan olishimiz kerak. Bizga ham tarbiya, ham qadriyat, ham husni-xulqni o‘rgatib ketgan. Biz qilayotgan ishlarimizda har doim ul zotning qilgan ishlariga qarab intilishimiz kerak. Millatimizni yanada rivojlantirish, porloq kelajak uchun, vatanimizning taqdiri ham bugungi yoshlarimizga, ularning hayot tarziga, qilayotgan ishlariga bog’liq. To‘g’ri, hozirgi zamonaviy va ijtimoiy tarmoqlarda tarqalayotgan ma’lumotlarni bilmasdan turib tarqatish va kimlarnidir masxara qilish ham avj olib ketmoqda. Bularni oldini olishimiz uchun, avvalo, biz kattalar shu yomon illatdan qutilishimiz va unga ta’sir etayotganlarni millatimizdan yo‘q qilish darkor. U g’araz niyatli kimsalar bugun bitta yoshni yo‘ldan ursa, bugun o‘tib erta ikkita, keyin esa to‘rtta. Borgan sari ko‘pchilikni ishonchiga kirib boradi, natijada esa ularning jamoasi kengayib boradi va unga o‘tayotgan ta’sirlar ham kuchayib boradi. Bizning ongimiz ham yetarli darajada shakllanmagan va hayot davomida uni shakllantirish bizning qo‘limizda. Shunga muvofiq tarzda, avvalo, inson o‘ziga kelayotgan ta’sirlarni ko‘ra olishi va his qila olishi darkor. O‘zini idora qilmas ekan, hech qachon o‘zgalardan o‘rnak ola olmaydi. Bizning burchimiz ham hamma uchun yagona bo‘lgan tinchlik va sog’lomlik, hayot borasida boshdan kechirgan hayollar va tafakkurlar ham shunga rango-rang ma’no bera oladi. Biz nimaga ehtiyoj sezsak, aynan shu narsaga muhabbat qo‘yamiz va unga intilamiz. Bizning e’tiborimiz ham shunga qaratiladi. Bizning xohshimiz va ehtiyojimiz, muhabbatimiz bugungi kunda yaxshi va ma’naviyatli bo‘lmasa bu bizni nobud qiladi, bizni tubsiz jarlikka tashlaydi. Ularning hayoti ham o‘ziga qo‘yib beriladi. Unga negativlar ta’sir qila boshlaydi.

Biz uchun katta hurmat va ehtirom bordir. Qadrni aniqlash ham mumkin, oshna-og’aynilari bilan har doim bir dasturxonda o‘tiradigan do‘stlar

orasida bir do'sti kelmay qolsa, albatta ularga bu yig'ilish tatimaydi. Orasida nimadir qadrli narsa yo'qolib qolganday bo'ladi. Yo'q bo'lgan do'stini qadrini ular his qiladi. Shunday insonlar borki, ular qadrni pul bilan o'lchaydi va puliga qarab muomala qiladi.

Hech qanday harakat qilmagan insonlarda qadr-qimmat ham, mehr-oqibat ham bo'lmaydi. Ular hayotda neytral holatda yashaydi. Har bir inson yaxshi niyat bilan, yaxshi harakatlar bilan, o'z ustida qanchalik ishlasa, u albatta, qadr-qimmat topadi. Inson degan tushuncha keng, chunki uning hayvonlardan farq qiladigan birgina ongiga ega xolos. Agarda ong yo'q bo'lganda hayvon bilan darajasi teng bo'lib qoladi.

Yoshlarning tarbiyasiga ta'sir etuvchi omillardan yana biri internetdan noo'rin foydalanishdir! Darhaqiqat, internetning imkoniyatlari cheksiz. Agar undan samarali foydalanilsa katta yutuqlarga erishish mumkin. Biroq, bugungi globallashuv davrida yoshlarni turli tahdidlardan asrash, ularda xalqaro tarmoq tomonidan taqdim etilayotgan turli axborot oqimidan haqqoniy ma'lumotlarni saralay bilish, to'g'ri va maqsadli foydalanish madaniyatini yuksaltirish, axborot xavfsizligini ta'minlash g'oyat muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shunday ekan yoshlarni internet saytlarga kirishida axborotdan to'g'ri va maqsadli foydalanish madaniyatini yuksaltirish zarur. Onggini shakllantirishda ham birinchi navbatda iymon, ishonch, e'tiqod, e'tibor, tarbiyalarning ahamiyati juda kattadir. Tashqi olam, ichki olam, bizning yashayotgan olamimiz ham bizning qadriyatlarimizga asoslanib faoliyat yuritadi. Natijada bizning ongimizda katta ehtimol bilan qadriyatlarimiz avj oladi. Tashqi olamda biz qadriyatlarni olamiz. Ichki olamimizdan tarbiya va ko'nikmalar olamiz. Siz qadr-qimmat topishingiz uchun, avvalo boshqalarni qadrlay olishingiz kerak. Qadr-qimmatli insonlardan so'ralsa ular, avvalo, bir gapni aytadi, ya'ni niyatingizni mehr-muhabbatga yo'naltiring deb ta'kidlaydi. Bu borada mashhur psixolog Valeriy Sinelkinov shunday yozadi: "Biz o'z olamimizni fikrlarimiz, tuyg'ularimiz bilan yaratamiz. Bizning faoliyatimiz so'zdan emas, harakatdan emas, balki fikr va tuyg'ularimizdan boshlanadi. Fikr energiyaning universal shakli va uning kuchi juda ulkan''[3].

Albatta, har bir inson mukammal bo'lishga harakat qiladi va doimo turtki bo'luvchi kuch orqali shunga etish uchun harakat qiladi. Kimda kim o'z qadriyatlarini oyoq-osti qilsa va uni mensimasa har doim yomonliklarni o'ziga qadriyatlar qilib olsa uning hayoti ham yomonlik tomon tortib ketaveradi. Onalarimiz bizni yoshligimizdan tortib voyaga yetgunimizcha va undan keyin ham bizni parvarish qilish uchun o'zida bor bilim va ko'nikma, asosiysi mehr-muhabbat, e'tiborni beradi. Xalqimiz ma'naviyatini yuksaltirishda milliy urf-odatlarimiz va ularning zamirida mujassam bo'lgan mehr-oqibat, insonni

[3] Valeriy Sinelkinov, "Niyyatning kuchi", "Buxoro nashriyoti'',2015-yil, 16-bet

ulug’lash, tinch va osoyishta hayot, do‘stlik va totuvlikni qadrlash, turli muammolarni birlashib hal qilish kabi ibratli qadriyatlar tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Milliy qadriyatlar turmush tarzimiz, ma’naviy qiyofamiz, an’analarimiz va o‘zligimizni anglashga yordam beradi hamda bu borada xalqni-xalq, millatni -millat sifatida birlashtiradi. Zero, o‘z qadriyatlarini va qadrini bilgan xalq olomonga aylanmaydi; buyuk ishlarga qodir ekanini his qiladi, istiqlolni omon saqlaydi, farzandlarining kamoloti uchun qayg’uradi va kurashadi. Aynan shuning uchun ham milliy qadriyatlar jamiyatni yangilashga xizmat qiluvchi muhim ma’naviy omil hisoblanadi. Insonga, aynan yosh farzandlarga birinchi navbatda e’tibor kerak bo‘ladi. Bu e’tiborni o‘zining qadriyatlariga asoslanib olmaydigan bo‘lsa uzoqqa bormaydi. Chunki har doim yaxshilik g’alaba qozonadi.

Yoshlarning, avvalo, madaniyat shakllanishiga ahamiyat berish kerak. Chunki, ularning qadriyatlari aynan shu nuqtadan boshlanadi. Bizning hayotimiz bu bizning qonuniyatlarimizga asoslangan holda amaliyotga tatbiq etiladi. Chunki, biz yuqorida aytganimizday hayot formulamiz bu qadriyatlardir. Biz bu formulani yaxshilab sayqallashimiz kerak, chunki bugun o‘tib ertaga qadriyatlarimiz yo‘q bo‘lib ketmasligi kerak. Hayotdan ma’rifat va madaniyat olishni xohlaganlar, avvalo, o‘zining e’tiqodiga nazar solish kerak, ayniqsa bugungi yolg’on dunyoda. Yoshlarimizning ongiga shunday e’tiqod va qadriyatlarni singdirishimiz kerakki, bu ular uchun hayotiy va yashash qonuni bo‘lib xizmat qilsin.

Barchamiz guvohmiz, bugun dunyo misli ko‘rilmagan sur’atlar bilan keskin o‘zgarib bormoqda. Ijtimoiy hayotimizda ko‘plab ijobiy jarayonlar bilan birga, yosh avlodning qalbi va ongini egallashga qaratilgan ma’naviy tahdidlar ham tobora xavfli tus olmoqda. Ijtimoiy hayotni jamiyat tomonidan e’tirof etilgan qadriyatlarsiz tasavvur qilish mushkul, ularsiz yashab bo‘lmaydi. Biroq qadriyatlarimizga qarshi buzg’unchi g’oyalar ya’ni: “shaxs erkinligi”ga qarshi oila va jamiyat oldidagi yuksak mas’uliyatni: “individualizm”ga qarshi jamoaviylik, mahalladoshlikni, “egotsentrizm”ga qarshi ota-ona, qarindosh-urug’larni hurmat qilish, mehr-oqibatni, “olomon madaniyatiga qarshi” milliy va umuminsoniy qadriyatlarni asrab-avaylash orqali jamiyatimiz barqarorligiga tahdid soluvchi illatlarga qarshi ong-tafakkurda mafkuraviy to‘siq qo‘yish darkor. Telefon, kompyuter, internet va ko‘plab ijtimoiy tarmoqlarda kezadigan yoshlarimiz ko‘p ma’rifat va madaniyatni aynan shundan olmoqdalar.

Chunki, bugungi kunda ularning qiziqishi kitobga nisbatan ijtimoiy tarmoqlarda ko‘proq faoliyat ko‘rsatmoqda. Yaxshi va yomon narsalar, ma’lumotlar, qadriyatlar, ma’rifatlar bugungi kunga kelib ijtimoiy tarmoqlarni kuzatib o‘rnak olinmoqda. Ijtimoiy tarmoqlarda yaxshi narsalar ham bor, lekin bugungi kunda ko‘plab yoshlar yomon axborotlarni egallamoqda. Qiziqishlari

ularing e’tiqodini va qadriyatlarini buzishiga olib keladi. Bu yomon illatlardan qutilmagan inson esa o‘zini baxtsiz his qiladi. Chunki, unga kerakli bo‘lgan e’tiqod va qadriyat yo‘q.

Vatanimizni qadriyatini va hayot tarzini bilish uchun ijtimoiy tarmoqlarga biz haqimizda yozsa bas, hamma ma’lumot joylangan, lekin yurtimizni sharmanda qilib obro‘sini yerga urayotganlar ham bor. Bularni xiyonatkorlar deydi. Eng katta qilingan millat uchun yomonlik bu-xiyonatdir. Aslo xiyonatkor odam o‘z vatani uchun qayg’urmaydi, o‘z e’tiqod va qadriyati uchun e’tiborsiz. Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash – millati, tili va kasbidan qat’i nazar, yoshlarda Vatanga sadoqat tuyg’usini shakllantirish, ularni o‘z fuqarolik burchi va konstitutsion majburiyatlarini bajarishga, jamiyat va davlat manfaatlarini himoya qilishga qodir shaxslar etib tarbiyalashga yo‘naltirilgan davlat organlari, jamoat birlashmalari va tashkilotlarining ko‘p bosqichli, tizimli, maqsadli va muvofiqlashtirilgan faoliyatidir. Bizning yashash tarzimiz esa faqat bitta, ya’ni yaxshi e’tiqod, yaxshi qadriyat, yaxshi hayot. Shularning hammasini o‘ziga ep ko‘rgan inson hech qachon hayotdan yutqazmaydi. Bizning borlig’imiz ham aynan shunda. O‘tmishdagi yosh insonlar hozirga kelib katta inson bo‘lib qolgan. Vaqt, makon, zamon o‘tishi bilan ularning e’tiqod va qadriyatlari ham shu tariqa o‘zgarib kelinmoqda.

Jamiyatimizda iymonli, e’tiqodli va yaxshi qadriyatlarga bo‘ysunuvchi insonlar yashar ekan, ular har doim yutadi hamda ma’rifatga va ma’naviyatga erishadi. Bizning millatimiz doimo yuksaklikka intiladi va muvaffaqiyatlariga yurt sifatida hamma birdek hissasini qo‘shib boraveradi. Eng ulug’ va aziz, asosiysi millat, xalq sevgan inson kim? Albatta, o‘zining xalqiga, vataniga xizmat qilgan insonlardir. Chunki, ularning ko‘pchiligi shu millat uchun harakat qiladi. O‘zining hissasini qo‘shgisi keladi. Xalqiga yordam bergan insonning o‘sishi va yuksalishi oz vaqt davomida o‘z aksini topadi. Chunki, xalqining duolari va bergan yordamlari uchun u albatta bir kun kelib o‘z mukofotini qo‘lga kiritadi. Oilada asrlardan beri avloddan avlodga o‘tib kelayotgan an’analar, urf odatlar davom ettiriladi, har bir oila a’zosiga singdiriladi. Masalan, oilada o‘zaro hurmat hammaning qon – qoniga singib ketgan.

Yana oilada yoshi ulug’ kishilarning fikri doim hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Ularning hurmati joyiga qo‘yilmog’i shart. Yoshi katta kishilarni uyning to‘riga o‘tqazish, ularga duo fotiha qildirish, birinchi bo‘lib dasturxonga qo‘l uzatish yoki yoshi katta kishi gapirayotganda quloq solib turish kabi an’analar borki, bularni har bir oila a’zosi bajarishi lozimdir. Ota-onaga bo‘lgan hurmat, oilaning boshqa a’zolari o‘rtasidagi hurmat kabi odatlar o‘zbek oilasining gultoji hisoblanadi. Oiladagi muhit, vaziyat jamiyatdagi muhit, vaziyatga mos bo‘lmog‘i kerak. Aks holda bunday oila a’zolarini jamiyat qabul qila olmaydi. Odamzod biror inshoot yoki korxona qurib bitkazib, mahsulot chiqara

boshlasa, cheksiz quvonadi. Lekin, insonni dunyoga keltirish va uni barkamol, benuqson shaxs qilib tarbiyalash mahsulot ishlab chiqarishdan ulugʻroq va mashaqqatliroq ish ekanini uncha-muncha odam anglayvermaydi. Holbuki, oila qurish, farzandni dunyoga keltirish va tarbiyalash, uy – roʻzgʻor yumushi shunchaki ishlar emas. Balki, aynan shu jarayonlar oqibatida toʻla qonli inson voyaga yetadi. Insonning etuklik darajasiga yuksaltirishda yana bir asosiy omil tarbiyadir. Ijtimoiy hayotda tarbiya manbai juda koʻp va turli-tuman. Lekin onaning, ayolning tarbiyasi odamning shakllanishida gʻoyat muhim ahamiyatga ega. Ona bolani faqat aql – idrok bilan emas, balki tuyg’ular, nozik hislar bilan ham tarbiyalaydi. Oʻzida neki boʻlsa bolasiga ato etadi. Ona tarbiyasini olmagan, uning mehr – muhabbatiga qonmagan inson ruhan majruh boʻlib qoladi. Ona parvarishi bola tugʻilib, balogʻat yoshiga yetguncha uzluksiz davom etsa, yaxshi samara beradi. Tarbiyada biror bir sababga koʻra uzilish boʻlsa yoki onaning oʻzi jismonan va ruhan toliqsa yoki ayolning oʻzida nuqson boʻlsa bolaning tarbiyasida ham nuqson boʻladi. Insonning ma’naviy faolligining yana bir muhim belgisi ta’lim hisoblanadi. Ta’lim sohasida oilaning ta’siri, ahamiyati benihoya kattadir.

Oilaning moddiy darajasi, oilaviy udumlar, ota – onaning ma’lumoti-yu madaniyati, ularning bolani bilim olishi hamda oʻzlashtirishini doimiy nazorat qilish va yordamlashishi ma’naviy faol shaxs tarbiyalanishiga asos boʻladi. Ma’lumki, har bir oilaning huquqlari jamiyat tomonidan qonun yoʻli bilan himoya qilinadi. Lekin, oilaning ham jamiyat oldida burchi mavjud. Mana shu burchni bajarish uchun har bir oila a’zosi jamiyat oldida javob beradi. Qaysi bir oila a’zosi oʻz burchini bajarmay qonun yoki tartibni buzsa, unga tegishli chora koʻriladi. Qonunni buzish holati toʻsatdan roʻy bermaydi. Buning uchun ma’lum sabablar yig’indisi boʻladi. Bu sabablarni oʻz vaqtida oʻrganib, ijobiy hal qilishda har bir oilaning jamiyat talabiga mos shakllanishida mahalla qoʻmitalarining roli muhimdir.

“Mahallang otang” degan maqolda juda katta ramziy ma’no bor. Toʻg’rirog’i sobiq Ittifoq davrida Oʻzbekiston shaharlarida mahalla qoʻmitalari faoliyat koʻrsatgan, lekin ularga davlat tomonidan hech qanday yordam yoki qoʻllab-quvvatlash boʻlmagan. Qishloqlarda esa mahalla haqida gap ham boʻlmagan. Shu tufayli, u davrda mahalla bilan oila oʻrtasidagi munosabat ham oʻziga yarasha boʻlgan. Mahallaga e’tibor faqat bizning zamonamizda, istiqlolga erishganimizdan keyingina, davlat ahamiyatiga molik ishga aylandi. Prezidentimiz mustaqillikka erishganimizning dastlabki davridayoq, bu ishga alohida e’tibor berdi. Respublikada “Mahalla xayriya jamg’armasi” tuzildi. Uning tizimlari viloyat, tumanlarda tashkil etilib, shaharlar bilan birgalikda qishloqlarda ham faoliyat koʻrsatib kelmoqda. Ular olib borayotgan tashkiliy, tarbiyaviy ishlar xalqimiz manfaatlari bilan uyg’unlashib ketmoqda. Xullas, bugungi mustaqillik davri oilasi mamlakatimizning tayanch nuqtasi boʻlishi bilan birgalikda ma’naviyatimizni rivojlanishida eng ishonchli va ulug’ maktab

boʻlib kelmoqda. Bizning xalqimiz dono xalq, har doim oʻzini oʻylab emas, oʻzining farzandlarini oʻylab, men boʻlmasam ham mening farzandlarim boʻladi, buyuk maʼrifat egasi boʻladi deyishadi. Men qilmagan yordamni xalqimga va vatanimga mening farzandim qiladi deb oʻzining bor imkoniyatini ishga soladi va kerakli sharoitlarni yaratib beradi. Har bir ota-ona shunday eʼtiqod va qadriyatda yashasa millat ham, xalq ham u insondan rozi boʻladi hamda rivojlanishi ham doimiy ravishda oʻsaveradi.

Hozirgi kunda Prezident Shavkat Mirziyoyev hamma uchun kerakli yordamni bermoqda va bizning xalqimiz eʼtiqod va qadriyatda shakllanib bormoqda. Buning natijasi esa yanada xalqiga, millatiga tug’ilgan joyiga katta hurmat va ehtiromni koʻrsatadi. Prezidentimizning tashabbuslari bilan, sportda, turli-xil sohalarda yutuqlarga erishayotgan nafaqat yoshlarimiz, balki kattalar uchun ham keng imkoniyatlar ochilmoqda va ular yuqori darajada hurmat qilinib, mehnatlariga yarasha taqdirlanmoqdalar. Prezidentimiz berayotgan ishonchidan yoshlarimiz motivatsiya va kuch olib, yanada yuksalishga harakat qilmoqda.

Har bir muvaffaqiyatli insonlardan soʻrasangiz ularning aytar gapi bitta, yaʼni “men shu darajamga erishishim uchun ota-onam, ustozlarim va xalqimizning duolari va yordamlari katta boʻldi”. Oʻz qadrini va millat qadrini bilgan yoshlar va kattalar, kun kelib yangicha uslubda, yangicha namoyishlar ostida oʻzining mehrli, adolatli, xolisona, halol va ishonchli boʻlgan xarakter va qadriyatlarni yanada rivojlantira oladi. Buning uchun esa tarbiya, harakat, sadoqatning boʻlishi har bir jamiyatda yashayotgan shaxs uchun masʼuliyatli burchdir. Oʻzining zamonaviy hayoti uchun boshqa millatlardan andoza olish shart emas. Balkim yangicha hayot uchun kurasha olishi va kelajakka ham yetkaza olishi darkor. Jamiyatni faqatgina bilimlilar, milliy qadriyatga ega insonlar boshqara oladi va unga hissa qoʻsha oladi. Bizning burchimiz esa unga sadoqatli boʻlgan holda boshqa millatlarga taqlid qilmasdan harakat qilib oʻz milliyligimizni asrab avaylashimiz kerak.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI

1. Shavkat Mirziyoyev, “Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz”, Toshkent, “OʻZBEKISTON” 2017-yil, 344-bet.

2. Sh. A . Saydullayev, “Davlat va huquq nazariyasi”, Toshkent, “Yuridik adabiyotlar publish” 2021-yil, 71-bet.

3. Robin Sharma, “200 hayot darsi”, “ZUKKO KITOBXON” nashriyoti, Toshkent-2021. 144-bet.

4. Valeriy Sinelkinov, “Niyyatning kuchi’’, “Buxoro nashriyoti’’,2015-yil, 16-bet.

**Санобар ТЎРАЕВА**

*Қарши муҳандислик–иқтисодиёт институти*

# Ёшлар тарбиясида оилавий ва ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти

***Аннотация.*** *Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда уларнинг маънавий жиҳатдан тайёргарлиги, уларнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларни англаб етиши, миллий урф-одатларимизга содиқ қолиши, ёшларни маънавий тарбиялашда оиланинг ўрни ниҳоятда катта эканлиги, оилавий муносабат маданиятини шаклланиши, оила осойишталигини таъминлаш, ёшларнинг оиладаги тарбияси асосида уларда ахлоқий фазилатлар шаклланиб бориши каби масалалар кўриб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *ёшлар, қадрият, миллий қадрият, маънавият, оила, соғлом турмуш тарзи, миллий урф-одат, маънавий фазилатлар.*

Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда уларнинг маънавий жиҳатдан тайёргарлиги муҳим ўрин эгаллайди. Ёшларни маънавий тайёргарлиги-бу уларнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларни англаб етиши, миллий урф-одатларимизга содиқ қолиши, оилавий муносабат маданиятини шаклланиши, оила осойишталигини таъминлаш каби масалаларни ўзида ифодалайди. Биринчи президентимиз таъкидлаганидек, «Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболли ёшларини қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлик эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ана шунга боғлиқ».[1]

Айниқса ёшларни маънавий тарбиялашда оиланинг ўрни ниҳоятда каттадир. Оила-бу муқаддас даргоҳ ва тарбия ўчоғи ҳисобланади. Оилада инсонлар вояга етадилар, мустақил ҳаётга қадам қўядилар, оила қурадилар, фарзанд кўрадилар ва жамиятда ўз мавқеларига эга бўладилар. Ёшларнинг оиладаги тарбияси асосида уларда ахлоқий фазилатлар шаклланиб боради. Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган муомалалари яъни гўзал муомалада бўлмоқ ислом шариатининг биринчи қоидаси ҳисоблaнганидек, ширинсухан бўлиш, катталарни иззат-ҳурматларини ўрнига қўйиш, уларни панд-насиҳатларини диққат

---

[1] Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмокда. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. –Б. 23.

билан тинглаш ва унга амал қилиш ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг ақл-заковати, фикр-туйғулари, билими ва маданияти, савияси маълум даражада сўзда ифода этилади. “Сўзнинг отаси-ақл, онаси-тил” - дейишади кексалар. Одамнинг одоби даставвал унинг тилида кўринади, сўзлашиш одоби еса оилада шаклланади. “Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг олтин, - демишлар. Бу сўзга қараганда ҳар ерда сўзламасдан турмакка тўғри келадур. Лекин мақсудлари ўринсиз сўзни сўзлаганингдан тек турганинг яхшироқдир демакдур. Ҳар нарсанинг ўлчови ҳар ишнинг ўзига яраша махсус адаби бўлганга ўхшаб, сўзни ҳам ўлчови, адаби бордур”.[2]

Ширин сўз киши қалбига ором, ҳузур бахш этади. Шунинг учун А.Навоий “Қалбинг билан тилингни бир тут”, - деб насиҳат этган эдилар. Сўзлашиш одобидан ташқари меҳнатсеварлик, масъулият, бурч каби ахлоқий фазилатларни шаклланишида ҳам оиланинг ўрни каттадир. Айниқса меҳнат туфайли ёшлар эркин инсон бўлиб, ҳар бир нарсани мустақил ҳал қиладилар. Меҳнат қилиш жараёнида инсон бурч, масъулиятни ҳис қила бошлайди. Қадимдан ота-боболаримиз бола тарбиясида меҳнатга ўргатишга, касб-ҳунарга қизиқтиришга алоҳида эътибор берганлар. Боланинг лаёқати, қобилиятига қараб тарбиялаганлар. Болада меҳнатга муносабат даставвал оиладан бошланади. Бунда аввало ота-она фарзандига намуна бўлмоғи лозим, яъни оиланинг ҳар бир ёш аъзосига муносиб юмуш буюриш, уни бажаришда ёрдамлашиш, бажарилганлигига қараб ишни баҳолаш, унинг аҳамиятини тушунтириб болани маънавий рағбатлантириш зарур. Шундагина болада келгусида меҳнат қилишга мойиллик туғилади ва масъулиятлилик ҳисси уйғонади. Бу эса ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлашда илк қадам деб ҳисобласак ҳам бўлади. Буюк аллома Бахоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру даст ба кор” деган машҳур ҳикмати бежизга айтилмаган. У киши талабаларни мадрасага қабул қилиш пайтида бирон касбинг борми деб сўраганлар. Ҳунарсиз одам ўқишга қабул килинмаган. Бунинг сабабини Нақшбанд шундай изоҳлаган: “Агар киши ҳунарли бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради, борди-ю касби бўлмаса билимини кун кечиришга сарфлайди, ҳалол меҳнатни унутади”. У ҳар бир кишининг ҳалол меҳнатини улуғлайди.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисоласида таъкидлаганидек, “Ҳар бир инсоннинг айниқса эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз

[2] Кори Низомиддин бин Мулла Хасан. Илми ахлок. –Т, «Ёзувчи», 1994, 5-бет.

меҳнатсеварлигига боғлик эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир".

Бугунги кунда миллий қадриятларимизнинг тикланиши, ёшларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда ва бунда асосан ўзбек оиласининг ўрни беқиёсдир.

"Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз,-деган эди биринчи президентимиз И.А.Каримов,-жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир".

Биринчи президентимиз таъкидлаганларидек, "Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади"[4].

Ўзбекистон мустақилликка эришганини дастлабки кунларидан бошлаб ёшларни тарбиялаш ва шакллантириш масаласи кун тартибида турган асосий масала десак муболаға қилмаган бўламиз. Биз Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир" деган фикрини кўп мушоҳада қиламиз. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳимроқ ва долзарбдир. Чунки таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни қабул қилишдан мақсад ҳам шахснинг эркинлиги, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришдан иборат бўлиб, эркинлик таъминланган жамиятда фикр ривожланади, кишида ҳуқуқий онг шаклланади, бу эса жамият кучли бўлишининг гаровидир[5].

Дарҳақиқат, ёшларни тарбиялашда аввало уларнинг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муҳим ўрин тутади ва бунда миллий маънавий қадриятларнинг ўрни ниҳоятда катта ва муҳимдир. Ёшлар ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Ушбу сўзларидан келиб чиқиб, миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларини шаклланиш босқичларини ва хусусиятларини очиб бериш зарурлигини англаб етган ҳолда, Шарқ мутафаккирларининг таълим –

[4] Инсон бахт учун туғилади. –Т.,1998 йил, 17-бет.
[5] Хушёрликка даъват. –Т.: «Ўзбекистон», 1999 й. 16-бет.

тарбия борасидаги фикрлари, ўгитлари ва панд-насиҳатларига мурожаат қиламиз.

IX-XII асрлар Марказий Осиё маданий юксалишини илк Уйғониш даври ҳисобланган. Бу даврда ахлоқ, одоб, муомала инсон тарбиясининг асосий мақсади бўлиб, ақлда, ахлоқда, маънавиятда етук бўлиш, комил инсонни яратиш, инсонпарварлик, ватанга, одамларга хизмат қилиш бу давр маданиятининг етакчи жиҳатларидандир. Комил инсон ривожланган давлатчиликда шаклланади. Бундай давлатчилик эса ақл ва илмга ўзаро келишув, бирликка эга бўлиш, ўз ҳуқуқини англаши натижасида амалга оширилади деб таъкидлашади ўша давр мутафаккирлари.

Имом ал-Бухорийнинг ёшларни тарбиялаш борасидаги бой ва қимматли илмий мероси ҳам диққатга сазовордир. Уларда меҳр-муҳаббат, сахийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик ва ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар, ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги акс эттирилган.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобийнинг фозил жамоа ҳақидаги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги фикрлари билан узвий боғлиқликда бўлиб, фозил жамоада комил инсон хислатлари вужудга келади яъни ахлоқ-одобли етук инсон ўн икки фазилатга эга бўлиши ҳақидаги таълимотлари илғор ижтимоий тафаккур тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди.

Мутафаккир шоир Носир Хисрав “Маънавий жиҳатдан улғаймоқчи бўлсанг, мартабангни юқори кўтаришни истасанг, жаҳоннинг улуғларига яқинлашишни ҳоҳласанг илм ўрган, ақлу идрокингни такомиллаштир. Илм-фан одамни ҳақиқий инсон бўлишига эриштирса, нодонлик эса уни одамийлик даражасидан четлаштиради” деган фикрлари билан ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиясида илм-фанни роли ниҳоятда катта эканлигини кўрсатиб ўтади.

XV аср жаҳон маданиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий асарларида баркамол инсонни тарбиялаш масаласи муҳим ўрин тутади ва бу меҳнатсеварлик, покланиш, ҳалоллик, имон-эътиқодли бўлиш орқали амалга ошишини илмий асослаб беради. У ўзининг “Махбуб-ул-қулуб” асарида баркамол инсон тимсолини яратади. Асарда инсонни комилликка элтувчи ягона восита-бу сабр бўлиб, у аччиқ, аммо фойда келтирувчи, у қаттиқ, аммо зиён-заҳматларни даф этувчидир деб таъкидланган.

Файласуф шоир Сўфи Оллоёр ўз асарларида комил инсонни тарбиялаб етиштиришни асосий масала қилиб қўяди. Унинг фикрича, инсон маълум эътиқодга эга бўлиши зарур. Эътиқодсиз, аниқ мақсадсиз

киши беҳуда умр кечирган бўлади. Умри зое кетади. Унга тўғри йўлни кўрсатиш зарур деб ҳисоблайди. Инсофу адолатни, ҳалоллик ва тўғриликни, орифлик, ошиқлик, хилват ва узлатни тўлиб-тошиб куйлайди, нафс ва худбинликни қаттиқ танқид қилади.

Шоира жаҳон отин Увайсий инсон тақдири, шахс эрки ва маърифатпарварлик ғояларида латиф ва дилкаш асарлар яратган, асарларида инсонни эъзозлаш, одамнинг табиат ва ҳаёт ноз неъматларидан баҳраманд бўлишга ундаш, дўстлик, вафо ва садоқат каби фазилатларни инсоннинг баркамолликка эришуви деб ҳисоблайди ва ўз даврининг ёш толибларига уларни тез фикрлаши, чиройли сўзлаши ва бошқа таълим-тарбия воситалари билан боғлиқ чистон-топишмоқлар яратган.

Маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний мактаби гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий ва илғор илм-фанни болаларга ўргатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қобилиятига эга бўлишни таъминлайдиган ҳақиқий халқ мактаби бўлиб хизмат қилди.

Амир Темурнинг ёшлардаги ахлоқий фазилатлар ҳақидаги қарашларида уларни Ватанни севишга, ишбилармон, қийин вазиятларда чора топишга, инсофли, қаноатли, сабр тоқатли бўлишга чорлаб, уларни бир-бирига нисбатан аҳил инсон бўлиб етишларини истаган.

Амир Темур миллий урф-одатларни такомиллаштириш, миллий ғурур, миллатга ишонч билан қарашни мустаҳкамлашга, айниқса ёшларни халқ анъаналари руҳида тарбиялашга катта аҳамият берган. У эл орасида урф-одат, удумларини одамлар томонидан бажарилишини кузатиб бориш билан махсус шуғулланувчи ахдос (қози) белгилаб қўйган эди[6]. Амир Темур қайси мамлакатни ўзининг одил сиёсатига бўйсинтириб олса, шу элнинг урф одатини, ёшларни шакллантиришдаги тарбиявий анъаналарини ҳурмат қилган. Бу ҳақида Херман Вамбери "Амир Темур, уларнинг (ўзига қарам қилган халқларнинг) ҳаммасидаги урф-одатлар ва анъаналарни ўз саройига тўплади ва ривожлантирди" [7], деб ёзган эди.

Шунинг учун ҳам ёш авлодни маънавий тарбиялашда миллий маънавий қадрият ҳисобланган шарқ мутафаккирларининг тарбия борасидаги ҳикматли сўзлари, ўгитлари ва панд-насиҳатлари ҳар биримиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Бизга маълумки, ҳар бир юртнинг келажаги ўша давлат ёшларининг, келажак авлодларининг қўлида. Шу боис юртимизда ёшларни тарбиясига жуда катта эътибор қаратиляпти.

[6] «Темур тузуклари». Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси.1991, 5-9-бет.
[7] Вамбери Ҳ. "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи" Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990, 53-бет.

Ёшлар тарбиясини миллий қадриятлар билан уйғун ҳолда олиб бориш тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширади. Таълим-тарбия олдига қўйилган муҳим мақсад ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этишдан иборат. Шу асосда унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни назарда тутади. Тарбиянинг бошқа турлари каби маънавий-ахлоқий тарбия асосини ҳам миллий, ҳам маънавий-ахлоқий қадриятлар ташкил этади.

Шу маънода ёшлар тарбиясини маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғун ҳолда ташкил этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Яна бир муҳим масала ёшларга миллий ва умуминсоний қадриятларга доир билимга эга бўлишни ўргатишдир. Унинг муҳим жиҳати бу инсон омили масаласидир. Мазкур омил ахлоқий ва ақлий камолот муаммосидир. Ана шу омил ватан, миллат манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, инсонда фидойилик, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради.

Ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялашни яна бир муҳим жиҳати –бу уларни доимо меҳнат қилишга, ишбилармонлик, тадбиркорлик, хусусий мулкчилик хусусиятларини ўрганишга ундайди, адолатлилик, эътиқодлиликни шакллантиради.

Маълумки, тарбиянинг миллий ўзига хос жиҳатлари бирлашиб, у доим ривожланиб, бойиб боради. Чунки ҳар бир миллатга унинг аждодлари томонидан яратилган миллий тарбия ўз ўрнини топади, унинг вакиллари онгида мустаҳкамланади. Демак, ҳар бир миллат ўзига хос ахлоқ, одоб ва тарбия воситаларига эга.

Миллат ва миллий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гап борганда таъкидлаш лозимки, миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ, энг асосий қадрияти унинг генофонидир.

Шунингдек, миллий тарбияда ҳар бир инсоннинг жамоат ичида ўзини тутиши, кўпчилик олдида ҳар бир сўзни ўйлаб гапириши, кам гапириб, кўп тинглаши, эл ичида обрў топишнинг қийинлиги, обрўни тўкиш осонлигини англаб етиши, бировга ноўрин маломат қилмаслик, дўст танлашда адашмаслик, доимо яхшиларга ёндашиб юриш, ёмонлардан узоқда бўлиш, ўзи сув ичадиган қудуққа туфламаслик, уришганларни яраштириб қўйиш ва ҳоказолар; ҳалоллик, инсофлилик борасида меҳнатсевар, адолатли кишиларга тўғри ва ёқимли муносабатда бўлиш, муҳтож кишиларга кўмагини аямаслик, барчага меҳр оқибатли бўлиш, бахил бўлмаслик, таъмагирлик қилмаслик, кўнгилда кек ва ғараз сақламаслик, иғво, дангасалик, чақимчилик, ғирромлик, ўғриликдан узоқда бўлиш каби юксак ахлоқий

фазилатларни ўзида шакллантириш ўзига хос жиҳатларимизни белгилайдиган мезонлардир. Бундан ташқари, ёшларимизда муҳим қадриятларимиздан саналган табиатга, ундаги наботот ва ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббатда бўлиш, уларни асраб авайлаш, табиатга зарар келтирувчиларга муросасиз бўлиш, турар жойларни покиза ва озода сақлаш каби фазилатларни тарбиялаш ҳам миллий тарбиямизнинг ўзига хос жиҳатларидан ҳисобланади.

Демак, ёшларимиз онги ва тафаккурига ушбу сифат ва хусусиятларни сингдира олсак, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик мужассамлашади. Бундай ёшларимиз эса Ватанимиз истиқболини белгилаб беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т, «Ўзбекистон», 1999, 23-бет.
2. Кори Низомиддин бин Мулла Хасан. Илми ахлоқ. Т, «Ёзувчи», 1994, 5-бет.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т, «Ўзбекистон», 1992, 23-бет.
4. Ҳушёрликка даъват. Т, «Ўзбекистон», 1999 й, 16-бет.
5. Инсон бахт учун туғилади.Т,1998йил, 17-бет.
6. “Темур тузуклари”. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси.,1991, 5-9-бет.
7. Вамбери Ҳ. “Бухоро ёҳуд Моворауннаҳр тарихи” Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990, 53-бет.

**Алишер МАДРАХИМОВ**

*Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти кичик илмий ходими, институт мустақил тадқиқотчиси.*

## БУГУНГИ КУН ЖАМИЯТИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дунё глобаллашув шароитида шиддат билан ўзгариб бормоқда ва бу ўз ўзидан инсонларнинг маънан ахлоқан, жисмонан ва тафаккуран ҳам ўзгаришига олиб келмоқда. Ҳолатни чуқур ва атрофлича таҳлил қиладиган бўлсак, ижобий ва салбий жиҳатларини кўришимиз мумкин. Албатта ижобий жиҳатларини ҳар куни кўча-кўйда инсонларни кузатиш ва улар билан суҳбат қуриш ҳамда амалга ошираётган ишларини таҳлил қилган ҳолда билишимиз мумкин. Лекин инсонларни салбий жиҳатларини ва унга таъсир этувчи омилларни ҳар ким ҳам вақтида англаб олиши бироз мушкул. Бунга сабаб сифатида инсон ўзини борича кўрсатишдан қочишини ва яхши ҳислатларини намойиш қилишга интилишини келтириш эҳтимоли ўринлидир.

Шу ўринда XIII асрда яшаб ижод қилган буюк аллома Жалолиддин Румийнинг “Ҳар не бўлсанг бўл – ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл” пурмаъно ҳикмат беихтиёр ёдимга келади. Бу мисралар ботинан чуқур фалсафий маънони англатса-да, зоҳиран қараганда ҳозирда ўзларининг турли ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилаётган жоҳил, манфур кимсаларга айтилгандек, назаримизда. Бугунги кун жамияти инсонларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини қуйидагича кўришимиз мумкин. Ахлоқий бузилиш, прагматизм, ҳаётнинг мазмуни ва истеъмол қилиш маданиятини йўқотиш, гиёҳвандлик, алкоголизм ва бошқалар. Бу жамиятдаги руҳий инқироз ва шахснинг маънавий соғлиғининг йўқолишини кўрсатади.

Ушбу иллатларнинг жамиятда мавжудлиги ва ёшлар ўртасида кенг тарқалаётганлиги ачинарли ҳолдир. Эътиборли жиҳати ёшлар ўртасида юқоридаги салбий хусусиятлардан ташқари эгоизм, бефарқлик, лоқайдлик, ўзбилармонлик, ташқи дунёдан узилган ҳолда яшаш (ижтимоий тармоқлар таъсирида) кабилар ривожланмоқда. Бу ўз навбатида ҳозирги босқичда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ўта долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Фикримиз исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини келтириб ўтсак ўринлидир. “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак”[8].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон мураккаб ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Бутун дунё жамияти олдида турган энг катта хавф – бу иқтисодиётнинг қулаши, сиёсий тизимнинг ўзгариши ёки шахсни жисмонан йўқ қилиниши эмас балки, бугунги кунда моддий қадриятлар маънавий қадриятлардан устунлик қилаётган даврдир. Шунинг учун ёшлар меҳр-мурувват, сахийлик, адолат, фуқаролик ва ватанпарварлик каби туйғуларни нотўғри талқин этмоқдалар. Ана ўша нарса энг катта хавф саналади.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, муаммосини ўрганишнинг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади. Биринчидан, жамиятда ахлоқий қадриятлар тизимининг деформатсияси, маданий хулқ-атвор қоидаларининг эътиборсизлиги, бепарволикнинг мавжудлиги. Жамият томонидан маънавий қадриятлар ва меъёрлар, хатти-ҳаракатларнинг ахлоқий мезонларининг йўқолиши ёшларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш устуворлигини англаш зарурлигини тақозо этмоқда.

Иккинчидан, юртимизда замонавий таълим тизимини янгилаш жараёнида ижтимоий фанларни ўқитилиши. Таълимда моддийликни яратишга қаратилган фанлар сони ва соатларни кўпайтириш орқали ижтимоий фанлар инқирозига олиб келинди. Бу ўз навбатида ёшларда ватанпарварлик, инсонийлик, ахлоқ, одоб, меҳр ва виждон каби ҳислатларни ривожланмаслигига олиб келмоқда.

---

[8] Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 20.09.2017 йил. URL: https://president.uz/uz/lists/view/1063

Учинчидан, оилаларда фарзанд тарбияси билан боғлиқ билимларни етишмаслиги ва уларга бефарқлик. Жамиятдаги барча оилалар турли ғоя ва мафкуралар учун объект ҳисобланади. Оилаларга кириб бора олган мафкуралар учун оила ўз аъзоларига ана шу мафкура ғояларини сингдирувчи мафкуравий муассаса ролини ўтайди. Таъкидлаш керакки, тарихан барча мафкуралар оилага айнан мана шундай тамойиллар орқали ёндашиб келган. Улар ўзларидаги энг асосий ғоя ва категорияларни айнан оила орқали кишилар онгига етказган. Бунга мисол сифатида тарихчи Наршахий томонидан ёзиб қолдирилган Араблар томонидан Бухоро халқига ислом ғояларини сингдириш жараёнини келтириш мумкин: “Қутайба араблар бухороликлар билан бирга яшаб уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқаришни тўғри топди ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга уларни мажбур этди”[9]

Тўртинчидан, ахборот ва алоқа воситаларининг салбий таъсири. Янги ахборот имкониятлари кўпинча ёшларни мавҳумликлар дунёси билан боғлайди, бу уларга ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг ҳақиқий хусусиятларини ўзлаштиришга, атрофдаги одамларга ғамхўрлик кўрсатишга ва шахсий ва жамоат манфаатларининг уйғунлигига эришишга тўсқинлик қилади.

Дунё давлатлари ўртасида олиб борилаётган ҳозирги кундаги урушлар маълум бир давлатни ҳудудини эгаллаш ва иқтисодини барбод қилиш мақсадида эмас балки, ўша ҳудудда истиқомат қилаётган инсонларни қалби ва онгини эгаллаш учун амалга оширилмоқда. Бугунги замон глобаллашуви жараёнида кимки ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳукмронлик қилади, деган ибора бежиз пайдо бўлгани йўқ. Ахборот орқали инсонларнинг онги ва қалбига кириб борилмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича дунёда 20га яқин давлатда ҳаракатлар давом этаётган бўлса, 120га яқин давлат эса ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бормоқда. Улар бунинг учун ҳатто миллион-миллионлаб доллар маблағ сарфлашдан ҳам тап тортишмаяпти. Айтайлик бундай жараёнга мисол тариқасида “оммавий маданият”ни ёки АҚШнинг “Америка орзуси” ғоясини келтириш мумкин. Бевосита буларга кўр-кўрона эргашиш ва интилиш орқали ўзбек миллатининг маънавий, маданий ва миллий қадриятлари пасайишига олиб келмоқда.

Ушбу иллатларни юртимизга кириб келиши ва кенг миқёсда авж олишида турли ижтимоий тармоқлар, виртуал ўйинлар, рок ва поп

---

[2] Наршахий. “Бухоро тарихи”. форс тилидан Расулев А. тарж. Т.: “Камалак”, 1991. Б. 123.

мусиқалари воситачи сифатида рол ўйнамоқда. Айниқса, ахборот хуружларининг ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипулятсия қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган бегона қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда. Энг ачинарлиси, ёш авлоднинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида "ўргимчак тўри" деб ном олган интернет тармоғига мурожаат қилмоқда.

"Google" компанияси таҳлилларига кўра, Ўзбекистондан кунига "Odnoklassniki.ru" сайтига – 200000, "Facebook" сайтига – 90000га яқин, "Моймир" сайтига – 40000 нафардан ортиқ инсон кирмоқда. Ваҳоланки, юртимиздаги doira.uz, kun.uz, muloqot.uz, olam.uz каби сайтларда рўйхатдан ўтган фуқароларимизнинг барчаси жамланса ҳам юқоридаги миқдорга етмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам юқоридаги салбий иллатларни ёшларда пайдо бўлмаслиги ва ёш авлодни мустақил фикрга эга, мафкуравий иммунитети кучли, ватанпарвар шахслар қилиб тарбиялашда катта ютуқларга эришиш учун барчамиз бирдек масъулмиз. Зеро, бугунги кун жамиятида ёшларнинг маънавий-ахлоқий хусусиятларини камол топтиришда маънавий ва мафкуравий масалада масъул бўлган катта авлоднинг, ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёсдир.

Келажаги буюк ва эртанги куни порлоқ юртга, миллатга ҳар томонлама соғлом, маънан етук ёшлар зарур. Шу боис, бугунги кунда ёш авлод тарбиясига бўлган эътибор бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Биринчи Президентимизнинг: "Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кираяпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман", деган сўзлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам. Шундай экан, ёшларимиз онгини эгаллашга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга, миллий манфаатларимизга рахна солишга, маънавиятимизга тажовуз қилишга, умримиз мазмуни бўлган тарихий хотирамизни бузишга уринаётган ғаразли кучларга қарши доимо огоҳ туришимиз даркор. Ана шундагина ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси мустаҳкам бўлади ва биз кўзлаган улуғвор мақсадларимиз бўлмиш учинчи Ренессансни яратамиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 20.09.2017 йил.
2. Наршахий. "Бухоро тарихи". форс тилидан Расулев А. тарж. Т.: "Камалак", 1991.

**Tolib SIROJIDINOV**

Yoshlar muammolarini oʻrganish va
istiqbolli kadrlarni tayyorlash
instituti boʻlim boshligʻi

**Sardorbek DIYOROV**

Yoshlar muammolarini oʻrganish va
istiqbolli kadrlarni tayyorlash
instituti tayanch doktoranti

# OLIY TA’LIM TASHKILOTLARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA BAHOLASH TIZIMINING AHAMIYATI

***Annotatsiya.*** *Maqolada oliy ta’lim muassasalari faoliyati samaradorligini oshirish hamda istiqbolini belgilashda ta’lim sifatini baholashning ahamiyati va uning mazmun mohiyati borasida fikr yuritilgan. Shuningdek xorijiy oliy ta’lim tashkilotlarida sifatni baholash tizimi turlari va ularning faoliyatlari ochib berilgan.*

***Kalit so’zlar:*** *Oliy ta’lim tashkiloti, ta’lim sifati, markazlashgan tashqi baholash tizimi, ichki baholash tizimi, Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nigher Education, Academic Ranking of World Universities.*

Dunyoda ta’lim sifatini baholash va istiqbolini belgilash masalalariga alohida e’tibor qaratilib, shu maqsadga xizmat qiladigan barcha usul va vositalardan keng foydalanilmoqda

Jahondagi rivojlangan davlatlar tajribasi har qanday iqtisodiy oʻsishning eng muhim omili asta-sekin tugab borayotgan tabiiy zaxiralar emas, balki bitmas-tuganmas hisoblangan inson omili hamda millatning ilmiy salohiyati va yuksak malakali kadrlar zaxirasi ekanligidan dalolat bermoqda. Fan va texnika, innovatsion texnologiyalar asosida barpo boʻlayotgan raqamli iqtisodiyot yuqori darajada rivojlangan ta’lim tizimiga, birinchi navbatda, oliy ta’lim tizimi sifatiga bogʻliqdir. Binobarin, oliy ta’lim sifatini muttasil yuksaltirish, kadrlar malakasini doimiy ravishda oshirib borish, faqat bugungi kun emas, balki ertangi kun ehtiyojlarini ham qondiradigan mutaxassislar tayyorlash jahon oliy ta’lim tizimi oldida turgan dolzarb vazifa hisoblanadi[1].

Oliy ta’lim sifatini ichki oʻzini-oʻzi baholash tizimi AQSH va sifatni baholashning Amerika modelini qabul qilgan davlatlarga xosdir. Yevropa oliy ta’lim sifatini baholash tizimiga e’tiborimizni qaratadigan boʻlsak, bu tizim

[1]Sobirova U.F. Oʻzbekiston Respublikasi oliy ta’lim sifatining sotsiologik monitoring. Sot.fan.dok. (DsC)…diss.- Toshkent, 2021. -B. -275.

ikkita yondashuvni oʻz ichiga oladi: kontinental (Yevropa davlatlari), Britaniya konfederatsiyasi ijtimoiy tuzilmasi (ingliz tili va ta’limga ustuvorlik beruvchi davlatlar). Kontinental yondashuvda oliy ta’lim sifati OTM bitiruvchilarining Yevropa mamlakatlari iqtisodiyoti rivojiga hissa qoʻshishiga qay darajada tayyor ekanligi bilan baholanadi. Bunday holatlarda mutaxassislar davlat buyurtmasi asosida o’qitiladi va OTMlar hukumat tomonidan moliyalashtiriladi. Bunda ta’lim sifatini nazorat qilish, uni baholash tashqi baholash tizimiga asoslanadi. Britaniya yondashuvi mustaqilligi va avtonomligi bilan ajralib turadi, chunki Britaniya universitetlari rivojlanishini va nazorat shakllarini tanlashda erkindir. Bu Britaniyaning oliy ta’lim tizimi hukumat mablagʻlariga tayanmasligi bilan bogʻliq. Ushbu yondashuv doirasida ta’lim sifatini ichki baholash tizimi amalga oshiriladi[2].

Har qanday sohaning rivojlanishida, uning kelajagini belgilashda, taqdirini hal qilishda, oʻzida liderlik qobiliyatlarini mujassamlashtirgan, yuksak intellektual salohiyatga ega soha mutaxassislari juda ham kerak. Shunday ekan biz bozor iqtisodiyoti sharoitida aholini intellektual darajasini oshirishni ta’minlash uchun jahon bozori talablariga asoslangan holda oliy ma’lumotli, malakali mutaxassislarni tarbiyalashimiz kerak. Bu esa o’z navbatida nafaqat sohalarning, balki davlatning ham istiqbolini belgilab beradi.

Mamlakatimizda ta’lim tizimini, xususan oliy ta’limni tubdan isloh qilish davlat siyosatining ustuvor yoʻnalishiga aylangan. Soʻngi besh yilda 70ga yaqin oliy ta’lim muassasasi tashkil etilib, ularning soni filiallari bilan birgalikda 159taga etdi. Toshkent shahrida 72ta, hududlarda 87ta oliy ta’lim muassasasi mavjud. Shundan: universitet – 28ta; institut – 47ta; akademiya – 3ta; konservatoriya – 1ta; filial – 26ta; xorijiy OTM va uning filiallari – 30ta; nodavlat OTM – 24tani tashkil etadi. Oliy ta’lim muassasalari soni oshganligi sababli qabul kvotalari ham uch barobarga oshirildi[3].

Shu sababdan ta’lim sifatini oshirish maqsadida ustuvor vazifalarni belgilab olishimiz va ularni ta’limga tatbiq etishimiz kerak.

Bu borada Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev raisligida 2021-yil 16-iyun kuni oliy ta’lim tizimidagi ustuvor vazifalarga bagʻishlangan video selektor yigʻilishi boʻlib oʻtdi. Yigʻilishda davlatimiz rahbari sohadagi toʻrtta ustuvor vazifani koʻrsatib oʻtdi:

*birinchisi* – oliy ta’lim muassasalari boshqaruv kengashlarining rolini oshirish va kafedralar vakolatlarini kengaytirish;

*ikkinchisi* – oʻquv jarayonini bozor talablariga moslashtirib, ishlab chiqarish bilan uzviyligini ta’minlash va talabaning oʻz ustida ishlashi uchun muhit yaratish;

---

[2] Davletova M.Sh. Oʻzbekiston davlatining oliy ta’lim sohasidagi siyosati va uning rivojlanishi: Siyos.fan.nomz. … diss. –Toshkent, 2007. –B. – 149.

[3] https://daryo.uz/2022/02/13/ozbekistondagi-oliy-talim-muassasalari-soni-malum-qilindi/

*uchinchisi* – oliy ta'lim muassasalarining ilmiy salohiyatini oshirish, ilm-fan va innovatsiyani rivojlantirish;

*to'rtinchisi* – professor-o'qituvchilar va talabalar uchun qog'ozbozlikni kamaytirish, sohani raqamlashtirish orqali byurokratiya va korrupsiyani keskin qisqartirish. Bu vazifalarni samarali bajarish uchun oliy ta'lim muassasalariga akademik va tashkiliy-boshqaruv bo'yicha mustaqil qaror qabul qilish vakolati berilishi ta'kidlandi[4].

Bundan tashqari davlat rahbari tomonidan O'zbekiston Respublikasida oliy ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, oliy ta'limni modernizatsiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida 2019-yil 8-oktabrda *"O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi* PF-5847-son farmonni imzoladi[5]. Bularning barchasi shaksiz ta'lim sifatini oshirishga, oliy ta'lim muassasasini xalqaro e'tirof etilgan tashkilotlar (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nigher Education yoki Academic Ranking of World Universities) reytingining yuqori o'rinlaridan joy olishga xizmat qilishga qaratilgan.

Shu o'rinda ta'kidlab o'tish joizki, yuqori sifatli ta'lim tizimini yaratish uchun ta'lim sifatini baholab borish hamda monitoring qilishning tamomila yangi va benuqson mexanizmi joriy etilishi zarur bo'lib, undan samarali texnologiya sifatida foydalanish muhim ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etadi. Butun dunyoda oliy ta'lim sifatini monitoring qilish bo'yicha qator yo'nalishlar asosida tadqiqotlar olib borilmoqda: jumladan, ta'limni rivojlantirish, sifat tizimida baholash kategoriyasi, ta'limni standartlashtirish va ta'lim sifatini boshqarish, kadrlar tayyorlash sifatini baholash, ta'limda mehnat taqsimoti, inson omilini takomillashtirish, ta'lim-tarbiyaning ahamiyati, o'quv faoliyatida bilimlarning foydaliligi, ta'lim tizimi holatini aniqlash, monitoring indikatorlarini baholash, oliygohlarning o'zaro munosabatlari va ularni rivojlantirish yo'llarini aniqlash va boshqalar.

Yigirmanchi asrning oxirida shakllana boshlagan oliy ta'lim sifatini baholashning jahondagi mavjud tizimlari majmuini shartli ravishda ikki turga bo'lish mumkin: ***oliy ta'lim sifatini markazlashgan tashqi baholash ustun bo'lgan tizim va oliy ta'lim sifatini ichki baholash ustun bo'lgan tizim.*** Tashqi baholash oliy ta'lim sifatini baholash tizimida davlat organlarining roli ustun bo'lgan davlatlarda keng tarqalgan. Bunday organlarga ta'lim

[4]https://yuz.uz/uz/news/oliy-talim-tizimidagi-ustuvor-vazifalar-belgilandi?view=ozbekiston-prezidenti-mamlakatimiz-hududlari-va-tatariston-ortasidagi-hamkorlik-uchun-keng-imkoniyatlar-borligini-takidladi

[5] https://lex.uz/docs/4545884

vazirliklari yoki oliy ta'lim sifatini ta'minlash uchun mas'ul bo'lgan maxsus davlat organlarini kiritish mumkin. Bunday davlatlarda o'zini o'zi baholash ko'pincha rasmiy darajada amalga oshiriladi.

Tashqi baholash jamoat tashkilotlari tomonidan amalga oshirilishi mumkin. Bunda baholash davlat yoki jamoatchilik nazorati, litsenziyalash, davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish va boshqalardan iborat bo'ladi. Markazlashgan tashqi baholash aksariyat Yevropa mamlakatlarida, shuningdek MDH davlatlarida keng tarqalgan. Bunda davlat tomonidan o'rta va oliy ta'limning progressiv yangi shakllarini tartibga soluvchi qoidalar ishlab chiqiladi. Inson kapitalini rivojlantirish uchun ma'muriy munosabatlarni huquqiy tartibga solishda yangi yondashuvlar qo'llaniladi[6].

Asosan ta'lim siyosatida tashqi baholash tizimi faoliyat olib boradigan yoki ustun bo'lgan davlatlarda oliy ta'lim muassasalari reytinglarda orqada qolayotganini ko'rishimiz mumkin. Shu sababdan ta'lim siyosatini chuqur o'ylab ko'rishimiz kerak. Oliy ta'lim muassasalarining bozor iqtisodiyoti asosida shakllantirilmaganligi, akademik va tashkiliy-boshqaruv bo'yicha mustaqil qaror qabul qilish vakolati berilmaganligi, ta'lim muassasalari qabul kvotalari uchun o'zlari kurash olib bormaganligi, xarajatlar smetasi to'laligicha davlat byudjeti mablag'lari hisobidan qoplanganligi sababli ta'lim muassasalari rahbar xodimlariga ta'limni rivojlantirish, sifatini oshirish uchun maxsus ishlab chiqilgan rejalar asosida faoliyat olib borishlariga ta'sir etishi yoki rahbariyatning asosiy e'tibori ta'lim sifatini oshirishga emas, balki yuqorida turuvchi davlat organlari tomonidan ko'plab kelayotgan topshiriqlarni bajarishga qaratilishiga olib kelishi mumkin. Bu esa o'z navbatida, ichki baholash tizimidan ko'ra tashqi baholash tizimining kuchayishiga olib keladi (O'zbekistonda ham tashqi baholash ustun bo'lib bu vazifani "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi" amalga oshiradi).

Shu va shu kabi muammolarni bartaraf etish maqsadida davlatimiz rahbari Sh. Mirziyoyev ta'lim siyosati bo'yicha 2021-yil 24-dekabr kuni davlat oliy ta'lim muassasalarining akademik va tashkiliy-boshqaruv mustaqilligini ta'minlash bo'yicha chora tadbirlar to'g'risidagi qarorni imzoladi[7]. Bu qaror shu kungacha oliy ta'lim siyosati bo'yicha qilingan eng muhim qarorlardan biri bo'lib, O'zbekiston oliy ta'lim muassasalarining yuqori reytinglarni egallashiga, ta'limni xalqaro standartlar asosida shakllanishiga, pirovardida yuqori saviyali, yuksak salohiyatli mutaxassislar yetishib chiqishiga zamin bo'ladi. Qaror ijrosi bo'yicha bugungi kunda 35ta oliy ta'lim muassasalarga akademik va tashkiliy-boshqaruv mustaqilligi berildi, qolgan oliy ta'lim

[6] SobirovaU.F. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim sifatining sotsiologik monitoring. Sot.fan.dok. (DsC)…diss.– Toshkent, 2021.-275

[7] https://lex.uz/uz/docs/5793261

muassasalariga ham bu jarayonlarni bosqichma-bosqich amalga oshirish rejalashtirilgan.

Albatta, raqamlardagi oʻsish sezilarli darajada oshganligi yaxshi, lekin sifat borasidagi oʻzgarishlar sezilmayapti. Taʼlim sifatini yaxshilash, oʻquv jarayonlarini bozor ehtiyojidan kelib chiqib tashkil etish masalasi nazardan chetda qolib ketmoqda. Taʼlim sifatini oshirish maqsadida koʻp urinishlar, saʼy-harakatlar qilinyapti, lekin natija biz kutgandek boʻlmayapti. Oliy taʼlim sifatini oshirish uchun taʼlimni tubdan isloh qilish bugungi kunning eng dolzarb vazifasiga aylanmoqda, zero kelajak biz bugungi kunda tarbiyalayotgan yoshlar qoʻlida ekanligini unutib qoʻymasligimiz kerak.

Oliy taʼlim sifatini baholash tizimlarining ikkinchi turida hukumat darajasidagi tashqi baholash organlari mavjud emas, yoki mavjud boʻlsa ham, ular baholash tizimida hal qiluvchi rol oʻynamaydi. Bunday tizimda oliy taʼlim muassasalarining ichki, oʻzini-oʻzi baholash jarayoni amal qiladi. Taʼlim sifatini baholash OTM ning oʻzi tomonidan amalga oshiriladi va u taʼlim muassasasining faoliyatini takomillashtirishga qaratiladi. Bunda, jarayon samaradorligiga koʻp hollarda OTM rahbarlarining adolatparvarligi hal qiluvchi rol oʻynashi aniqlangan.

Oliy taʼlim muassasalari bozor iqtisodiyoti asosida tashkil etilib, ularda akademik va moliyaviy erkinlik boʻlsa, bu oliygoh oʻz reytingini oshirish uchun faoliyat olib boradi. Bu kabi oliy taʼlim muassasalaridagi ichki baholash tizimining asosiy funksiyasi, oliy taʼlimdagi kamchiliklarni topib, ularga jazo choralarini qoʻllash emas, balki oqsab turgan nuqtani aniqlash va u sohani rivojlanib ketishi uchun turli xil mexanizmlar, metodlar, usul va vositalar ishlab chiqishdan iboratdir.

Taʼlim sifatini ichki nazorat qilish ustun boʻlgan universitetlarining rivojlanish koʻrsatkichlari yuqori boʻlib, aksariyati “TOP universitetlar” roʻyxatidan joy olgan. Misol tariqasida ichki baholash tizimi ustun boʻlgan AQSH va Buyuk Britaniya universitetlarini olaylik. Universitetlar reytingini aniqlovchi eng mashhur agentliklardan biri hisoblangan QE (Quacquarelli Symonds) 6ta indikator asosida 2022-yil uchun “TOP-1000” taligidan o’rin olgan universitetlar roʻyxatini eʼlon qildi, unga koʻra 151ta universiteti bilan AQSH peshqadamlik qildi. Ikkinchi oʻrindan joy olgan Buyuk Britaniyaning 84ta universiteti TOP-1000talikka kiritilgan[8].

Oliy taʼlim muassasalariga iqtisodiy va akademik erkinlik berib, taʼlimda erkin raqobat muhitini yaratish kerak. Oliygohlar oʻz reyting va nufuzini oshirish uchun kurash olib borishlariga, erkin faoliyat yuritishlariga zamin yaratib berish juda muhimdir. Oliy taʼlim sifatini ichki baholash tizimi kuchaytirilib, sifat nazoratini o’zlariga bersa hamda tashqi kuchlarning taʼsiri boʻlmasa, ular oʻzlari uchun rivojlanish mexanizmlarini ishlab chiqadi va bu orqali universitetlar istiqbolini belgilash, taʼlim sifatni oshirish mumkin.

---

[8] https://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2022

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Davletova M.Sh. O'zbekiston davlatining oliy ta'lim sohasidagi siyosati va uning rivojlanishi: Siyos.fan.nomz … diss. –Toshkent, 2007. -149b.
2. Sobirova U.F. O'zbekiston respublikasi oliy ta'lim sifatining sotsiologik monitoring. Sot.fan.dok. (DsC)…diss. –Toshkent, 2021. -275 b.
3. https://daryo.uz/2022/02/13/ozbekistondagi-oliy-talim-muassasalari-soni-malum-qilindi/
4. https://yuz.uz/uz/news/oliy-talim-tizimidagi-ustuvor-vazifalar-belgilandi?view=ozbekiston-prezidenti-mamlakatimiz-hududlari-va-tatariston-ortasidagi-hamkorlik-uchun-keng-imkoniyatlar-borligini-takidladi
5. https://lex.uz/docs/4545884
6. https://lex.uz/uz/docs/5793261
7. https://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2022

# M U N D A R I J A

**Aktam JALILOV**. Religious Context of Marriage Preparation in Uzbekistan……3
**Alisher YUNUSOV**. O‘zbekiston yoshlarining qadriyat mo‘ljallari………………15
**Anne-Charlotte MARCOMBE**. Environmental values and youth: a comparative study between Canada, France and Uzbekistan…………………….....24
**Azim XOLMAXMATOV**. Turli yosh guruhlarida qadiriyat mo‘ljallari va ularning o‘ziga xosligini aniqlashning nazariy-metodologik xususiatlari……...31
**Kamoliddin QODIROV**. Yosh rahbar va xodimlardagi shaxsiy qadriyatlarning boshqaruv qarorlarini qabul qilish uslubiga ta’siri……..........................................40
**Nargiza NORKULOVA**. Yoshlar orasida suitsidal xulq-atvorni oldini olishda affiliatsiya motivatsiyasining tutgan o‘rni...............................................................56
**Baxrom TADJIBAYEV**. Qadriyatlar va deviantlik……………….........................69
**Maxsad ISABAYEV**, **Nodirxon ABBOSOV**. Milliy va umuminsoniy qadriyatlar nisbati…..............................................................................................................…76
**Mukhammadkadir MAKHMUDOV**, **Ibrokhim ATAMIRZAYEV**. The role of the family in the legal socialization of the individual in the conditions of reforming Uzbekistan……………...................................................................................86
**Xurshid MIRZAXMEDOV**. Yoshlar - transformatsiyalashuv obyekti sifatida……………………………………………………………………………………...98
**Moxira XALIKOVA**. Гендерная сенситивность как важная компетентность личности и парадигма современного общества……....109
**Madina XUDOYOROVA**. Gender tenglik va zamonaviy qadriyatning shaxs baxtlilik darajasiga ta’siri……………………………………………………………….....121
**Barnoxon RAYIMXO‘JAYEVA**. Oila zamonaviy yoshlar qadryatlari tizimida.......................................................................................................................131
**Ibodulla ERGASHOV**, **Barxayotjon ABDULLAYEV**, **Azamatjon XUDOYNAZAROV**, **Muattar BERDIYEVA**. Yoshlar va qadriyatlar tizimining transformatsiyasi..........................................................................................................141
**Madina ABDURAXMANOVA**. Использование материалов о боевых подвигах женщин-узбечек в формировании гендерного равенства среди молодежи……………………...................................................................................153
**Sharifbobo XASANOV**. Tarbiya – jamiyatda yuksak shaxs va mamlakatimizda uchinchi renessans bunyodkorini shakllantirishning ma’naviy asosi………....165
**Abdujabbor QAMBAROV.** Yoshlarimizda madaniy meros va an’anaviy qadriyatlar tarixiy tafakkurni rivojlantiruvchi vosita sifatida……………………176
**Shohida SODIQOVA**, **Lobar ERYIGITOVA**. Gender tengligi va qadriyatlar……………………………………………………………………………….....187
**Islomiddin ABROROV**. Values of youth political participation: status and prospects………………………………………………………………………………….....194
**Shohruxbek MINGBOYEV**. Zamonaviy yoshlar qadriyatlari va jamiyat boshqaruvi…...........................................................................................................203

**Sanobar TO‘RAYEVA**. Yoshlar tarbiyasida oilaviy va axloqiy qadriyatlarning ahamyati........................................................................................................................226
**Alisher MADRAXIMOV**. Bugungi kun jamiyatida yoshlarning ma’naviy-axloqiy xususiyatlari..........................................................................................................233
**Tolib SIROJIDDINOV**, **Sardorbek DIYOROV**. Oliy ta’lim tashkilotlari faoliyati samaradorligini oshirishda baholash tizimining ahamiyati……………………..237

## C O N T E N T

**Aktam JALILOV**. Religious Context of Marriage Preparation in Uzbekistan……3
**Alisher YUNUSOV**. Value goals of the youth of Uzbekistan……………………....15
**Anne-Charlotte MARCOMBE**. Environmental values and youth: a comparative study between Canada, France and Uzbekistan……………………....24
**Azim XOLMAXMATOV**. Theoretical and methodological features of determining value goals and their uniqueness in different age groups……......31
**Kamoliddin QODIROV**. The influence of personal values of young leaders and employees on the style of management decision-making …………………..…....40
**Nargiza NORKULOVA**. The role of affiliation motivation in preventing suicidal behavior among youth.........................................................................................................56
**Baxrom TADJIBAYEV**. Value and deviance ........……………….................................69
**Maxsad ISABAYEV**, **Nodirxon ABBOSOV**. The ratio of national and universal values…................................................................................................................….76
**Mukhammadkadir MAKHMUDOV**, **Ibrokhim ATAMIRZAYEV**. The role of the family in the legal socialization of the individual in the conditions of reforming Uzbekistan……………...........................................................................................86
**Xurshid MIRZAXMEDOV**. Youth as an object of transformation……………....98
**Moxira XALIKOVA**. Gender sensitivity as an important personal competence and a paradigm of modern society ……………………………………………………....109
**Madina XUDOYOROVA**. Influence of gender equality and modern values on the level of personal happiness ………………………………………………………..…...121
**Barnoxon RAYIMXO'JAYEVA**. Family in the value system of modern youth.......................................................................................................................................131
**Ibodulla ERGASHOV**, **Barxayotjon ABDULLAYEV**, **Azamatjon XUDOYNAZAROV**, **Muattar BERDIYEVA**. The transformation of the youth and the value system.........................................................................................................141
**Madina ABDURAXMANOVA**. The use of materials on the military exploits of Uzbek women in the formation of gender equality among young people ………………………………………………………………………………………………....153
**Sharifbobo XASANOV**. Education is the moral basis of forming a intelectual person in society and the creator of the third renaissance in our country….........................................................................................................................165
**Abdujabbor QAMBAROV.** Cultural heritage and traditional values as a means of developing historical thinking in our youth…………………………………..…176
**Shohida SODIQOVA**, **Lobar ERYIGITOVA**. Gender equality and values……………………………………………………………………………………………187
**Islomiddin ABROROV**. Values of youth political participation: status and prospects……………………………………………………………………………………...194
**Shohruxbek MINGBOYEV**. Contemporary youth values and community management….......................................................................................................203

**Sanobar TO'RAYEVA.** Importance of family and moral values in youth upbringing.........................................................................................................................226
**Alisher MADRAXIMOV.** Spiritual and moral characteristics of youth in today's society……..........................................................................................................233
**Tolib SIROJIDDINOV**, **Sardorbek DIYOROV.** The importance of the Assessment System in improving the efficiency of Higher Education Organizations ………………………………………………………………………………...237

**YOSHLAR MUAMMOLARINI O’RGANISH VA ISTIQBOLLI KADRLARNI TAYORLASH INSTITUTI**

O’zbekiston Respublikasi 100003, Toshkent shahri, I.Karimov ko’chasi, 45

tel: 871-232 6145, faks: 871-232 6145

www.yomi.uz, email: info@yomi.uz